ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

М.Қ.ПАРДАЕВ, А.А.АБДИЕВ,
А.Н.ХОЛИҚУЛОВ

ЛОЙИҲА ТАҲЛИЛИ

Маърузалар матни

С А М А Р Қ А Н Д - 2 0 0 7

М. Қ. Пардаев, А.А.Абдиев, А.Н.Холиқулов. Лойиҳа таҳлили. (Маъруза матни). Самарқанд, СамИСИ, 2007. - 225 бет.

Тақризчилар: и.ф.н. доцент Қудратов Т.Қ.
и.ф.н. доцент Худайбердиев У.Х.

Ишда лойиҳа таҳлилининг назарий асослари, бозор муносабатлари шароитида унинг объектив зарурлиги, вазифалари, роли, аҳамияти, предмети, объекти, методи, бошқа фанлар билан алоқаси ёритилган. Унда дисконтлаштириш усуллари, аннуитетлар аниқ мисоллар билан ёрдамида кўрсатиб берилган.

Инвестиция лойиҳасининг молиявий, иқтисодий, техник, тижорат ва институтционал таҳлил усулларига ҳам тўхталган. Инвестиция лойиҳасининг хатарлилигини баҳолаш ва уни таҳлил қилиш, корхона фойдалилик нуқтасини аниқлаш ҳамда фойдага эришиш йўллари ҳам ишда ўз ўрнини топган.

Олий ўқув юртлари иқтисодиёт ва молияга оид ўқув йўналиши талаба ва ўқитувчиларига мўлжалланган. Ундан малака ошириш маркази тингловчилари, аспирантлар, магистрлар, банк ходимлари, инвесторлар ва бошқа инвестиция билан қизиқувчи кенг китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

© СамИСИ, М. Қ. Пардаев, А.А.Абдиев, А.Н.Холиқулов, 2007 йил

К И Р И Ш

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ҳар бир инвестор қаерга инвестиция қўйишни ахтарса, корхоналар, тадбиркорлар инвесторларни ахтаради. Оқибатда улар бир-бирини топади. Бироқ улар ўртасида бир-бирини тушунадиган битта тил бўлиши керак. Бу бизнес тилидир. Чунки иккала томон ҳам ўз фаолиятидан маълум даражада фойда олишни мақсад қилиб қўяди. Бунга эришиш, бир-бирининг «тилига» тушуниш учун улар бизнес тилида гаплашиши керак. Бу тил ролини мазкур ҳолатда таҳлил ўйнайди.

Инвестиция натижасидан инвестор, тадбиркор, давлат ва аҳоли, яъни жамият манфаатдор. Инвесторнинг манфаати унинг инвестиция қўйганлиги учун оладиган фойдасида, тадбиркорнинг манфаати бировнинг маблағини ўз фаолиятига жалб қилиб кўп фойда олиб бир қисмидан ўзи ҳам манфаатдор бўлишида, давлатнинг манфаати эса, шу жараён натижасида олинган фойдадан солиқ олишида, аҳолининг манфаати истеъмол бозорининг маҳсулот (иш, хизмат) билан тўлишида намоён бўлади. Бундан кўриниб турибдики ортиқча маблағни аҳолида бўлса ҳам, корхонада бўлса ҳам сақлаб ўтириш керак эмас экан. Уни инвестицияга қўйиш лозим. Акс ҳолда фақат пулни (маблағни) сақлаб турган субъект эмас, балки ҳамма ютқазади.. Ана шу жараёнларни асослаш учун лойиҳа таҳлили зарурдир.

Ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети, объекти ва методига эга бўлиши лозим. Буни инобатга олиб ишда лойиҳа таҳлилининг моҳияти, аҳамияти ва бозор муносабатлари шароитидаги роли ҳамда вазифаларига алоҳида аҳамият берилди. Лойиҳа таҳлилининг предмети, объекти, методи ва унда қўлланиладиган усуллар бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ёритилган.

Лойиҳа таҳлили бўйича ўзбек тилида ҳамон дарслик чоп этилмаганлигини инобатга олиб унинг таҳлил тизимидаги ўрни ва бошқа фанлар билан алоқасига ҳам тўхталишга тўғри келди.

Лойиҳа таҳлилида бир қанча усуллар қўлланилади. Улардан энг асосийларидан бири инвестиция ва пул оқимларини дисконтлаштириш усулидир.

Ишда шунингдек инвестиция лойиҳасини молиявий жиҳатдан таҳлил қилишнинг мазмуни, моҳияти, зарурлиги, мақсад ва вазифалари, пул маблағлари оқими таҳлили, уларнинг келиб тушиши ва кетиши билан боғлиқ жараёнлар, инвестиция лойиҳасини

молиявий жиҳатдан таҳлил қилганда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими, уларни аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари ёритилган.

Инвестиция лойиҳасининг иқтисодий таҳлилида инвестициянинг бошланғич, бозор ва муқобил баҳолари, унинг капиталлашганлиги, фоиз ставкаси, ички ва ташқи савдо оборoти, хорижий валютани миллий валютага алмаштириш, валюта курси ўзгариши каби масалалар корхона, мулкдор ва жамият нуқтаи назаридан қаралган.

Таҳлилда кўтарилган барча назарий масалалар аниқ маълумотлар орқали яхши тушунтириб беришга ҳаракат қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча масалаларни ёритишда Ўзбекистоннинг ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўли амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг амалга ошириш жараёнидаги ютуқ ва камчиликлар инобатга олинган.

Иқтисодий таҳлилнинг айрим усулларидан лойиҳа таҳлилида фойдаланиш мумкинлиги ҳам ўз ифодасини топган. Муҳими, ишда мавзулар бўйича таянч иборалар берилган.

Мазкур ишда корхонанинг фойдалилик нуқтасини аниқлаш ва таҳлил қилиш усулларига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Фойдалилик нуқтаси, тенглик нуқтаси, фойдага эришиш йўллари каби муҳим масалалар ҳам амалий маълумотлар қўллаган ҳолда ёритилган.

Ишда инвестиция лойиҳаларини турли жиҳатдан таҳлил қилишнинг зарурлиги, унинг назарий асослари, инвестиция лойиҳасининг техник, тижорат, институтционал, экологик ва ижтимоий таҳлили, ҳар бирининг моҳияти, роли, вазифалари қараб чиқилган. Унда мавзу доирасидаги таянч ибораларга алоҳида аҳамият берилган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юрти иқтисодиётга оид ўқув йўналиши талаба ва ўқитувчиларига мўлжалланган. Ундан банк ходимлари, мутахассислар, тадбиркорлар ва лойиҳа таҳлили билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

1-МАВЗУ. ЛОЙИҲА ТАҲЛИЛИНИНГ ЗАРУРИЯТИ, МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Бозор иқтисодиётида лойиҳа таҳлилининг зарурияти
2. Лойиҳа таҳлилининг моҳияти ва аҳамияти
3. Лойиҳа таҳлилининг вазифалари

1. Бозор иқтисодиётида лойиҳа таҳлилининг зарурияти

Лойиҳа таҳлилида асосан инвестиция лойиҳаси ўрганилади. Бизнинг иқтисодий адабиётларимизда инвестиция сўзи янги тушунча сифатида кириб келди. Шу туфайли унинг моҳияти, талқини ҳамон етарлича ёритилмаган. Бу эса кўп адабиётларда, маъруза ва нутқларда капитал сармоя билан синоним тушунчалар сифатида қараб келинмоқда.

Инвестиция бу тарихий тушунча, чунки у тарихда бўлиб келган. Инсоният ўз эҳтиёжларини қондириш учун қодимдан уй-жой қилишга, бошқа моддий неъматларни яратишга олдин у-бу шаклда харажат қилиб келганлар. Шу харажатлар моҳияти жиҳатидан инвестиция бўлиб ҳисобланади. Инвестицияга ортиқча маблағни, мулкни қўйиш инсонларнинг эҳтиёжи ошиб борган сари, техник имкониятлар туғилган сари жадаллашиб, ҳажми жиҳатидан кўпайиб ва кенгайиб бормоқда.

Инвестициянинг нималигини билиш учун инвестор (мулкдор) тадбиркор, жамият ва давлат тушунчаларини кўз олдимизга келтиришимиз лозим. Мулкдор ҳамиша тадбиркор. Тадбиркор ҳамиша мулкдор бўлавермайди. Мулкдорнинг мулки бўла туриб у ўз мулкини тадбиркорлик йўлида ишлатолмасдан юриши мумкин. Ёки тадбиркор ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун унинг мулки бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли инвестор ўзининг ортиқча маблағини фойда (двидент, фоиз) олиши учун тадбиркор фаолиятига инвестиция қилиб қўяди. Худди шу мақсадда тадбиркор ҳам ўзининг тадбиркорлик фаолиятини давом эттиради. Булар ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг негизида инвестиция ётади.

Инвестиция деганда мулкдорнинг (инвесторнинг) пул маблағи, қимматбаҳо қоғозлари, техникаси ва технологияси, машина

ва жиҳозларини, мулкка эгалик ҳуқуқи, интеллектуал мулки кабиларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан фойда олиш мақсадида тадбиркор фаолиятига қўйиш тушунилади.

Демак, инвестиция мулкдорнинг пул, меҳнат, моддий неъмат шаклидаги ортиқча маблағи экан. Кўпгина иқтисодий адабиётларда, таъкидланганидек, инвестиция билан капитал сармояни (қўйилмани) фарқламасдан ишлатиш ҳоллари тез учраб турмоқда. Бу ҳолатни оммавий ахборот воситаларида ҳам учратиш мумкин. Ҳақиқатда эса капитал қўйилмалар билан инвестиция бир-биридан фарқ қилади.

Капитал сармоя (қўйилма) деганда янги қурилишга, эскисини қайта таъминлашга, кенгайтиришга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга сарф қилинадиган пул маблағи тушунилади. Бу ибора кўпинча режали иқтисодиёт шароитида қўлланилар эди. Ҳозир унинг мазмуни, таркиби ва номи ҳам ўзгариб инвестиция тушунчаси қўлланилмоқда.

Режали иқтисодиёт шароитида капитал қўйилмаларга харажат сифатида қаралар эди. Бозор муносабатлари шароитида инвестицияга даромад келтирувчи тадбир сифатида қаралади. Агар инвестиция даромад келтирмайдиган соҳага қўйилса унда маълум натижага эришишни кўзлаб иш кўради. Масалан, 100 ўринли касалхона, 400 ўринга мўлжалланган мактаб, 300 ўринли болалар боғчаси ва ҳ.к.

Даромад келтирувчи инвестициянинг эгаси хўжалик юритувчи жисмоний ва ҳуқуқий шахслар, мулкдорлар бўлса, даромад келтирмайдиган инвестицияни одатда давлат қўяди. Бунда ўз аҳолисига тегишли ижтимоий-иқтисодий шароит яратиб берилиши, меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминланиши каби тадбирлар кўзда тутилади. Зеро, ҳар бир давлатнинг ўз аҳолисини ҳимоялашга мўлжалланган социал дастури мавжуд.

Кўриниб турибдики, инвестиция даромад (фойда) келтириши нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлинар экан:

* фойда келтирувчи инвестиция;
* фойда келтирмайдиган инвестиция.

Инвестиция, масалани қайси даражада ҳал қилишига қараб ҳам икки гуруҳга бўлинади:

* микроиқтисодиёт инвестицияси;
* макроиқтисодиёт инвестицияси.

Микроиқтисодиёт инвесстицияси орқали бевосита иқтисодиётнинг кую буғинидаги, яъни корхона даражасидаги муаммоларни ҳал қилади.

Макроиқтисодиёт инвестициясида эса бутун иқтисодиёт, унинг юқорги даражасидаги муаммолар ҳал қилинади.

Микроиқтисодиёт инвестицияси корхонанинг фойда олиш мақсадига хизмат қилса, макроиқтисодиёт инвестицияси давлатнинг бандлик муаммосини ҳал қилишга, давлат миқёсида кенг кўламли даромад олиб аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган бўлади.

Инвестициянинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда қайси даражадаги инвестиция бўлмасин албатта узоқни кўзлаб иш тутади, яъни ундан олинадиган даромад бугун эмас, балки келгусида бўлишини мўлжаллайди.

Шу туфайли инвестициядан фойда олиш ёки бирорта натижага эришиш учун уни олдиндан чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишга тўғри келади. Ана шу инвестициядан фойда олишни кўзлаб қилинган таҳлил «Лойиҳа таҳлили» бўлиб ҳисобланади. Демак, лойиҳа таҳлилида бугунги қилинган харажатларнинг (инвестициянинг) келгуси даврда келтирадиган фойдаси (даромади) ўрганилади. Буни инвестиция лойиҳаси орқали аниқлаш мумкин.

Инвестиция лойиҳаси деганда фойда олиш мақсадида қўйилган инвестициядан фойдаланиш режасининг (стротегиясининг) асосли равишда ишлаб чиқилиши тушунилади.

Ана шу жараён лойиҳа таҳлилида атрофлича ўрганилиши, иқтисодий жиҳатдан асосланиши лозим.

Умуман олганда, инвестиция лойиҳаси жуда кенг маънони англатади ва қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

* ғоянинг туғулиши;
* инвестиция қўйиладиган объектни аниқлаш;
* шу объектга қўйилишининг фойдалилигини асослаш;
* комплекс тарзда экспертиза ўтказиш;
* инвестицияга пул маблағини топиш ва қўйиш;
* унинг самарадорлигини таъминлаш;

Шу жараёнларнинг ҳаммаси лойиҳа таҳлилида ўрганилиши лозим. Чунки ҳар қандай лойиҳани амалга ошириш учун унинг моддий таъминоти - пул маблағи, моддий ва меҳнат ресурслари лозим. Уларнинг ҳар биридан қанча кераклигини асослаш ҳам лойиҳа таҳлилининг муҳим вазифаларидан биридир.

Шундай қилиб, лойиҳа таҳлили бозор муносабатлари шаклланаётган жамият учун шунчаки фан сифатида эмас, балки объектив зарурлиги билан ўз ўрнига эга бўлади. Бу эса ушбу фаннинг бошқа фанлар ўртасида турган ўрни, ўзига хос предмети, объекти, методи каби назарий асосларини ишлаб чиқаришни тақозо қилади.

2. Лойиҳа таҳлилининг моҳияти ва аҳамияти

Лойиҳа таҳлилининг аҳамияти шундаки у орқали инвестиция лойиҳаси иштирокчилари уни амалга ошириш жараёнида ўзларининг аниқ ҳаракатларини, вазифаларини белгилаб оладилар. Шундан келиб чиққан ҳолда олдин инвестиция лойиҳасининг бажарилишида кимлар иштирокчи бўлиши мумкинлигини диққат билан аниқлаб олиш лозим.

Инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишида одатда қуйидаги шахслар иштирокчи бўлишлари мумкин:

* хомий (мулкдор, инвестор)лар;
* ташкилотчилар;
* пудратчилар (агар инвестиция қурилишга қўйилган бўлса);
* суб пудратчилар;
* қурилиш материаллари, жиҳозлар ва ускуналарни етказиб берувчилар;
* суғурта ва молия ишлари бўйича маслаҳатчилар;
* маркетинг ва реклама бўйича маслаҳатчилар;
* қонунлар ва солиқлар бўйича маслаҳатчилар;
* кредиторлар ва бошқа ҳамкорлар;
* лойиҳанинг бажарилишига маълум менежерлар;
* лойиҳанинг бажарилганлигини қабул қилиб олувчилар.

Шу иштирокчиларнинг ҳаммаси ўз вазифасини бажаришда маълум бурчи ва функциясига эга. Ана шуларнинг ҳар бири аниқ бўлиши лозим. Буни эса лойиҳа таҳлили таъминлаб беради. Унинг энг муҳим аҳамияти ҳам шундадир.

Лойиҳа таҳлилининг аҳамияти бу билан чекланиб қолмайди. Унинг кўлами ва мазмуни анча кенг.

Лойиҳа таҳлилининг аҳамиятига яна қуйидагиларни киритиш мумкин.

- Қилинадиган ишни олдиндан обдон ўрганиш имконини бериши.
- Сарф қилинган харажатларнинг қачон ва қайси ҳажмда қайтишини олдиндан белгилаб бериши.

- Хусусий тадбиркорликка бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг, чет эл фирмалари ва фуқароларнинг инвентицияларини жалб қилиш имконини бериши.
- Мулкдорнинг мулкини асраш, кўпайтириш йўлларини кўрсатиши.
- Кўр-кўрона иш бошлаш ва турли иқтисодий ҳамда молиявий инқирозларнинг олди олиниши.
- Тадбиркорларнинг фаолиятини олдиндан аниқ белгилаб бериши ва унинг мувоффақияти учун ишонч ҳиссини ўйғотиши.
- Инвестициянинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаши.
- Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида боқимандаликка барҳам бериш ва ташаббускорликни уйғотиш имконини бериши.
- Мулкдорнинг масъулиятини, тадбиркорнинг жавобгарлигини ошириши.

Бу келтирилган далиллар мазкур фаннинг умумий аҳамиятини очиб беради. Аммо лойиҳанинг қайси соҳага жалб қилиниши, унинг муддати, фоиз ставкасининг миқдори билан аҳамияти ҳам ўзига хос тарзда соҳалар бўйича турли бўлиши мумкин.

Лойиҳа таҳлили — харажатлар ва даромадлар ҳамда лойиҳа билан боғлиқ бўлган қалтисликни (таваккалчиликни) тизимли баҳолаш ва очиб бериш асосида лойиҳаларни тайёрлаш, баҳолаш ва танлаб олиш усулидир. Лойиҳа таҳлилининг катта қисми лойиҳа даврининг дастлабки босқичида, яъни уни қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилингунгача амалга оширилади.

Лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш лойиҳа таҳлилининг вазифаси ҳисобланади. Даромадлилик эса лойиҳадан олинадиган даромад билан унга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Яъни лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш учун унинг барча натижаларини аниқлаш ҳамда лойиҳадан олинган даромадлар унга қилинган харажатлардан ортиш ёки ортмаслигини ҳисоблаб кўриш керак. Чунки лойиҳани амалга ошириш учун бугун қилинаётган харажатлар билан ундан қандайдир вақт ўтгандан кейин олинадиган даромадларни бевосита солиштириб бўлмайди. Лойиҳанинг кўпгина активлари ва иншоотлари узоқ муддат хизмат қилиши бунинг сабаби ҳисобланади. Лойиҳанинг айрим харажатлари ва натижаларини, масалан, қурилиш ишлари харажатларини ўлчаш ва баҳолаш осон. Бошқаларини эса ўлчаш осон, лекин баҳолаш анча қийин. Масалан, ходимларни ўқитиш харажатлари ва натижаларини миқдорий ва сифат жиҳатдан ўлчаш осон, лекин реал натижаларини баҳолаш анча мураккаб.

Ниҳоят, айрим лойиҳалар натижаларини, масалан лойиҳаларнинг анъанавий фаолият турларига таъсирини ўлчаш ҳам, баҳолаш ҳам қийин.

Лойиҳа харажатлари турли хилда бўлиши туфайли лойиҳа ҳар хил нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

1.Лойиҳа техник жиҳатдан асосланганми?

2.Лойиҳа тижорат талабларига жавоб берадими?

3.Лойиҳа ўз-ўзини молиявий жиҳатдан қоплайдими?

4.У иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдими?

5.Лойиҳа атроф -муҳитга қандай таъсир ўтказади?

6.Лойиҳа маҳаллий ижтимоий - маданий хусусиятларни ҳисобга олганми?

7.Лойиҳани амалга оширишнинг институционал (ташкилий) имкониятлари борми?

Ижобий натижалар ялпи харажатлардан ортиш-ортмаслигини аниқлаш зарур. Харажатларни таҳлил қилиш учун қуйидаги саволларга жавоб олишимиз керак:

•Лойиҳанинг биз истаган натижаси қандай?

•Лойиҳа харажатларини ким кўтаради ва унинг ижобий натижаларидан ким фойдаланади?

•Лойиҳанинг ижобий натижалари қачон ва қаерда пайдо бўлади?

Лойиҳанинг якуний қиймати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун лойиҳага алоқадор бўлган кишиларнинг турли гуруҳлари олган фойда ва қилган йуқотишларни қандай таққослаш ва жамлаш керак?

Бу лойиҳанинг якуний ижобий натижаси бошқа мумкин бўлган лойиҳалар натижасидан нимаси билан фарқ қилади?

Лойиҳа таҳлили лойиҳани шакллантириш жараёнининг ўзидаёқ унинг турли жиҳатлари таъсирини ва ролини ўзгартириш имконини беради. Ҳар қандай янги ахборот, агар фойдали бўлса, илгари қабул қилинган қарорларни ўзгартириш учун сабаб бўлиши мумкин.


Демак, лойиҳа-смета ҳужжатлари лойиҳа таҳлили жараёнида, яъни лойиҳанинг турли жиҳатларини кўриб чиқиш натижалари ва янги олинган ахборотлардан нелиб чиқиб, илгари берилган баҳоларни тузатиш билан бирга ишлаб чиқилади.

3. Лойиҳа таҳлилининг вазифалари

Лойиҳа таҳлили ўз фаолияти жараёнида ўта муҳим ва кенг қамровли вазифаларни бажаради. Бу вазифалар иқтисодиётнинг даражаси ва кўлами нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлинади.

* глобал вазифаси
* локал вазифаси.

Буларнинг таснифи қуйидаги чизмада келтирилган (1.1-чизма)



1-чизма. Лойиҳа таҳлили вазифаларининг таснифи

«Лойиҳа таҳлилининг зарурияти, моҳияти ва вазифалари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Лойиҳа таҳлили моҳияти
- Лойиҳа таҳлили зарурияти
- Лойиҳа таҳлилининг вазифалари

- Лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш
- Лойиҳа ҳаражатлари
- Лойиҳа таҳлили тузилмаси
- Лойиҳанинг якуний қиймати
- Лойиҳа таҳлили лойиҳани шакллантириш жараёнида

2-МАВЗУ. ЛОЙИҲА ТАҲЛИЛИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МЕТОДИ

Режа:

1. Лойиҳа таҳлилининг предмети ва объекти

2. Лойиҳа таҳлилининг методи.
3. Лойиҳа таҳлилида қўлланиладиган асосий услублар.
4. Лойиҳа таҳлили фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

1. Лойиҳа таҳлилининг предмети

Ҳар бир фан мустақил фан сифатида тан олинадиган бўлса унинг ўзига хос предмети ва методи бўлиши лозим. Предмет сўзига «Ўзбек тилини изоҳли луғати»да (1981 йил) «айрим ўқув фанини ташкил этган билимлар мажмуи» деб изоҳ берилган. Агар «Лойиҳа таҳлили» фанининг предметини аниқлашда шу тушунчадан келиб чиқадиган бўлса, унга қуйидагича, яъни «Лойиҳа таҳлилининг предмети деганда шу фанни ташкил этган билимлар мажмуи тушунилади» деган қоида билан чекланиш мумкин эди. Аммо бу билан мазкур фаннинг ўзига хос хусусияти, нима устида бахс юритиши аниқ очиб берилмайди.

Умуман олганда фанлар табиат, жамият ва инсон тафаккурида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган жараёнларни ўргатади. Табиатда содир бўлган жараёнларни ўргатадиган фанлар табиий фанлар деб юритилса, жамиятда содир бўладиган жараёнлар жамиятшуносликка оид фанлардир. Шу биргина жамиятнинг ўзида ҳам сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳалар ҳам борки уларнинг ҳам ҳар бир соҳасини ўзига хос фанлар ўргатади.

Иқтисодий жараёнлар ҳам турлича. Шу туфайли бу соҳани ўргатадиган фанлар ҳам хилма-хил. Агар иқтисодиётнинг объекти бўйича қарайдиган бўлсак оила иқтисодиёти, корхона иқтисодиёти, худудий иқтисодиёт, мамлакат иқтисодиёти, жаҳон иқтисодиёти каби фанларнинг мавжудлигини тақозо қилади.

Бу муаммога тармоқ нуқтаи назаридан қаралса унда саноат иқтисодиёти, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти, қурилиш иқтисодиёти, транспорт иқтисодиёти, тадбиркорлик иқтисодиёти каби фанларнинг мавжудлигини кўрамиз.

Бундай мушоҳадани исталганча давом эттириш мумкин. Аммо ўқувчилар жамият, табиат ва инсон тафаккури қанчалик кенг бўлса, уларни ўрганадиган фанлар ҳам шунчалик кўп ва рангбаранг эканлиги тўғрисида хулосага келиши учун юқоридаги мисоллар етарли деб ўйлаймиз.

Лойиҳа таҳлили ҳам иқтисодий фанлар туркумига киради. Демак, унинг предмети иқтисодиётда содир бўлган иқтисодий

жараёнлар бўлиши табиий. Аммо иқтисодиётга оид фанлар ҳам жуда кўп. Шу учун ушбу фаннинг ўзига хос предметини аниқлашни тақозо қилади. Албатта, ҳар қандай фаннинг предметини аниқлаш унча осон иш эмас. У жуда мураккаб жараён, чунки иқтисодиёт ўзи бир яхлит организм. Ундаги содир бўлган ва бўладиган иқтисодий жараёнлар ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ. Шу туфайли ундан алоҳида қисмини ажратиб олиш қийин. Айнан, иқтисодий фанларнинг ҳам предметини аниқлашда худди шундай қийинчиликларга дуч келиш мумкин.

Лойиҳа таҳлилининг предметини тўлиқ ва атрофлича аниқлаш учун у нимани ўрганишини, бунда нимага асосланишини атрофлича кўриб чиқиш лозим. Бизнинг фикримизча лойиҳа таҳлилида:

* инвестициянинг шаклланиши;
* ундан фойдаланиш жараёни
* натижаси ўрганилади.

Ўрганиш жараёнида эса бир қанча усуллар ва тадқиқотлар қўлланилади. Бундан ташқари мазкур фан асосан иқтисодиётнинг микро даражасидаги объектларда содир бўладиган инвестиция билан боғлиқ бўлган иқтисодий жараёнларни ўргатади. Демак, ушбу назарий хулосалардан келиб чиқиб лойиҳа таҳлилининг предметига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Лойиҳа таҳлилининг предмети деганда микроиқтисодиёт даражасида содир бўладиган инвестиция билан боғлиқ иқтисодий жараёнларнинг самарали усулларини танлаб олишга қаратилган тадқиқотлар мажмуаси тушунилади.

Фаннинг объекти деганда шу фанда ўрганиладиган жараён қаерда содир бўлиши тушунилади.

Лойиҳа таҳлилининг объекти турли мулк шаклига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция билан боғлиқ иқтисодий ишлар режаси, истиқболини белгиловчи кўрсаткичларидир. Буларга корхоналар, бирлашмалар, акциядорлик жамиятлари, фирмалар, хусусий, кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғилланувчи жисмоний ва бошқа ҳуқуқий шахслар киради.

Шуни таъкидлаш жоизки фаннинг предмети унда нимани ўрганишини тушунтирса, объекти унинг қаерда содир бўлишини ифодалайди. Шу жиҳатдан улар бир-биридан фарқ қилади. Ушбу параграфда лойиҳа таҳлилининг предмети ва объектини кўриб чиқдик. Бу албатта, муаллифнинг фикрлари. Келажакда ушбу

ҳолатлар, тушунчалар олимларнинг ҳамкорлигида кенгаяди, такомиллашади, деган умиддамиз.

2. Лойиҳа таҳлилининг методи

Ҳар қандай фаннинг методи деганда унинг предметини қандай ўрганишини тушунмоқ лозим. Лойиҳа таҳлили ҳам ўз предмети сингари ўзига хос методига ҳам эга.

Лойиҳа таҳлилининг методига тўлиқ таъриф бериш учун унинг

* қаерда содир бўлишини,
* нима билан боғлиқлигини,
* қайси мақсад кўзда тутилганлигини,
* усуллар мажмуасидан иборатлигини

ҳисобга олиш лозим. Бу қўйилган талаб нафақат лойиҳа таҳлилига, балки бошқа иқтисодий фанлар методига таъриф беришда ҳам асос бўлади.

Лойиҳа таҳлилининг методи деганда хўжалик юритувчи субъектларда содир бўладиган инвестиция билан боғлиқ иқтисодий жараёнлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида уни олдиндан асослаш учун қўлланиладиган методологик ёндошувлар ва усуллар мажмуаси тушунилади.

Лойиҳа таҳлилида бир қанча методологик ёндошувлар билан бирга кўплаб усуллар ҳам қўлланилади. Лойиҳа таҳлилининг усуллари биринчидан, ўзига хослиги билан фарқ қилса, иккинчидан иқтисодий таҳлил, статистика каби фанларнинг усулларидан ҳам кенг фойдаланади.

Лойиҳа таҳлилида қўлланиладиган методологик ёндошувларга

* индукция ва дедукция,
* оддийликдан мураккаблик сари ўрганиш,
* миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига олиб келиши,
* сабаб натижасида оқибат,
* макондаги предметлар иқтисодий жараёнлар натижасида вақт ўтиши билан ўзгариши каби ҳолатларни киритиш мумкин.

3. Лойиҳа таҳлилида қўлланиладиган асосий услублар

Индукция ва дедукция усули фалсафий категория сифатида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда, хусусан лойиҳа таҳлилида ҳам методологик ёндошув сифатида кенг қўлланилади.

Индукция деганда тадқиқотни ёки бирор объектни (ҳодисани, жараённи) ўрганишда хусусийликдан умумийлик сари тадқиқ қилиш тушунилади.

Бу усул билан инвестиция лойиҳасини ўрганишда олдин унинг ҳар бир бўлаги алоҳида-алоҳида ўрганилади, сўнгра улар туркумларга жамланади ва ниҳоят инвестиция қўйиладиган объект ҳақида умумлашган ҳолда яхлит хулосага келинади. Масалан, кичик завод қуриб ишга тушуришга инвестиция қўйилиши кўзда тутилди. Бундай ҳолатда олдин унинг ҳар бир соҳаси алоҳида-алоҳида ўрганилади, яъни

* қурилиш лойиҳасининг қиймати,
* кичик заводнинг қурилиши,
* уни жиҳозлаш,
* технологиянинг самарадорлиги,
* ёрдамчи бинолар ва иншоатлар қурилиши,
* фасадни безаш кабилар.

Сўнгра шу кичик заводни қуришнинг умумий инвестиция қиймати қанча, унинг самарадорлик даражаси, қопланиш муддати каби масалалар умумлаштирилиб яхлит хулосага келинади.

Дедукция деганда тадқиқотни ёки бирор объектни (ходисани, жараённи) ўрганишда умумийликдан хусусийлик сари тадқиқ қилиш тушунилади.

Бу методологик ёндошув ҳам ходиса ва жараёнларни ўрганишда хулосани ойдинлаштириш ва чуқурлаштириш учун қўл келади. Олдин инвестиция қўйиладиган объект ҳақида умумий хулосага келинди. Масалан, юқорида келтирилган кичик завод ҳақида. Сўнгра шу завод тўғрисида хулосани чуқурлаштириш учун унинг ҳар бир соҳасини ўрганишга тўғри келади. Хусусан,

* алоҳида қурилиш лойиҳасининг қиймати,
* қурилиш жараёни,
* мазкур заводни жиҳозлаш ва ҳ.к.

Агар инвестиция лойиҳаси вақт нуқтаи назаридан қараладиган бўлса уни умумийликдан хусусийлик сари ўрганиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

* энг аввало инвестициянинг умумий муддати (масалан 5 йил) ўрганилади;

* уни йилма-йил кўриб чиқилади;
* ҳар йилда чораклар бўйича;
* чоракларни эса ойлар бўйича;
* агар имкон бўлса ойларни ҳафталар, ҳафталарни кунлар бўйича ҳам кўриб чиқиш мумкин.

Инвестиция методида бундай ўрганиш жараёни қуйидан бошланади ва сўнгра умумлаштирилади.

Оддийликдан мураккаблик сари ўрганиш ҳам лойиҳа таҳлилининг методологик асосларини ташкил қилади. Олдин оддий, содда масалаларни ўрганмасдан туриб, бирданига мураккаб нарсаларни ўрганиш анча қийин.

Оддийликдан мураккаблик сари ўрганиш деганда олдин оддий ходисалар, тушунчалар, жараёнларни ўрганиб чиқиб сўнгра аста-секинлик билан шу жараёнларнинг (ходиса ва тушунчаларнинг) ўзаро мураккаб боғлиқликларини ўрганишга ўтилиши тушунилади.

Зеро, инвестициядан фойдаланиш ҳам бир-бирига боғлиқ бўлган жуда мураккаб бир қанча жараёнларни ўз ичига олади. Олдин ҳар бир жараённи, оддий ва содда тушунчаларни алоҳида ўрганмасдан туриб, уларнинг мураккаб боғлиқликларини ўрганиб бўлмайди. Шу туфайли оддийликдан мураккаблик сари ўрганиш ҳам ушбу фаннинг назарий ва методологик асосларидан биридир.

Миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига олиб келиши ҳам фалсафий категория сифатида жуда кўп фанларнинг, хусусан лойиҳа таҳлили фанининг ҳам методологик асоси бўлиб ҳисобланади. Зеро, миқдор ўзгариши ҳамиша сифат ўзгаришига олиб келади. Сифатни таъминлаш учун миқдор меъёрда бўлиши керак. Масалан, овқатга солинадиган ош тузини олайлик. Агар у кам бўлса овқат чучук бўлиб қолса, кўп солинса шўр бўлиб кетади. Икки ҳолат ҳам ижобий натижага олиб келмайди. Шу туфайли миқдор ва сифат категорияларининг лойиҳа таҳлилида қўлланилишини кўрганда, уларни меъёр тушунчаси билан узвий боғлиқликда қараш лозим экан.

Маҳсулотнинг сифати уни ишлаб чиқаришда фойдаланадиган хом-ашё, меҳнат, технология каби омилларга боғлиқ. Омилларнинг қайси ўзгарса маҳсулотнинг сифати ҳам ўзгаради. Агар миқдор ва сифат ўзгаришини маҳсулотга қиёслаб қарайдиган бўлсак, унинг сифати шу товарнинг истеъмол қийматини, миқдори эса қийматини белгилайди.

Харидор (истеъмолчи) маҳсулотни истеъмол қилиш учун олади. Аммо мазкур товар қийматининг ўлчови сифатида баҳоси баробарида ҳақ тўлайди. Маҳсулот қанча сифатли бўлса, у шунча қиммат ва тескариси. Шу туфайли ушбу категорияларнинг ҳам лойиҳа таҳлилида қўлланилиши муҳим назарий аҳамиятга эга.

Миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига олиб келиши деганда, лойиҳа таҳлили нуқтаи назаридан, бирор объектга (жараёнга) қўйиладиган инвестициянинг ҳажми меъёр даражасигача қанча кўп бўлса ушбу объектнинг (жараённинг) сифати ҳам шунча яхши бўлиши тушунилади.

Бунга мисол тариқасида қурилаётган кичик заводни олиш мумкин. Уни юқори даражада овтоматлашган технология билан жиҳозлаш учун оддий механизациялашган технология билан жиҳозлашга қараганда кўпроқ инвестиция, яъни миқдор талаб қилади ва ҳ.к.

Сабаб ва оқибат ҳам лойиҳа таҳлилида кенг қўлланилади. Таҳлилда сабабни омил, оқибатни натижа деб қарайдилар.

Сабаб деганда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ёки иш бажаришда бирорта натижага эришиш учун лозим бўлган моддий, молиявий, инсон ва бошқа омиллар мажмуаси тушунилади.

Бу омиллар яратувчи омиллардир. Сабабга булардан ташқари объектив зарурат ҳам мисол бўлиши мумкин. Масалан, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ қилиш учун замонавий академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш кўзда тутилмоқда. Бу объектив зарурат, шундай янги ўқув юртларининг барпо бўлишига сабабдир.

Оқибат деганда ишлаб чиқариш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш орқали бир қанча омиллар (моддий, молиявий, меҳнат) таъсирида бирор натижага эришиш тушунилади.

Бунга шу йилларда яратилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини мисол келтириш мумкин. Буларнинг барпо бўлишида бир қанча омиллар (сабаблар) иштирок қилмоқда, таъсир этмоқда. Демак, сабаб ва оқибат категорияси ҳам лойиҳа таҳлилининг методологик ва назарий асоси сифатида уни тадқиқ қилишда қўлланилар экан.

Макон ва замон категорияси ҳам лойиҳа таҳлилини ўтказишда методологик асос сифатида хизмат қилади. Натижага маконда маълум бир вақт ўтгандан кейин эришилади. **Макон** - бу

лойиҳа таҳлили ўтказиладиган объект, **замон** эса лойиҳа таҳлилида ўрганиладиган вақтни билдиради: йил, чорак, ой, кун ва ҳ.к.

Маконда бирор жараён ёки ходисанинг содир бўлиши маълум бир вақт мобайнида амалга оширилади. Макон замонсиз, замон маконсиз бирорта натижага эришиб ҳам бўлмайди. Шу туфайли уларни бир-бири билан узвий боғлиқ категориялар сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, лойиҳа таҳлилини ўтказишда асосланадиган, таянадиган айрим методологик ёндошувларни кўриб чиқдик. Албатта, фаннинг кўп қирралари мавжудлигини инобатга оладиган бўлсак, уларни ўрганишга қаратилган методологик ёндошувлар ҳам шунга мос равишда кўпдир.

4. Лойиҳа таҳлили фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

Лойиҳа таҳлилида содир бўладиган инвестиция билан боғлиқ иқтисодий жараёнлар ўрганилиши эътироф этилди. Маълумки иқтисодий жараёнларни ўнлаб фанлар ўрганади. Иқтисодий жараёнлар бир-бири билан қай даражада узвий боғлиқ бўлса, шу жараёнларни ўрганадиган фанлар ҳам худди шундай боғлиқдир.

Лойиҳа таҳлили иқтисодий фанлар билан бирга иқтисодиётга оид бўлмаган фанлар билан ҳам узвий алоқада. Лойиҳа таҳлили қуйидаги иқтисодий фанлар билан алоқада. Буларга

* иқтисодий назария,
* иқтисодий таҳлил,
* менежмент,
* бизнес-режа,
* бухгалтерия ҳисоби,
* молия ва кредит,
* инвестиция,
* статистика,
* маркетинг кабилар киради.

Лойиҳа таҳлили, энг аввало, **иқтисодий назария** фани билан боғлиқ. Бу фан иқтисодиётда содир бўлаётган қонуниятлар, қонунлар, уларнинг амал қилиш доираси, ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари каби назарий муаммоларни ўргатади. Бу назарий қарашлар барча иқтисодий фанлар, хусусан лойиҳа таҳлили фани учун ҳам методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Лойиҳа таҳлили иқтисодиётдаги умумий қонуниятларнинг аниқ объектларда амал қилишини, уларнинг ижобий ва салбий натижаларини тадқиқ қилади ва бу маълумотлар орқали умумий қонуниятнинг у ёки бу томонга ўзгаришини, уларга аниқлик киритишини кўрсатиб беради.

Лойиҳа таҳлили **иқтисодий таҳлил** фани билан ҳам узвий боғлиқ. Иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган кўпгина усуллар лойиҳа таҳлилида ҳам қўлланилиши мумкин. Шунингдек, баъзи мавзулар бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, бир-бирида такрорланиши ҳам мумкин. Буларга корхонада фойдалилик нуқтасини, иқтисодий ва молиявий мустаҳкамликни аниқлаш ва таҳлил қилиш каби мисолларни келтириш мумкин.

Лойиҳа таҳлили **менежмент** фани билан ҳам узвий алоқада. Таҳлил бошқарувнинг бир функцияси сифатида асосли қарорлр қабул қилиш учун ҳамиша маълумотларни тайёрлаб беради. Бошқарув қарорларини, хўжалик фаолиятини, хусусан, инвестицияга қўйишни чуқур ўрганмасдан туриб, кўр-кўрона қабул қилиш қийин. Бошқарув эса, ўз навбатида, лойиҳа таҳлилига қайси йўналишларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини ҳам кўрсатиб беради.

Лойиҳа таҳлили **бизнес-режа** фани билан ҳам узвий боғлиқ. Чунки бизнес-режани тузишда лойиҳа таҳлили усулларидан тўлиқ фойдаланилади. Умуман олганда лойиҳа таҳлили бизнес-режани тузиш учун деярли барча кўрсаткичларни тайёрлаб беради. Бундан ташқари бизнес-режа кўрсаткичлари лойиҳа таҳлилини амалга оширишда солиштириладиган объект сифатида ҳам қўлланилади. Бизнес-режа ва лойиҳа таҳлили инвестициядан самарали фойдаланиш йўлларини кўрсатиб берадиган кўзгудир.

Лойиҳа таҳлили **бухгалтерия ҳисоби** фани билан ҳам узвий боғлиқ. Инвестиция лойиҳасини тузиш жараёнида бухгалтерия ҳисобининг меъёрлари ва меъёрий ҳужжатлари, унинг айрим усулларидан фойдаланилади. Бундан ташқари бухгалтерия ҳисобида ифода этилган аниқ маълумотлар инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилади. Маълумки, бухгалтерия ҳисоби таҳлил учун маълумот етказиб берувчи асосий фан. Ўз навбатида таҳлил ҳам бу фанга таяниб иш кўради. Булар ўртасидаги боғлиқлик икки томонламадир. Бухгалтерия ҳисоби лойиҳа таҳлили билан ҳам худди шу тарзда бир-бири билан узвий боғлиқ фанлардир.

Лойиҳа таҳлили **молия ва кредит** фани билан ҳам узвий алоқада. Инвестициянинг молиялаштирилиши бир қанча манбалардан таркиб топади. Ундаги қўлланиладиган дивидендлар, фоиз ставкалари молия ва кредит фанига мурожаат қилишни тақозо қилади. Инвестиция лойиҳасини билмасдан молия ва кредит фанидаги тегишли бўлимларни тўлиқ тушуниш қийин бўлганидек, молия ва кредит фанини билмасдан инвестициянинг самарадорлигини ошириш йўлларини ҳам ишлаб чиқиш қийин.

Лойиҳа таҳлили **инвестиция** фани билан ҳам узвий боғлиқ. Лойиҳа таҳлили инвестиция фанининг таркибий қисми сифатида ушбу фаннинг барча мавзуларини очишда унинг усулларидан фойдаланилади. Бундан ташқари лойиҳа таҳлили фанининг ҳам, инвестиция фанининг ҳам тадқиқот объекти битта - инвестиция. Шу икки фан бир объектнинг турли қирраларини ўрганади, холос.

Лойиҳа таҳлили **статистика** фани билан ҳам узвий боғликдир. Зеро, лойиҳа таҳлилида кўплаб статистик усуллардан фойдаланилади. Айниқса, кўрсаткичларни келгуси истиқболга аниқлашда бевосита статистик усуллардан фойдаланилади. Статистика ҳам ўз навбатида лойиҳа таҳлили кўрсаткичларидан фойдаланилади. Статистика фани лойиҳа таҳлили фанининг такомиллашувига, лойиҳа таҳлили фани эса, ўз навбатида, статистика фанининг бойишига хизмат қилади. Бу жараёнларда «Бирлашган ўзар» мақолини келтириш мумкин. Ҳар бир фаннинг тараққиётида бир-биридан фойдаланса, бир-бирини шунчалик тўлдириб ҳам боради. Шу туфайли фанлар ўртасидаги алоқадорликни мустаҳкамлаб бориш мақсадга мувофиқ экан.

Лойиҳа таҳлили **маркетинг** фани билан ҳам узвий алоқада. Инвестиция бозорини ўрганишда маркетинг усулларидан фойдаланмаслик мумкин эмас. Худди шундай маркетингни амалга оширишда эса лойиҳа таҳлили маълумотлари, келгусига мўлжалланган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш жараёнлари маркетинг учун муҳим ахборот бўлиб хизмат қилади. Инвестиция қўйишдан мақсад бирор маҳсулот ишлаб чиқариб (хизмат кўрсатиб, иш бажариб) фойда олишдан иборатдир. Аммо ишлаб чиқарилган нарсаларнинг истеъмолчиси, харидори бўлиши керак. Бу кимлар, улар қанча харид қилиши мумкин ва шундан қанча фойда қилинади деган саволларга тўлиқ жавоб топиш учун маркетинг усулларини билишни тақозо қилади.

Лойиҳа таҳлили иқтисодиётга оид бўлмаган бир қанча фанлар билан ҳам узвий алоқада. Бундай фанларга

* фалсафа,
* математика,
* информатика ва электрон ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ),
* техника ва технология.
* экология каби фанлар киради.

Лойиҳа таҳлили **фалсафа** фани билан узвий боғлиқ. Чунки лойиҳа таҳлилида фалсафанинг муҳим қонун ва категорияларидан кенг фойдаланилади. Фалсафа фани барча фанларга, хусусан, лойиҳа таҳлили фани учун ҳам методологик асос бўлиб хизмат қилади. Фалсафанинг

* макон ва замон,
* индукция ва дедукция,
* сабаб ва оқибат,
* миқдор ва сифат,
* оддийликдан мураккаблик сари ўрганиш каби

категорияларидан лойиҳа таҳлилида методологик асос сифатида фойдаланилади.

Лойиҳа таҳлили **математика** фани билан ҳам узвий боғлиқ. Иқтисодий жараёнлар мураккаблашиб бормоқда. Бу мураккабликни ўрганиш учун математик усуллардан фойдаланмасликнинг иложи йўқ. Худди шундай лойиҳа таҳлили ҳам мураккаб иқтисодий жараёнларни ўрганишда математик усуллардан кенг фойдаланади. Математиканинг иқтисодий фанларда, хусусан лойиҳа таҳлилида қўлланилиши мураккаб ахборотларни тез ва тушунарли тарзда тайёрлаб олиш ва шу асосда илмий-назарий хулосалар чиқариш имконини бермоқда. Бу эса ўз навбатида иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда **электрон ҳисоблаш машиналаридан (ЭҲМ)** фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Математиканинг ЭҲМ билан бирлашиши иқтисодиётни бошқариш, ахборотларни тезкор усуллар билан олиш имконини туғдирди. Бу эса иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиб ҳизмат қилмоқда.

Лойиҳа таҳлили **техника ва технология** фанлари билан ҳам узвий алоқада. Инвестициянинг самарадорлигини таъминлашни техника ва технологияни билмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Бозор муносабатларининг энг муҳим жиҳатларидан бири рақобат. Бу бор жойда технологик пайга бўлиши шарт. Агар сизнинг

худудингизда юқори технология билан маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, сиз шу маҳсулотни ундан паст, такомиллашмаган, технология билан ишлаб чиқариб рақобатда ғалаба қилишни ҳеч ҳам мўлжалга олишингиз мумкин эмас. Шу туфайли лойиҳа таҳлили ва технология фанлари бир-бирини тўлдириб борувчи узвий алоқадаги фанлардир. Зеро, технологик жараённинг ривожланиши ҳам таҳлилсиз амалга ошмайди. Хусусан, иқтисодиётга **функционал-қиймат таҳлилининг (ФҚТ)** қўлланилиши технологик жараёнларнинг такомиллашувига анча сезиларли даромадда таъсир қилди. Шу туфайли лойиҳа таҳлилида ФҚТ усулларидан ҳам фойдаланилади.

Лойиҳа таҳлили **экология** фани билан ҳам узвий алоқада, чунки қўйилган инвестициядан ҳосил бўладиган янги ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи объект шу худуднинг экологик ҳолатига салбий таъсир қилмаслиги лозим. Шу туфайли лойиҳа таҳлилида экология фанининг асосий тамойилларини билишни тақозо қилади.

Шундай қилиб, лойиҳа таҳлили мустақил фан сифатида бошқа фанлар билан узвий боғлиқ. Шу фанлар замирида у такомиллашиб боради. Ўз навбатида лойиҳа таҳлили ҳам бошқа фанларнинг такомиллашуви учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

«Лойиҳа таҳлилининг предмети ва методи» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Лойиҳа таҳлилининг предмети
- Лойиҳа таҳлилининг объекти
- Лойиҳа таҳлилининг методи
- Индукция
- Дедукция
- Оддийликдан мураккаблик сари ўрганиш
- Миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига олиб келиши
- Сабаб
- Оқибат
- Макон

3-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ МОҲИЯТИ ТУРЛАРИ ВА ТУЗИЛИШИ

Режа:

1. Инвестицияларнинг моҳияти
2. Инвестицияларнинг асосий турлари ва тузилиши
3. Макроиқтисодий назарияда инвестицияларнинг талқини

1. Инвестицияларнинг моҳияти

Ҳар қандай корхона ўз фаолиятини бошлаши, кенгайтириши ва янгилаши учун инвестицияларга зарурат сезади. Инвестициялар корхоналарни ривожлантириш, мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бош омилларидан биридир. Инвестициялар деганда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаётган қувватларни сақлаб туриш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш, фойда олиш ҳамда (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий каби) бошқа якуний натижаларга эришиш мақсадида турли дастурлар ёки алоҳида тадбирга (лойиҳа)ларга сарфланадиган маблағ тушунилади. Инвестициялар ўз ичига фойда (даромад) олиш ва ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига сарфланган пул маблағлари, шунингдек, мақсадли банк омонатлари, пайлар, акциялар, бошқа қимматбаҳо қогозлар, технологиялар, машина ва ускуналар, лицензиялар (шу жумладан, товар белгилари), кредитлар, ҳар қандай бошқа мулк ва мулк ҳуқуқларини ҳамда интелектуал бойликларни олади.

Демак, инвестиция тушунчаси «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида таъриф берилганидек, иқтисодий ёки бошқа фаолият объектига сарф қилинадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқини ифодалайди. Молиявий моҳиятига кўра, инвестициялар даромад олиш мақсадида хўжалик фаолиятига сарфланадиган барча турдаги актив (восита)лардир.

Иқтисодий моҳиятига кўра, инвестициялар — асосий ва айланма капитални яратиш, кенгайтириш ёки реконструкция қилиш ва қайта қуроллантириш учун қилинадиган харажатлардир.

2. Инвестицияларнинг асосий турлари ва тузилиши

Тижорат амалиётида инвестицияларнинг қуйидаги уч шакли ўзаро фарқланади:

- физик активларга қилинган инвеотициялар;
- пул активларига қилинган инвестициялар;
- номоддий активларга қилинган инвестициялар. Физик активлар деганда асосий ишлаб чиқариш воситалари, яъни ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган ҳар қандай машина ва ускуналар тушунилади.

Пул активлари деганда бошқа жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларини олиш ҳуқуқи, масалан, банкдаги депозитлар, акциялар, облигациялар ва бошқалар англашилади.

Номоддий активлар — ходимларни қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, лицензиялар сотиб олиш, савдо белгиларини ишлаб чиқариш натижасида фирма эга бўладиган бойликлардир.

Қимматбаҳо қоғозларга қилинадиган инвестициялар портфель инвестициялари, физик активларига қилинадиган инвестициялар эса реал инвестициялар, деб аталади.

Инвестицияларнинг ҳар икки тури ҳам корхоналар барқарор ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга. Портфелли инвестициялар муаммолари молиявий менежмент соҳасида чуқур ўрганилишини таъкидлаган ҳолда, бу ўқув қўлланмамизда кўпроқ реал активларга қилинадиган инвестицияларга тўхталамиз.

Реал активларга қилинаётган инвестияларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш асосан фирманинг мақсадларига, яъни инвестиция ёрдамида фирма нимага эришмоқчилигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан инвестицияларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

I. Иқтисодий самарадорликни ошириш учун қилинадиган инвестициялар. Бундай инвестициялардан асосий мақсад ускуналарини алмаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини самарали ҳудудларга кўчириш асосида фирмаларнинг харажатларини камайтириш учун шароит яратишдан иборат.

II. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қилинадиган инвестициялар. Бундай инвестициялашдан мақсад мавжуд қувватлар хисобига олдиндан шаклланган бозорлар учун товарлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

III. Янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш учун қилинадиган инвестициялар. Бундай инвестициялар илгари ишлаб чиқарилмаган товарлар ва кўрсатилмаган хизматлар турларини вужудга келтириш ёки илгари ишлаб чиқарилган товарлар билан янги бозорларга чиқиш имконини беради.

IV.Давлат бошқарув идоралари талабларини бажариш учун қилинадиган инвестициялар. Масалан, экология ва маҳсулот стандартлари талабларини бажариш учун сарфланадиган инвестициялар. Инвестицияларни бундай таснифлашда таваккалчилик даражаси ҳар хил бўлиши асос қилиб олинган.

Юқорида келтирилганлардан биринчи ва тўртинчи тур инвестицияларида таваккал хавфи даражаси паст, қолган иккитасида эса юқори ҳисобланади. Бозорда аввал маълум бўлмаган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва янги бозорларни эгаллаш учун инвестиция сарфи катта таваккалчиликни талаб қилади. Шу сабабли ҳам учинчи гуруҳ инвестициялари таваккал хавфи энг юқори бўлган инвестициялардир.

Ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қилинган инвестицияларда таваккал хавфи янги ишлаб чиқаришга қилинган инвестицияларга қараганда пастроқ. Айни пайтда самарадорликни оширишга қилинадиган инвестициялар бозор аллақачон қабул қилган товарларнинг сифатини ошириш, таннархини камайтиришни кўзда тутгани учун ҳам, уларда таваккал хавфи даражаси иккинчи ва учинчи гуруҳлар инвестицияларинникидан анча паст бўлади. Худди шу каби давлат бошқарув идоралари талабларини бажаришга сарфланган инвестицияларнинг таваккал хавфи даражаси анча кичик ҳисобланади.

Инвестициялар, шунингдек, манбаларига кўра, ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади. Ички инвестициялар манбалари давлат бюджети, корхоналар ва аҳоли маблағлари, банк кредитлари ҳамда нобюджет жамғармалари маблағлари, ташқи инвестициялар манбалари бўлиб, хорижий давлатлар ва фирмаларнинг, шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобланади. Инвестицияларни манбаларига кўра бундай-гуруҳлаш уларнинг манбалари бўйича тузилишини ҳам белгилаш имконини беради. Иқтисодий таҳлил мақсадларида ва амалиётда инвестицияларнинг манбаларига кўра тузилиши билан бирга уларнинг тармоқ тузилиши, ҳудудий тузилиши, мулкчилик шаклларига кўра тузилиши, такрор ишлаб чиқариш тузилиши ва технологик тузилиши фарқланади.

Инвестицияларнинг тармоқ (ҳудудий) тузилиши алоҳида тармоқ (ҳудуд)нинг маълум даврда қилинган инвестиция сарфларидаги улушини кўрсатса, мулкчилик шаклларига кўра тузилиши жами инвестициялар манбаи ва сарфидаги давлат ва нодавлат мулки объектларининг ҳиссасини кўрсатади. Такрор ишлаб чиқариш тузилиши янги қурилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва қайта қуроллантириш мақсадларида сарфланган инвестицияларнинг жами инвестициялардаги улуши кўринишида аниқланади.

Инвестицияларнинг технологик тузилиши қурилиш-монтаж ишлари, ускуна ва инвентарлар ҳамда бошқа харажатлар (лойиҳа-қидирув ишлари, бошқарув харажатлари ва ҳ.к.)га қилинган харажатларнинг жами инвестиция харажатларидаги улушини кўрсатади.

Инвестициялар тузилишини ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига боғлиқ.

3. Макроиқтисодий назарияда инвестицияларнинг талқини

Макроиқтисодий назарияда инвестициялар - I, уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари - C , ҳукумат харажатлари - G ҳамда соф экшорт харажатлари - Xn билан бирга жами харажатларни (жами талаб) ташкил этади ёки унинг бир қисми деб қаралади. Яъни:

$$\textbf{ЯММ = G + I + G + Xn}$$

Инвестиция маблағларининг асосий манбаи бўлиб ёпиқ иқтисодиёт шароитида мамлакатдаги уй хўжаликлари жамғармалари — Sp ҳамда ҳукумат жамғармалари -Sg ҳисобланади.

$$\textbf{S = Sp + Sg}$$

Очиқ иқтисодиёт шароитида бунга хорижга чиқариладиган мамлакат ички жамғармалари билан хориждан инвестициялар ва кредитлар кўринишида кириб келадиган жамғармалар ўртасидаги фарқ Sxn ҳам қўшилади:

$$\textbf{S = Sp + Sg + Sxn}$$

Инвестициялар ҳажмидаги у ёки бу манба улуши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, мамлакатдаги даромадлар даражасига, ижтимоий тузилмага, амалга оширилаётган иқтисодий вазифалар, иқтисодий сиёсат стратегиясига боғлиқ.

Маълумки, миллий иқтисодиётда яратилган ялпи даромаднинг бир қисми турли шаклларда истеъмол қилинади, бир қисми эса

юқорида кўрсатилган шаклларда жамғарилади. Миллий иқтисодиётга қилинган жами инвестиция харажатлари билан ялпи жамғармалар ўртасида тенгликка эришиш, яъни I=S айниятнинг таъминланиши макроиқтисодий мувозанатга эришишнинг муҳим шартларидан биридир.

Бу айниятга ўз-ўзидан эришилмайди, чунки уй хўжаликлари нафақат сармоя сифатида фойдаланиш мақсадида, балки кутилмаган харажатлар, қимматроқ буюмлар харид қилиш учун ҳам маблағ жамғарадилар. Яъни жамғармаларнинг бир қисми инвестицияларга келиб қўшилмайди. Бундай вазиятда ҳукумат инвестиция харажатларининг бир қисмини ўз зиммасига олиши ёки хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали юқоридаги айниятни таъминлаши, бу учун эса мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиши лозим. Самарали бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва ташқи савдо сиёсати, инвесторларга яратилган кафолатлар ва имтиёзлар ҳамда макроиқтисодий барқарорлик бу муҳитни белгиловчи шартлардир. Айниқса инфляция суръатларининг юқори бўлиши жамиятда инфляцион психоз ҳолатини юзага келтириб, истеъмолга чекланган мойилликнинг ортишига, жамғармалар ва охир-оқибат инвестициялар ҳажмининг пасайишига олиб келади.

Инвестициялар ҳажмини белгиловчи асосий омиллар фоиз ставкаси ва кутилаётган ўртача фойда меъёри ҳисобланади.

Иқтисодиётга қилинадиган инвестициялар ҳажми фоиз ставкасига тескари пропорционал катталик ҳисобланади.

Инвестицияга талаб функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$\mathbf{I_{талаб} = E - dR + nY}$$

Бу ерда: $I_{талаб}$- иқтисодиётда инвестицияларга талаб ҳажми;

E — фоиз ставкаси нолга тенг бўлгандаги инвестицияларга максимал талаб ҳажми;


***d** — фоиз ставкаси ўзгаришига инвестициялар ҳажми ўзгариши боғлиқлигини кўрсатувчи эмпирик коэффициент;*

***R** — банк фоиз ставкаси;*

n — инвестициялашга чекланган мойиллик;

Y — жами даромад (ялпи миллий маҳсулот);





Иивестицияга талаб графиги

Инвестициялашга чекланган мойиллик инвестиция харажатларидаги ўзгариш миқдорининг (ΔI) жами даромадлар ўзгаришидаги(ΔY) улушини кўрсатади.

$$n=\Delta I / \Delta Y$$

Келтирилган формула ва графикдан кўриниб турибдики, фоиз ставкаси нолга тенг бўлганда ҳам инвестициялар ҳажми маълум миқдор билан чегараланар экан. Чунки мамлакатдаги даромад даражаси чекланганлиги, бошқа ресурсларнинг миқдори ва сифати, мамлакатдаги қурилиш индустрияси, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш даражалари чексиз ҳажмдаги инвестицияларни ўзлаштириш имкониятини бермайди.

Капитал эгалари фоиз ставкасидан юқори ёки ҳеч бўлмаганда унга тенг бўлган соф фойда меъёрини таъминлаган лойиҳаларгагина сармоя қўядилар. Бундан хулоса шуки, ҳукумат фоиз ставкаларини туширишга эришса ёки кутилаётган соф фойда меъёрининг ошиши учун шарт-шароит яратса, иқисодиётга қилинган инвестициялар миқдори орта боради.

«Инвестицияларнинг моҳияти, турлари ва тузилиши» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Инвестиция
- Физик активларга қилинган инвестициялар
- Пул активларига қилинган инвестициялар
- Номоддий активларга қилинган инвестициялар
- Портфель инвестициялар

- Реал инвестициялар
- Ички инвестициялар
- Ташқи инвестициялар
- Иқтисодий самарадорликни ошириш инвестициялари
- Ишлаб чиқаришни кенгайтириш инвестициялари
- Янги ишлаб чиқаришни вужудга келтириш инвестициялари
- Давлат бошқарув идоралари талабларини бажарищ инвестициялари
- Инвестицияларнинг тармоқ тузилиши
- Инвестицияларнинг технологик тузилиши

4-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Режа:

1. Инвестициялар таҳлилида асосланадиган асосий иқтисодий концепциялар
2. Инвестиция сиёсатининг моҳияти
3. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва йўналишлари

1. Инвестициялар таҳлилида асосланиладиган асосий иқтисодий концепциялар

Инвестицияларни таҳлил қилиш, уларнинг самарадорлиги даражасини аниқлаш бир қанча иқтисодий концепцияларга таяниб амалга оширилади.

1. Инвестицияларнинг фирма бойлигани оширишдаги роли.

Ҳар қандай фирма инвестиция қилар экан, аввало, ўз бойликларини оширишни мақсад қилиб қўяди. Бу мақсад фирманинг фойдани кўпайтириш каби кўпинча асосий деб қараладиган бошқа бир мақсадидан анча кенгроқдир. Чунки фирманинг асосий мақсади фойдани кўпайтиришдан иборат дейилганда фойда ва рентабеллилик даражасини дарҳол кўпайтиришни эмас, балки бозордаги ўз секторини кенгайтириш ёки номоддий активларини оширишга қаратилган тижорат стратегияларини тушуниш қийин бўлар эди. Демак, фирма бойлигини ошириш инвестициялашга ундовчи анчагина универсал бўлган сабабдир.

Фирма бойлиги ўз ичига фирма ўз капиталининг бозор қийматини (ЎКББҚ) ҳамда фирма мажбуриятларининг бозор (МББҚ) қийматини олади. Яъни:

Фирма бойлиги = ЎКББҚ + МББҚ

Фирма бойлиги — фирма эгалари (хоҳ улар ягона хўжайин, хоҳ минглаб акциядорлардан бири бўлсинлар) ихтиёрида бўлган (ёки улар хоҳласалар ва ўз мулкларини сотсалар, пул кўринишида олишлари мумкин бўлган) реал бойликдир. Шу нарса равшанки, фирманинг реал бойлиги унинг капитали (юқори ликвидли активлар

кўринишида турган капитални истисно қилган ҳолда) қанчалик кўплиги билан эмас, балки бу капитал товарлар ва хизматлар бозорида фирмага қандай ҳолатни таъминлаб бериши билан белгиланади. Шу сабабга кўра, инвестициялар фирмаларнинг рақобатбардошлигини яхшиласа ва улар капиталининг даромадлилигини оширса, уларнинг бойлиги кўпаяди ҳамда эгалари янада бойийдилар. Акс ҳолда инвестициялар фирма баланси пассивларини кўпайтиргани ҳолда унинг рақобатбардошлигини оширмаса, фирманинг рентабеллилиги пасайиб кетиши, бунинг оқибатида эса унинг бойлиги камайиши мумкин.

Айтилганлардан хулоса шуки, иивестициялар, шу жумладан, реал активларга қилинадиган инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашнинг асосий мезони бўлиб, уларнинг фирма бойлигига қандай таъсир этиши ҳисобланади.

2. Пул тушумлари ҳақида тушунча.

Пул тушумлари (пул объект оқимларининг, cash flow) иқтисодий адабиётларимизда яқиндан буён қўлланилаётган атама бўлиб, фирма тижорат фаолияти натижасида олинган соф тушумларни, яъни пул киримлари ва чиқимларини кўрсатади.

Пул тушумлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Асосий фаолият бўйича:

•нақд пул эвазига сотишдан олинган пул тушуми;

•пул ўтказиш йўли билан сотишдан олинган пул тушумлари.

2. Инвестициялар бўйича:

•қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан даромадлар;

•шуъба корхоналар ва хориждан тушумлар;

•активларни сотишдан келадиган тушумлар.

3. Молиявий операциялар бўйича:

•қимматли қоғозларни сотишдан олинган тушумлар;

•қарзлар.

Фирманинг пул чиқимлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Асосий фаолият бўйича:

•хом ашё ва материаллар учун тўловлар;

•иш ҳақи тўловлари;

•солиқ тўловлари;

•суғурта тўловлари.

2. Инвестициялар бўйича:

•асосий капитални сотиб олишга;

•асосий капитални монтаж қилишга.

3. Молиявий операциялар бўйича:

•фоизлар ва дивидендлар тўлашга;

•ссудалар ва облигациялар бўйича мажбуриятларни сўндиришга.

Пул тушумлари ва чиқимлари ўртасидаги фарқ, яъни соф пул тушумлари фирма бойлиги ошишини таъминловчи соф пул колдиғидир. Аммо фирма фаолиятининг якуний натижасини баҳолашда бухгалтер ёндашуви билан молиячи ёки иқтисодчи ёндашуви ўртасида фарқ бор.

Бухгалтер ёидашувига кўра, фирма фаолиятининг якуний натижасини солиқлар тўлагандан кейин фирма ихтиёрида қолган соф даромад ташкил этади. Молиячи ва иқтисодчи ёндашувига кўра, якуний натижага нафақат фирма ихтиёрида қолган соф даромад, балки фойдаланилиши меъёрий ҳужжатлар билан чеклаб қўйилган, аммо пировардида фирманинг умумий бойлигига қўшилиб, уни кўпайтирадиган пул маблағлари ҳам киради. Бундай маблағларга амортизация ажратмалари ҳамда ҳисобланган, аммо тўланмаган солиқлар киради.

Амортизация ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра, асосий капиталнинг маънавий ва жисмоний эскиришини қоплаш учун маблағ жамғаришни таъминлайдиган мақсадли ажратмадир. Бу ажратмалар миқдори уч омилга боғлиқ:

•асосий капитал таркибига кирган ускунанинг баланс қийматига;

- ускунанинг хизмат муддатига;
- ускуна учун белгиланган амортизацияни ҳисоблаш услубига.

Амортизация ажратмалари мақсадли пул жамғармасини ташкил этиш манбаи бўлгани ҳолда, шунингдек, фирма фойдасидан бошқа харажатлар сингари айириб ташланса-да, фирма мулки бўлиб қолаверади. Фирма асосий капитални янгилашга киришганда амортизация жамғармасидан соф фойда каби фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан амортизация жамғармасини шакллантириш фирманинг инвестиция заҳирасини жамғаришни англатади.

Шу сабабга кўра, ҳисобланган амортизацияни фирма тижорат фаолиятининг якуний натижасига, яъни (соф) пул тушумларига киритиш мантиқан тўғри бўлади.

Бухгалтерия ҳисобининг Америка стандартлари GAAP (Generally Accepted Aceounting Principles) атамаларидан

фойдалансак, пул тушумларини аниқлаш тенгламаси қуйидагича ёзилади:

ПТ= МРТ- (ЖХ-А) - ФТ-Стўл.

Бу ерда: ПТ — пул тушумлари;

МРТ - маҳсулот реализацисидан тушум;

ЖХ - жами харажатлар;

А - амортизация;

ФТ - фоиз тўловлари;

С тўл.- тўланган солиқлар.

Иқтисодий назария нуқтаи назаридан қараганда ҳар қачон фирманинг бойлиги келажакда бўладиган барча пул тушумларининг ҳозирги қийматига тенг. Инвестициялар мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун барча пул тушумлари ва чиқимлари тўғри баҳоланиб, улар фирма бойлигини қанчага кўпайтириши аниқлаб олинади. Олинган натижа эса якуний қарор қабул қилиш учун асос бўлади.

2. Инвестиция сиёсатининг моҳияти

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёқилғи, энергетика ва дон мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун устувор соҳаларни қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун очиқ эшиклар сиёсатини олиб бориш кабиларга қаратилди. Инвестиция сиёсатини олиб боришда қуйидаги тамойилларга асосланилди:

•белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқлар ва фаолият соҳаларини танлаб қўллаб-қувватлаш;

•ижтимоий аҳамиятли тармоқларни (соғлиқни саклаш таълим, маданият ва ҳ.к.), аҳоли турмуш даражасини яхшилиш, умрини узайтириш, ижтимоий жиҳатдан кескин табақаланишнинг олдини олиш, истеъмол талабининг фаоллашувини таъминлаш мақсадида етарли даражада қўллаб-қувватлаш;

•чет эл инвестицияларини ўзаро манфаатдорлик асосида устувор соҳаларга жалб қилиш;

•потенциал инвестиция ресурсларини савдо соҳаси ва пул бозоридан саноат соҳасига қайта тақсимлаш;

•илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини қўллаб-

қувватлаш, хориждан янги техникалар учун лицензиялар сотиб олиш, катта лабораторияларни сақлаб туришга қуввати етадиган йирик корпорациялар тузиш орқали ишлаб чиқариш капиталини жамлаш ҳисобига интелектуал капитал ва илмий-техник потенциални ошириш;

•қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва уларни ташқи бозорда рақобатбардош бўладиган даражага олиб чиқишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

•аҳолининг озиқ-овқат ва истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган ишлаб чиқариш қувватларини жадал ривожлантиришни инвестициялар билан таъминлаш;

•инвестиция жараёнлари иштирокчиларининг ўзаро алоқаларини тартибга солиб турувчи қонунчилик базасини такомиллаштириш.

Инвестиция манбаларини шакллантириш борасида давлат кўрадиган чора-тадбирлар инвестицияларнинг ички манбаларига тегишли бўлиб, асосан солиқ-бюджет сиёсати ва пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида, аҳоли, корхона, банк ва давлат бюджети маблағларини шакллантириш, қайта тақсимлаш ва улар ўртасида маълум пропорцияларни юзага келтиришга қаратилган. Масалан, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши аҳоли ва корхоналар даромадларининг ошишига, инвестициялар манбаи бўлган аҳоли жамғармалари ва корхоналарнинг соф фойдаси миқдорларининг кўпайишига олиб келади. Айни пайтда иивестицияларнинг манбаларига кўра тузилишида бу икки гуруҳнинг улуши ошади. Жами инвестициялар ҳажмида банк кредитлари, корхона ва аҳоли маблағлари ҳиссасининг юқори бўлиши бозор иқтисодиёти шароитида ижобий ҳодиса ҳисобланади.

Бир қатор давлатларда қўлланиладиган жадаллаштирилган амортизация усули ҳам корхоналарда инвестиция маблағларининг тезроқ жамланишига олиб келади ва инвестиция жараёнларини тезлаштиради. Инвестиция сиёсатининг энг муҳим бўғини инвестиция маблағларини энг устувор ва аҳамиятли тармоқлар ва ҳудудларга жалб қилиш борасидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади. Бу мақсадда, умуман, мамлакат иқтисодиётида, хусусан эса, устувор деб белгиланган тармоқлар ва худудларда қулай инвестиция муҳитини яратиш зарур. Инвестиция муҳити бир қатор шарт-

шароитларга қараб баҳоланади. Бу шарт-шароитларга сиёсий барқарорлик, инфляция ва ишсизлик даражалари, бюджетнинг тўлдирилиш даражаси, давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки ва хусусий секторнинг ривожланиш даражаси, иқтисодиётнинг, хусусан, ташқи савдо, валюта бозорларининг эркинлиги, бозор инфрнтузилмасининг ривожланиш даражаси, табиий ва меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва улардан фойдалана олиш имкониятлари, ишчи кучининг малакаси, солиқ тизимининг хусусиятлари, банк фоиз ставкалари, бозор сиғими ва бошқалар киради.

Инвестиция муҳитини белгиловчи энг муҳим омиллардан бири мамлакатда инвесторлар учун яратилган имтиёзлар ва кафолатлардир. Инвесторлар учун солиқ имтиёзларини бериш амалиётда кенг қўлланиладиган тадбирдир. Масалан, республикамизда корхоналар фойдасининг ишлаб чиқарилиши кенгайтиришга, реконструкция қилиш ва қайта қуроллантиришга сарфланган қисми солиққа тортилмайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, халқ истеъмоли товарлари, болалар ассортиментидаги ҳамда экспортга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш каби бир қатор соҳаларда янги очилган корхоналар солиқлардан вақтинча озод этилиши, умумий солиқ ставкаларига нисбатан пастроқ солиқ ставкалари қўлланилиши каби имтиёзларга эга бўладилар.

Ички инвестиция манбалари чекланган бир шароитда, айниқса, ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлар учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Республикамизда мустақиллик йилларида 13 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ миқдордаги чет эл инвестициялари ўзлаштирилди. Хорижий инвесторлар учун, улар оладиган якуний молиявий натижаларга бевосита ва билвосита таъсир этадиган бир қатор имтиёзлар ва кафолатлар тизими яратилган. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида чет эл инвестициялари иштирокида бунёд этилган энг йирик саноат объектлари реслубликамизнинг экспорт салоҳиятини оширди, экспорт ва импортнинг товар тузилишида ижобий силжишларга эришиш, мамлакатнинг тўлиқ ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлаш имконини берди.

3. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари ва йўналишлари

Чет эл инвестицияларини дунёнинг ҳамма мамлакатлари жалб этади. Бундан ривожланган мамлакатлар ҳам холи эмас. Ҳар йили дунё хўжалигига 2,0 — 2,5 трлн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция сарфланади. Асосий инвесторлар ўта ривожланган еттита давлат ёки Рамбуйс клубига аъзо бўлган давлатлар ҳисобланади. Булар АҚШ, Франция, Германин, Англия, Италия, Япония ва Канададир.

Рамбуйс клубининг асосий мақсади мураккаб иқтисодий масалаларни ечишда аъзо давлатларнинг умумий стратегиясини аниқлаб олишдан иборат. Унда жаҳон иқтисодиёгининг истиқболлари, молиявий, савдо ва инвестиция муаммолари чуқур ўрганилади. АҚШ — бир томондан, энг нуфузли инвестор, иккинчи томондан эса инвестиция талаб қилувчи мамлакатдир. Масалан, АҚШ чет давлатларга 600 млрд. доллар миқдорида инвестиция чиқарса, 500 млрд.доллар четдан инвестиция киритади. Японияда 18 млрд. доллар инвестиция чиқарилса, четдан бор-йўғи 1 млрд. доллар инвестиция киритилади. 1994 йил маълумотларига кўра, ривожланаётган давлатларга 150 млрд.доллар инвестиция чиқарилган. Шундан Шарқий Осиёга — 40, Лотин Америкасига — 37, Европа ва Марказий Осиёга — 18, Жанубий Осиёга — 3,5, Яқин Шарқ ва Африкага — 1,0%и тўғри келади.

Бу маблағларнинг асосий қисми иқтисодиётни ислоҳ қилиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш лойиҳаларига сарф этилади.

Инвестиция жараёнида бир томондан инвестор (кредит берувчи), иккинчи томондан қарз олувчи (дебитор) туради. Ҳар иккала томон ҳам ўз манфаатларини ўйлаб иш кўради. Масалан, инвестор бор маблағини катта фойда келтирадиган лойиҳага сарфлашни хоҳлайди ва шу сабабли ҳам қарз олувчига шубҳа билан қарайди. Чунки қарз олувчи инвесторнинг маблағидан нотўғри фойдаланиб, уни беҳудага сарф қилиб юбориши мумкин. Қарз олувчи лойиҳа жуда самарали эканлиги ва икки томон учун ҳам катта фойдани келтиришга тўлиқ ишониши керак. Ҳар қандай ҳолда ҳам у маркетинг қонуниятлари асосида, яъни маҳсулотни реализадия қилиш бозорини, унинг ҳажмини, сотиб олувчининг талаби ва хоҳиши, таваккалчилик даражасини, рақобатчиларнинг келгусидаги ҳаракатларини чуқур билиш асосида иш юритиши керак. Икки томон бир қарорга келганидан кейингина лойиҳа амалга ошиши мумкин. Инвестиция бозорида маблағ етарли бўлмагани ёки етишмаганлиги учун асосан кредитор ҳар доим имтиёзли ҳолатда бўлади.

Ички ва ташқи инвестицияга бўлган талаб дунёда жуда юқори бўлганлиги учун инвестициялаштиришни амалга ошириш шакллари ва воситаларга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Бунда даставвал ички имкониятларни ҳисобга олиб, ички ва ташқи инвестицияларнинг оптимал вариантини вужудга келтириш керак. Инвестиция натижасида вужудга келган маҳсулот ёки хизматларни жаҳон бозорида сотиш жуда катта муаммодир. Бу ерда рақобатга бардош бериш жуда мушкул; давлат томонидан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ҳимоя қилиш мақсадида, чет эл маҳсулотларини мамлакатга киритишни камайтирадиган қонунлар қабул қилиниши керак.

Ташқи бозорга чиқишни амалга ошириш узоқ муддат талаб этадиган жараёндир. Бунинг учун тинимсиз равишда маҳсулот сифатини яхшилаш, маркетинг хизматини юқори поғонага олиб чикиш ҳисобига маҳсулот чиқарувчининг имиджини оширишга эришиш зарур. Чет эл инвестицияларини ҳар хил усуллар билан иқтисодиётга киритиш мумкин. Бунга концессия усули мисол бўла олади.

Концессия — маълум бир вақтга чет эл хусусий мулк эгасига ёки бошқа юридик шахсга берилган ер участкасидан қазилма бойликларни қазиб олиш, ҳар хил иншоотлар қуриш ва табиий бойликларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган шартномадир. Бу шартномада ижара ҳақи, концессиор (конценция олган шахс)нинг атроф-муҳитнинг ҳолатини яхшилаши, ишчилар ёллаши каби шартлар ва бошқалар белгиланиб олинади.

Инвестицияларни жалб қилишнинг иккинчи усули компенсация шартномалари асосида бўладиган инвестициялардир. Бунда чет эллик ҳамкор мамлакатга кредит беради ва шу кредит ҳисобига қуриладиган объектлар учун лицензия, ускуналар ва машиналар сотиб олади. Бунинг эвазига у кейинчалик етиштирилган маҳсулотнинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу маҳсулотнинг қиймати берилган инвестиция суммаси ва унинг фоизларини қоплаши керак. Бундай шартномалар саноат компенсацияси дейилади. Объект эгаси буюртмачи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бундай шартномалар МДҲ давлатларининг ҳаммасида мавжуд. Инвесторлар бундай шартномалар орқали жуда катта буюртмаларга, буюртмачи эса ўз капиталини ишга солмаган ҳолда, янги ишлаб чиқариш қувватларига ва қисман янги технологияларга эга бўлади.

Шу билан бир қаторда, жуда катта қийматларни ўзлаштириш ва вужудга келган объектларнинг тўлиқ эксплуатациясини амалга ошириш катта муддатни талаб этади.

Шу сабабли бундай лойиҳаларни иивестициялаштиришда техник-иқтисодий кўрсаткичларни чуқур ўрганиш керак.

Инвестиция шароитини яхшилашнинг энг прогрессив йўли лицензиялар импортидир.

Бу билан патент орқали ҳимояланган илғор технологияга асосланган лицензиялар ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқарилади ва жаҳон бозорига тайёр маҳсулот билан чиқиш амалга оширилади. Лицензия сотиб олувчига лицензияларни импорт қилиш шу ишларни ўзида амалга оширишга нисбатан арзонга тушади. Лицензияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

-оддий лицензиялар — бунда лицензия сотувчи ишлаб чиқаришни ўзи ташкил этади;

-фавқулодда лицензиялар — бунда лицензия сотувчи ўз ҳудудида монопол ҳуқуққа эга бўлади;

-тўлиқ лицензиялар — бунда лицензия сотиб олувчига мулк ҳуқуқи тўлиқ ўтади ва лицензия сотувчи ихтиро ёки кашфиётдан умуман воз кечади. Лицензия баҳоси шартнома орқали вужудга келтирилган фойда, маҳсулотнинг қиймати ёки миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

«Инвестиция сиёсатининг моҳияти ва йўналишлари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Макроиқтисодий назарияда инвестициялар
- Инвестиция сиёсати
- Инвестиция сиёсати тамойиллари
- Устувор тармоқлар
- Инвесторларга имтиёзлар
- Инвесторларга кафолатлар
- Ички инвестиция манбалари
- Ташқи инвестиция манбалари
- Чет эл инвестициялари
- Сиёсий барқарорлик
- Инфляция даражаси
- Компенсация
- Лицензия

5-МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ МУВОФИҚЛИК КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентини аниқлаш
2. Корхонанинг зарарсизлик (тенглик) нуқтасини аниқлаш
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг фойдалилиги таҳлили

1. Мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентини аниқлаш

Харажатларнинг таркибини тўғри ифодалаш учун мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентидан (Км) фойдаланиш мумкин.

Мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентини аниқлаш учун маҳсулотнинг ўзгарувчи харажатларини солиқнинг ўзгарувчи қисми билан биргаликда қўшиб (Мўз) унинг қийматига (Р) бўлинади:

$$Км = \frac{Мўз}{Р} \qquad (1.)$$

Мувофиқлик коэффициенти инобатга олинган ҳолда 2 формула қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$Д = Км \cdot Мўз + Мўм + Ф \qquad (2.)$$

Ушбу формулага асосан корхонанинг барча харажатларини қоплаш, яъни унинг зарарсизлик даражасини таъминлаш учун қанча даромад зарурлигини ҳисоблаш мумкин.

2. Корхонанинг зарарсизлик (тенглик) нуқтасини аниқлаш

Бу кўрсаткични аниқлаш учун олдин даромаднинг «Тенглик нуқтаси» аниқланади ($Д^{тн}$), яъни даромад ҳажми барча харажатларни қоплашга етарли бўлиши керак. Бунда фойда олиш кўзда тутилмайди. У ҳолда 3 формула қуйидагича ифодаланади:

$$Д^{тн} = Км \cdot Мўз + Мўм \qquad (3.)$$

Натижа билан омил ўртасидаги мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентини тўғри ифодалаш учун 4 формулани қуйидагича ёзиш ҳам мумкин.

$$Д^{тн} = \frac{Мўм}{1 - Км}; \qquad (4.)$$

Ушбу формулага асосан барча харажатларни қоплаш ва солиқларни тўлаш учун корхонага қанча даромад кераклигини аниқлаш мумкин.

Масалан, «Турон» корхонаси сандиқ ишлаб чиқариб сотади деб фараз қиламиз. Унинг биттасининг қиймати 20,0 минг сўмни ташкил қилади. Бу нарх ҳисобот йилида ҳам ўзгармасдан сақланиб қолади. Бунинг 14 минг сўми ўзгарувчи харажатлардир. Бунда мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициенти 0,7 (14 : 20)га тенг бўлади.

Энди «Турон» корхонасининг зарарсиз ишлаши учун ҳисобот даврида қанча сандиқ ишлаб чиқариб сотиши лозимлигини аниқлаш мумкин. Корхонанинг доимий харажатлари 450,0 минг сўмни ташкил қилганда ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$Д^{тн} = \frac{450,0}{1 - 0,7} = 1500,0 \text{ минг сўм}$$

«Турон» корхонаси барча харажатларини қоплаши ва солиқларни тўла тўлаши учун 1500,0 минг сўмлик сандиқ ишлаб чиқиб сотиши лозим экан. Бу учун 75 та (1500,0 : 20,0) сандиқни ишлаб чиқиб сотишни тақазо қилади. Бу ҳолда, ҳар бир сандиқни ишлаб чиқариш ва сотишга кетган умумий харажат 14 + (450 : 75) = 20 минг сўмни ташкил қилади.

«Турон» корхонаси бир йилда сандиқни 75 тадан кам ишлаб чиқариб сотса у зарар билан ишлайди, фойда ололмайди. Ниҳоят синиши мумкин.

Агарда 75 тадан кўп ишлаб чиқариб сотадиган бўлса корхона фойда олиши муқаррар. Шу туфайли йил бошида корхонанинг «тенглик нуқтасини» аниқлаб олиши лозим.

Агарда корхона хизмат қиладиган худудда шунча сандиқнинг сотилиш имкони бўлмаса унда «Турон» корхонаси бошқа бозорни ҳам топиши, агар унинг ҳам иложи бўлмаса бошқа маҳсулотни ишлаб чиқариб сотишга ихтисослашиши лозим.

3. Фойдалилик нуқтасини аниқлашнинг бевосита усули

Ушбу кўрсаткичларни бошқачароқ йўл билан ҳам ечиш мумкин. Энг аввало, харажатларнинг иккига бўлинишини инобатга олиш лозим.

1. Доимий (ўзгармас) харажатлар - 100,0 минг сўм
2. Ўзгарувчи харажатлар - 140,0 минг сўм

Иккинчидан, **маржинал фойда** (Мф) аниқланади. Бу учун маҳсулотнинг сотилиш қийматидан (Қ) унинг ўзгарувчи харажатлар бўйича таннархи (Тн) айрилади:

$$\text{Мф} = \text{Қ} - \text{Тн} \qquad (5)$$

Маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) сотилиш қиймати 3,0 минг сўм унинг ўзгарувчи харажатлар бўйича 2,0 минг сўм. У ҳолда ҳар бир маҳсулот (иш, хизмат)дан олинадиган маржинал фойданинг миқдори 1,0 минг сўмни (3,0-2,0) ташкил қилади.

Учинчидан, барча харажатларни қоплаш учун зарур бўлган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми (Q) аниқланади.

Бу учун доимий (ўзгармас) харажатлар сўммасини (Дх) маржинал фойда сўммасига (Мф) бўлинади:

$$Q = \frac{\text{Дх}}{\text{Мф}} \qquad (6.)$$

Бизнинг мисолимизда барча харажатларни қоплаш учун зарур бўлган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми 100 донани (бирликни) ташкил қилади.

$$Q = \frac{100,0}{1,0} = 100 \text{ дона (бирликда)}$$

Демак, мазкур тадбиркор бир ой муддатда барча харажатларни қоплаш учун 100 дона маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариб сотиши лозим экан.


Аммо тадбиркорнинг мақсади ўз фаолияти натижасидан фойда олишдан иборатдир. Фойда сўммаси ҳам бизнес режада олдиндан аниқланади ва кўзда тутилади. У холда мазкур тадбиркор барча харажатларини қоплаб кўзда тутилган фойдага эришиш лозим бўлган маҳсулот (иш, хизмат)ҳажмини (Qкт) аниқлаш учун ўзгармас харажатларга (Дх) бизнес режада кўзда тутилган фойда сўммасини (Фбр) қўшиб маржинал фойда сўммасига (Мф) бўлинади:

$$Qкт = \frac{Дх + Фбр}{Мф}; \qquad (7)$$

Фараз қиламиз мазкур тадбиркорнинг бир ойда оладиган фойдаси 25,0 минг сўмни ташкил қилади. У ҳолда ушбу кўзланган фойдага эришиши учун у шу ойда 125 дона маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариб сотиши лозим экан.

$$Фкт = \frac{100,0 + 25,0}{1,0} = 125 \text{ дона}$$

Ушбу ҳисоб-китобларнинг чизмаси қуйидагича бўлади:



Шуни эътироф этиш керакки, фойда сўммасини иш ҳажмини оширмасдан ҳам кўпайтириш мумкин. Бу учун 10 формаладаги Мф ўрнига 8 формуладаги миқдори қўйилса қуйидаги формула ҳосил бўлади:

$$Qкт = \frac{Дх + Фбр}{К - Тн}; \qquad (8)$$

Ушбу формуладан бизнес-режада кўзда тутилган фойда (Фкт) миқдорини аниқлаш мумкин:

$$Фбр = \frac{Qкт - Дх}{К - Тн}; \qquad (9)$$

Мазкур формуладан кўриниб турибдики бизнес режада кўзда тутилган фойдани кўпайтириш учун иш ҳажмини (Q) ошириш, доимий ўзгармас харажатларни (Дх) камайтириш, битта маҳсулотни (иш, хизматни) ишлаб чиқариб сотиш қийматини (Қ) орзонлаштириш ва унга нисбатан шу маҳсулот (иш, хизмат) таннархини (Тн) камайтириш орқали эришиш мумкин.

Ушбу омиллар таъсирини аниқлаш учун қуйидаги жадвал тузиш тавсия қилинади (1-жадвал).

1-жадвал

Бизнес режада кўзда тутилган фойдани аниқлаш ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Бизнес режада	Ҳақи-қатда	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати,%
1.	Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми, миқдори, қиймати, минг сўм	 125 125,0	 130,0 130,0	 +15 +5,0	 112,0 104,0
2.	Доимий (ўзгармас) харажатлар, минг сўм	 100,0	 100,0	 -	 100,0
3.	Битта маҳсулотнинг сотиш қиймати, минг сўм	 3,0	 3,5	 +0,5	 116,7
4.	Битта маҳсулотнинг таннархи, минг сўм	 2,0	 2,2	 +0,1	 105,0
5.	Маржинал фойда, минг сўм (3қ-4қ)	 1,0	 1,3	 +0,3	 130,0
6.	Бизнес режада кўзда тутилган фойда, минг сўм	 25,0	 23,1	 -1,9	 92,4

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада барча кўрсаткичлар бўйича ўсишга эришилган. Аммо бизнес режада кўзда тутилган фойда миқдори 14,4 % ёки 3,6 минг сўмга камайган. Бу ўзгаришга бир қанча омиллар таъсир қилган. Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири шу таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини аниқлашдан иборатдир.

Бизнес режада кўзда тутилган фойдага таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардан иборат.

1. Кўзда тутилган фойдага эришиш лозим бўлган маҳсулот (иш, хизмат) қиймати ҳажмининг 5,0 минг сўмга кўпайганлиги бизнес режада кўзда тутилган фойда ўзгаришига ижобий таъсир қилиб, уни 5,0 минг сўмга кўпайтирган.

$$\frac{130,0 - 100,0}{3,0 - 2,0} \text{ -- } \frac{130,0 - 100,0}{30 - 20} = 30,0 - 25 = +5,0 \text{ минг сўм}$$

2. Доимий ўзгармас харажатлар бизнес режа хажмида қолган. Бу эса бизнес режада кўзда тутилган фойдага таъсир қилмаган.

$$\frac{130,0 - 100,0}{3,0 - 2,0} - \frac{125,0 - 200,0}{3,0 - 2,0} = 30,0 - 30,0 = 0$$

3. Битта маҳсулотнинг сотиш қиймати 0,5 минг сўмга ошган. Ушбу омил натижасида бизнес режада кўзда тутилган фойда миқдори 10,0 минг сўмга камайган.

$$\frac{130,0 - 100,0}{3,5 - 2,0} -- \frac{130,0 - 100,0}{3,0 - 2,0} = 20,0 - 30,0 = -10,0 \text{ минг сўм}$$

4. Битта маҳсулот таннархи 0,1 минг сўмга ошган. Ушбу омил натижасида бизнес режада кўзда тутилган фойданинг миқдори 3,1 минг сўмга кўпайган.

$$\frac{130,0 - 100,0}{3,5 - 2,2} -- \frac{130,0 - 100,0}{3,5 - 2,0} = 23,1 - 20,0 = + 3,1 \text{ минг сўм}$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг:

5,0 - 10,0 + 3,1 = -1,9 минг сўм

Ушбу ҳисоб-китоб омилли таҳлилнинг услубий жиҳатини кўрсатиш учун берилди. Бундай ҳолатда ҳар бир рақамга мантиқий жиҳатдан ёндошиш лозим. Хусусан, битта маҳсулотнинг сотиш қийматининг ошиши фойдани кўпайтириши, маҳсулот таннархининг ошиши фойда миқдорини камайтириши лозим. Аммо ушбу кўрсаткичлар формулада махражида жойлашган. Шу жиҳатдан ҳисоб-китоб натижасига иқтисодий манфаатдорлик нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ.

«Корхонанинг мувофиқлик коэффициентини аниқлаш» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Даромад
- Харажат
- Ўзгарувчан харажат
- Ўзгармас харажат
- Фойда
- Маржинал фойда
- Мувофиқлик коэффиценти

6-МАВЗУ. КОРХОНАЛАР ФОЙДАЛИЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

1. Корхона даромадлари таркиби
2. Ўзгарувчи ва ўзгармас харажатларни аниқлаш
3. Корхона бир қанча фаолият билан шуғулланганда зарарсизлик нуқтасини аниқлаш усули

1.Корхона даромадлари таркиби

Бозор муносабатлари шаклланаётган эркин иқтисодиёт шароитида фаолият кўрсатаётган ҳар қандай корхона эркин рақобат натижасида синиб кетмаслиги ҳамда хатарсиз ишлашишни таъминлаш учун унинг зарарсиз фаолият кўрсатиши мумкинлигини олдиндан аниқлаш ва таҳлил қилиш йўлларини билиши лозим.

Ҳар бир корхона ўз фаолияти давомида маълум даражада даромад (Д) олади. Бу ўз-ўзидан шаклланмайди. Тегишли харажатларни (Х) сарф қилишни талаб қилади. Мақсад корхонанинг оладиган даромади унинг қилган харажатларини қоплаб фойда олишдир. Агар олинган даромад фақат харажатни қопласа (Д=Х) бу корхонанинг зарарсиз ишлаганлигини кўрсатади. Агар Д>Х бўлса бунда корхона фойда билан ишлаётганлигини, агар Д<Х бўлса зарар билан ишлаётганлигини билдиради. Бу оддий назария. Бироқ, корхона раҳбари (эгаси) маълум муддатда қанча маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни, шунга қанча харажат бўлишини ва бу харажатни қоплаш учун қанча даромад олиш зарурлигини олдиндан билиши керак. Буни баҳолаш ва таҳлил қилиш учун корхонанинг зарарсизлик даражасини аниқлашни тақозо қилади.

Корхонанинг зарарсизлик даражасини аниқлаш учун даромаднинг таркиби белгилаб олинади. Корхона даромади қуйидаги элементларга бўлинади: корхона харажатларини қоплашга, давлат бюджетига тўловларни (С-солиқлар) амалга оширишга ва фойдани (Ф) ташкил қилишга. Бу ҳолда қуйидаги тенглик ҳосил бўлади:

$$\mathbf{Д = Х + С + Ф} \qquad \mathbf{(1)}$$

Ушбу формуладан кўриниб турганидек корхонанинг даромади унинг харажати, тўланадиган солиғи ва олинадиган фойдасига тўғри

пропорционал (мувофиқ). Буларнинг қайси бири кўпайса (камайса) Д-нинг ҳажми ҳам шунга мос равишда кўпайиши (камайиши) мумкин.

Одатда иқтисодий таҳлилда даромад, харажат ва бошқа кўрсаткичларга таъсир қилади. Аммо лойиҳа таҳлилида олдин унинг таркиби аниқланиб ва кейин даромад шаклланади.

2. Ўзгарувчи ва ўзгармас харажатларни аниқлаш

Таҳлил жараёнида шуни кўзда тутиш керакки харажатлар ва солиқларнинг бир қисми ўзгарувчи ва бир қисми ўзгармасдир. Демак формулада ифодаланган натижа ва омил кўрсаткичларининг ҳисобот йилларидаги ҳақиқий ҳажми 1 формулада кўрсатилган назариядан фарқ қилиши ҳам мумкин. Буни аниқлаш учун харажатларни ва солиқларни иккига: ўзгарувчи ва ўзгармас қисмларига бўлиб олинади. У ҳолда 1 формула қуйидагича ифодаланади:

Д = (Хўз + Хўм) + (Сўз + Сўм) + Ф **(2)**

Бунда Хўз - ўзгарувчи харажатлар;
Хўм - ўзгармас харажатлар;
Сўз - солиқларнинг ўзгарувчи қисми;
Сўм - солиқларнинг ўзгармас қисми.

Бу формуладаги ўзгарувчи (Хўз, Сўз) ва ўзгармас (Хўм, Сўм) миқдорларни алоҳида қўшиб биргаликда ифодаласак қуйидаги 3-формула келиб чиқади:

Д = Мўз + Мўм + Ф **(3)**

Бунда Мўз = Хўз + Сўз га, Мўм = Хўм + Сўм - га тенг.

Ушбу ифодаланган омилларнинг даромад ҳажми билан боғлиқлиги қуйидагича. **Даромаднинг кўпайиши** ўзгурувчи харажатларни кўпайтиради **Ўзгурувчи харажатларнинг кўпайиши**, эса пировард натижада, даромадларни кўпайтиради.

3. Корхона бир қанча фаолият билан шуғулланганда зарарсизлик нуқтасини аниқлаш усули

Кўтарилган масала тушунарли бўлиши учун корхонанинг битта маҳсулот бўйича фаолият кўрсатган ҳолдаги аҳволи таҳлил қилинди. Амалиётда корхоналар ўз фаолияти жараёнида бир вақтнинг ўзида бир қанча товарларни ишлаб чиқариб сотиш билан ҳам шуғулланиши мумкин. Бу ҳолда корхонанинг зарарсиз ишлаш даражаси барча товарларни ишлаб чиқариб сотиш билан боғлиқ фаолият натижаси бўйича аниқланади. Бу ҳолда қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$Д^{mH} = \sum_{i=1}^{n} (Д_i - М_{ўзi}) - М_{ўмi} \qquad (4.)$$

Бунда $Д_i$ - i - товар бўйича олинадиган даромад;

$М_{ўзi}$ - i - товарни ишлаб чиқариб сотиш учун кетадиган ўзгарувчи харажат;

Мўм - барча доимий ўзгармас харажатларнинг ҳақиқий миқдори;

i - товар гуруҳи тартиб сони (i = 1,n)

n - ишлаб чиқарилиб сотиладиган товар гуруҳининг умумий сони.

Амалиётда ҳар бир товар бўйича даромадларни ва харажатларни ҳисоблаш қийин. Шу туфайли даромад ва харажатлар умумий сўммасидан фойдаланилади.

У ҳолда молиявий натижани (Ф) ҳисоблаш йўли анча соддалаштирилади ва қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$Ф = Д - \left(\frac{Мўм \cdot У_Z}{100} + М_{ўмi}\right) \qquad (5.)$$

Бунда Д - йилнинг t - чорагида олинган даромаднинг ҳақиқий сўммаси;

Мум - ўзгармас харажатларнинг йиллик сўммаси;

Уz - ўзгармас харажатларнинг t - чоракдаги улуши;

$М_{ўмt}$ - ўзгарувчи харажатларнинг t - чоракдаги ҳақиқий сўммаси.

Ушбу формулалардан амалиётда фойдаланиш учун қуйидаги амалий маълумотларни қўллаймиз. Бунда ҳақиқий ўзгармас йиллик харажатларни 15200,0 минг сўм миқдорида қабул қиламиз. Уни шартли равишда тўрт чоракка тенг 25 % - дан бўламиз. У ҳолда молиявий натижа қуйидагича бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

«Турон» савдо корхонасининг бутун фаолияти бўйича молиявий натижаларнинг йиллик ҳисоботи

Кўрсаткичлар	Йил чораклари				Йил бўйича
	I	II	III	IV	
Барча товарларни сотишдан олинган даромад, минг сўм	9280,0	9940,0	11551,0	11940,0	42711,0
Ўзгарувчи харажатлар, минг сўм	5310,0	6240,0	7151,0	6830,0	25531,0
Ўзгармас харажатлар, минг сўм					15200,0
ЖАМИ :					**40731,0**
Молиявий натижа (фойда), минг сўм	170,0	-100,0	600,0	1310,0	1980,0

Ушбу жадвал маълумотидан кўриниб турибдики «Турон» корхонаси ҳисобот йили натижаси бўйича 1980,0 минг сўм фойда олишга эришган. Аммо уни алоҳида чораклар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак 1 чорак натижаси ижобий, яъни 170,0 минг сўм фойда олишга мувоффақ бўлган.

$$[9280{,}0 - (5310{,}0 + \frac{15200 \cdot 25\ \%}{100}) = +170{,}0 \text{ минг сўм.}]$$

Иккинчи чорак натижаси ушбу корхонанинг 100,0 минг сўмлик зарар билан ишлаганлигини кўрсатади

$$[9940 - (6240{,}0 + \frac{15200 \cdot 25\ \%}{100}) = -100{,}0 \text{ минг сўм}]$$

Учинчи ва тўртинчи чорак натижалари эса ижобий бўлган, яъни III чоракда 600,0 минг сўм фойда олган бўлса, бу кўрсаткич IV чоракда 1310,0 минг сўмни ташкил қилади.

Ушбу таҳлил натижасидан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳисобот даврида «Турон» корхонаси умумий натижа бўйича зарарсиз ишлаган. Аммо иккинчи чоракда 100,0 минг сўм зарар кўрган.Агар ушбу зарар бўлмаганда эди унинг йиллик фойдаси

1980,0 минг сўм эмас, балки 2080,0 минг сўмни (1980,0 + 100,0) ташкил қилган булар эди.

Корхонанинг зарарсиз ишлаш даражасини таҳлил қилишни унинг ҳақиқий натижасини ўтган давр натижалари билан солиштирган ҳолда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш билан давом эттириш мумкин.

«Корхоналар фойдалилик кўрсаткичи таҳлили» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Зарарсизлик нуқтаси
- Фойдалилик нуқтаси
- Маҳсулот ҳажми
- Сотиш қиймати
- Таннарх
- Омиллар
- Молиявий натижа

7-МАВЗУ. ЛОЙИҲА КОНЦЕПЦИЯСИ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Лойиҳанинг мазмуни ва моҳияти
2. Лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари
3. Лойиҳа ҳаёт давринининг асосий босқичлари

1. Лойиҳанинг мазмуни ва моҳияти

Лойиҳа таҳлилига адабиётларда турлича тарифлар берилган. Биз улардан энг соддасини келтирамиз. Лойиҳа — чекланган вақт давомида ҳамда белгиланган бюджет билан олдинга қўйилган мақсадларга эришишга хизмат қилувчи ўзаро боғланган тадбирлар мажмуидир.

Тармоқларда яратилаётган объектлар шу қадар мураккабки, уларни амалга ошириш ишлари лойиҳа эмас, балки дастур доирасида олиб борилади. Дастурлар узоқроқ муддатга, кенгроқ кўламга эга бўлиб, асосий мақсадга хизмат қилувчи бир неча лойиҳани ўз ичига олиши мумкин. Бу лойиҳалар дастурнинг хизмат муддати ва кўлами бўйича бир нечтани ташкил этиб, мақсади, тури бўйича ўзаро фарқ қилиши мумкин.

Фикр, муаммо, вазифа	→	Амалга ошириш воситалари	→	Амалга ошириш мақсадлари (кутилаётган натижалар)

Лойиҳа атамаси билан қуйидаги тушунчалар ўзаро боғланган:

- лойиҳа даври (босқичи);
- лойиҳа таҳлили;
- лойиҳа менежменти;
- лойиҳани молиялаштириш.

Лойиҳаларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

1.Ўлчамчилик — лойиҳа бўйича фаолият ва кутилаётган натижаларни миқдорий ифодалаш имкониятларининг мавжудлиги.

2.Вақт бўйича чекланганлиги - лойиҳани ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муддатларининг чекланганлиги.

3.Алоҳида фаолият турлари билан боғлиқ ҳодисаларнинг аниқ белгиланган кетма-кетлиги.

4.Мақсадга йўналтирилганлиги.

2. Лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари

Ҳар бир лойиҳани белгиловчи 4 асосий омил мавжуд:

1. Лойиҳа кўлами (кичик лойиҳа, мегалойиҳа)

- кичик лойиҳа — кўламига кўра катта бўлмаган содда ва чекланган ҳажмдаги лойиҳа (қиймати 15 млн. АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар);
- мегалойиҳалар мақсадли дастурлар бўлиб, мақсадлар умумийлиги, ресурслар ва вақт бўйича ўзаро боғланган бир неча лойиҳани ўз ичига олади. Бундай лойиҳанинг қиймати 15 млн. доллардан 1 млрд. гача ёки меҳнат сиғими 20 млн. киши-соатидан кўп бўлади.

2.Амалга ошириш муддатлари (қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли лойиҳалар).

3. Сифатли (деффектсиз лойиҳа).

4. Ресурсларнинг чекланганлиги (мультилойиҳа). Шунингдек, модуль лойиҳалар, халқаро ва инвестиция лойиҳалари фарқланади.

Биз ушбу қўлланмада инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқамиз ва Жаҳон банки томонидан инвестиция лойиҳаларини баҳолашда қўлланиладиган баъзи тартибларга асосланган ҳолда фикр юритамиз.

Инвестиция лойиҳалари тушунчаси икки маънода қўлланилади:

1.Белгиланган мақсадларни амалга оширишга қаратилган хатти-ҳаракатлар мажмуини амалга оширишни кўзда тутувчи иш, фаолият, тадбир сифатида.

2.Бу фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий ва ҳисоб-молия ҳужжатлари тизими сифатида.

3. Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичлари

Лойиҳа юзага келган вақтдан токи у тугатилгунга қадар ўтган вақт оралиғига лойиҳанинг ҳаёт даври, лойиҳа босиб ўтиши лозим бўлган ҳолатларга эса фазалар, босқичлар дейилади. Лойиҳалар ҳаёт даври (ЛҲЦ) нинг қуйидаги босқичлари фарқланади:

1. Инвестиция олди босқичи.
   а) инвестиция имкониятларининг таҳлил;
   б) дастлабки техник-иқтисодий асослаш;
   в) техник-иқтисодий асослаш;

г) инвестиция имкониятлари тўғрисида доклад.

2. Инвестиция босқичи.
   а) музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш;
   б) лойиҳалаштириш;
   в) қуриш (қурилиш ишларини амалга ошириш);
   г) маркетинг;
   д) ходимларни ўқитиш.
3. Эксплуатация босқичи.
   а)қабул қилиш ва ишга тушириш;
   б)ускуналарни алмаштириш (янгилаш);
   в)кенгайтириш, инновация.

Меҳнат сиғимига кўра, ЛҲЦ ни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

Босқичлар	**Концепция**	**Режалаш-тириш**	**Лойиҳа-лаштириш**	**Қурилиш**	**Якунлаш**
Вақт	3%	5 %	20 %	60 %	12 %

Лойиҳанинг концепциясини ишлаб чиқиш лойиҳанинг якуний мақсадлари ва бу мақсадларга эришиш йўлларини белгилашни ўз ичига олади. Бунда муқобил мақсадлар кўриб чиқилади, ҳажмлар, муддатлар, фойда ҳажми миқдоран солиштирилади.

Лойиҳанинг яшовчанлигини баҳолаш дастлабки техник-иқтисодий асослаш мазмунини ташкил этади. Бунда бир неча муқобил вариантлар кўриб чиқилади ва қиймати ҳамда фойда бўйича баҳоланади. Лойиҳани режалаштириш босқичида лойиҳа бўйича ишлар режаси тузилади. Бу режада ишларнинг таркибий ва вақт бўйича босқичлари, ижрочилари аниқланади. Биз фақат инвестиция олди босқичини ўрганамиз, холос. ЛХЦни характерлаган ҳолда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Лойиҳа ғояси.
2. Муаммо таҳлили (мақсадлар, талаблар, вазифалар).
3. Концепцияни ишлаб чиқиш (ишлаб чиқишга қўйилган талаблар, амалга ошириш имкониятлари таҳлили, муқобил концепциялар).
4. Лойиҳани ишлаб чиқиш.
5. Лойиҳани амалга ошириш (иш ҳужжатлари, харид, синов, қабул қилиш).
6. Эксплуатация (натижалар синови, техник хизмат кўрсатиш).

7. Тугатиш (демонтаж, сотиш, ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилиш ва янги лойиҳа).

Лойиҳани ишлаб чиқишнинг турли босқичларида турли даражадаги аниқликка эришилади ва хатоликка, қалтисликка йўл қўйилади.

«Лойиҳаларнинг турлари ва ҳаёт даври босқичлари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- «Лойиҳа» тушунчаси
- Ўлчамлилик
- Вақт бўйича чекланганлик
- Ресурслар чекланганлиги
- Лойиҳалар кўлами
- Лойиҳа босқичлари
- Инвестиция олд босқичи
- Инвестиция босқичи
- Экспулатация босқичи

8-МАВЗУ. ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ВА ИНВЕСТИИЦЯ ЛОЙИҲАСИ

Режа:

1. Лойиҳа таҳлили тузилмаси
2. Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестициялар
3. Лойиҳаларда бошқа иштирокчиларнинг фаоллигини таъминлаш

1. Лойиҳа таҳлили тузилмаси

Лойиҳа таҳлилида даромадлар ва харажатлар қуйидаги 7 нуқтаи назардан туриб баҳоланади ва улар лойиҳа таҳлилининг 7 бўлимини ташкил этади.

1. Техник таҳлил: лойиҳа техник жиҳатдан асосланганми?
2. Тижорат таҳлили: лойиҳа маҳсулотига бозорда талаб борми?
3. Молия: молиявий жиҳатдан лойиҳа яроқлими?
4. Лойиҳага қилинган харажатлар ундан фойдаланувчи (истеъмолчи)лар ҳисобига қопланадими ?
5. Экология: лойиҳа атроф-муҳитга қандай таъсир кўрсатади?
6. Институционал ривожланиш: лойиҳа учун масъул бўлган ташкилотлар уни амалга ошириш ва эксплуатация қилишга қодирмилар?
7. Лойиҳанинг ижтимоий ва маданий талабларга мослиги: лойиҳа маҳаллий шароитларга мосланганми? Лойиҳа аҳолининг айрим гуруҳларига таъсир кўрсатадими ?
8. Иқтисод: лойиҳанинг ижобий натижалари уни амалга ошириш ва эксплуатация қилиш харажатларидаи ортиқми? Лойиҳада таваккалчилик даражаси қандай ?

Лойиҳа таҳлилининг ҳар бир бўлими ўз услубига эга ҳамда кўрилаётган харажат, даромад ёки бошқа омиллар характерига кўра миқдор ёки сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги фойдаланиладиган ахборот ҳажми ўзгариб туради. Ҳатто таҳлилнинг миқдорий жиҳатларига тегишли бўлган молиявий лойиҳалар ҳам прогнозлашга хос бўлган ноаниқлик омилларидан келиб чиқувчи сифат элементларига эга. Яъни лойиҳа таҳлили лойиҳанинг келажак ҳолатлар тўғрисидаги фикрларнинг ўзгаришига таъсирчанлигини ҳисобга ола билиши керак.

2. Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестициялар

Лойиҳа таҳлилининг турли бўлимлари доирасидаги тадқиқотлар лойиҳанинг ўзаро келишиб олинган вазифаларидан келиб чиқиб олиб борилиши лозим. Кўпинча бу вазифалар, ҳудуддаги маҳаллий шароитлар лойиҳани амалга оширишга кўрсатадиган таъсирни ҳисобга олган ҳолда алоҳида секторларни ривожлантириш дастурларини акс эттиради. Бу вазифалар характерига, шунингдек, қуйидагилар ҳам таъсир кўрсатади:

- турли тадбирларни ўтказишни кимга (давлат ёки хусусий секторга) топшириш тўғрисида жамиятнинг хоҳиш-иродаси.
- давлат лойиҳалари олдига қўйилган мақсадлар бўйича ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро келишувга эришишига ёрдам берувчи жараёнлар.

Илмий тадқиқотлар якунлари ҳамда тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, давлатнинг фаоллилиги кўламларини қисқартириш ҳамда давлат дастурларини хусусий иқтисодий фаолият учун қулай сиёсий шароитлар яратишга йўналтириш фойдалироқ бўлар экан. Бозор иқтисодиётига эга давлатларда ҳам, шунингдек, собиқ социалистик давлатларда ҳам сиёсатчилар ва иқтисодчилар давлатнинг нафақат бевосита давлат корхоналари фаолиятидаги ролига, шу билан бирга давлат анъанавий иштирок этиб келган инфратузилма ва ижтимоий хизматлар соҳасидаги ролига ҳам иккиланиш (шубҳа) билан қарашади.

Хусусий секторнинг бу соҳаларда иштирок этиш учун интилишига бош сабаб менежерлар шахсан жавобгар бўлган шароитда объектлар фаолияти самарадорлигини ошириш имконияти мавжудлиги ҳисобланади. Хусусий инвесторлар маиший хизматларга муваффақиятли жалб қилинган ҳолларда молиявий ресурсларга эга бўлиш имкониятлари кенгайишидан ҳам маълум маънода манфаатдорлик келиб чиқади.

Пухта ўйланган макроиқтисодий сиёсат юритаётган мамалкатларда инвестицияланган капиталлардан келадиган даромад анча юқори. Иқтисодиётдаги хатоликлар нисбатан катта бўлмаган мамлакатларда инвестициялардан келадиган самара 10 % дан анча ортиқ ва 20 % гача ҳамда ундан ҳам кўпроққа етади. Нотўғри макроиқтисодий сиёсат юритаётган (шунингдек, валюта мукофоти

юқори бўлган) мамлакатларда инвестициялардан келадиган самара (қайтим) бор-йўғи 10% га етади ва кўпинча ундан ҳам паст бўлади.

Макроиқтисодий сиёсатни тўғри ва нотўғри олиб бораётган ҳар иккала гуруҳ давлатларида ҳам хусусий, ҳам давлат инвестицияларидан олинадиган фойда жами инвестицияларнинг миллий ҳажмидаги давлат инвестициялари улушига мутаносиб тарзда ўзгаради. Давлат инвестициялари улуши паст бўлган шароитда инвестиция самараси (қайтими) юқори бўлиши, бу улуш 40% гача ва ундан юқори бўлса кескин пасайиб кетиши кузатилади.

Кузатилган бу икки қонуният ҳам давлат фаолиятини ўзгартириш яъни макроиқтисодий хатоликларни қисқартириш ва иқтисодий фаолиятда давлат ролини пасайтириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Бир вақтнинг ўзида хусусий секторнинг макроиқтисодий сиёсат мақсадларини белгилашда ҳамда лойиҳаларда иштироки кенгайтирилгандагина бундай ўзгаришлардан ютуққа эришиш мумкин.

Давлат лойиҳаларини танлашда ҳал қилувчи овозга эга бўлган тақдирда ҳам, хусусий инвестицияларни автоматик тарзда сиқиб чиқармаслиги лозим.

Хусусий капитал иштироки учун шароитларни яхшилаш зарурати лойиҳаларни ким амалга ошириши кераклиги ҳамда хусусий капитал иштироки кўзда тутилган лойиҳаларни ким ишлаб чиқиши кераклиги тўғрисида сўров ўтказишни, шунингдек, мавжуд давлат тузилмалари ва сиёсати иқтисодиётнинг янги секторларга хусусий капитални киритишга қай даражада ёрдам бериши ёки тўсқинлик қилишини кўриб чиқиш зарур.

3.Лойиҳаларда бошқа иштирокчиларнинг фаоллигини таъминлаш

Лойиҳа мақсади, таҳлил чизмаси ва режалаштириш барча манфаатдор томонларнинг ҳамкорлиги жараёнида мунтазам мувофиқлаштириб борилсагина, давлат ихтиёрида қолган лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Бу манфаатдор томонлар жумласига лойиҳа туфайли зарар кўрувчилар ҳам, фойда олувчилар ҳам, лойиҳани амалга ошириш ва эксплуатация қилиш учун масъул бўлган ташкилот ходимлари ҳам, шунингдек, давлат бошқарув идоралари, сиёсатчилар ҳамда молиячилар ҳам киради.

Лойиҳа вазифалари ва кўламини белгилаш учун ҳамда лойиҳани тайёрлашда, бошқаришда, ишлаб чиқариш графигини ўрнатишда турли гуруҳларнинг ролини ва масъулиятини аниқлаш учун бу гуруҳлар иштирокида (ҳамкорлигида) режалар ишлаб чиқиш жараёнидан тобора кўп фойдаланилмоқда. Лойиҳа таҳлилининг етти бўлими лойиҳанинг барча жиҳатларини ҳар томонлама баҳолаш имконини беради. Бунга, шубҳасиз, лойиҳа таҳлили жараёнида ҳамкорлик қилаётган гуруҳлар таркиби ҳам таъсир кўрсатади.

Лойиҳаларни режалаштиришга бундай ёндашув икки томонлама устунликка эга. Биринчидан лойиҳаларни ҳамкорликда режалаштириш ўзаро келишувга эришишга ёрдам беради ҳамда иштирокчиларни лойиҳа мақсадлари ва вазифаларига тарафдорликларини таъминлайди. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай режалаштирилган лойиҳа муваффақиятли ва яшовчан бўлади.

Иккинчидан, турлича манфаатларга эга бўлган иштирокчиларнинг жалб қилиниши экспертлар гуруҳлари ўртасида лойиҳа харажатлари ва натижаларининг нисбий қиймати тўғрисидаги тортишувларга нисбатан самаралироқдир.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг турли лойиҳалари шундай натижаларга олиб келадики, уларни объектив баҳолаб бўлмайди (масалан, ҳайвонот турларининг йўқолиб кетиши). Агар режалаштириш жараёнига манфаатдор томонлар, керак бўлса, маҳаллий аҳоли ва халқаро жамият жалб этилса, илгари ечилиши гумон бўлган муаммоларни ечиш учун ҳам имкон топилиши мумкин.

«Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестиция лойиҳалари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Макроиқтисодиёт
- Микроиқтисодиёт
- Давлат инвестициялар улуши
- Хусусий инвестициялар улуши
- Хусусий сектор
- Лойиҳаларни танлаш
- Лойиҳа мақсади
- Лойиҳа кўлами
- Лойиҳа иштирокчилари

9-МАВЗУ. ЛОЙИҲАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Режа:

1. Лойиҳаларни тайёрлаш.
2. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари.
3. Инвестициянинг олди босқичи.

1. Лойиҳаларни тайёрлаш

Лойиҳалар маълум илмий тадқиқот, илмий изланишлар ва маркетинг тадқиқотлари натижасида тузилади ва илмий жиҳатдан асосланади. Изланишлар натижаси сифатида аниқ ғоя ва лойиҳанинг коцепцияси яратилади. Ғоя эса реал ва аниқ давр билан чегараланади. Лойиҳани амалга оширишда йўлбошчининг роли бениҳоя каттадир. Шу билан бирга лойиҳанинг муҳити қулай ва рағбатлаштириш механизми самарали бўлиши керак. Лойиҳа йулбошчиси ўз атрофига профессионал мутахассислардан иборат командани тўплай олсагина, ҳар томонлама асосланган лойиҳани яратишни таъминлаши мумкин.

Корхонанинг инвестиция лойиҳасини корхона раҳбари ва унинг етук мутахассислари ишлаб чиқишади. Агар корхона мутахассисларининг билими ва тажрибаси етарли бўлмаса, профессионал маслаҳатчилар хизматидан фойдаланилади. Агар йирик лойиҳалар кўп компонентларга эга бўлса, бундай лойиҳаларни тайёрлашга халқаро тажрибага эга бўлган экспертлар ва маҳаллий мутахасислар жалб этилади. Уларнинг билим ва тажрибалари тайёрланган лойиҳаларнинг реал ва илмий асослилигини таъминлайди. Лойиҳаларнинг реал бўлиши учун, шунингдек, уларни тайёрлаш жараёнида экспертларнинг хулосасини олиш мақсадга мувофиқдир. Баъзи ҳолларда лойиҳаларни тайёрлаш жараёнида уларнинг самарадорлига пастлиги ва амалиётга тадбиқ этиш қийинлиги экспертлар томонидан исботланади. Натижада келгусидаги унумсиз харажатларнинг олди олинади.

2. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари

Инвестиция лойиҳаларини халқаро тажрибада учта йирик босқичга бўладилар:

•инвестиция олди босқичи;

•инвестиция босқичи;

•янгидан вужудга келган объектларни эксплуатация қилиш босқичи

«Лойиҳалар таҳлили» фанининг асосий вазифаси биринчи босқич тўғрисида фикр юритишдир. БМТнинг ЮНИДО номли бўлими томонидан чиқарилган бюллетенда инвестиция олди босқичини тўртга йўналишга бўлиб ўрганиш тавсия этилади. Булар:

•инвестиция концепцияларини танлаш;

•дастлабки (бирламчи) лойиҳаларни вужудга келтириш;

•якуний лойиҳани вужудга келтириш ва унинг техник-иқтисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллигини баҳолаш;

•лойиҳанинг якуний муҳокамаси ва у бўйича маълум қарорга келиш.

Инвестиция олди босқичини бундай йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки аввал корхонанинг ёки тармоқнинг инвестиция ёрдамида ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконияти бор ёки йўқлигини аниқлаш керак. Бундан кейин инвестиция ҳақидаги фикрларни чуқур ўрганиб чиқиш ва шу асосда бизнес-режани вужудга келтириш лозим. Агар бу режа инвестор ва буюртмачида қизиқиш уйғотса, ишни кейинги босқичларда давом эттириш лозим. Бу йўналиш бизнес-режани чуқур таҳлил қилиш ва уни иқтисодий-молиявий томондан баҳолашдан иборат. Агар бу изланишлар натижаси ижобий бўлса, лойиҳаларни вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган охирги хулоса чиқариш йўналишига ўтиш тавсия этилади. Индустриал ривожланган мамлакатларда инвестиция олди босқичини вужудга келтириш лойиҳа қийматининг 1,5-5% ҳажмидаги харажатни талаб этади.

Албатта, бу ерда лойиҳа қиймати ҳажми асосий роль ўйнайди. Умумий инвестиция харажатларидаги инвестиция олди босқичининг йўналишлари бўйича харажатлар улуши қуйидагича: биринчи йўналишда 0,2 - 1,0%, иккинчи йўналишда 0,25 - 1,5 %, учинчи йўналишда катта лойиҳалар бўйича 0,2 - 1,2 %, кичиклари бўйича эса 1,0 - 3,0%.

Инвестиция олди босқичида муқобил вариаитларга эга бўлган бир неча лойиҳалар ўрганилади ва улардан самарадорлиги пастлари ёки самара бермайдиганлари чиқариб ташланди. Бундай лойиҳалар келгуси йўналишларда кўрилмайди ва бу билан жуда катта маблағ тежаб қолинади.

3. Инвестициянинг олди босқичи

Лойиҳаларнинг инвестиция олди босқичини қуйидаги схема кўринишида ифодалаш мумкин:



«Лойиҳаларни тайёрлаш босқичлари» мавзуси бўйича
ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Ғоя
- Лойиҳаларни тайёрлаш
- Инвестиция олд босқичи
- Инвестиция босқичи
- Экспулатация қилиш босқичи
- Экспертлар
- Муқобил лойиҳалар

10-МАВЗУ. ЛОЙИҲАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ИНВЕСТОРЛАРНИ ТОПИШ

Режа:

1. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш.
2. Лойиҳаларнинг охирги шаклланган вариантини тайёрлаш.
3. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш.

1. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш масалалари

Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш йўналишининг асосини бизнес - режа ташкил этади. Кичик лойиҳалар учун бизнес-режа биринчи даражали асословчи ҳужжат ҳисоблансада, катта лойиҳаларни тайёрлашда оралиқ ҳужжат вазифасини ўтайди, холос. Бундай бизнес-режанинг вазифаси қуйидаги саволларга жавоб топишдан иборат:

•Инвестиция лойиҳасининг концепцияси лойиҳа устида ишни давом эттириб, техник-иқтисодий ва молиявий жиҳатдан фойдали эканлигини баҳолаш учун ҳужжатлар тайёрлашга арзийдиган даражада қизиқарли ва фойдалими?

•Бу концепцияда келажакдаги муваффақият учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган, шу сабабли алоҳида эътибор билан тадқиқ қилиниши шарт бўлган жиҳатлар борми?

Бизнес-режа — инвестиция лойиҳаларини асослайдиган, лойиҳаларнинг имкониятларини белгалайдиган, даромад ва харажатларни ҳисоблайдиган, маблағ оқимини кўрсатадиган муҳим ҳужжатдир. Бу ҳужжат орқали лойиҳалар бошқарилади. Бизнес - режанинг асосий вазифаси лойиҳаларга системали баҳо беришдан иборатдир.

Бизнес-режа иқтисодчи ва ишбилармонларга қуйидаги тўртта асосий масалани ечишда ёрдам бериши керак:

- бозор сиғими ва унинг ривожланиш истиқболларини ўрганишда;

-бозорга зарур бўлган маҳсулотларни тайёрлаш учун кетадиган харажатларни баҳолаш ва бу харажатларни товарларни сотиш баҳолари билан солиштириб, мўлжалланган ишнинг фойдалилиги даражасини аниқлашга;

-янги бизнеснинг биринчи йилларида бозорда кутилиши

мумкин бўлган тўсиқларни аниқлашга;
-иш ривожланаётганлиги ёки орқага кетаётганлигани доимий баҳолаб бориш имконини берувчи сигнал-кўрсаткичларни аниқлашга.

Бизнес-режа истиқбол характерга эга бўлиб, уни камида 3 ёки 5 йил олдинга тузиш тавсия этилади. Бизнес-режада биринчи йил муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун режа кўрсаткичлари ойлар бўйича, иккинчи йили чорак (квартал)лар бўйича, кейинги йилларда эса йилда бир марта ифода этилади. Бизнес-режа маълум бир тузилмага эга бўлиши керак. Масалан, ЮНИДО маълумотномасида бу тузилмада қабул қилиниши мумкин бўлган қарорларни таҳлил қилишга бағишланган қуйидаги бўлимларни ажратиб кўрсатиш тавсия этилган:

- (товар ишлаб чиқариш ҳажми ва тузилмаси. Бозор сиғимини ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш у учун асос ҳисобланади;
•маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган ресурслар ассортименти ва ҳажми;
•янги ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ;
•ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг техник асослари: келгусидаги технологиялар ва уларни реализация қилишни таъминловчи ускуналар парки тавсифи;
•ишлаб чиқариш, бошқарув ва савдо ходимлари ишини таъминлаш учун сарфлаиадиган харажатлар ҳажми ва тузилмаси;
•ишлаб чиқариш ва бошқарув ходимлари иш фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан, меҳнат ҳақи масалалари;
•лойиҳани амалга оширишни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, шу жумладан, янги ташкил қилинган объектларнинг хуқуқий мақоми;
•лойиҳани молиявий таъминлаш, яъни зарур инвестиция суммалари, тахминий ишлаб чиқариш харажатлари, шунингдек, инвестиция ресурсларини олиш имкониятлар ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш.

Маҳсулотлар реализация қилинадиган бозор ва рақобатни баҳолаш бизнес-режада катта ўрин тутади. Ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз ниҳоятда сифатли, охирги техника ва технология талабларига жавоб берадиган бўлишининг ўзи ҳали ижтимоий натижа эмас. Энг муҳими, маҳсулотингиз истеъмолчига керакли бўлиши ва у реализация қилиниши лозим. Шунинг учун бу бўлимнинг асосий вазифаси ишлаб чиқарадиган маҳсулотингиз ўз истеъмолчисини топа олиши ва рақобатга чидамлилигига инвесторни ишонтира олишдан иборатдир.

Маҳсулот реализация қилинадиган бозорларни ўрганиш даврида уларни тўрт гуруҳга бўладилар:

-ишлаб чиқарадиган маҳсулотингизни истеъмолчилар билмайдиган бозорлар;

-ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотингизни истеъмолчилар биладиган, лекин сотиб олмайдиган бозорлар;

-рақобатчингиз маҳсулотини сотиб оладиган бозорлар;

-истеъмолчилар сизнинг маҳсулотингизни сотиб оладиган бозорлар.

Ана шу бозор турлари чуқур таҳлил қилингандан кейин лойиҳа маҳсулотини қаерда ва неча сўмдан сотиш кераклиги аниқланади.

Бизнес - режадан ташқари, агар инвестиция асосий фондларни кенгайтириш ёки реконструкция қилишга сарф этилса, унга смета ҳам тузилади.

2. Лойиҳаларнинг охирги шаклланган вариантини тайёрлаш

Лойиҳаларни техник-иқтисодий ва молиявий асослашда, унинг барча жиҳатлари (яъни техник, молиявий, тижорат жиҳатлари) билан боғлиқ бўлган муаммоларни муқобил суръатда кўриб чиқилади. Бу вазифани фақат иқтисодчиларнинг ўзларигина уддалай олмайдилар, шу сабабли лойиҳаларни тайёрлашнинг бу босқичида турли соҳадаги мутахассислар гуруҳи иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Булар:

-шу тармоқда иш тажрибасига эга бўлган иқтисодчи (иложи бўлса мутахассислар гуруҳига иқтисодчи раҳбарлик қилиши керак);

-маҳсулот реализация қилинадиган бозорни таҳлил қиладиган мутахассис (маркетолик);

-маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини яхши биладиган бир ёки бир неча муҳандис-технолог;

-маҳсулот хусусиятларини, уни сотишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, хизмат кўрсатишни яхши биладиган муҳандис-конструктор;

-шунга ўхшаш ишлаб чиқаришларни барпо этиш билан шуғулланган қурувчи-муҳандис;

-шу турдаги ишлаб чиқаришларда харажатлар ҳисобини юритиш бўйича мутахассис.

Доим ишловчи мутахассислар билан бир қаторда гуруҳ ишида лойиҳанинг айрим муаммолари бўйича мутахассислар ҳам (масалан, экологлар) вақти-вақти билан жалб этилиши мумкин. Лойиҳани қабул қилишга, қандайдир омиллар таъсир кўрсатиши аниқланса, лойиҳа гуруҳи дарҳол бу тўсиқни бартараф этувчи муқобил ечимларни топиши лозим.

Лойиҳани якуний шакллантириш ва уни тўлиқ техник-иқтисодий ва молиявий асослашнинг мазмунини якуний қарорга келиш учун зарур бўлган барча турдаги маълумотларни тайёрлаш ташкил этади.

Лойиҳаларни техник-иқтисодий асослаш деганда уларнинг мақсадга мувофиқ эканлиги ва стандартлигини кўрсатадиган, ҳисобланадиган ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаш тушунилади.

Бу инвестиция олди ҳужжат бўлиб, унда лойиҳалар муҳандислик - конструкторлик, қурилиш-технологик томонидан асосланади. Тажрибада бу жараёнга бир ёқлама ёндашиш унинг ҳамма лойиҳалар учун бир хил моделини топиш жуда қийин.

ТИА бўлимларининг тахминий тузилмаси қуйида келтирилган:

1. *Лойиҳаларни вужудга келтириш шарт-шароитлари ва ғояси:*
1.1.Лойиҳа ғоясининг мазмуни.
1.2.Лойиҳа ташаббуслари.
1.3.Лойиҳа бўйича маълумотлар.

2. Бозор таҳлили ва маркетинг стратегияси:
2.1.Умумиқтисодий таҳлил.
2.2.Маркетинг бўйича изланишлар.
2.3.Лойиҳа стратегияси асослари.
2.4.Маркетинг концепцияси.
2.5.Маркетинг тармоқлари ва харажатлари.

3. Лойиҳани ресурслар билан таъминланганлиги:
3.1.Хом ашё ва материаллар таснифи (классификацияси).
3.2.Материалларга бўлган талабнинг ўзига хос хусусиятлари.
3.3.Материал ресурслар мавжудлиги ва уларни етказиб бериш.
3.4.Материалларни етказиб бериш маркетинги.
3.5.Бутловчи маҳсулотлар ва материал ресурслар харажатлари.

4. Лойиҳалардаги объектларни жойлатадиган ўрни ва атроф-муҳит:
4.1.Объект жойлашадиган жой таҳлили.
4.2.Табиий муҳит.

4.3.Атроф-муҳитнинг таъсирини баҳолаш.
4.4.Ижтимоий-иқтисодий сиёсат.
4.5.Лойиҳаларнинг инфратузилмаси ҳолати.
4.6.Лойиҳа учун жойни танлаш.

5. Лойиҳалаш ва технология:

5.1.Ишлаб чиқариш дастури ва қувватлар.
5.2.Лойиҳа учун технология танлаш.
5.3.Лойиҳа учун технологая сотиб олиш.
5.4.Лойиҳа учун асосий ҳужжатларни тайёрлаш.
5.5.Лойиҳа учун керакли машиналар ва ускуналарни танлаш.
5.6.Аҳоли учун уй-жой қуриш.
5.7.Техникавий хизмат кўрсатишга қўйиладиган талаблар.
5.8.Умумий инвестиция харажатларини баҳолаш.

6. Лойиҳалар кўрсатилган корхонани ташкил қилиш ва бошқа харажатлар:

6.1.Корхонани бошқаришни ташкил этиш.
6.2.Лойиҳалашни ташкил этиш.
6.3.Умумхўжалик ва умумишлаб чиқариш харажатлари.

7. Меҳнат ресурслари:

7.1. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳит.
7.2.Ходимларнинг тоифа бўйича меҳнат ресурсларига талаби.
7.3.Штат жадвали.
7.4. Ходимларни ўқитиш-ўргатиш ва қайта тайёрлаш режаси.
7.5. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини баҳолаш.

8. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштириш:

8.1.Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштиришнинг мақсади.
8.2.Лойиҳаларни амалга ошириш босқичлари.
8.3.Лойиҳаларни амалга ошириш графиги.
8.4.Лойиҳаларни амалга ошириш бюджети.

9. Инвестиция лойиҳаларини молиявий таҳлили ва инвестицияларни баҳолаш:

9.1.Лойиҳалар молиявий таҳлилининг мақсади ва вазифалари.
9.2.Лойиҳа харажатларини баҳолашнинг таҳлили.
9.3.Лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услуби.
9.4. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш.

Ижобий ТИАни вужудга келтириш учун лойиҳа ғояси мамлакат ва ҳудуддаги умумиқтасодий шароитларга мос келиши керак. Лойиҳа

ғоясида инвестициянинг аниқ мазмунини ифода қилиш ва инвесторларнинг нима учун бу лойиҳага қизиқиши сабабларини белгилаб бериш зарур. Бу бўлимда лойиҳанинг тарихи, ғоянинг вужудга келиш сабаби, у бўйича олдин қилинган изланишлар баёноти берилади.

3. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш

Инвестиция лойиҳалари учун ғояларни қидириш ва улар орасида мақбулини танлаб олиш жуда мураккаб ҳамда масъулиятли вазифадир. Биринчидан, бу муаммони ечиш учун лойиҳани вужудга келтиришдан ким мафаатдор эканлигини билишимиз зарур. Агар бу лойиҳа ишлаб турган корхона учун бўлса, унда инвестиция концепцияси шу тармоқда йиғилган тажриба, ундаги ходимларнинг малакаси, бозор муаммолари маълум маънода белгилангандир. Бу корхоналарни бошқарувчи идоралар ҳам инвестиция концепциясини вужудга келтиришда қийналмайдилар. Улар учун бундай лойиҳани амалга ошириш зарурати, корхона маҳсулотлари ҳозирча мавжуд талабни етарлича қондира олмаслиги ёки шу тармоқ шу даврда устувор тармоқ эканлиги ҳам белгилаб берилади.

Халқаро тажрибада турли соҳадаги корхоналар учун инвестиция концепцияларини излаб топиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган дастлабки шарт-шароитларнинг қуйидаги таснифи (классификацияси) қабул қилинган:

- ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш учун зарур бўлган фойдали қазилмалар ресурсларининг мавжудлиги;
- қишлоқ хўжалигининг агросаноат комплекси доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар доираси ҳамда потенциалини белгилаб берувчи имкониятлари ва анъаналари;
- ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар таъсирида ёки бозорда янги товар вужудга келиши натижасида талаб ҳажми ва таркибида келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни баҳолаш (масалан, радиотехниканинг ривожланиши грампластинкалар ишлаб чиқарувчи корхона учун инвестиция концепцияларини яратишда туртки бўлиб хизмат қилади);
- импорт тузилмаси ва ҳажми. Бу кўрсаткичлар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни яратишга йўналтирилган лойиҳаларни вужудга келтиришга туртки бўлиши мумкин;
- ўхшаш ресурслар ва ижтимоий-иқтисодий даражага эга бўлган давлатларнинг ишлаб чиқариш тузилмасини ривожлантириш

бўйича тажрибалари ва анъаналари;

-миллий ёки жаҳон иқтисодиёти доирасида истеъмолчи тармоқларда юзага келган ёки келиши мумкин бўлган эҳтиёжлар;

-истеъмолчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш режалари тўғрисидаги ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга жаҳон бозорида талабнинг ўзгаришини характерловчи ахборотлар;

-ягона хом ашё базасида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг маълум ва янгидан топилган имкониятлари;

-оммавий ишлаб чиқаришдан иқтисодий тежамкорликка эришиш мақсадида ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш;

-умумиқтисодий шарт-шароитлар (масалан, ҳукумат томонидан қулай инвестиция муҳитининг яратилиши, миллий валюта алмашинув курсининг ўзгартирилиши натижасида экспорт имкониятларининг яхшиланиши ва ҳ.к.).

Юқорида келтирилганлар лойиҳаларни инвестициялаш учун умумий шарт-шароитлар ҳисобланади. Бу шарт-шароитлар ҳали лойиҳаларни ташкил этиш учун тўлиқ асос бўла олмайди. У ёки бу лойиҳа концепциясининг кейинги босқичларини давом эттириш ёки эттирмаслик учун мутахассисларнинг чуқур таҳлили натижалари зарур бўлади. Молиявий манбалардаги ахборотлар етарли бўлишига қарамай, инвестор ўзича бирор қарорга келишдан хавфсирайди. Бундан ташқари турли таҳлилларга сарф этиш учун унинг вақти ҳам йўқ. Шунинг учун инвестор ҳар хил консультантларга мурожаат этишни лозим кўради. Инвестиция бўйича консультантлар шундай шахс ёки фирмаларки, уларнинг асосий вазифаси ўз мижозларига маблағларни қайси лойиҳага сарф этишни тавсия этишдан иборат.

«Лойиҳаларни шакллантириш вариантлари ва инвесторларни топиш» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Ижтимоий омиллар
- Иқтисодий омиллар
- Демографик омиллар
- Импорт тузилмаси
- Импорт ҳажми
- Бизнес режа
- Бозор сиғими
- Маҳсулот ишлаб чиқариш
- Техник иқтисодий асослаш

11-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШНИНГ МОҲИЯТИ, РОЛИ ВА УСУЛЛАРИ

Режа:

1. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг роли
2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳоланишнинг усуллари

1. Инвестиция лойиҳаларини танлашда молиявий-иқтисодий баҳолашнинг роли

Реал активларга маблағ сарф қилишнинг мақбул вариантларини танлаш ва асослаб бериш жараёнида инвестиция лойиҳаларини иқтисодий - молиявий баҳолашнинг аҳамияти жуда катта. Бошқа барча жиҳатлари ижобий бўлгани ҳолда ҳам қуйидаги шартларни таъминламаган лойиҳа амалга ошириш учун қабул қилинмайди:

- товарларнинг реализация қилинишидан келган даромадлар сарф этилган харажатларни қопламаса;
- лойиҳани маблағ билан таъминлайдиган инвестор ўртача фойда меъёридан кам бўлмаган рентабеликка эришмаса;
- инвестор учун маъқул келадиган давр ичида харажатлар қопланмаса.

Мана шу шартларнинг бажарилиши реал эканлигини аниқлаш инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бундай баҳолашни ўтказиш бир қанча сабабларга кўра, анча қийин. Бу сабаблар қуйидагилардир:

- биринчидан, инвестиция харажатлари бир марта қилиниши ёки узоқ муддат ичида бир неча марта такрорланиши мумкин;
- иккинчидан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан натижа олиш жараёни ҳам узоқ даври этиши мумкин;
- учинчидан, узоқ муддатли операцияларни амалга ошириш инвестиция лойиҳаларининг барча жиҳатларини баҳолашда ноаниқлик даражаси ошишига, турли хатоликларга йўл қўйилишига олиб келади.

Айнан ана шу омилларнинг мавжудлиги инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг махсус, хатолик даражаси минимал бўлган, етарлича асосланган қарорлар қабул қилиш имконини берадиган услубларини яратишни тақозо этди.

2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг усуллари

Ҳар қандай инвестиция лойиҳасини молиявий-иқтисодий баҳолаш мазмунини жуда содда саволга, яъни келгусидаги пул тушумлари ҳозирги қилинган харажатларни қоплайдими ёки йўқми, деган саволга жавоб топиш ташкил этади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда инвестицияларни баҳолашнинг турли лойиҳаларга қўйилган маблағларнинг фойдалилигини таққослашга асосланган усуллари кўп қўлланилади. Бунда у ёки бу лойиҳага инвестиция қилишнинг муқобил варианти бошқа объектларга маблағ сарфлаш, шунингдек, маблағларни маълум фоиз билан банкка қўйиш ёки уларни қимматли қоғозларга айлантириш имкониятлари ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш услублари деганда харажатларнинг фойдалилиги ва қопланиши нуқтаи назаридан турли объектларга (лойиҳаларга, тадбирларга) инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш усуллари тушунилади. Инвестициялар самарадорлигини аниқлашда, уларнинг айрим жиҳатларинигина характерлайдиган алоҳида кўрсаткичлардан фойдаланиш етарли бўлмайди. Шу сабабли инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш учун бир неча услублар ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда беш асосий услубдан кенг фойдаланилади. Ўз навбатида бу услубларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Дисконтлаш концепциясини қўллашга асосланган услублар:
   - соф жорий қийматни аниқлаш услуби;
   - инвестицияларнинг рентабеллик даражасини аниқлаш услуби;
   - ички фойда меъёрини аниқлаш услуби.
2. Дисконтлаш концепциясини қўллашни кўзда тутмаган услублар:

• инвестиция лойиҳаларига сарфланган маблағларни қоплаш даврини аниқлаш услуби;
• инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллилигини аниқлаш услуби.

Ушбу услубларни кўриб чиқишдан олдин шуни таъкидлаш зарурки, ҳар бешала услуб инвестицияларнинг мутлақ самарадорлигини аниқлаш усули сифатида кўриб чиқилади. Яъни ҳар бир инвестиция лойиҳасини амалга ошириш фирманинг бошқа лойиҳаларга инвестиция сарфлаш имкониятларига таъсир этмайди, деган шартга амал қилинади.

Бундай шартнинг киритилишига сабаб шуки, амалда кўпчилик инвестия лойиҳаларининг амалга оширилиши бошқа лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини пасайтиради ёки мутлақо йўққа чиқаради. Бундай инвестиция лойиҳалари ўзаро конфликтли лойиҳалар дейилади. Ўзаро конфликтли лойиҳалар жумласига шунингдек, фирманинг маълум бир пировард мақсадига эришишнинг турли йўлларини кўзда тутувчи лойиҳалар киради. Турли лойиҳаларнинг конфликтли бўлишига сабаб корхона маблағларининг чекланганлигидир. Фирмалар лойиҳаларни нафақат мутлақ самарадорлиги мезонига кўра, балки маблағ етмай қолганлиги сабаб бошқа лойиҳаларни амалга ошира олмаслиги туфайли ўзи кўриши мумкин бўлган йўқотишлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳам танлайди. Бошқача айтганда, фирма инвестиция лойиҳаларини нисбий самарадорлик мезонига кўра танлайди.

Инвестициялар самарадорлигини аниқлаш усулларини ўрганишга киришишдан олдин эътиборга олишимиз зарур бўлган яна бир шарт шундан иборатки, бу жараёнда лойиҳа билан боғлиқ бўлган барча харажатлар ва тушумлар пул кўринишига эга деб қаралади.

«Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг моҳияти, роли ва усуллари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Лойиҳани молиявий-иқтисодий баҳолаш
- Инвестицияларни баҳолаш
- Соф жорий қиймат
- Инвестициялар рентабеллиги
- Ички фойда меъёри
- Сарфланган маблағларни қоплаш даври

12-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БАҲОЛАШДА ДИСКОНТЛАШТИРИШ УСУЛИ

Режа:

1. Дисконтлаш усулининг моҳияти
2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган услублари
3. Инвестиция лойиҳаларини баҳоланишининг содда услублари

1. Дисконтлаштириш усулининг моҳияти

Дарснинг мақсади - қўйилган муаммонинг **нималигини, нимага ёки кимга кераклигини, қандай ва қачон фойдаланиш мумкинлигини** очиб беришдан иборатдир.

Қўйилган муаммонинг нималигига жавоб бериш учун уни **назарий жиҳатдан** ўрганишга тўғри келади. Нимани ёки кимга кераклигини билиш учун эса қўйилган муаммонинг **амалий жиҳатини** тадбиқ қилиш етарли. Қандай ва қачон фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш учун мазкур муаммонинг **услубий жиҳатини** ўрганиш кифоя.

Демак маърузага қўйилган ҳар бир саволнинг (муаммонинг) **назарий, амалий ва услубий** жиҳатини билиши лозим экан.

Дисконтлаштириш аксарият ҳолда лойиҳа таҳлилида инвестиция ва турли мажбуриятларни баҳолашда кенг қўлланилади.

Дисконтлаштириш деганда инвестиция ёки пул оқимларининг келгусидаги қийматининг бугунги жорий баҳода ифодаланиши тушунилади.

Агар мулкдор ортиқча мулкини инвестицияга қўймоқчи бўлса, унинг бирор мўлжали бўлиши мумкин. Масалан у 10 йилдан кейин 2,0 млн. сўм пулга эга бўлиши керак. Бунга 10 % двиденд кўзда тутилган бўлса у бугун қанча маблағ қўйиши керак? Айнан ана шу саволга пул оқимларини дисконтлаштириш орқали жавоб топиш мумкин. Бу учун қўйилган инвестициянинг жорий қийматини аниқлаш лозим. Бу кўрсаткични аниқлаш лозим. Бу кўрсаткични аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$Ижқ = Инбқ \times \frac{1}{(1+Z)^n};$$

Бунда Ижқ - инвестициянинг жорий қиймати;
Инбқ - инвестициянинг бошланғич қиймати;
Z - белгиланган фоиз ставкасининг коэффицентдаги миқдори;
n - давр (йиллар) сони

Ушбу формулага юқоридаги мисолда келтирилган маълумотларни қўллаб ечадиган бўлсак қуйидаги натижага эришган бўламиз:

$$2000{,}0 \times \left[\frac{1}{(1+0{,}1)^{10}}\right] = 2000{,}0 \times 0{,}3855 = 771{,}0 \text{ минг сўм.}$$

Ушбу ҳисоб-китобдан кўриниб турибдики, мулкдор ўн йилдан кейин 2,0 млн. сўмга эга бўлиш учун 10 % лик фойда ставкаси билан бугунги кунда 771,0 минг сўмлик инвестиция қўйса бас экан.

Лойиҳа таҳлилида пул оқимларини дисконтлаштириш учун дисконтлаштириш коэффициентидан фойдаланилади.

Дисконтлаштириш коэффициенти деганда инвестиция ёки пул оқимлари бир сўмлик қийматининг маълум муддатдан кейин фоиз ставкасини инобатга олган ҳолдаги миқдори тушунилади.

Дисконтлаштириш коэффициентининг икки тури мавжуд. Биринчиси, инвестиция ёки пул оқимларининг жорий қийматини аниқлаш учун қўлланилса, иккинчиси уларнинг келгуси қийматини аниқлашда қўлланилади.

Дисконтлаштириш коэффициентнинг жорий қийматини ифодаловчи миқдори 1 билан 0 ўртасида бўлади. Мазкур коэффициентнинг жорий қийматини (Кджқ) аниқлаш учун ўзидан олдинги коэффициент миқдорини фоиз ставкасининг коэффициентдаги ифодасига бўлиш кифоя. Уни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$Кджқ = S : (1 + Z)^n$$

Бунда S - лойиҳанинг 1 сўмлик ўтган даврдаги жорий қиймати;
Z - двидинт ставкаси;
n - йиллар сони.

Ушбу формулага асосан мазкур лойиҳанинг 1 сўмлик жорий қийматини 15 % лик двиденд ставкаси билан 7 йилга аниқлаб олиш талаб қилинса қуйидаги жадвал тузилади (1-жадвал):

1 - ж а д в а л

Инвестиция лойиҳасининг (пул оқимларининг) 1 сўмлик жорий қийматини (дисконтлаштириш коэффициенти миқдорини) аниқлаш ҳисоб-китоби

Йил-лар	**Ҳисоблаш усуллар (Z = 15 %)**	**Инвестициянинг 1 сўмлик жорий қиймати (дисконт-лаштириш коэффициенти)**
1	1 : 1,15	0,870
2	0,870 : 1,15	0,756
3	0,756 : 1,15	0,657
4	0,657 : 1,15	0,572
5	0,572 : 1,15	0,497
6	0,497 : 1,15	0,433
7	0,433 : 1,15	0,377

Ушбу йўл билан аниқланган коэффициентлар миқдори 1-иловада келтирилган.

Дисконтлаштириш коэффициентининг келгуси қийматини (Кджқ) аниқлаш учун ўзидан олдинги фоиз ставкасининг коэффициентдаги миқдорини жорий йилдаги фоиз ставкасининг коэффициентдаги миқдорига кўпайтирилади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\text{Кдкқ} = P \cdot (1 + Z)^n$$

Бунда Р - Лойиҳанинг бир сўмлик ўтган даврдаги келгуси қиймати.

Ушбу формула асосида 7 йилга мўлжалланган инвестиция ёки пул оқимларининг 15 % ставка билан келгуси қийматини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (2-жадвал).

2 - ж а д в а л

Инвестиция лойиҳасининг (пул оқимларининг) 1 сўмлик келгуси қийматини аниқлаш ҳисоб-китоби

Йил-лар	**Ҳисоблаш усуллар (Z = 15 %)**	**Инвестициянинг 1 сўмлик келгуси қиймати**
1	1,0000 x 1,15	1,1500

2	1,1500 x 1,15	1,3225
3	1,3225 x 1,15	1,5209
4	1,5209 x 1,15	1,7490
5	1,7490 x 1,15	2,0114
6	2,0114 x 1,15	2,3131
7	2,3131 x 1,15	2,6600

Ушбу усул билан аниқланган коэффициентлар миқдори 2-иловада келтирилган.

2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга асосланган услублари

Соф жорий қиймат — NPN (инг.net present value). Соф жорий қиймат кўрсаткичи лойиҳа амалга оширилиши натижасида фирма бойлиги қанчага кўпайганини характерлайди. Соф жорий қийматга асосланган ҳолда инвестицияларни таҳлил қилиш усули қуйидаги иккита шартдан келиб чиқади:

- ҳар қандай корхона ёки фирма ўз бойликларини оширишга ҳаракат қилади;
- ҳар хил вақтда сарфланган маблағлар бир хил қийматга эга бўлмайди.

Соф жорий қиймат бу дисконтланган пул тушумлари билан (албатта инвестиция натижаларида вужудга келган) дисконтланган харажатларнинг фарқидир.

Агар бошланғич инвестиция маблағларини 1_0, t-давр охиридаги пул тушумларини CF_t деб белгаласак, у ҳолда соф жорий қийматни аниқлаш формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади (13-формула):

$$NPV = CF_1/(1+k)^1 + CF_2/(1+k)^2 + ...CF_n/(1+k)^n - \sum_{t-1}^{n} CF_t/(1+k)^t - I$$

Агар соф жорий қиймат (NPV) мусбат миқдорга эга бўлса бу лойиҳа учун қилинадиган инвестиция самаралидир.

Мисол: Фирма 500 млн. сўмга универсал дўкон учун жой, бино сотиб олди. Бу дўкондан 10 йил давомида ҳар йили 100 млн. сўмдан пул тушумлари бўлади. Ўша даврда муқобил фойда меъёри 10% бўлса, шу дўконни сотиб олиш керакми, деган савол туғилади. Ҳисоб-

китоблар шуни кўрсатдики, фирма 10 йил ичида ўз капиталини 114,6 млн. сўмга кўпайтиради. Лойиҳа самаралидир.

Айрим ҳолларда «узоқ» муддатли инвестиция сарф этилиб, узоқ муддат ичида пул тушумлари вужудга келади. Яъни пул оқими бирданига эмас, бир неча йилга чўзилади. Бувда қуйида-ги формуладан фойдаланиш мумкин(14-формула):

$$NPV = \sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1-k)^t} - \sum_{t=1}^{n} \frac{I_t}{(1-k)^t}$$

Лойиҳаларнинг ҳаёт даври чекланмаган ҳолатларда ҳисоблашда Горден формуласидан фойдаланилади (15-формула):

$$NPV = CF_1 /(k + -q) - I_0$$

Бу ерда: CF_1-пул тушумлари;

q-пул тушумларининг доимий ўсиш суръатлари.

Мисол: Фирма янги «Моделлар уйи»ни 510 млн. сўмга сотиб олмоқчи. Шу даврда муқобил фойда меъёри 15%. Ҳар йили бу корхона 70 млн. сўм пул тушумларини вужудга келти-ради. Корхонаии сотиб олиш тўғри бўладими?

NPV=70 / (0,15-0) - 510=466,7-510=-43,3

Бундан кўриб турибмизки, корхонани сотиб олиш фирма учун зиён келтиради:

Фараз қилайлик, пул тушумлари йилига 4% га ошсин ва йил охирида 70 млн. сўм пул тушумига эга бўлинсин, бундай ҳолатда корхонани сотиб олиш фойдали бўлади.

NPV=70/(0,15-0,04)-510=70/0,11-510=636,4-510=126,4 млн.сўм.

Инвестициялар самарадорлигини NPV асосида аниқлаш усули кенг тарқалганига сабаб бу кўрсаткичнинг дастлабки шарт-шароитлар турли комбинацияларида барқарор ўзгармай туришидир. ИРV инвестициялашнинг ушбу варианти фирма бойлиги ўсишига олиб келадими, деган саволга жавоб берса-да, бундай ўсишнинг нисбий ўлчамлари ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди. Бундай маълумот эса инвестор учун жуда зарур. Бу камчиликни тўлдириш учун бошқа бир кўрсаткич инвестициялар рентабеллигини ҳисоблаш усулидан фойдаланилади.

Инвестиция рентабеллиги PI (инг л. profilability index) — қилинган ҳар бир сўм инвестицияга қандай даражада фойда олинганлигини ёки инвестор бойлиги қанчагакупайганини

ифодалайдиган кўрсаткичдир. Кўпинча, фойда меъёри, дейиладиган бу кўрсаткични қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин (16-формула):

$$PI = \left[\sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+k)^t} \right] / I_0$$

Бунда: I_0 - дастлабки инвестиция суммаси;

CF - пул тушумлари;

t - давр.

Агар «узоқ муддатли харажатлар — узоқ муддатли тушумлар» ҳолати бўлса, бунда формула қуйидаги шаклга эга бўлади (17-формула):

$$PI = \sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+k)^t} / \sum_{t=1}^{n} \frac{I_t}{(1+k)^t}$$

Олдинги мисолга (модалар уйи) қайтиб, лойиҳанинг рентабеллик даражасини аниқлаймиз.

PI=100 * 6.1446 / 500 = 1.23 =123%

яъни лойиҳа учун сарф этилган ҳар бир сўм 0,23 сўм соф жорий даромад олиб келмоқда.


17-формуладан кўриниб турибдики, унда соф жорий қийматнинг икки томони — даромад ва инвестиция томони ўзаро таққосланади. Агар дисконтнинг қандайдир даражасида лойиҳанинг рентабеллиги бирга тенг бўлса, у ҳолда келтирилган инвестиция харажатлари келтирилган даромадларга тенг ва лойиҳанинг соф келтирилган дисконтланган даромади нолга тенг бўлади.

Агар NPV мусбат бўлса, Р1 албатга 1 дан катта бўлади. Демак, Р1 1 дан катта бўлса, инвестициялар самарали ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, Р1 инвестицияларнинг мутлақ самарадорлиги кўрсаткичи бўлиши билан бирга инвестиция лойиҳаларини яна икки жиҳатдан туриб баҳолаш имконини беради.

Биринчидан, бу кўрсаткич ёрдамида лойиҳанинг барқарорлиги даражасини текшириб кўриш мумкин. Яъни Р1 қанча катта бўлса, лойиҳанинг мустахкамлнги (барқарорлиги даражаси) шунча катга бўлади. Бундай лойиҳа шароитлар ўзгариши таъсирида дарҳол фойда келтирмайдиган лойиҳага айланиб қолмайди.

Иккинчидан, Р1 мутахассисларга турли инвестицияларни уларнинг самаралилиги нуқтаи назаридан таққослаш имконини беради.

Ички фойда меъёри (инг л. 1п1егпа1 гате оf гетигп-IRR) даромадлиликнинг шундай меъёрики, унда пул тушумларининг дисконтланган қиймати пул чиқимларининг дисконтлангаи қийматига тенг бўлади. Бошқача қилиб айтганда, IRR лойиҳа бўйича инвестициялашдан олинган соф тушумларнинг дисконтланган қиймати инвестицияларнинг дисконтланган қийматига тенг бўлишини таъминловчи коэффициентдир. Уни ҳисоблаш учун соф жорий қийматни ҳисоблашда қўлланиладиган формулалар қўлланилади. Аммо бунда берилган минимал фоиз меъёрида (дисконт ставкасида) пул оқимларини дисконтлаш ўрнига фоиз меъёри (дисконт)нинг NPV ни нолга тенг бўлишини таъмиловчи микдори топилади. Шундай қилиб, IRR-дисконт коэффициентининг шундай миқдорики, бунда NPV 0 га тенг бўлади. Буни графикда қуйидагича тасвирлаш мумкин:



NPV нинг дисконтлаш коэффициентига боғлиқлиги гирафиги.

Юқоридаги графикдан кўриниб турибдики, IRR дисконтлага коэффициентининг шундай миқдорики, унда NPV горизонтал ўқни кесиб ўтади, яъни нолга тенг бўлади.

Иқтисодий адабиётда ички фойда меъёрини ички даромад меъёри, қоплаш коэффициенти ёки самараси, баъзида эса капитал қўйилмалар самараси, деб ҳам аталади. IRR ни ҳисоблаш усули NPV ни ҳисоблаш усули сингари дисконтлаш консепциясига асосланади. IRR миқдорини икки усулда топиш мумкин:

Биринчи усулда соф жорий қийматни ҳисоблаш формуласида NPV миқдори нолга тенглаштириб олиниб, дисконлаш коэффициенти ҳисоблаб топилади. Яъни қуйидаги формулалардаги k миқдори топилади (18, 19 -формулалар).

$$0 = \sum_{t=1}^{n} \frac{CF_t}{(1+k)^t} - I_0; \qquad 0 = \sum_{t=1}^{n} \frac{C_t}{(1+k)^t} - \sum_{t=1}^{n} \frac{I_t}{(1+k)^t}$$

Бу формулалар ёрдамида аниқ жавоб олиш қийин. Олинган натижалар маълум даражада тақрибий бўлади. Ички фойда меъёрини топиш учун «синов ва хато» усулидан фойдаланилади, яъни формулага дисконтнинг анча катта ва кичик миқдорлари берилиб олинган натижа солиштирилади. Агар олинган натижалардан бири нолга яқинроқ бўлса, бунга сабаб бўлган дисконт ставкасига яқин миқдорлар берилиб, формула, натижа токи нолга максимал даражада яқинлашмагунча ечилади.

Иккинчи усулда IRR миқдорини топиш учун келтириш коэффициентлари жадвалларидан фойдаланилади.

Мисол: Айтайлик, транспорт фирмаси 40 млн. сўмга юк ташиш машинасини сотиб олмоқчи. Уни эксплуатация қилиш 20 йил давомида йилига 3,2 млн. сўм пул тушумларини келтириши кўтилмокда. Пул тушумлари йил охирида бўлади деб ҳисобласак, аннуитет ҳолатига дуч келамиз:

$$PVA_n = PMT_t * PVAI_{n,\,k}$$
$$40 = 3.2 * PVAI_{n,\,k}$$
$$PVAI_{n,\,k} = 40 : 3,2 = 12,5$$

Аннуитетнинг жорий қийматини ҳисоблаш коэффициентлари жадвалидан 20-қаторда (20 йиллик муддат) олинган натижага энг яқин миқдор 12,462 бўлади. Бу миқдор 5 % лик дисконт ставкасига мос келади. Айни шу дисконт ставкасида келгусида машинани эксплуатация қилишдан олинган пул тушумларининг дисконтланган жорий қиймати уни сотиб олиш учун қилинган ҳозирги инвестицияларга тенг бўлади, яъни NPV 0 га тенг бўлади. Демак, мазкур лойиҳада IRR 0,05 га тенг.

IRR баъзида текширув дисконти деб ҳам аталади, чунки у дисконтлаш коэффициентининг лойиҳаларини самарали ва самарасиз турларга ажратиш имконини берувчи даражасидир. Бунинг учун фирмага стандарт сифатида қабул қилинган маблағларнинг қопланиш даражаси билан солиштирилади. Бундай қўйилмалар рентабеллигининг стандарт даражаси барьер коэффициенти HR (инг л. hardle rate) деб ҳам аталади.

•агар IRR >HR - бўлса лойиҳа маъқул;

•агар IRR < HR - бўлса лойиҳа маъқул эмас;

•агар IRR < HR - бўлса лойиҳа ҳар қандай қарор қабул қилиш мумкин.

IRR >HR бўлган ҳолатда NPV мусбат, инвестициялар рентабеллиги эса бирдан юқори. IRR < HR бўлса, NPV манфий, PI эса бирдан кичик бўлади.

Шундай қилиб, IRR маъқул бўлмаган лойиҳаларни ажратиб олувчи тур вазифасини ўтайди.

Бундан ташқари бу кўрсаткич лойиҳа бўйича таваккал хавфи даражаси индикатори ҳисобланади. IRR барьер коэффициентидан қанчалик катта бўлса, лойиҳанинг мустаҳкамлиги заҳираси шунча катта бўлади. Бу эса келгусидаги пул тушумларини баҳолашда йўл қўйиладиган хатолар натижасида кўриладиган зарар хавфи кам бўлишини таъминлайди.

3.Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда услублари

Энди инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг содда (статик) усулларини кўриб чиқамиз. Бу услублар дисконтлаш концепцияси пайдо бўлмасдан олдин ҳам кенг қўлланилган бўлиб, улар ёрдамида, асосан пул киримлари ва чиқимларини таққослаш орқали лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланади. Инвестицияларнинг қопланиш даври PP (инг. Payback period), бу шундай даврки, бунда дастлабки қилинган инвестициялар миқдори тикланади (20-формула).

$$PP = I_0 / CF_t^{\Sigma}$$

Бунда: I_0 - дастлабки инвестиция миқдори;

***CF_t^{Σ}** - лойиҳани амалга ошириш натижасида бир йилда тушадиган маблағ.*

Бунда CF_t^{Σ} даражасидаги сумма белгисига эҳтиёж бор бериш керак. Бу белга CF_t^{Σ} суммасини икки усулда (томонлама) аниқлаш мумкинлигини кўрсатади. Биринчи усул қачонки, пул тушумлари йил давомида бир хил бўлса қўлланилади. Айтайлик, биз 600 млн. сўм инвестиция сарф қилдик ва 8 йил ичида ҳар йили 150 млн. сўмдан даромад олишни кутаяпмиз. Унда 600/150=4 йил ичида сарфланган инвестиция қопланади ва қолган 4 йил давомида инвестор соф фойда олади.

Иккинчи усул инвестиция қилингандан кейин, пул тушумлари бир хил бўлмаса ёки ўсиб борувчи миқдорни ташкил этса

қўлланилади. Масалан, юқорида келтирилган мисолимизда пул тушумлари йиллар бўйича бир хил бўлмасдан ортиб борсин:

1-йил 50 млн. сўм;
2-йил 100 млн. сўм;
3-йил 200 млн. сўм;
4-йил 250 млн. сўм;
5-йил 300 млн. сўм.

Бунда 3 йил ичидаги пул тушумлари инвестиция суммасидан кам, 4 йил ичидагиси эса кўп. Бундай ҳолатларда инвестицияларни қоплаш даврини аниқ белгилаб олиш учун қуйидаги ишларни бажариш лозим:

•қайси йиллар орасида инвестиция суммаси қопланишини топиш зарур. Бизнинг мисолда 3-4 йиллар орасида;

•қопланмаган сумма миқдорини аниқлаш керак, бизнинг мисолда бу 150 млн. сўмни (600-(100+ 150+200));

•аниқланган қопланмаган суммани 4-йилги пул тушумлари миқдорига бўлиш керак, яъни 150/300=0,5. Кўриниб турибдики, қопланмаган сумма 4-йилнинг ярмида қопланади. Демак, бунда инвестицияларни қоплаш даври 3,5 йилни ташкил қилади.

Инвестицияларнинг қопланиш муддати кўрсаткичидан қуйидаги шартлар бажарилгандагина фойдаланиш яхши натижа беришини эътиборда тўтиш керак:

1) бу кўрсаткич ёрдамида таққосланаётган барча лойиҳалар бир хил ҳаёт даврига эга бўлиши керак;

2)барча лойиҳалар бошланғич инвестицияларнинг бир марталик сарфланишини кўзда тутади;

3)маблағ сарфланиб бўлингандан сўнг барча инвесторлар лойиҳа ҳаёт даврининг охиригача бир хил пул тушумларига эга бўладилар.

Бу кўрсаткич ҳисоблаб топиш осонлиги, тушуниш учун соддалиги билан бирга лойиҳанинг таваккал хавфи даражаси ҳақида маълумот бериши туфайли ҳам қадрлидир. Инвестицияларнинг қопланиш муддати қанчалик катта бўлса, дастлабки ҳисобланган натижаларга салбий таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларнинг юзага келиши хавфи шунча юқори бўлади.

Шу билан бирга бу кўрсаткич жиддий камчиликларга ҳам эга. Яъни у икки муҳим ҳолатни инкор қилади:

1) турли муддатларда пулнинг қиймати турлича бўлишини;

2) қопланиш муддати тугагандан сўнг ҳам пул тушумларининг давом этишини.

Шу сабабли ҳам PP кўрсаткичини инвестициялар самарадорлигини баҳолашда асосий усул сифатида қўллаб бўлмайди. Шуни таъкидлаш жоизки инвестицияларнинг қопланиш муддатини ҳисоблашдаги кўрсатилган биринчи камчиликни тузатиш мумкин. Бу учун пул оқимлари дисконтлаб олинади, холос.

Инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллиги ROI (инг л. return on investment) кўрсаткичи лойиҳаларини баҳолашнинг иккинчи содда (статик) кўрсаткичи бўлиб, адабиётларда инвестицияга ўртача фойда меъёри (ARR — инг л. average rate of return), ҳисобланган фойда меъёри (ARR — инг л. accounting rate of return), деб ҳам юритилади. Бу кўрсаткич воситасида инвестицияларга пул тушумлари асосида эмас, балки бухгалтерия кўрсаткичи бўлган фирма даромади миқдорига асосланиб, баҳо берилади.

Кўрсаткичнинг номидан хулоса қилиш мумкинки, у бухгалтерия ҳисоботи бўйича фирма даромади ўртача миқдорини инвестицияларнинг ўртача миқдорига нисбатини ифодалайди.

Бу кўрсаткич қуйидаги формула ёрдамида аниқланади (20-формула):

$$\mathbf{ROI = EBIT\ (I\text{-}G) / [\ (К\ а.й.б.\text{-}Қа.й.о):2]\ \ .}$$

Бу ерда: **EBIT** (инг л. earnings before interst and tax) - фирманинг фоиз ва солиқлар тўловларини амалга оширгунга қадар (ёки солиқ тўловларидан кейинги, лекин фоиз тўловларигача) бўлган фойдаси миқдори;

С - солиқ ставкаси (коэффициентда берилади);

Қа.й.б., Қа.й.о. - активларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги қиймати. Бу иккала миқдор ўртасидаги фарқ инвестиция харажатлари ҳажмини кўрсатади.

ROI кўрсаткичининг қўлланиши унинг ҳисобланган даражасини ташкилот учун стандарт бўлган рентабеллилик даражалари билан солиштиришга асосланган. Агар бу кўрсаткич ташкилот томонидан стандарт деб қабул қилинган кўрсаткичдан катта бўлса, лойиҳа маъқул деб ҳисобланади. Бу кўрсаткич ҳозиргача дунёнинг кўпчилик мамлакатларида кенг қўлланиб келинишига қуйидагилар сабаб:

Биричидан, уни ҳисоблаш осон ва дисконтлаш каби мураккаб ҳисоб-китобларни талаб этмайди. Шу билан бирга айрим шарт-шароитлар мавжуд бўлса, ҳисобланган ROI микдори IRR миқдорига жуда яқин бўлади. Бу шарт-шароитлар қуйидагилардир:

• агар инвестициялар перпетуитет кўринишида йиллик

пул тушумларининг тенг миқдордаги суммалари сифатида амалга оширилса;

• тўпланган амортизация қўшимча маблағларсиз эскирган ускуналарни янгилаш учун етарли бўлса;

• инвестицияларни амалга ошириш даврида айланма капитал миқдорида ўзгариш рўй бермаса.

Лойиҳаларни баҳолашнинг статик усуллари лойиҳа бўйича қўшимча маълумотлар олиш имконини бериши билан қадрлидир.

Иккинчидан, акциядорлик компанияларида бу кўрсаткич менежерларни инвестициялашнинг акциядорларни энг кўп қизиқтирадиган бухгалтерия рентабеллиги кўрсаткичи билан боғлиқ бўлган вариантларига йўналтиради.

ROI кўрсаткичи камчиликлари унинг афзалликлари аксини ташкил этади. Яъни бу кўрсаткич воситасида инвестиция лойиҳалари таққосланганда:

•пулнинг турли вақтларда қиймати бир хил бўлмаслиги эътиборга олинмайди;

•лойиҳалар турлича муддат хизмат қилиши инкор қилинади, яъни бир хил рентабелликка эга икки лойиҳадан бири 5 йил, иккинчиси 10 йил даромад олишини таъминлаши бу кўрсаткичда акс этмайди.

Шунингдек, инвестицияларнинг бухгалтерия рентабеллилига фирма бойлигининг реал ўзгаришини характерламасдан, акциядорлар ва «четдаги» бошқа шахсларнинг талабларига мос натижа олишга қаратилган.

Кўриб чиқилган инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг барча усулларини биргаликда қўллашгина лойиҳаларнинг са-марали ёки самарасиз эканлиги тўғрисида аниқ хулоса олиш имконини беради.

«Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда дисконтлаштириш усулидан фойдаланиш» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Дисконтлаштириш
- Дисконтлаштириш коэффиценти
- Фоиз
- Асосий сумма
- Оддий фоизлар
- Мураккаб фоизлар
- Келгуси қиймат
- Инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг сода услублари

13- МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БАҲОЛАШДА АННУИТЕТ УСУЛИ

Режа:

1. Аннуитетнинг жорий қиймати
2. Аннуитетнинг келгуси қиймати
3. Рента қиймати

Аннуитетнинг жорий қиймати

Аннуитет ҳам пул оқимлари ва инвестицияларни баҳолаш ва таҳлил қилишда кенг қўлланилади.

Аннуитет деганда инвестиция ёки пул оқимларининг бугунги қиймати тенг даврда (ҳар ойда, чарокда ёки йилда) тенг миқдорда қўйилиб ёки олиниб борилса маълум вақтдан кейин белгиланган фоиз ставкаси билан қанча миқдорда бўлиши тушунилади.

Бошқача қилиб айтганда, доимий равишда бир хил тўловлар ёки тушумлар содир бўлиб турадиган жараёнларни ҳисобга олиш учун аннуитетлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, фирма ҳар ойи 10,0 минг сўм сувдан фойдаланганлиги учун тўлаб туриши кўзда тутилган бўлиши мумкин. Ёки мазкур фирмага ускунани ижарага олганлиги учун ҳар ойи 20,0 минг сўмдан ижара ҳақи тўлаб туриши лозим. Шу бир хил вақтда бир хил миқдорда тўланадиган сўмма аннуитет сўммаси деб айтилади.

Аннуитетлар моҳияти жиҳатидан оддий ва қопланадиган турларга бўлинади. Оддий аннуитет давр охирида тўланади, қопланадиган аннуитет эса давр бошида тўланади.

Оддий аннуитетнинг ҳам икки хил жорий қиймат ва келгуси қийматини аниқлаш усуллари мавжуд.

Оддий аннуитетнинг жорий қиймати деганда келгусида амалга оширилиши (тўланиши ёки олиниши) лозим бўлган бир хил тўловларнинг жорий қиймати тушунилади.

Масалан, «Жамшид» фирмаси ҳокимият биносидан офис учун беш йилга иккита хонани ижарага олади. Бир йиллик ижара ҳақи 40,0 минг сўм. Мазкур фирма ҳокимиятга ҳар йили 40,0 минг сўмдан ижара ҳақини тўлаб туриш учун шу йил қанча инвестиция қўйиш келак деган саволга жавоб ахтармоқда. Инвестиция бозорида йиллик двиденд ставка 15 % эканлиги аниқланди. Шу ставка билан

«Жамшид» фирмаси беш йил муддатга қанча инвестиция қўйиши керак.

Бу саволга жавоб топиш учун, энг аввало, оддий аннуитет коэффициентини аниқлаб олиш лозим. Бу коэффициентни (Коа) аниқлаш учун дисконтлаштириш коэффициентининг жорий қийматлари кетма-кет равишда қўйилади. Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$\textbf{Коа} = \textbf{Кд}_1 + \textbf{Кд}_i ;$$

Бунда $Кд_1$ *- дисконтлаштириш коэффициентининг маълум фоиз ставкаси билан биринчи йилги қиймати;*

$Кд_i$ *- навбатдаги йиллар учун аниқланган дисконтлаштириш коэффициентининг миқдори;*

i - маълум (i) йилга тўғри келадиган дисконтлаштириш коэффициенти (i = 1,n);

n - инвестиция қўйилган йиллар сони.

Масалан, мазкур ишнинг 1-жадвалида дисконтлаштириш коэффициенти келтирилган. Бу 7 йилга мўлжалланган 15 фоизлик инвестицияга тўғри келади. Ушбу коэффициентлардан фойдаланиб жорий аннуитет коэффициентларини аниқлаш мумкин (2.5.-жадвал).

Ушбу аннуитет коэффициентларидан фойдаланиб оддий аннуитетнинг жорий қийматини аниқлаш мумкин. «Жамшид» фирмасининг ҳокимиятга беш йил давомида ҳар йилига 40,0 минг сўмдан ижара ҳақи тўлаб туриши учун 15 % лик двиденд ставкаси билан бу йил қанча инвестиция қўйиш лозимлиги аниқланади. Бу учун қуйидаги ҳисоб-китоб амалга оширилади:

2.5. - Ж а д в а л

Оддий аннуитет коэффициентини аниқлаш ҳисоб-китоби

Йиллар	Дисконтлаштириш коэффициенти	Ҳисоблаш усули	Аннуитет коэффициенти
1	0,870	0,870	0,870
2	0,756	0,870 + 0,756	1,626

3	0,657	1,626 + 0,657	2,283
4	0,572	2,283 - 0,572	2,855
5	0,497	2,855 + 0,497	3,352
6	0,433	3,352 + 0,433	3,785
7	0,377	3,785 + 0,377	4,162

Ушбу усул билан аниқланган аннуитетлар коэффициентларининг миқдори 3-иловада келтирилган.

Ажқ = Ас х Коа

Бунда Ажқ - аннуитетнинг жорий қиймати;
Ас - аннуитет сўммаси;
Коа - оддий аннуитет коэффициенти.

«Жамшид» фирмаси ҳокимиятга 2 та хонадон фойдалангарлиги туфайли ҳар йили 40,0 минг сўмдан тўлаб туриши учун 15 % лик двиденд ставкаси билан бу йил 134,1 минг сўм инвестиция қўйиши лозим экан:

40,0 х 3,352 = 134,1 минг сўм

Мазкур ҳисоб-китобдан шундай хулоса чиқариш мумкинки «Жамшид» фирмаси ҳар йили 40,0 минг сўм ижара ҳақи тўлаб туриши учун бу йил 15 % лик ставка билан 134,1 минг сўм инвестиция қўйиш кифоя экан. Агар шу фирма инвестицияга пул қўймаса шу беш йил мобайнида 200,0 минг сўм (40,0 х 5) маблағ тўлаши керак эди. У инвестиция қўйиш эвазига 65,9 минг сўм (200,0 - 134,1) фойда қилди.

Бу ерда 40,0 минг сўм оддий аннуитет сўммаси, 3,352 рақам оддий аннуитетнинг жорий қийматини аниқловчи коэффициент, 134,1 минг сўм асосий сўмма ёки инвестициянинг бошланғич қўйилиши лозим бўлган қиймати.

Таъкидланганидек, оддий аннуитет йил охирида тўланса, қопланадиган аннуитет эса давр бошида тўланади. Агар олдинги «Жамшид» фирмасининг мисолига мурожаат қиладиган бўлсак, у ҳокимиятга беш йил давомида 40,0 минг сўмдан ижара ҳақи тўлашга тўғри келади. Қопланадиган аннуитет усули қўлланилса қўйиладиган инвестиция 4 йилга ҳисобланади. Чунки йил бошида

тўланса бешинчи йил учун тўртинчи йилнинг охирида тўлаш кифоя. У ҳолда ҳисоб-китоб ва аннуитет миқдори бироз ўзгаради. Бу эса қуйидаги формуладан фойдаланишни тақозо қилади:

$$\textbf{Ажқ = Ас х (Коа}_{\textbf{i}}\textbf{ + 1)}$$

Агар ўтган мисолимиздаги маълумотлардан фойдаланадиган бўлсак, ушбу формула маълумотлари қуйидагича бўлади:

Ажқ = 40,0 х (2,855 + 1) = 154,2 минг сўм

Ушбу сўмма шуни кўрсатадики, «Жамшид» фирмаси ҳокимиятга ижара ҳақини қопланадиган аннуитет усули билан тўлайдиган бўлса шу йилда 154,2 минг сўм 15 % лик ставка билан инвестиция қўйиши лозим экан. Бу ҳолда фирманинг фойдаси 45,8 минг сўмни (200,0 - 154,2) ташкил қилади. Чунки бу ҳолатда 40,0 минг сўм йил бошида тўланиб кетилди. Бу учун бир йиллик двиденд ставкаси ҳисобланади. Шу ва шу каби омиллар натижада оддий аннуитет усулига нисбатан 20,1 минг сўм (154,2 - 134,1) кўп инвестиция қўйиш лозим бўлади.

Аннуитетнинг келгуси қиймати

Оддий аннуитетнинг жорий қиймати билан бирга келгуси қиймати ҳам аниқланади.

Оддий аннуитетнинг келгуси қиймати деганда бугунги кундан бошлаб то белгиланган вақтгача даврлар бўйича бир хил тўловни амалга оширганда маълум фоиз ставкаси билан қанча миқдорга эга бўлиши тушунилади.

Бошқача қилиб айтганда оддий аннуитетнинг келгуси қиймати пулдорнинг тегишли ставкада бир хилдан инвестиция қўйиб борса маълум даврдан кейин унинг миқдори қанча бўлишини кўрсатади. Масалан, «Жамшид» фирмаси ҳар йили 50,0 минг сўмдан беш йил давомида 15 % лик ставка билан инвестиция қўйишга қарор қилди. Уни шу беш йилдан кейинги инвестициянинг умумий миқдори, яъни келгуси қиймати (Акқ) қизиқтиради. Уни топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\textbf{Акқ = Ас х Как ;}$$

Энг аввало, оддий аннуитетнинг келгуси қийматини аниқлайдиган коэффициентни (Как) топиш лозим. Бу учун дисконтлаштириш коэффициентининг келгуси қиймати кетма-кет равишда қўшилади. Бу ҳолат қуйидаги фомуладан фойдаланилади:

$$\textbf{Как} = 1 + \textbf{Ккқ}_i$$

Бунда Ккқ - келгуси қиймат коэффициенти;
i - даврларнинг тартиб рақами (i = 1,n);
n - даврларнинг умумий сони.

Аннуитетнинг келгуси қийматини топиш учун пул оқимларининг келгуси қиймати (3-параграф)да келтирилган маълумотлардан фойдаланилади. Унда двиденд ставкаси 12 % (2.6.-жадвал).

2.6 - **Ж а д в а л**
Аннуитетнинг келгуси қийматини аниқлаш ҳисоб-китоби

Йиллар	**Келгуси қиймат коэффициент-лари**	**Ҳисоблаш усули**	**Аннуитетнинг келгуси қийматни аниқлайдиган коэффициенти**
1	1,0000	1,0000	1,0000
2	1,1200	1,0000 + 1,1200	2,1200
3	1,2544	2,1200 + 1,2544	3,3744
4	1,5735	3,3744 + 1,5735	4,9479
5	1,7623	4,9479 + 1,7623	6,7102
6	1,9738	6,7102+1,9738	8,6840
7	2,2106	8,6840 + 2,2106	10,8946
8	2,4759	10,8946 +2,4759	13,3705
9	2,7730	13,3705 +2,7730	16,1435
10	3,1058	16,1435+3,1058	19,2493

Ушбу усул билан аниқланган коэффициентларнинг миқдори 4-иловада келтирилган.

Ушбу жадвалдаги маълумотларга асосан «Жамшид» фирмасининг маълумотларини қўллаб ечилса, беш йилдан кейин қуйидаги натижага эга бўлиш мумкин (Z = 12 %) :

Акқ = 50,0 х 6,7102 = 335,5 минг сўм

Бу маълумотлардан хулоса шулки, агар «Жамшид» фирмаси беш йил давомида ҳар йили 50 минг сўмдан инвестиция қўйиб борса, беш йилдан кейин 12 % лик ставка билан унинг пули 335,5 минг сўмга етади. Агар уни инвестицияга қўймасдан ҳар йили 50,0 минг сўмдан тўплаб борганда эди, унинг маблағи шу беш йилда атиги 250,0 минг сўмни (50 х 5) ташкил қилган бўлур эди. У ўз маблағини инвестицияга қўйиб шу беш йил мобайнида 85,5 минг сўм (335,5 - 250,0) фойда қилибди. Шундай қилиб, маблағни инвестицияга қўйиш уни оддий сақлашдан кўра анча самарали эканлигига гувоҳ бўлдик.

Оддий аннуитетнинг келгуси қиймати қопланадиган аннуитет усули билан ҳам баҳоланади. У ҳолда вазият бир мунча ўзгаради.

Қопланадиган аннуитет коэффициенти бирга камайтириб олинади, чунки тўлов йил бошида амалга оширилади. У ҳолда қопланадиган аннуитетнинг келгуси қиймати (Қакқ) қуйидагича аниқланади:

$$\text{Қакк} = \text{Ас} \times (\text{Кка}_i - 1) ;$$

Қопланадиган аннуитет деганда асос сўммага қопланадиган аннуитет коэффициентининг бирга камайтирилган миқдори билан ҳисобланган асосий сўмманинг келгуси қиймати тушунилади.

Бизнинг мисолимизда Қакк.нинг миқдори қуйидагича бўлади:

Қакк = 50 х (6,7102 - 1) = 285,5 минг сўм.

Бу ҳолда ҳам мулкдор ўз маблағини инвестицияга қўйганлиги туфайли 35,5 минг сўм (285,5 - 250,0) фойда қилган.

Умумий хулоса шундан иборатки мулкдор агар ортиқча мулкка эга бўлса уни сақлаб ўтирмасдан «ишлатиш» лозим экан. У ҳолда «пул яна пул топади». Инвестициянинг мақсади ва моҳиятига қараб уни баҳолашнинг турли усулларидан фойдаланиш мумкин экан.

8.3. Рента қиймати

Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш жараёнида, баъзида, энг кўп қанча миқдорда маблағ сарфлаш мумкин, деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Бу саволга жавоб топиш учун муаммога рента типидаги қўйилмалардан олиш мумкин бўлган муқобил даромад нуқгаи назаридан ёндашиш фойдали. Рента типидаги қўйилмаларга банклардаги муддатсиз депозитлар мисол бўла олади.

Бу турдаги инвестициялар аннуитетга қарама-қарши ўлароқ перпетуитет (инглperpetuity-абадийлик) деб аталади.

Перпетуитет кўринишидаги инвестицияларнинг муддати чекламагани ҳолда, ҳисобланган фоиз даромадини бирданига олиш имконияти мавжуд бўлади ҳамда асосий сумма даромад келтиришда давом этаверади.

Бундай ҳолатда йиллик даромад қуйидаги формула ёрдамида аниқланади (10- формула):

PMT = PV * k

Бу ерда: PV- банкка қўйилган муддатсиз депозитнинг асосий суммаси;

k- бу турдаги депозитлар учун банк томонидан тўланадиган даромаднинг фоиз ставкаси;

PMT- депозит бўйича йиллик даромад.

Агар формулани бошқа кўринишда ёзсак, унда худди шу миқдордаги пул тушумини вужудга келтираётган инвестицияларнинг қийматини англаб етамиз (11-формула).

PV = PMT / k

Бу формулани қўллаш бизни инвестиция таҳлилининг жуда оддий мантиғини англаб етишга олиб келади. Унинг моҳиятини қуйидаги мисол ёрдамида кўриб чиқамиз:

Айтайлик, банк депозитида бизнинг 1 млн. сўм омонатимиз бор ва банк бу депозит учун йиллик 60% даромад тўлайди. Демак, ҳар йили январь ойининг бошларида ўтган йил учун ҳисобланган 600 минг сўм даромадни банкдан олишимиз мумкин. 11-формуладан фойдаланиб, даромад ставкаси йилига 60 % бўлганда 600 минг сўм даромад олиш учун қанча миқдорда инвестиция қилишимиз зарурлигини топамиз:

PV = 600000 / 0,60 = 1000000 сўм.

Кўрилган мисол асосида қуйидаги хулосага келишимиз мумкин: агар банк депозитига қўйилган 1 миллион сўм йилига 600 минг сўм даромад келтирса, кейинги йилнинг бошида 600 минг сўмга тенг (ёки ундан кам) даромад келтирадиган инвестиция лойиҳасига 1 миллион сўмдан кўп маблағ ажратиш мақсадга мувофиқ эмас.

Перпетуитетнинг яна бир кўриниши инвестиция даврининг чекланмаганлиги ва доимо ўсиб борувчи йиллик даромад билан характерланади. Агар бу ўсиш q га тенг суръатда рўй берса ва РМТ, биринчи йилнинг охирида кутилаётган пул тушумлари суммасини акс эттирса, даври чекланмаган инвестицияларнинг жорий қиймати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади (12-формула):

$$\mathbf{PV = PMT, / } \boldsymbol{k} \mathbf{-} \ \boldsymbol{q}$$

Бу тенглама, одатда, Горден модели деб аталади. Бу формула содда кўринишга эга бўлишига қарамасдан, ундан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш керак. Горден модели ёрдамида олинган натижалар тўғри бўлиши учун бир неча шартларга амал қилиш зарур.

Биринчидан, формула суръатидаги РМТ 0 индекси билан эмас, балки 1 индекси билан турибди. Бундан хулоса шуки, Формула бўйича ҳисоб-китоблар инвестицияланган маблағлар бўйича улар ишлатилган биринчи давр охиридаги тўловдан бошлаб бажарилади. Агар тўлов инвесторга дарҳол келиб тушса, бу тўлов суммасини Горден модели ёрдамида топилган жорий қиймат суммасига қўшиш керак.

Иккинчидан, бу моделни пул тушумлари оқими узлуксиз ва бир хил суръатда ўсган ҳолдагина ишлатиш мумкин. Учинчидан, бу моделда *(q)* ўсиш суръати (k) дисконтлаш коэффициентидан кам бўлган ҳолдагина модель ёрдамида олинган натижа ҳақиқатга яқин бўлади. Бу талаб пул бозори хусусиятларидан келиб чиқади ва бажарилиши нореал эмас. Чунки, агар бир тармоқда даромадларнинг ўсиш суръати дисконтлаш коэффициенти (даромадлиликнинг ўртача даражаси)дан юқори бўлса, тезда бу тармоққа инвестиция маблағлари оқиб кела бошлайди ва даромадлилик даражаси q пасайиб кетади.

Мавзуга якун ясай туриб, ҳар қандай инвестиция лойиҳаларини баҳолашда амал қилиниши шарт бўлган бир неча тамойилларни таъкидлаб келтирамиз:

1. Ҳисоб-китоблар бир хил қийматдаги пулларда олиб борилиши шарт. Бу учун барча харажатлар ва олинган натижалар келгусидаги ёки ҳозирги даврдаги маълум бир санага келтириб олинади.
2. Инвестицияларни баҳолаш бу маблағлар инвестор учун улар сарфланиши мумкин бўлган бошқа лойиҳаларга нисбатан кам бўлмаган даромад келтириши мумкинлиги нуқтаи назаридан туриб амалга оширилиши керак.
3. Умумий ҳолатларда пул тушумлари у билан бир хил қийматга келтирилган пул харажатларидан кўп бўлган инвестицияларни танлаш жоиз.

«Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда аннуитет усулидан фойдаланиш»

- Аннуитет
- Оддий аннуитетнинг жорий қиймати
- Оддий аннуитетнинг келгуси қиймати
- Қопланадиган аннуитет
- Рента қиймати

14-МАВЗУ: ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Режа:

1. Рақобатбардошликнинг мазмуни ва шакллари ҳамда уни таъминлашнинг аҳамияти
2. Инвестициялар рақобатбардошлигининг ўзига хос хусусиятлари ва уни баҳолашда лойиҳа таҳлилининг вазифалари
3. Инвестициялар рақобатбардошлигини таъминлашда иш ҳажми, сифат ва баҳо омилларининг ўзаро боғлиқлиги

1. Рақобатбардошликнинг мазмуни ва шакллари ҳамда уни таъминлашнинг аҳамияти

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири шу тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Аммо, бу масала иқтисодий ва молиявий таҳлилга оид адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Бу соҳа ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда, кам тадқиқ қилинган.

Тадқиқотлар кўрсатдики, рақобатбардошликни таҳлил қилганда, икки нарсага аҳамият бериш лозим. Биринчидан, тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги ва иккинчидан, унинг ишлаб чиқараётган (сотаётган) товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигидир. Аммо, бу масала ҳам иқтисодий адабиётларда алоҳида қаралмаган. Шу туфайли уларнинг мазмунига алоҳида аҳамият бериб, унинг таърифини келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги деганда, рақобатбардош субъектларга нисбатан фаолиятининг кенг кўламлилиги ва истиқболлилиги, харажатларни мақсадга мувофиқ йўналтириб, кўпроқ фойда олиш қобилиятининг кучлилиги тушунилади.

Ҳар бир тадбиркор кенг кўламда фаолият кўрсата олсагина, рақобатбардошли бўлади. Энг муҳими, у бошлаган фаолият бугунги кун натижаси билан чекланиб қолмаслиги керак. Албатта, келажак истиқболини кўзда тутган, унга мўлжалланган бўлиши лозим. Масалан, тадбиркор тегирмонга эга. У ерда ун ишлаб чиқаради ва сотади. Кўлами кенгроқ бўлиши учун тадбиркор, энг аввало, шу

тегирмондан ишлаб чиқарадиган ундан нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйса ва шу нонни сотиш учун бир қанча ҳудудларда савдо дўконини ташкил қилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Иккинчидан эса, ун ва нон ишлаб чиқариш истиқболли соҳа. Ҳамиша истеъмол қилиниб туриладиган маҳсулотлардир. Аммо бошқа рақобатчиларига нисбатан ўз маҳсулотининг сифатини ошириши ва нархини ҳаддан зиёд кўтариб юбормаслик чораларини кўриши керак. Шундагина у, рақобатбардош ва рақобат майдонида инқирозга учрамайдиган бўлади.

Иккинчи йўналиш, бу тадбиркорнинг товари (иши, хизмати) рақобатбардошлигидир. Бу тушунчага қуйидагича таърифни тавсия қиламиз.

Тадбиркор товари (иши, хизмати) рақобатбардошлиги деганда, рақобатдош субъектлар товари (иши, хизмати)нинг сифати ва нархига нисбатан истеъмолчига (харидорга) қулайлиги, унга кетадиган харажатларнинг самарадорлиги ва шу товардан оладиган фойданинг кўплигини таъминловчи омиллар тизими тушунилади.


Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги ўтиш иқтисодиёти шаро-итида мамлакатимизда эркин рақобат муҳити тўлиқ яратилди, деб бўлмай-ди. Чунки бу жараён ҳам маълум шаклланиш даврини ўтамоғи лозим.

Тадқиқотлар кўрсатадики, бозор муносабатлари шароитида рақобатнинг бир қанча шакллари мавжуд экан. Улар ҳақида хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган асарларни ўрганиб, шундай хулосага келдикки, Ўзбекистонда унинг ҳозирги ўтиш иқтисодиёти шароитида учта шакли мавжуд: такомиллашган, олигополлашган ва монополлашган рақобатлар (14.1-чизма).

Рақобатнинг бу хусусиятларидан кўриниб турибдики, у бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч сифатида намоён бўлади. Шу туфайли ҳозирги ўтиш даврида давлатнинг асосий функцияларидан бири мамлакатимизда эркин рақобат муҳитини яратишдан иборатдир.

Эркин рақобат, энг аввало, иқтисодиётнинг қуйи бўғинида, яъни фирма, корхоналар ва корпорациялар каби хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида яратилмоғи лозим.

Бу эса, ўз навбатида айнан иқтисодиётнинг шу қуйи бўғинида хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилишни тақозо қилади. Аммо



1-Чизма. Рақобатнинг шакллари

иқтисодий таҳлилнинг шу эркин рақобат шароитига мос бўлган назарий ва методологик асоси, айниқса корхоналарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган жиҳатлари кам тадқиқ қилинган.

Иқтисодий таҳлилнинг, ҳозирги мураккаб вазиятда, асосий вазифаси, турли усулларни қўллаб корхоналарни банкротликдан, синишдан сақлаб қолишни таъмиинлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш учун тегишли йўл-йўриқ кўрсатишдан иборатдир.

Бу эса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини таҳлил қилишнинг аниқ вазифасини ва уни амалга ошириш усулларини белгилаб олишни тақозо қилади.

2. Инвестициялар рақобатбардошлигининг ўзига хос хусусиятлари ва уни баҳолашда лойиҳа таҳлилининг вазифалари

Бозор муносабатларининг шаклланиши олдин дуч келмаган бир қанча жараёнларни вужудга келтиради ва келтирмоқда. Булар жумласига рақобат муҳити, рақобатбардошлик, банкротлик, иқтисодий ночорлик, корхонанинг синиши каби тушунчаларни киритиш мумкин. Улардан бири корхоналарнинг рақобатбардошлигидир.

Бу жараён ўз навбатида иқтисодий эркинлик билан бирга эркин рақобат муҳитини ҳам яратишни тақозо қилади. Эркин иқтисодиёт йўқ жойда эркин рақобат, эркин рақобат йўқ жойда эса эркин иқтисодиёт бўлмайди. Шу туфайли бу жараённи амалга ошириш учун комплекс тадбирларни ишга солишни тақозо қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир янги жараённи амалиётга жорий қилиш учун олдин унинг назарияси ишлаб чиқилиши лозим. Аммо Ўзбекистонда рақобат муҳитини яратиш, эркин рақобат шароитида ҳар бир хўжалик субъектининг табиати қандай бўлиши хусусида ўзимизга хос назарий концепция яратилган эмас. Биз эркин рақобатни бозор муносабатлари тараққий этган мамалкатларда қандай бўлса шундай тушунмоқдамиз. Бироқ, Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлига, ўзига хос минталитетига, қадриятига, урф-одатларига эгаки, булар эркин рақобатни ҳам ўзига хос бўлишини тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, эркин рақобатнинг Ўзбекистонга хос назарий асосини яратиш заруриятини туғдиради.

Корхоналар фаолиятида иқтисодий эркинликнинг таъминланиши эркин рақобат муҳитини шакллантиради. Бу учун эса корхоналарда давлат буюртмаси, уни бошқаришда ва назорат қилишда давлатнинг аралашуви камроқ бўлмоғи лозим. Бу борада жуда кўп ишлар қилинмоқда. Жуда кўп тадбирларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлигини кафолатловчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Бу қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг ҳаммаси мамалкатимизда рақобат муҳитини яратишга қаратилмоқда. Ҳақиқатда эркин рақобат муҳити яратилса, бу бир қанча муҳим қануниятларни амалга оширади ва тартибга солади. Булар

жумласига товарларнинг жойланиши, нархнинг маълум меъёр даражасига келиши, унинг доимий равишда ошиб боришига барҳам бериши, талабга қараб худудлар бўйича жойланиши, ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги мутаносибликни назорат қилиши кабиларни киритиш мумкин.

Зеро, бозор муносабатлари шароитида ҳар бир тадбиркор рақобат майдонида фаолият кўрсатади. Рақобат майдони - у ҳалол-покиза яшаш, ўзининг маҳсулот (иш, хизмат) сифати ва самарадорлигини ошириш натижасида ғалаба қилиш учун кураш майдонидир. Бу майдонда ҳар бир тадбиркор рақибининг, яъни рақобатчининг шаънига, нуфузига тегмаган ҳолда ўзининг товари (иш, хизмати)ни харидоргир қилиб ўз иқтисодиётини тиклаб товарининг ҳам, ўзининг ҳам рақобатбардошлигини таъминлашга эришмоғи лозим.

Рақобатбардошлик корхонанинг қандай рақобат муҳитида фаолият кўрсатаётганлигига боғлиқ. Биз юқорида ўзимизга хос рақобат муҳити ҳақида гапирган эдик. Бу ўзига хослик, албатта, ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хослиги, унинг эркин рақобат муҳитига таъсири, бизнинг фикримизча, қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, мамлакатимизда эркин рақобат субъектларининг шаклланиши асосан хусусий мулк негизида эмас, балки давлат мулкини хусусийлаштириш эвазига амалга оширилганлигидир. Бу корхоналар қаттиқ режа асосида фаолият кўрсатишга мослашган корхоналар эди. Уларни бозор шароитига кўниктириш, албатта, унчалик осон иш эмас. Шу туфайли уларнинг кўпи инқирозга учраб синиб бормоқда.

Иккинчидан, корхоналар хом ашё, ускуналарни қатий фонд асосида олишга одатланган бўлиб, ишлаб чиқарган товарларини давлат буюртмаси асосида тақсимлар эди. Унда эркин сотиш, харидорни топиш, маркетинг хизмати каби бозор муносабатлари тамойилларига асосланмас эди. Бу тамойилларнинг жорий қилиши ҳам кўплаб корхоналарнинг ўз ўрнини топиб кетиши учун тажриба етишмаслиги туфайли катта қийинчиликларга дуч келмоқда.

Учинчидан, олдин товар олишда олдиндан тўлаш усули кам қўлланилар эди. Ишлаб чиқарувчи корхоналарга савдо корхоналари томонидан товарни сотиб пулини тўлашдек савдо хизмати кўрсатилар эди. Энди эса, ҳар қандай товар учун олдин пули тўланиб

кейин сотиб олинадиган бўлди. Бу жараён ҳам бозор тизимидаги барча хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жиҳатдан барқарор ва мустаҳкам бўлишини тақозо қилмоқда.

Тўртинчидан, ўзимиз ишлаб чиқарган товарлар омборларда қолиб, четдан жуда кўп сифатсиз товарлар кириб келди ва улар ўзимизнинг товаримизни касодга ўчратди. Бу жараён товаримизнинг сифатсизлигидан ёки харидор талабидан ортиқчалигидан эмас, балки бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиш сир-асрорларини билмаслик оқибатида келиб чиқмоқда.

Бешинчидан, бу юқорида қайд қилинган омиллар натижасида, ўзимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг сотилмаслиги оқибатида жуда кўп ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган тадбиркорлар, корхона ва фирмалар ўз фаолиятини тухтатишга мажбур бўлдилар. Бу эса, жуда кўп корхоналарнинг рақобатда бой берганлигидан эмас, балки бозор муносабатларига мослаша олмаганлиги натижасида инқирозга учраб, синиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бу ҳолатлардан кўриниб турибдики, бозор муносабатларининг тўлиқ амал қилиши учун эркин рақобатни таъминловчи жуда кўп тадбирларни амалга ошириш лозим экан. Бу тадбирлардан бири, корхонанинг ишлаб чиқарадиган товарини (иш, хизматини) чуқур таҳлил қилиб, уни бозорга, истеъмолчига, харидорга мослаштириш йўлларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бу, энг аввало, иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири тадбиркор товари (иши, хизмати)нинг истеъмолчига (харидорга) қулайлигини аниқлаш ва баҳолаш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишни тақозо қилади. Бу эса бир қанча йўналишларда амалга оширилади. Буларга техник йўналиш, иқтисодий, эргономик, эстетик, меъёрий йўналишларни киритиш мумкин.

Товар (иш, хизмат)нинг харидорга қулайлигини аниқлашда қўлланиладиган **техник йўналишга** унинг техник хусусияти, қўлланилиш соҳаси, яроқлилик ва кафолат муддатлари, сифати каби истеъмол қийматини оширувчи омиллар киради.

Товарнинг **иқтисодий қулайлиги,** унинг баҳоси, маълум муддатда ёки ишлатиш давомида бепул таъмирлаб бериши ёки кафолат муддатида бепул эҳтиёт қисмларни алмаштириб бериши, ишлатиш давомида (кафолат муддатидан кейин ҳам) унга сервис хизматини кўрсатиш тартиби, харидорнинг иқтисодий имконияти, мазкур товарнинг унга нархи ва сифати жиҳатидан мос келиши,

ушбу товарнинг харидорлар ижтимоий қатламига, касбий йўналишига мос келиши каби омилларни ўз ичига олади.

Товар (иш, хизмат)нинг харидорга қулайлигининг **эргономик йўналишига** унинг одам организмига мослиги, саломатлигига хавфсизлиги, таркибида табиий ва сунъий тола (материаллар)нинг улуши каби омилларни киритиш мумкин.

Харидорга (истеъмолчига) товарнинг **эстетик йўналиши** ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буларга унинг ташқи кўриниши, безакларнинг бежиримлиги, ўлчамининг мослиги, дид билан безатилганлиги каби омилларни киритса бўлади.

Ҳозирги пайтда истеъмолчилар ҳуқуқидан келиб чиқиб ҳар қандай товарнинг меъёрий ҳужжатларга, стандартларга (андозаларга) тўғри келишини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Бу бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштиокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» каби бир қанча қарорлари қабул қилинди ва уларда товарнинг манбаси қаердан чиқишлигидан (четникими, ўзимизда ишлаб чиқарилганми) қатъий назар, давлат тилида сертификатнинг бўлиши кўзда тутилган.

Товар (иш, хизмат)нинг ушбу йўналишлари тўғрисидаги маълумот статистик ва бухгалтерия ҳисоби ёки ҳисоботларида ўз аксини топган эмас. Шу туфайли бу кўрсаткич ва омилларни тадбиркорлик субъектида фаолият кўрсатувчи маркетолог ва менежерлар махсус ўрганиш, кузатувлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини бошқарув ҳисоби ва ҳисоботида қайт қилиб бориш тартибини йўлга қўйиши лозим. Тадбиркорнинг рақобатбардошлиги, бу оддий тадбирлар билан таъминланмайди. У жуда кўп сай ҳаракатларни, тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Кўриниб турибдики, товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш катта тадбирлар мажмуасини талаб қилар экан. Бу эса бошқарув таҳлили олдига ўта муҳим ва янги вазифаларни юклайди.

Иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми бўлган бошқарув таҳлили эркин рақобат ҳукм суриб турган бозор муносабатлари шароитида тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим:

* рақобатбардошликни таъминловчи йўналишларни аниқлаш ва уларни баҳолаш учун тегишли тадқиқ олиб бориш;

* рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни баҳоловчи рақамлар ва ахборотлар билан таъминлаш;
* рақобатбардошликни таъминловчи ижобий ва салбий омилларни аниқлаш ва ижобийларини такомиллаштириш, салбийларини бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш;
* барча кўрсаткичлар ва омиллар тизимини ўзида ифода этадиган рақобатбардошликни ифодаловчи ягона (комплекс) кўрсаткични аниқлаш ва у орқали мазкур кўрсаткичнинг қатор даврлар мобайнида ўзгариш тенденциясига баҳо бериш;
* барча ахборотларни жамлаб тадбиркорнинг ва у ишлаб чиқариб сотаётган товари (иш, хизмати) рақобатбардошлигини таъминловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ниҳоят, уни яхшилаш бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб бошқарув таҳлилининг аниқ вазифасини белгилаб олиш мумкин. Бунга қуйидагилар киради:

1. Истеъмолчилар, яъни харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш. Бунда харидорларнинг пул даромади, касбий йўналиши, миллий таркиби, мавсумнинг ўзгариши каби бирқанча йўналишлар кўриб чиқилади ва булар бўйича аниқ маълумотлар тўпланади.
2. Бозорнинг ҳолатини ўрганиш. Унинг хизмат қилиш салоҳиятини, аҳолининг жалб қилинганлиги ва айнан тадбиркорнинг товарига ўхшаш товарларнинг рақобатчилари томонидан қандай сотилаётганлиги, уларнинг сифати, нархи ўрганилади.
3. Тадбиркор рақобатчилари тўғрисида тўлиқ маълумотлар йиғилади ва уларни мазкур тадбиркор фаолиятидаги рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар билан солиштирилади, товар (иш, хизмат)нинг жозибаси, сифати ва нархи инобатга олиниб шу соҳа бўйича тегишли тўхтамга келинади.
4. Ушбу 1-3 бандлардаги тўпланган ахборотлар асосида тадбиркор ўзи ишлаб чиқараётган товарининг, бажараётган ишининг ва кўрсатаётган хизматининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Бу чора-тадбирларда юқорида таъкидланган истеъмолчига (харидорга) қулай бўлишнинг йўналишларини такомиллаштириш бўйича иш олиб боради. Бунда:

4.1. Товар (иш, хизмат)нинг техник йўналиши бўйича барча омиллар ўрганилиб, уларнинг такомиллашиш чораларини кўради.

4.2. Товар (иш, хизмат)нинг иқтисодий йўналишида асосий эътибор кам харажат эвазига юқори фойда олишни, унинг сифатини бузмаган, жозибасини оширган ҳолда эришишга қаратилган бўлади.

4.3. Товар (иш, хизмат)нинг эргономик йўналишида одамалрнинг саломатлигига салбий таъсир қилмайдиган, улардан фойдаланишнинг қулайлиги, хавфсизлиги каби ҳолатларни таъминлайдиган жиҳатларига катта аҳамият берилади.

4.4. Товар (иш, хизмат)нинг эстетик йўналиши ҳам унинг рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омил эканлигини инобатга олиб, рақобатчилар товари (иш, хизмати)га нисбатан жозибали қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинади. Агар лозим топилса уни реклама қилишнинг ҳам самарали йўллари ва усулларини ҳам ахтариб топиш чораларини ишлаб чиқади.

4.5. Барча талабларни ўзида мужассам этадиган товарнинг меъёрларга, сертификатга тўғри келиши, айнақса, унинг давлат тилида ҳар бир товарда ифода этилишини таъминлайди. Зеро, товар қулайликларининг ҳамма жиҳатларини кўрсата оладиган ёзувни илова қилиш ҳам ушбу товарнинг рақобатбардошлигини таъмин этишга хизмат қилади.

5. Ҳар бир товар ва товар гуруҳларининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг солиштириладиган рақамлардаги мутлоқ (нисбий) миқдори аниқланади.

6. Тадбиркор товари ва фаолияти рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичларни бошқа рақобатчилар кўрсаткичлари билан солиштирилади ва уни мустаҳкамлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Бошқарув таҳлилининг ушбу вазифаларини бажариши бир қанча қўшимча тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

* ишлаб чиқариладиган товарга (иш, хизматга) талабнинг ҳажмини, харидорларнинг тўлов қобилиятини, истеъмолчиларнинг таркибини ўрганиш;

* бозор сегментини ўрганиш, харидорларнинг касбий, миллий, жинсий, ёши жиҳатидан таркибини аниқ белгилаш;

* маҳсулотининг рақробатбардошлигини сифатини, нархи ва ҳажми жиҳатидан аниқлаш;

* маҳсулотни сотишни кенгайтириш учун қўшимча бозорларни ахтариб топиш ва унинг салоҳиятини белгилаш усулларини кўрсатиш;
* маҳсулотни сотиш ҳажмига таъсир қилувчи барча омилларни аниқлаш ва уларни ҳисоблаб топиб тегишли хулосалар чиқариш ҳамда сотиш ҳажмини кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Бошқарув таҳлилининг ўзига хос хусусияти шундаки, у корхона раҳбари, эгасига, уларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда хизмат қилади. Талабгарга нима зарур бўлса ўша жараённи ўрганиш ва тегишли хулоса чиқариб бошқарув қарорларини қабул қилишдек кенг қамровли иқтисодий ишни бажаришда бошқарув таҳлилидан фойдаланилади. Бир сўз билан айтганда, бошқарув таҳлили бошқарувчининг бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим дастаклардан бири бўлиб ҳисобланади.

3. Инвестициялар рақобатбардошлигини таъминлашда иш ҳажми, сифат ва баҳо омилларининг ўзаро боғлиқлиги

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши билан бирга, эркин рақобатнинг вужудга келиши ва бозорни тартибга солиб турувчи унсур сифатида амал қилиши муқаррар. Аммо иқтисодий адабиётларда бу масала етарли даражада ёритилган эмас. Айниқса, тадбиркор фаолияти ва товарининг рақобатбардошлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш масаласи умуман қараб чиқилмаган. Шу туфайли ишда мазкур масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг яна бир жиҳати шундаки, бозор тизимида унинг унсурлари тўлиқ ишлашга тушгач, тадбиркор ўзининг рақобатбардошлигини таъминламаса, унинг синиши, инқирозга учраши табиий.

Тадбиркор ўзининг рақобатбардошлигини аниқлаш учун эса, уни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини яхши билиши лозим.


Бозор тизимида ўзининг рақобатбардошлигини таъминлаши учун тадбиркор қуйидаги учта, энг муҳим унсурларни кўпайтириб туришдан манфаатдор. Буларга:

1. Иш ҳажми, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришни, иш бажаришни ва хизмат кўрсатишни кўпайтириш.

2. Агар имкони бўлса, товар (маҳсулот, иш, хизмат) баҳосини ошириш.

3. Ишлаб чиқараётган товар (иш, хизмат) сифатини ошириш.

Ушбу унсурлар ўртасидаги боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин.



2-Чизма. Тадбиркорнинг рақобатбардошлигини таъминловчи омилларнинг бир-бири билан боғлиқлиги

Тадбиркорнинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий унсурлар ичида баҳо муҳим ўрин тутади. Аммо шуни эътироф этиш керакки, товар (иш, хизмат)нинг ҳажми ҳам, унинг сифати ҳам тадбиркорга бевосита боғлиқ. Аммо баҳо ҳамиша унинг хоҳиш-иродасига ёки саъй ҳаракатларига боғлиқ эмас. Уни бозорнинг қонунлари тартибга солади.

Тадқиқотлар кўрсатдики, тадбиркор ўзининг баҳо сиёсатини шакллантиришда, унинг ўзгаришини кузатиб боришда бирқанча омилларга аҳамият бериши лозим экан. Буларга қуйидагилар киради:

1. Баҳонинг миқдори тадбиркор харажатини қоплайдиган ва маълум даражада унга фойда келтирадиган бўлиши.

2. Баҳонинг миқдори харидорни қочирмайдиган, яъни рақобатчиларининг маҳсулотига нисбатан унинг баҳоси озгина бўлсада камроқ белгиланиши.

3. Ушбу товар баҳоси бозор ва давлатнинг нархлаштириш сиёсатига зид бўлмаслиги, яъни тадбиркор фойдаси маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни кўпайтириш ўрнига, фақат баҳони ошириш эвазига амалга ошмаслиги. Шу туфайли маҳсулот таннархига қўшиладиган максимал фойда миқдори билан

ҳисобланганда, товар баҳосининг миқдори меъёрдан ошиб кетмаслиги лозим.

4. Мазкур товарга (иш, хизматга) бозор тўйинган бўлиб, унинг баҳоси пасайиш тенденциясига эга бўлганда, баҳонинг пасайиши таннархдан пастга тушиб кетадиган бўлса, мазкур товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқаришни тўхтатиб, бошқа бозоргир товарни (иш, хизматни) ишлаб чиқаришга ўтиш, яъни фаолиятни зудлик билан ўзгартириш лозим.

5. Товарни харидор қанча кўп оладиган бўлса, шунга мос равишда унинг баҳосини пасайтириб бориш амалиётини қўллаш лозим. Бу харидорни баҳо сиёсати билан рағбатлантириш эвазига ўзига жалб қилади ва уларнинг сонини муттасил ошириб боради. Бу усул ҳам жаҳон амалиётида синалган бўлишига қарамасдан, бизда унга ҳали кенг кўламда ўтилган эмас.

Баҳо сиёсати иқтисодий сиёсат тизимида ўта нозик сиёсатдир. Шу туфайли бозорни ўрганишда, талаб ва таклиф мувозанатини тузишда бу масалага алоҳида аҳамият бериши, тадбиркор ва унинг маркетологлари рақобатчи тадбиркорлар товарининг баҳосини, уларда қўлланилаётган баҳо сиёсатини яхши ўрганиб боришлари лозим. Бу ҳолат мазкур тадбиркорнинг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркор баҳо сиёсатини белгилашда фақат рақобатчилари томонидан ишлаб чиқиладиган товар (иш, хизмат)ларининг баҳоси билангина қизиқиб қолиши, уларнинг фақат баҳо сиёсатини ўрганиш билан эмас, балки шу ва бошқа ҳудудлардаги бозорлардаги ҳолатни ҳам ўрганиши лозим. Агар, бир маҳсулот бир бозорда бир хил баҳода сотилса, иккинчисида ундан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Агар, шу бозорга товарни олиб бориб сотиш, ташиш харажатларини қоплаб кўпроқ фойда олишни таъминлайдиган бўлса, ўша бозорни ҳам эгаллашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Тадбиркор қанча кўп бозорни эгалласа, у шунча ўзининг яшовчанлигини ва рақобатбардошлигини таъминлаб боради. Бу учун тадбиркорда тегишли маълумотлар бўлишини тақозо қилади. Биргина Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларидаги бешта бозордаги нархни олайлик. (1-жадвал).

1-Жадвал

Самарқанд вилоятининг турли бозорларида тадбиркорлар томонидан сотилаётган товарларнинг 2005 йил 14 декабр ҳолатидаги баҳоси

Товарларнинг номи	Бозорларнинг номи				
	Сиёб бозори	Мармар бозори	Дамарик бозори	Темир-йўл бозори	Катта-қўрғон бозори
1. Мол гўшт, минг сўм	4,0-4,2	4,2-4,3	3,8-4,0	3,8-4,0	4,0-4,2
2. Картошка, сўм	400-450	410-465	390-410	390-420	390-430
3. Карам, сўм	140-170	150-180	120-150	120-150	100-140
4. Гуруч, сўм	300-450	350-450	300-450	350-550	300-400

Манба: Бозор маъмурияти маълумотномаси ва муаллифнинг шахсий кузатуви натижасида тузилди

Бу ерда гўштнинг нархи 3,8 минг сўмдан 4,3 минг сўмгача, картошканинг нархидаги тофовут 390 сўмдан 465 сўмгача, карамнинг нархи эса 100 сўмдан 180 сўмгача, гуруч эса 300 сўмдан 500 сўмгача фарқ қилади. Тадбиркор қайси бозорда маҳсулотни сотишни шу маълумотлар асосида ўзи эркин танлайди ва ҳал қилади.

«Инвестиция лойиҳалари рақобатбардошлиги ҳақида тушунча» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Рақобатбардошлик
- Тадбиркор фаолиятининг рақобатбардошлиги
- Тадбиркор товари рақобатбардошлиги
- Такомиллашган рақобат
- Олегаполлашган рақобат
- Монополлашган рақобат

15-мавзу. РАҚОБАТБАРДОШ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Муқобил инвестициялар таҳлили
2. Инвестиция лойиҳаларининг амал қилиш муддатларидаги фарқлар таҳлили
3. Инвестицияларнинг қопланиши бўйича ўзаро зиддиятли лойиҳалар таҳлили

1. Муқобил инвестициялар таҳлили

Инвестицияларнинг сафарбар этилиши, кўп жиҳатдан, лойиҳаларнинг юқори самарадорликка эгалигига асосланади. Сабаби, бундай инвестиция лойиҳалари катта фойда олиш имконини беради. Одатда, юқори фойда олиш аксарият инвесторларнинг асосий мақсади бўлганлиги боис, бундай лойиҳаларни молиялаштиришдан инвесторлар манфаатдор бўладилар. Лекин ҳамма инвесторлар ҳам инвестиция лойиҳасини молиялаштиришдан аввал уларнинг турли иқтисодий кўрсаткичларини баҳолайдилар ва лойиҳани молиялаштириш учун ўзларининг турли хил талабларини қўядилар, шунингдек ўз имкониятларини ҳам ҳисобга олишга мажбурлар. Хоҳиш ва мақсадларга мос бўлган лойиҳаларнинг улар томонидан молиялаштиришга қабул қилинишлари табиийдир.

Одатда, барча инвестиция лойиҳалари ҳам бир хил кўрсаткичларга эга бўлавермайди. Айрим кўрсаткичлар бир лойиҳада юқори ижобий бўлса, бошқа лойиҳада эса аксинча бўлиши мумкин ва яна бир айрим кўрсаткичлари эса бир лойиҳада бошқа лойиҳадагига нисбатан пастроқ миқдорга эга бўлиши мумкин. Бир соҳага хос бўлган лойиҳаларнинг бундай (ўзаро зиддиятли) маълумотларга эга бўлиши, улар ўртасидаги рақобатни вужудга келтиради. Инвестиция қарорларини қабул қилиш, айниқса, рақобатли инвестициялар шароитида бирмунча қийин вазиятларни келтириб чиқаради.

Инвестиция лойиҳалари ўртасидаги рақобат курашининг вужудга келиши, одатда, қуйидаги сабабларга асосланади:

1. Инвестицияларнинг энг қисқа фурсатда (тез) қопланиши ва юқори фойда келтириши.

2.Инвесторнинг капитал бюджети чекланганлиги.

Инвестициялар у ёки бу натижаларга эришиш ёки муайян турдаги чекланган ресурслардан фойдаланишнинг муқобил имкониятлари таъминланган ҳолларда ўзаро зиддиятли инвестициялар ҳисобланади ва рақобатлашувчи инвестициялар деб аталади. Муқобил (ўзаро зиддиятли) инвестицияларни таққослаш эса улар ичидан энг юқори самаралисини аниқлашга ва уни кўзланган мақсад йўлида молиялаштиришга имкон беради. Муқобил лойиҳаларни ўзаро таққослашда, энг аввало:

— ишлаб чиқариш режаси ва ҳажми ёки лойиҳа қувватига;

—вақт омилига;

—янги техника ёки прогрессив технология бўйича бажариладиган иш (хизмат) ҳажмига;

—ишлаб чиқариш ва маҳсулотни истеъмол қилишнинг ижтимоий омилларига (атроф-муҳитга таъсирини ҳам ҳисобга олган ҳолда);

—молиявий кўрсаткичларга (баҳо даражаси, инфляция ва кредит учун фоиз ставкалари даражалари ва шу кабилар) эътиборни қаратиш лозим.

Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги юқори кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган режа (башорат)ларнинг ҳақиқий бажарилишига боғлиқ бўлади. Бу башоратларнинг ҳаммаси юқори сифатли, харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва юқори фойда асосида сотишга қаратилган бўлади. Лекин лойиҳаларнинг технологик таркиби (ишлаб чиқариш жараёнининг мураккаблиги ва узоқ давом этиши), лойиҳа қувватининг босқичма-босқич ўзлаштирилиши ва маҳсулотни сотиш жараёни кабиларнинг лойиҳа самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатишини ҳисобга олиш зарур.

Одатда, объектни ишга туширишнинг биринчи босқичининг ўзидаёқ тўлиқ лойиҳа қувватига эришишни режалаштирилган инвестиция лойиҳаларининг аксарият қисми нореал ҳисобланади. Сабаби, турли хил технологик, ишлаб чиқариш ва тижорат қийинчиликлари оқибатида (сотиш ҳажмининг тушиб кетиши, хом ашё ва ишчи кучи таъминотидаги номувофиқликлар ва шу кабилар) лойиҳалар ишлаб чиқилган режаларига мос келмай қолишлиги мумкин. Айниқса, бундай ҳолат лойиҳа қувватининг биринчи йилининг ўзидаёқ тўлиқ ўзлаштирилиши режалаштирилган

инвестиция лойиҳаларида кузатилиши мумкин. Чунки, аксарият ҳолларда, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш ишларида айрим муаммолар юзага келиши мумкин. Шу сабабдан лойиҳа режасини ишлаб чиқишда уни лойиҳанинг тўлиқ қувватига эришишини инвестиция объектини ишга туширган вақтнинг учинчи-тўртинчи йилларига келиб, йирик ва мураккаб лойиҳаларда эса 4-7 йиллар ичида ўзлаштиришга мослаштиришга ҳаракат қилинади. Одатда, бундай режалаштириш соҳа, лойиҳа хусусиятларидан, ишлаб чиқаришнинг турларидан, бозор ҳолатидан келиб чиқиб амалга оширилади ва маҳсулотнинг узлуксиз ва максимум имкониятлар билан сотилишига қаратилган бўлади. Лойиҳалардаги бу ва бошқа жиҳатлар улар ичидан энг самаралисини танлашда зиддиятли ҳолатларни келтириб чиқариши сабабли тўғри қарор қабул қилиш муаммоси ҳар доим долзарб масала ҳисобланади.

Масалан, фараз қилайлик, янги қурилган кўп қаватли аҳоли уйларини иситиш учун корхона иситиш ва энергия таъминотининг кўмир, газ, мазут турларидан бирини танлаши лозим. Юқори даражадаги энергия таъминотига эришиш учун барча усулларнинг таққослама таҳлили ўтказилади (бунда таҳлилнинг оддий ва тушунарли бўлиши учун биз инвестиция лойиҳаларининг барча вариантларининг ҳаётийлик даври бир хил - 4 йилга тенг деб фараз қиламиз) ва улар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

1-ж а д в а л

Муқобил лойиҳалар таҳлили

Инвести-циялар турлари	**Йиллик пул тушумлари суммаси, йиллар бўйича млн. сўмда**					**Соф жорий қиймат, NPV, млн. сўм**	**Инвести-циялар рента беллиги PI**	**Фойда-нинг ички меъёри, IRR,%**
	0-й	**1-й**	**2-й**	**3-й**	**4-й**			
Кўмир	-1000	750	500	0	0	95,04	1,095	18
Газ	-1000	350	350	350	350	109,45	1,109	15
Мазут	-500	180	180	180	180	70,58	1,141	16

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кўмир сарфи схемасининг паст самарадорликка эга бўлишига сабаб (PI = 1,095) иситиш тизимининг ишга туширилишидан бошлаб учинчи йилга келиб ва ундан кейинги йилларда ҳеч қандай пул тушумларининг умуман келиб тушмаслигидир. Лекин аҳоли уйларига иссиқлик узатишни тўхтатиш имконининг йўқлигигина уни ишлатишни

давом эттиришни оқлайди, холос. Шу билан бирга 10% лик дисконт ставкасида бу вариант ижобий NPV га ва у мазут схемасидагига нисбатан катта миқдорга эга. Агар муқобил вариантларни IRR миқдори бўйича таққосласак, кўмир схемаси бир мунча афзалроқ ҳисобланади. NPV миқдори бўйича муқобил лойиҳаларнинг таққосланиши натижасида газ схемаси энг катта миқдорга эгалиги маълум бўлади. Ўз навбатида, мазут схемаси инвестицияларнинг рентабеллиги кўрсаткичи бўйича энг юқори миқдорга эгалиги маълум.

Амалиётда ушбу мисолдаги каби муқобил лойиҳаларнинг ўзаро зиддиятли таҳлилига, одатда, қуйидагилар:


1. Келгуси пул тушумлари жадвалидаги фарқларнинг мавжудлиги.

2. Инвестицияларнинг талаб қилинган суммасидан фарқларнинг мавжудлиги сабаб бўлади. Бу ҳолатни юқорида келтирилган мисол жадвалидан яққол кўришимиз мумкин. Бу ерда IRR кўрсаткичи бўйича кўмир схемаси газ схемасидан юқори туради (яъни тегишлича 18% ва 15%). Агар энергия таъминоти сифатида кўмирдан фойдаланиш асосида олинган пул тушумлари қисқа давр ичида юз бериши ва кейинги йиллардаги тушумнинг бутунлай тўхташига эътибор қаратсак, ушбу лойиҳанинг газ схемаси бўйича муқобил вариантга нисбатан қисқароқ давр ичида фойда ички меъёрининг юқорироқ даражаси таъминланишини кўрамиз.

Бошқа томондан олганда, мазут схемаси инвестицияланган ҳар бир сўмга нисбатан энг юқори фойда келтирувчи лойиҳа ҳисобланади. Бироқ бу лойиҳа бўйича талаб этиладиган инвестициялар газ схемасига нисбатан кичик ва улар бўйича соф жорий қиймат (NPV) ҳам кичик ҳисобланади. PI ва IRR бўйича эса газ схемасидан юқоридир. Умуман олганда, муқобил лойиҳаларнинг самарадорлигини таққослама аниқлашда белгиланган дисконт ставкасида қайси лойиҳа юқори соф жорий қийматга эга бўлса (турли вариантлардаги инвестициялар ҳажми бир хил бўлган ҳолларда) ёки ҳосил қилинган соф жорий қиймат ҳисобига бошланғич капиталнинг энг юқори ўсишига эриша олса, ўша лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги юқори ҳисобланади. Бунда лойиҳаларнинг PI кўрсаткичи ҳам сўзсиз энг катта миқдорга эга бўлади. Лекин унинг IRR кўрсаткичи бошқа лойиҳанинг IRR кўрсаткичидан кичик бўлса, у ҳолда қандай қарор

қабул қилиш мумкин. Бундай ҳолларда лойиҳаларнинг NPV бўйича дисконтлаш ставкаси к га боғлиқлигини акс эттирувчи графикдан фойдаланиш мумкин.

Юқоридаги мисол бўйича қуйидаги кўринишга эга бўлган графикни ҳосил қиламиз:



1- чизма. Муқобил вариантлар самарадорлигининг таққослама куриниши

1- газ схемаси; 2- кўмир сохаси; 3- мазут схемаси; **Ф-** Фишернинг кесишиб ўтиш нуқтаси/

1-чизмадан кўриниб турибдики, NPV энг катта бўлса, вариантлар кесишиб ўтган нуқтада (иқтисодий адабиётларда Фишернинг кесишиб ўтиш нуқтаси деб аталади) инвестициялашнинг иккала вариантида NPV бир хил миқдорга эга бўлади ва бу нуқтада дисконтлаш ставкаси 11,45% га тенг. Агарда дисконтлаш ставкаси 11,45% дан (кесишиш нуқтасидан) катта бўлса, у ҳолда (пул маблағлари тушумини эртароқ таъминловчи) кўмир схемаси вариантидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Аксинча, 11,45% дан (кесишиш нуқтасидан) кичик дисконт ставкасида газ схемаси лойиҳасидан фойдаланиш афзал ҳисобланади.

Иккала лойиҳада ҳисоб ставкасидан юқори (тегишлича 15% ва 18%) кўрсаткич қайд этилган ва уларнинг иккаласи ҳам самарали

ҳисобланади. Демак, қиёсий таҳлил этиш натижасида мазут схемасига нисбатан кўмир схемаси ва газ схемаси иқтисодий жиҳатдан самаралироқ эканлиги тасдиқланди. Бироқ энг самарали инвестиция лойиҳасини танлашга, нафақат, дисконт ставкаси, шунингдек лойиҳаларнинг ҳаётийлигидаги фарқлар ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу мисолда кўмир схемаси энг юқори иқтисодий самарадорликка эга лойиҳа ҳисобланади.

2. Инвестиция лойиҳаларининг амал қилиш муддатларидаги фарқлар таҳлили

Амалиётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, айрим машҳур йирик компаниялар бир вақтнинг ўзида бир неча хил лойиҳаларни молиялаштириш имконига эга бўладилар. Бундай пайтда ушбу компания бир қанча инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш ва танлашга қабул қилади. Бунда компания уларнинг энг самаралиларини танлаб оладилар. Танлаб олинган инвестиция лойиҳаларининг қиймати эса ўзининг капитал бюджетига (молиялаштириш имкониятига) мос қилиб олинади ва уларни амалга оширишдан кўрадиган фойдани ҳисоблайди.

Масалан, Фараз қилайлик, йирик компания молиялаштириш учун бир нечта лойиҳаларни қабул қилди. Бироқ у ўзининг 130000 минг долл. атрофидаги бюджетидан келиб чиқиб, энг самарали лойиҳаларни танлаши лозим. Тақдим этилган лойиҳалар қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этади.

2-жадвал

Муқобил инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш таҳлили

Лойиҳа	Келтирилган инвестициялар, минг долл.	Келтирилган тушумлар, минг долл.	Фойда индекси, PI	Лойиҳа рейтинги
А	10 000	24 000	2,4	2
Б	30	80	2,67	1
В	300	360	1,2	7
Г	80	78	0,98	9
Д	120	170	1,48	5
Е	160	240	1,5	3
Ж	600	680	1,13	8
З	150 000	190 000	1,27	6
И	120 000	175 000	1,46	4

Фойдалилик (PI) индекси бўйича юқорироқ рейтингга эга бўлган ва умумий қиймати компания бюджетига тўғри келадиган қуйидаги лойиҳаларни танлаб оламиз.

Танлаб олинган лойиҳалар гуруҳи бўйича даромаднинг соф жорий қийматини (соф келтирилган қийматини) ҳисоблаб топамиз:

NPV = 199320 — 130190 = 69130 минг долл.

PI = 1,53

3-ж а д в а л

Оптимал самарага эга лойиҳалар

Лойиҳа	**Келтирилган инвестициялар, минг долл.**	**Келтирилган тушумлар, минг** долл.
Б **А** **Е** **И**	**30** **10 000** **160** **120 000**	**80** **24 000** **240** **175 000**
Жами	**130190**	**199320**

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, мазкур тўртта инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қабул қилиш компания учун фойдали бўлиб, унинг капиталининг соф жорий қиймати 69130 минг долл.га ўсиши таъминланиши ва инвестициялар рентабеллиги эса 53% ни ташкил этиши кўриниб турибди.

Муқобил инвестиция лойиҳаларининг бундай таққослама таҳлили улар ичидан энг самарали лойиҳани танлаб олишга ва лойиҳани молиялаштириш учун тўғри қарор қабул қилишга имкон беради. Умуман, муқобил лойиҳалар таҳлили инвесторнинг молиялаштириш учун қабул қилган лойиҳасининг бехато танланишини ва ишончлилигини таъминлайди.

3. Инвестицияларнинг қопланиши бўйича ўзаро зиддиятли лойиҳалар таҳлили

Инвестицияларнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш уларнинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Муқобил лойиҳалар ичида афзали деб топилган инвестиция лойиҳасини амалга ошириш инвестор харажатларини самарали ташкил этиш, инвестиция

харажатларининг тезроқ қопланиши ва юқори фойда олиш имконини таъминлайди. Инвестиция лойиҳасининг ҳаётийлик даври анча узоқ бўлган даврда инвестиция харажатларининг қисқа вақг ичида тўлиқ қопланиши қолган давр мобайнвда лойиҳадан катта фойда олишга имкон беради ва инвестицияларнинг юқори самарадорлигини таъминлайди.

Амалиётда шундай ҳолатлар ҳам юз берадики, бундай пайтларда инвестициялашнинг қайси вариантларини қабул қилиш масаласи жидций муаммога айланиши мумкин. Масалан, транспорт компанияси фойдаланилган, лекин яна 3-4 йил хизмат қилиши мумкин бўлган юк ташиш машинасини ёки хизмат муддати 8-10 йил бўлган янги юк ташиш машинасини сотиб олиши мумкин. Бундай пайтда компания инвестициялашнинг қайси варианти афзал эканлигини аниқлаш учун уларни қандай таққослаш лозимлиги муҳим вазифа ҳисобланади.

Инвестициялашдаги бундай муаммоларни тўғри ҳал қилиш учун юқорқдаги кўриб ўтган кўп қаватли аҳоли уйларини иситиш лойиҳалари мисолига қайтамиз.

Масалан, биламизки, энергия таъминотининг кўмир схемасини танлашда пул тушумлари 2 йилдан сўнг бутунлай тўхтаган эди. Шунга кўра, кўмир схемаси вариантининг ҳаётийлик даври 2 йилга тенг бўлиб, шу ҳаётийлик давр мобайнига ва хусусиятига ўхшаш бўлган яна бир янги қўйилмани амалга ошириш мумкин.

Бундай тахминнинг аҳамияти жуда катта, сабаби, у кўмир ва газ схемаларининг соф жорий қийматини максималлаштириш салохиятини таққослаш имконини беради (бу ерда мазут схемасини инобатга олмаганлигимизга сабаб, унинг NPV кўрсаткичининг энг кичик қийматга эгалигидир). Бунда ҳар бир схеманинг 4 йиллик ҳаётийлик даврига эгалигини (яъни, қатъий режага кўра, корхона фаолиятининг унинг марказлаштирилган иситиш ва энергия таъминоти тизими таркибига қўшиб олиниши билан тугалланилишини) назарда тутсак, у ҳолда қуйидаги жадвалда умумлаштирилган инвестициялаш натижаларига эга бўламиз.

4-жадвал

Ўзаро зиддиятли лойиҳаларни инвестициялаш натижалари

Инвестициалаш вариантлари ва курсатгичлари	**Пул тушумлари, йилларда**				
	0	**1**	**2**	**3**	**4**
Кумир схемаси. Кумир учун инвестиция-1	-1000	750	500		

Кумир учун инвестиция-2	-	-	-1000	750	500
Кумир схемаси буйича жами NPV			173.59		
Газ схемаси. Газ учун инвестиция	-1000	350	350	350	350
Газ схемаси буйича жами NPV			109,45		

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инвестиция лойиҳаларининг таққослама ҳаётийлик даври шароитида кўмир схемаси икки марталик инвестицияланишига (маблағ сарфланишига) қарамасдан соф жорий қийматнинг катта тушумини таъминлаш имконига эга. Шунга кўра, инвестициялашнинг ушбу варианти иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Бажарилган ҳисобкитобларнинг кўрсатишича, кўмир схемаси бўйича қўшимча харажатлар қўшимча фойда олиш имконини беради. Лекин, ҳисобкитоб натижалари инвестициялаш объектининг қолдиқ қиймати миқцори (қоддиқ қиймати бўйича уни бошқаларга сотиш имконияти) лойиҳани амалга ошириш имконияти ва амортизация ажратмаси схемаси каби бир қатор омилларга боғлиқ.

Одатда, энг фойдали вариант деб топилган инвестиция лойиҳасини танлаб олиш тахминлар асосида қабул қилинган ҳисобкитобларнинг тўғрилигига боғлиқ. Лекин инвестор учун энг муҳими ҳисобкитобларнинг аниқлигани ошириш ёки хисобкитобларнинг қандайдир усулларидан фойдаланиш эмас, балки қабул қилинган бошланғич маълумотлар ва шартшароитларнинг аниқпаниши ҳисобланади. Бундай ҳолатда, ҳатто, ҳисобкитобларнинг соддалаштирилган усуллари ҳам уларнинг ишончлилигини пасайтириш хавфини келтириб чиқармайди ва буткул асосланган қарорлар қабул қилиш имконини бермайди.

Кўп ҳолларда, инвестиция лойиҳасида иштирок этувчи иқгисодчи мутахассисларда инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича ҳисобкитобларни соддалаштиришга хоҳиш ва талаб пайдо бўлади. Хусусан, агар муқобил лойиҳаларни баҳолаш ва таққослаш соф жорий қиймат (NPV) миқдори бўйича амалга оширилса ҳамда инвестициялар узлуксиз равишда реинвестиция қилиниши мумкин бўлса, шундай ҳолларда хохиш ва талаб юзага келади. Тушунарли бўлиши учун транспорт компанияси билан боғлиқ мисолга қайтамиз. Ушбу компания яна 4 йил ишлатиш мумкин бўлган эски ва фойдаланиш муддати 9 йил бўлган янги юк

ташиш машинасидан бирини сотиб олиш масаласини ҳал қилиши лозим. Бунда муқобил инвестиция лойиҳаларини NPV миқдори бўйича оддий таққослашнинг иложи йўқ. Сабаби, инвестиция лойиҳаларининг ҳаётийлик даври турличадир ва тенг эмас. Ҳисоб китобларнинг таққосланишини таъминлаш учун эса уларни ягона давомийлик даврига, яъни 36 йилга (4х9= 36) келтириш лозим ва улар айнан мана шу давр сўнгида бир вақтда ўз фаолиятларини (реинвестицияланишини) якунлайдилар

Бундай масалани ҳал этиш учун соддалаштирилган усул — эквивалент аннуитет (Эа) дан фойдаланиш тавсия этилади Бу усул фақат инвестиция лойиҳалари бир хил риск даражасига эга бўлган ҳолларда қўлланилади.

Эквивалент аннуитет (Эа) ни ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$Э_a = \frac{NPV}{PVA1_{t.k}} \qquad \textbf{(.1)}$$

бу ерда, Эа — келгуси пул тушуми (PMT); NPV — соф жорий қиймат (аннуитетнинг жорий қиймати PVA ни ифодалайди); $PVA1_{t,k}$ — к даромадлилик ставкасида ҳар бир t давр охиридаги аннуитетнинг жорий қиймати.

Агар $PVA1_{t,k}$ = (11/(1+к)1)Д эканлигани назарда тутсак, (1) формулани қуйидаги соддалаштирилган кўринишга келтиришимиз мумкин:

$$Э_a = \frac{NPV}{1-\frac{1}{\frac{(1+k)^t}{k}}} = \frac{NPV*k}{1-\frac{1}{(1+k)^t}}, \qquad \textbf{(2)}$$

Бу формула барча рақобатлашувчи инвестициялар чексиз реинвестициялашни назарда тутган бўлса ёки барча муқобил лойиҳаларнинг ҳаетийлик даври бир вақгнинг ўзида тугалланмагунча реинвестиция қилиниш ҳолларида қайси лойиҳада эквивалент аннуитет энг катта миқдорга эга бўлишини ва барча пул тушумларининг энг юқори NPV миқдори таъминланишини аниқпаш мақсадида қўлланилади. Тушунарли бўлиши учун юқоридаги иситиш ва электр таъминотига оид мисолга қайтамиз

Кўмирдан фойдаланиш технологиясини амалга оширишга икки карра инвестициялашни сунъий қабул қилиш қароридан четлашган ҳолда кўмир ва газ схемасини иккала схема учун эквивалент аннуитетлар асосида таққослашга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун, энг

аввало, дисконт ставкасини 10% га тенг деб қабул
қилиб оламиз ва унинг асосида иккала лойиҳанинг ҳар бирини амалга ошириш даврлари учун ҳисоблаш ишларини ўтказамиз (2 йил — кўмир схемаси учун, 4 йил — газ схемаси учун). Натижада қуйидагиларни ҳосил қиламиз.

Кўмир схемаси бўйича:

$$Э_a = \frac{95,04}{PVA1_{2йил,10\%}} = \frac{95,04}{1,7355} = 54,76,$$

Газ схемаси буйича:

$$Э_a = \frac{109,45}{PVA1_{4йил.10\%}} = \frac{109.45}{3.1699} = 34.53$$

Кўриб турганимиздек, ҳисоблашнинг бундай соддалаштирилган усулида энергия таъминотининг кўмир схемаси газ схемасидан афзалроқ ҳисобланади. Эквивалент аннуитет усули чекланган инвестициялардан самарали фойдаланиш шароитида, айниқса, жуда ҳам қўл келади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, айрим тоифадаги инвесторлар ўз капиталининг қайтишига қизиққан пайтларида, нафақат, уларнинг қопланиш даврини, шунингдек бозор қиймати (реал, жорий қиймати) бўйича қопланиш даврини билишни хохлайдилар Инвестициялашдан мақсад капитал қийматининг камайишидан сақланиш ва уни ўстиришдан иборат эканлиги боис, қилинган инвестицияларнинг неча йилда ҳақиқий қийматда қаитишини аниқлашнинг ҳам аҳамияти катта Лекин унинг бозор қиймати жиҳатидан қопланиш даври миқдор (номинал сумма) кўрсаткичи бўйича қопланиш давридан фарқ қилади ва у ҳамиша миқцор (номинал сумма) кўрсаткичи бўйича қопланиш даврқдан катта ҳисобланади. Капиталнинг бозор қиймати бўйича қопланиш даври унинг номинал суммаси бўйича қопланиш даврига қанчалик яқин бўлса, инвестициялаш инвестор учун шунчалик фойдали хисобланади. Шунингдек инвестицияланаетган лойиҳанинг ҳаетийлик даври қанчалик катта бўлса, инвестор учун юқори фойда олиш ва ўз капиталини кўпайтириш (қийматини ошириш) имконияти ҳам шунчалик катга бўлади

Шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, бунда аналитиклар пул оқимлари билан (кўп ҳолларда, бевосита) боғлиқ бўлмаган ўзаро зиддиятли инвестицияларга дуч келишлари мумкин Дейлик, фирма хизмат кўрсатиш биноларини жиҳозлашда у ёки бу турдаги ёритиш асбобларидан қайси бирини танлаш масаласини ҳал этар экан, у

бундай инвестициялашнинг мақсадга мувофиқлигига ҳеч бир шубҳа қилмайди, сабаби, қоронғиликда ишлашнинг ўзи сира мумкин эмаслиги равшандир. Бунда асосий муаммо ёритиш (инвестиция лойиҳаси) усулларидан қайси бири у ёки бу вақтдаги истиқболда кичикроқ жорий (дисконтлаштирилган) харажатларга эга бўлишини аниклашдан иборат бўлади. Шунинг учун энг арзон лойиҳа танлаб олиниши лозим.

Агар биз турли ҳаётийлик даврига мўлжалланган лойиҳаларга дуч келсак ва агар баҳоланаётган фаолиятни давом эттириш учун асосий воситаларнинг алмаштирилиши (реинвестиция) талаб этилса, бундай шароитларда бизга фақат кўриб ўтилган услубий қўлланмадан фойдаланиш ва эквивалент аннуитетни аниқлаш зарур бўлади. Бунга ўхшаш ҳолларда уни эквивалент йиллик харажатлар ($Э_{йх}$) деб номлаш аниқроқ бўлган бўларди.

Бунинг тушунарли бўлишига қуйидаги мисол ёрдам беради.

Фараз қилайлик, юқори ташкилот маъмурияти касалхона биносини қайта таъмирлаш лойиҳасига сув ёки электр иситиш тизимидан қайси бирини киритиш масаласини ҳал этиши лозим бўлсин. Бунда тахлил учун дисконт ставкаси 10% даражасида белгилаб олинган. Сувни иситиш тизимининг хизмат муддати эса 5 йилга тенг, уни вужудга келтириш ва сақлаб туриш бўйича харажатларнинг дисконтлаштирилган жорий қиймати ушбу давр мобайнида 100 млн. сўмни ташкил этади. Шунингдек электрли иситиш тизими учун бу кўрсаткичлар тегишличи 7 йил ва 120 млн. сўмни ташкил этади. Эквивалент йиллик харажатларни аниқлаш учун биз қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз.

5-ж а д в а л

Эквивалент йиллик харажатлар ҳисоби

Иситиш тизими	**Ишлатилиш даври, йил**	**Харажатларнинг жорий киймати, млн.сум**	**Эквивалент йиллик Харажатлари – $Э_{йх}$, млн. сўм**
Сувли истиш тизими	5	100	100/3,791=26,38
Электр иситиш тизими	7	120	120/4,868=24,65

Мадомики, электрли иситиш тизими кичик миқдордаги йиллик харажатлар билан боғлиқ экан, у ҳолда айнан уни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай хулосага эса биз иккала иситиш тизимини 35 йилга давом этишдек ягона ҳаётийлик муддатига келтириш асосида ўтказилган ҳисобкитоблар натижасида келган бўлар эдик.

Инвестициялашнинг афзалроқ вариантларини танлашнинг юқорида қайд этилган усули пул тушумларини максималлаштиришни ҳар доим ҳам мақсад қилмаган, бироқ чекланган инвестициялардан самаралироқ фойдаланиш масаласи юқори турувчи бюджет соҳаси ва фойда кўрмасдан ишлайдиган ташкилотлар учун мухимаҳамиятга эга.

Ўзаро зиддиятли инвестиция лойиҳалари ўртасидаги танловда кузатиладиган асосий муаммо мавжуд ускуналарни таъмирлаш ёки уни янгиси билан алмаштиришдан бирини танлаш масаласи билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин, бундай вазиятларда, энг аввало, ускунани таъмирлаш учун қандай харажатлар зарур эканлигани аниқлаб олиш лозим бўлади. Одатда, бундай харажатларга ускуна таъмири учун қилинадиган бевосита харажатлар ва техникани сотишдан бой берилган фойда, яъни унинг тугатиш қиймати киради. Бундай мураккаб вазиятларда ўзаро зиддиятли лойиҳалардан афзалини топишга хизмат қилувчи таҳлилни эквивалент аннуитетларни ёки эквивалент йиллик харажатларни таққослашнинг асоси сифатида ўтказиш мақсадга мувофиқ саналади.

Фараз қилайлик, сизда 5 млн. сўмга сотишингиз мумкин бўлган ёки 2 млн. сўмга таъмирлаб, сўнг яна 5 йил ҳайдашингиз ва кейингина металлоломга топширишингиз мумкин бўлган "Жигули" машинангиз бор. Ўша вақтнинг ўзида 10 млн. сўмга янги машина сотиб олиш мумкин ва уни жиддий таъмир этмасдан 10 йил мобайнида ҳайдаш мумкин ҳамда, оқибатда, уни бошқага сотишнинг сира имкони йўқ (тугатиш қиймати нолга тенг) бўлсин. Юқоридаги фикримиздан келиб чиқиб, эски автомобилдан фойдаланиш билан боғлиқ вариант (лойиҳа) қиймати 7 млн. сўмни ташкил этишини, яъни у сотишдан бой берилган фойда (5 млн. сўм) ва таъмирлаш харажатлари (2 млн сўм) йиғиндисидан иборат эканлигани белгилаб оламиз Агар баҳолаш учун дисконтлаш коэффициентини 10% даражасида қабул қилсак, иккала вариант учун эквивалент йиллик харажатлар ($Э_{йх}$) ни (1) формула ёрдамида ҳисоблашимиз мумкин.
Эски автомобилни таъмирлаш варианти бўйича:

$$Э_{йх} = \frac{7,0}{3,791} = 1,847 \text{ млн.сум}$$

Янги автомобилни сотиб олиш варианти бўйича:

$$Э_{йх} = \frac{10,0}{6,145} = 1,627 \text{ млн.сум}$$

Ушбу ҳолатда бизнинг таҳлил тушумлар (фойда)га эмас, аксинча, харажатларга асосланганлиги сабабли, эквивалент йиллик харажатларнинг минимал миқдорини таъминловчи инвестициялаш варианти афзалроқ ҳисобланади. Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, янги машинани сотиб олиш варианти фойдали экан. Аксинча, эквивалент аннуитет таҳлилидаги каттароқ миқдордаги эквивалент аннуитет варианти фойдали ҳисобланишини яна бир бор едга олиш билан унинг эквивалент йиллик харажатлардаги оптимал вариантини аниқгашга нисбатан тескари мантиққа эгалигини билиб олишимиз лозим

Бу каби инвестициялаш соҳасида пайдо бўлувчи турли кўринишдаги ҳолатларга қарамасдан соф жорий қиймат (NPV) кўрсаткичидан фойдаланиш аналитик ва инвесторларга ўзаро зиддиятли лойиҳалар ичидан, кўп ҳолларда, фирма мулкининг, шунингдек унинг таъсисчилари бойлигининг ўсишига имкон берувчи у еки бу инвестиция лойиҳасини танлаш учун ишончли асосни туғдиради Лекин шу нарсани унутмаслик лозимки, бу кўрсаткич ўзининг афзаллиги ва ҳаққонийлигини бюджетнинг чекланганлиги ва унинг оқибатида инвестицияларни рационаллаштириш шароитидагидек инвестиция лойиҳаларини танлашнинг зарурияти бўлмаган ташкилотлар учун намоен эта олмайди

Юқорида кўриб ўтилган мисоллар, кўпроқ, стандарт лойиҳаларга хос бўлиб, уларда фақат бир марталих харажат ва келгусидаги пул тушумлари назарда тутилган эди Одатда, пул тушумлари кўзда тутилмайдиган ва ускуналар еки лойиҳанинг алмаштирилиши назарда тутилган ҳолатлар ҳам юз бериши мумкин.

Фараз қилайлик, компания узоқ ишлаб чиқариштехнологик жараендан ўтувчи маҳсулот ишлаб чиқаради. Ундаги босқичларнинг бирида эса бир қанча модификацияларда амал қилувчи махсус ускунадан фойдаланиш зарур хисобланади. Бошланғич таҳлилдан сўнг иккита ўхшаш модификациядаги лойиҳа устида тўхтамга келинади. Барча бошқа тенг шароитларда иккинчи лойиҳа (Л2) билан таққосланганда биринчи лойиҳа (Л1) ускунаси нисбатан кичикроқ бўлган бошланғич харажатларни талаб этади (Л1 — 10

минг долл. ва Л2 — 15 минг долл.), бироқ унинг жорий харажатлари эса нисбатан каттадир. Жорий харажатлар ускуналар бўйича таққослама ҳолатга келтирилгандан сўнг шу нарса башорат қилиндики, уларнинг миқдори биринчи йили Л1 ускунаси бўйича 3000 долл ни ташкил этиб, Л2 ускунаси бўйича эса унга (Л1 га) нисбатан 1,5 марта кам бўлар экан. Иккала ҳолатда ҳам харажатлар ҳар йили 5% га кўпайиши тахмин қилинса, у ҳолда капитал баҳоси (дисконт ставкаси) 10% га ва горизонт режалаштириш (ҳаетийлик даври) 5 йилга мўлжалланганда ускуналардан қайси бирини сотиб олишнинг мақсадга мувофиқяигини таҳлил этиш талаб этилади.

Бу ерда кўриниб турибдики, ускуналар бўйича пул тушумларини олдиндан билишнинг имкони йўқ ва таҳлилга фақат тегишли харажатларни киритиш мумкин, холос Агар ҳар бир лойиҳа бўйича келтирилган харажатларни таҳлил этсак, у ҳолда уларнинг кичик миқдорига эга бўлган лойиҳа фойдали ҳисобланади Дастлабки маълумотлар ва ҳисобкитоб натижалари эса Л1 лойиҳасининг бир мунча афзалроқ эканлигини кўрсатади

Баъзан, сарфхаражат талаб этувчи лойиҳалар таҳлилидаги стандарт вазиятларда ҳам рискни ҳисобга олиш зарурияти вужудга келиши мумкин Рискни ҳисобга олиш лойиҳа бўйича келтирилган харажатларнинг дисконтлаш коэффициенти миқцорининг камайиши ҳисобига ошиши мумкинлигини билдиради Рискнинг мавжуд бўлиш ҳолатида, одатда, дисконтлаш коэффициенти миқцори ошмайди, аксинча камаяди Бундай пайтда лойиҳанинг рисклилигини аниқлаш учун дисконтлаш коэффициенти миқдорини камайтириш зарур ҳисобланади Камайтирилган миқцордаги дисконтлаш коэффициенти рискнинг йўқотилишини қўрсатади

Агар юқоридаги мисолга қайтсак ва унда Л1 лойиҳасини юқори рискли деб фараз қилсак, у ҳолда рискни ҳисобга олиш билан дисконтлаш коэффициентига тўғрилаш киритиб, унинг Л1 лойиҳа бўйича 7% ва Л2 лойиҳаси бўйича 10% миқдорини ҳосил қилсак, биз тегишлича қуйидаги натижаларга эга бўламиз:

PV Л1 = 23505 долл.

PV Л2 = 23301 долл.

Олинган ҳисоблаш натижаси Л2 лойиҳа ускунасини сотиб олиш фойдали эканлигидан далолат беради.

Инвестиция сиёсати, нафақат, компания учун янги бўлган лойиҳаларни тадбиқ этиш билан, балки қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш йўли ҳисобига ўз фаолиятини

кенгайтириш билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ҳам кўзда тутиши мумкин. Кўпинча, ўхшаш лойиҳалар ишлаб турган ускунани прогрессив хусусиятга эга бўлган ва қўшимча фойдани таъминлайдиган янги ускунага алмаштиришни назарда тутади. Бундай пайтда ушбу операциянинг мақсадга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун оддий аналитик ҳисоблаш ишлари олиб борилади. Бунга қуйидаги мураккаб бўлмаган мисолни кўриб чиқамиз.

Фараз қилайлик, компания 2 йил олдин 8 минг долл. га сотиб олган ва 5 йилга ишлатилиши ҳисобга олинган ўз ускунасини алмаштиришнинг мақсадга мувофиқпигини кўриб чиқмоқчи. Шунга кўра, бирмунча тежамли янги ускунани 13,2 минг долл. га сотиб олиш ва ундан 6 йил фойдаланиш мумкин бўлсин. Бироқ компания 3 йилдан сўнг ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни давом эттириш истагида эмас. Шу боисдан компания 3 йилдан сўнг бу янги ускунани тахминан 5 минг долл. га сотиб юборишни назарда тутмоқда. Бундан ташқари, янги ускунани жорий этиш ушбу ишлаб чиқаришда жами жорий харажатларнинг йилига 4 минг долл. га қисқаришига олиб келади. Янги ускунадан фойдаланиш ҳолатида эскисини 2 минг долл. га сотиб юбориш мумкин. Бунда фойда солиғи ўртача 30% ни ва компания капитали баҳоси 8% ни ташкил этади.

Ушбу масалани ҳал этиш учун ускунани алмаштириш операцияси билан боғлиқ бўлган пул оқимини тузиш ва NPV ни ҳисоблаб чиқариш лозим. Лойиҳани қабул қилиш ҳолатида компания биринчи йилнинг бошланишига 13,2 минг долл. ҳажмида инвестиция
сарфлаб (маблағлар чиқими), ускунани сотиб олиши ва эскисини 2 минг долл га сотиши (пул тушуми) керак. Албатта, ускунани сотишдан олинган тушум солиққа тортилади, шу сабабли биринчи йил бошига соф пул оқими: NPV = -11800 долларни (— 13200 + 2000 — 2000 х 30%) ташкил этади.

Ускунанинг алмаштирилиши ҳисобига келгуси уч йил давомида жорий харажатларнинг камайишидан пул маблағлари чиқимининг қисқариши эвазига қўшимча даромаднинг ҳосил бўлиши кузатилади. Ушбу омилнинг солиқ ҳисоблангандан кейинги миқдорий таъсири йилига 2800 долл. ни (4000 - 4000 х 30%) ташкил этади. Уч йилдан сўнг эса компания 5 минг долл.га ускунани сотишдан олган даромадига солиқ ҳисоблангандан кейин 3500 долл. (70% х 5000) фойда олади.

Лойиҳа бўйича NPV ушбу пул оқимлари асосида қуйидаги қийматни ташкил этади.

$$NPV = \frac{2800}{(1+0.08)^1} + \frac{2800}{(1+0.08)^2} + \frac{2800+3500}{(1+0.08)^3} - 11800 = 12221.92$$

-11800=421.92 долл.

NPV > 0 бўлиши ускуналарни алмаштиришнинг мақсадга мувофиқ эканлигини билдиради.

Инвестицияларнинг қопланиш муддати жиҳатидан таҳлили инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг юқори савиясини таъминлашга имкон беради. Шунингдек турли хусусиятларга эга бўлган инвестиция лойиҳалари ичидан энг фойдали ва самаралисини аниқлаш масаласи тўғри ҳал қилинишини таъминлайди.

«Рақобатбардош инвестиция лойиҳалари таҳлили» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Муқобил инвестиция лойиҳалари
- Рақобатлашувчи инвестициялар
- Рақобат курашининг вужудга келиш сабаблари
- Муқобил вариантлари
- Муқобил лойиҳалар зиддияти
- Муқобил вариантлар самарадорлиги
- Соф жорий қиймат тушуми
- Қопланиш даври
- Лойиҳанинг ҳаётийлик даври
- Инвестиция сиёсати
- Ўзаро зиддиятли лойиҳаларни молиялаштириш
- Эквивалент аннуитет

16-МАВЗУ. ЛОЙИҲАЛАРНИ ТЕХНИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАРКИБИ

Режа:

1.Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари
2. Лойиҳаларни техник таҳлил таркиби
3.Лойиҳа компонентлари таҳлили

16.1. Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг вазифалари ва таркиби

Лойиҳанинг маркетинг нуқтаи назардан ижобий хулосаси олингач, унинг техник таҳлили амалга оширилади. Техник таҳлилда лойиҳа технологиясини ишлаб чиқарувчилардан шу лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган тижорат таклифи олинади. Тижорат таклифи лойиҳа технологиясининг ҳар бир машина ва асбоб-ускунаси, уларнинг баҳоси, техник спецфикацияси, техник-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Лойиҳани амалга оширишда энг самарали бўлган технология танланади. Агар лойиҳа чет эл валютаси ҳисобига технология билан таъминланадиган бўлса, унда халқаро кўламда шу технологияни ишлаб чиқарувчилар ўртасида танлов эълон қилинади. Мутахассислар тилида бундай танлов тендер деб аталади.

Инвестиция лойиҳаларини техник таҳлил қилишнинг вазифаси лойиҳа мақсади нуқтаи назаридан энг қулай бўлган технологиялар, лойиҳадан манфаат кўриши мумкин бўлган аҳоли контингенти, маҳаллий шароитлар, капитал, хом ашё ва ишчи кучидан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг баҳоси, бозор ҳажми, шунингдек, лойиҳани режалаштириш ҳамда амалга оширишнинг мавжуд ва потенциал имкониятларини аниқлаш ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳалари устида ишлаш жараёнида техник таҳлил биринчи навбатда ўтказилади.

Техник таҳлилга қуйидагиларни кўриб чиқиш ва белгилаш киради:

1)Техник ва технологик жиҳатдан муқобил вариантлар.

2)Лойиҳани жойлаштириш ўрни бўйича муқобил вариантлар.

3)Лойиҳа ҳажми.

4)Лойиҳани амалга ошириш муддатлари.

5)Хом ашё, ишчи кучи ва бошқа ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг етарлилиги.

6)Лойиҳа маҳсулоти учун бозор сиғими (ҳажми).

7)Кўзда тутилмаган омилларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳа харажатлари.

16.2. Лойиҳаларни техник таҳлил таркиби

Турли лойиҳаларда учрайдиган техник муаммолар ўзига хос бўлади. Аммо айрим муаммолар (барча лойиҳаларга бўлмасада) кўпчилик лойиҳаларга хос ва уларни идентификация қилиш мумкин. Бу муаммолар қуйидаги категорияларга бўлинадилар: мулк шакли; лойиҳа кўлами; амалга ошириш муддатлари ҳамда технологияларни танлаш ва тўплаш.

Лойиҳанинг техник режаси, эксплуатацияси ва менежменти лойиҳани ким амалга оширишига боғлиқ. Қайси лойиҳаларни давлат сектори, қайсисини эса хусусий сектор амалга ошириши кераклилигини аниқлаш ҳозирда анча муаммо. Чунки хусусий инвесторлар инфратузилмалар ва коммунал хизмат сингари анъанавий давлат секторларига ҳам кириб боришаяпти. Лойиҳа қайси соҳага (тармоққа) тегишли эканлиги ҳам мулк шаклини танлашда муҳим роль ўйнайди. Мулк шакли масаласи шу билан бирга лойиҳанинг қандай техник режаси танланишини белгилаб беради.

Масалан, бир ҳудудни электр энергияси билан таъминлаш лойиҳаси давлат секторида бажарилиши танланса, у ҳолда йирикроқ электростанция қурилиши танланади. Хусусий секторда эса бир неча кичик, ўзаро рақобат қилувчи электростанциялар қурилиши танланиши мумкин. Йирик электростанция қуриш қарори бундай инвестицияларда таваккалчилик даражаси юқори бўлгани учун хусусий инвесторлар иштирокини инкор этади. Шу сабабли хусусий инвесторларни лойиҳа устида ишлашга жалб қилиш қарори қандай технологиялар танланишини белгилаб беради ҳамда технологияларни олдиндан танлаш лойиҳа давлат секторидагина бажарилиши мумкин, деган хулосага олиб келиши мумкин.

Лойиҳа кўлами ва масштаби деярли ҳар доим лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида аниқланадиган ўзгарувчан миқдорлар бўлиб келган. Қишлоқ хўжалиги ёки саноат ишлаб чиқариш лойиҳалари

кўлами лойиҳа маҳсулотига бўлган талабга кўра белгиланади. Бошқа ҳолларда лойиҳа кўлами, аввало, уни амалга оширувчи муассасаларнинг ёки ишлаб, чиқарувчиларнинг имкониятларига боғлиқ. Айрим лойиҳалар кўлами фойдаланиш мўлжалланаётган ҳудудий ва табиий ресурсларнинг чекланганлиги билан белгиланади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам режалаштирувчи идораларнинг мавжуд шароитни ҳисобга олмасдан катта кўламларни афзал кўришларини чеклаш керак. Тажрибадан ўтган технологик ечимлар йўқ бўлса, босқичма-босқич ёпдашувни танлашга мажбур бўлинади. Бундай ёндашув тадқиқотлар ва адаптация ишларидан бошланади. Шундан сўнг лойиҳанинг тажриба варианти яратилади ва у тўпланган тажриба билан тўлдира борилиб, тўлиқ лойиҳага келтирилади. Молиявий жиҳатлар, масалан, лойиҳа амалга оширилгандан сўнг уни эксплуатация қилишга харажатлар қилиш зарурати ҳам лойиҳа кўламини белгилаши мумкин.

Лойиҳа кўлами масаласига таҳлилий ёндашиш ҳам мумкин. Оддий қилиб айтганда лойиҳа учун соф келтирилган қиймат (СКҚ) максимал бўлишини таъминлайдиган кўлам оптимал бўлади. Бундай таҳлил ўтказилиши учун лойиҳа бир нечта алоҳида компонентларга бўлиб ташланади, сўнгра бу компонентлар (ўз харажатлари ва даромадлари билан бирга) технологик жиҳатдан энг кичик бўлган базис лойиҳага бирлаштирилади. Бундан кейин базис лойиҳа ҳамда компонентларнинг ҳар бир комбинацияси учун СКҚ ҳисобланади. Охирги қўшилган компонент учун даромаднинг чекланган ички ставкаси дисконт ставкасига тенг бўлмагунга қадар лойиҳанинг изланаётган кўлами катгалаштириб борилаверади. Айни шу лаҳзада СКҚ бутун лойиҳа учун мусбат бўлади ва максимал даражага етади. Лойиҳа бундан кейин ҳам кенгайтирилганда қўшилган компонентлар учун даромаднинг чекланган ички ставкаси дисконт ставкасидан паст, СКҚ эса манфий бўлади.

Иқтисодиётни кайта қуриш шароитида кўламга нисбатан бундай ёндашув йирик корхона таркибида алоҳида бўлинмаларни ажратиш қанчалик мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун қўлланилиши мумкин. Кўпгина ривожлантириш лойиҳалари турли секторларга ёки фаолият турларига тегишли компонентлардан ташкил топади. Масалан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаси суғориш тизими ва дренажлар, қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган турли ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш, қишлоқ йўллари ва ижтимоий инфратузилманинг клублар, сув

таъминоти тизими, мактаб ва тиббиёт муассасалари каби элементларини ўз ичига олиши мумкин.

16.3. Лойиҳа компонентлари таҳлили

Шу туфайли лойиҳанинг турли элементлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. Мактаблар, клублар ва тиббиёт муассасалари бир вазиятда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан чамбарчас боғланган бўлса, бошқа вазиятда ҳеч қандай алоқага эга бўлмаслиги мумкин. Агар лойиҳа компонентлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлса, у ҳолда иқтисодий таҳлилда даромадлар ва харажатларни компонентлар бўйича тақсимлаш ҳеч қандай мазмунга эга бўлмайди. Шу туфайли турли компонентлар бўйича даромад ставкасини аниқлаш керак эмас. Бундай ҳолда дастлаб бутун лойиҳа учун СКҚ ва даромаднинг ички ставкасини аниқлаш, сўнгра лойиҳанинг бир ёки бир неча компонентини ўзгартириб, айтилган кўрсаткичларни ошириш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш керак.

Агар лойиҳанинг алоҳида компонентлари бир-бири билан деярли боғланмаган бўлса, улар алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниши керак.

Лойиҳа алоҳида компонентларининг иқтисодий таҳлили.

Лойиҳанинг турли компонентлари ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган, бир-бирини тўлдирадиган ёки мустақил компонентлар бўлиши мумкин.

Агар лойиҳа компонентларини биргаликда амалга оширишдан олинадиган манфаат уларнинг ҳар бири алоҳида амалга оширилганда олинадиган манфаатлар йиғиидисидан кам бўлса, бундай компонентлар ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган компонентлар ҳисобланади.

Агар лойиҳанинг алоҳида компонентларидан манфаат кўрилса, улар ўзаро бир-бирини тўлдирувчи компонентлар дейилади. Агар бутун лойиҳадан кўрилган манфаат алоҳида компонентлардан кўрилган манфаатлар йиғиндисига тенг бўлса, бу компонентлар мустақил компонентлар дейилади.

Лойиҳаларнинг компонентлари бўйича турланиши

Лойиҳа компонентлари	Харажаталрга кўра мустақил	Харажатларга кўра бир-бирини тўлдирувчи	Харажатларга кўра бир-бирининг ўрнини босувчи
Даромадларга кўра мустақил	Умумий СКҚ мустақил СКҚлар йиғиндисига тенг	Умумий СКҚ мустақил СКҚлар йиғиндисидан катта	Умумий СКҚ мус-тақил СКҚлар йиғиндисидан кичик
Даромадларга кўра бир-бирини тўлдирувчи	Умумий СКҚ мустақил СКҚлар йиғиндисидан катта	Умумий СКҚ алоҳида СКҚлар йиғиндисидан катта	Аниқланмаган натижа. Бирма-бир солиштириб кў-риш талаб этилади
Даромадларга кўра бир-бирининг ўрнини босувчи	Умумий СКҚ алоҳида СКҚлар йиғиндисидан кичик	Аниқланмаган натижа. Бирма-бир солиштириб кў-риш талаб этилади	Умумий СКҚ алоҳида СКҚлар йиғиндисидан кичик

Лойиҳа компонентлари, шунингдек, харажатларга кўра ҳам ўзаро бир-бирининг ўрнини босадиган, ўрнини тўлдирадиган ва мустақил компонентлар бўлиши мумкин. Бир-бирининг ўрнини босувчи компонентлар учун умумий харажатлар уларни алоҳида-алоҳида амалга ошириш харажатлари йиғиндисидан катта бўлади. Бир-бирини тўлдирувчи компонентлар учун эса умумий харажатлар уларни алоҳида-алоҳида амалга ошириш харажатлари йиғиндисидан кичик бўлади. Мустақил компонентлар учун харажатлар миқдори бошқа компонентлар бор-йўқлигига боғлиқ бўлмайди. Кўпгана кўп мақсадли лойиҳалар харажатларга кўра, бир-бирини тўлдирувчи, даромадларга кўра эса, бир-бирининг ўрнини босувчи ҳисобланади. Масалан, суғориш ва гидроэлектростанция *учун* умумий тўғон қуриш алоҳида-алоҳида тўғон қуришга нисбатан кам харажат талаб этади. Лекин электр энергияси олиш учун қишда оқизилган сув суғориш учун фойдасиз бўлса, ёзда суғориш учун электр энергияси олиш эҳтиёжларидан кўпроқ сув оқизилади. Сув оқизиш миқдори ГЭС талаблари *учун* ҳам, қишлоқ хўжалиги талаби учун ҳам зарур бўлган оптимал миқдордан кўп бўлади. Оқибатда алоҳида лойиҳадагига

нисбатан калфоқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳамда электр энергияси ишлаб чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолатда иқтисодий таҳлил чоғида «лойиҳасиз» вазият сифатида тегишли иншоотларни алоҳида қуриш варианти кўриб чиқилиши керак.

Алоҳида лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш асоси сифатида қўлланилиши лойиҳанинг алоҳида компонентларнинг турли комбинациялари учун қуйидаги натижаларга олиб келади.

«Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари ва таркиби» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Техник таҳлил
- Самарали технологияни танлаш
- Лойиҳаларнинг муқобил вариантлари
- Техник муаммолар
- Лойиҳа кўлами
- Лойиҳа компонентлари

17-МАВЗУ. ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ

Режа:

1.Лойиҳаларни жойлаштириш таҳлили
2. Лойиҳалардаги харажатлар таҳлили
3.Лойиҳани амалга ошириш таҳлили

17.1. Лойиҳаларни жойлаштириш таҳлили

Лойиҳанинг жойлашиш ўрнини белгиловчи омиллар турли-туман бўлиб, бу омилларни ҳам таҳлил қилиш мумкин. Лойиҳа учун СКҚни максималлаштирадиган жой энг яхши ҳисобланади. Кўп ҳолларда жойлашиш ўрнини танлаш ҳам лойиҳа кўламини белгилашдаги каби бир қатор жиҳатларни ҳисобга олишни талаб этади. Масалан, саноат корхонаси хом ашё базаси яқинига ёки бошланғич энергия манбаи яқинига ёхуд маҳсулот бозори ёнига ё бўлмаса тегишли инфратузилмага яқин жойда қурилиши мумкин. Ҳар бир вариант ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Максимал СКҚни таъминлайдиган жойлашиш ўрни танланиши учун бу афзалликлар ва камчиликлар баҳоланиши ҳамда таққосланиши мумкин.

Лойиҳага капитал қўйилмалар муддатлари масаласи ҳам лойиҳани тайёрлаш босқичида алоҳида кўриб чиқилиши лозим. Капитал қўйилмалар муддатлари билан боғлиқ муаммоларнинг аҳамияти лойиҳа кўлами, жойлашиш ўрни билан боғлиқ муаммоларга нисбатан кам бўлиб кўриниши мумкин. Лойиҳалар баъзида инвестициялаш муддатларининг мақбул (оптимал) эканлиги тўлиқ асосланмасдан қабул қилинади. Лойиҳа иқтисодий ва молиявий жиҳатдан самарали бўлишини таъминлаш учун, унинг маҳсулотига бўлган талаб, технологиялар ҳолати, қўшимча капитал киритиш имкониятлари етарлича ривожланмаганлиги туфайли вақтидан эрта бўлиши мумкин.

Бошқа томондан лойиҳанинг иқтисодиётга ҳиссаси ва ундан келган манфаат анча юқори бўлиши, муддатидан кечикиши ҳам мумкин. Эксплуатациянинг биринчи йилидаги даромад даражаси, лойиҳанинг алоҳида компонентларидан олинадиган чекланган даромад сингари, лойиҳаларни амалга оширишнинг мақбул муддатларини баҳолаш мезони ҳисобланади. Агар шу йилги даромад ставкаси дисконт ставкасидан паст бўлса, у ҳолда лойиҳа муддатини кечиктириш соф келтирилган қийматнинг (СКҚ) кўпайишига олиб

келади. Оптимал (максимал СКҚни таъминловчи) муддатда эксплуатациянинг биринчи йили учун даромад ставкаси дисконт ставкасига тенг бўлади.

Эксплуатациянинг биринчи йилида олинган даромад мезони Эксплуатациянинг биринчи йилида олинган даромад мезони биринчи йилда олинган манфаат етарли даромадлилик даражасини таъминлай олиш-олмаслигини аниқлаш орқали лойиҳа муддатлари тўғри танланганлигини текшириш имконини беради. Бунда эксплуатациянинг биринчи йилида олинган соф даромад лойиҳага қилинган (қурилиш даврида йўқотилган % даромадини қўшган ҳолда) капитал харажатлар билан солиштирилади.

Агар даромадларнинг харажатларга нисбати капитал қўйилмаларнинг муқобил қийматидан юқори бўлса, лойиҳа муддатидан кечиккан ҳисобланади. Бу мезонни қўллаш СКҚни максималлаштириш лойиҳа режаси билан таъминланганлигини аниқлаш учун кенг кўламли текширув бошлашда биринчи қадам ҳисобланади. Соф даромад (манфаат) биринчи бор капитал қўйилмалар рентабеллилиги таъминланган йил СКҚ кўрсатиш биринчи бор мусбат бўлган йилга мос келади.

17.2. Лойиҳалардаги харажатлар таҳлили

Харажатларга ва лойиҳани амалга ошириш графигига реал баҳо бериш учун муҳандислик ва лойиҳа-конструкторлик ишланмаларининг аниқ бўлиши талаб этилади. Нотўғри берилган баҳо иқтисодий ва молиявий таҳлилда ҳам нотўғри ечимларга олиб келиши мумкин.

Харажатлар сметаси лойиҳа *тури* ва мавжуд услубларнинг имкониятидан келиб чиқиб мумкин қадар максимал аниқликда баҳоланган бўлиши керак. Шунингдек, бундай смета лойиҳани молиялаштириш бошланишидан анча олдин тайёр бўлиши керак. Лойиҳа турларига қараб муҳандислик ва лойиҳа-конструкторлик ишлари ҳажми турлича бўлади, масалан, текис жойда йўл қуриш лойиҳаси ҳамда тоғли жойда йўл қуриш лойиҳасида. Агар лойиҳада стандарт ускуналарни бир неча бор харид қилиш ёки анъанавий ишларни бажариш кўзда тутилган бўлса, муҳандислик ва лойиҳа-конструкторлик ишларига кетадиган харажатлар минимал бўлади.

Лойиҳанинг ҳар бир компоненти учун алоҳида харажатлар сметаси тузилади. Ускуналар сотиб олиш харажатлари сметаси ускуналар тури, сони ва ҳар бирининг баҳосидан келиб чиқиб тузилади. Мамлакатда бажарилган ўхшаш лойиҳалар тажрибаси

ускуналар баҳосини аниқлашда мўлжал ҳисобланади. Агар бу тўғрида ахборот етарли бўлмаса (ёки ўхшаш лойиҳалар яқин вақт ичида амалга оширилмаган бўлса), харажатлар сметасини тузишда ихтисослашган фирмалар, шахслар ёки пудратчилар хизматидан фойдаланилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳалар учун харажатлар сметалари ҳам миллий, ҳам хорижий валютада тузилади. Қурилиш даврида ҳисобланган фоизлар ва қўшимча айланма капиталга эҳтиёж ҳам харажатлар сметасида ҳисобга олиниши керак. Харажатлар сметаси молиявий (иқтисодий эмас) кўринишида пул харажатларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Маҳаллий солиқлар ва импортга бож тўловлари сметага киритилиши, лекин алоҳида кўрсатилиши лозим. Чунки булар лойиҳани амалга оширувчи фирма харажатларига кирсада, мамлакат харажатларига кирмайди ва иқтисодий таҳлилдан чиқариб ташланади.

Харажатлар смегаси, одатда, икки қисмдан ташкил топади:

1.Асосий смета.

2.Кўзда тутилмаган харажатлар қўшимча сметаси.

Асосий смета дастлаб лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини асослаш учун тузилади ва тузатиб борилади. У тузилиш пайтида лойиҳанинг энг аниқ қийматини акс эттиради. Лекин у асосий смета тузилгандан лойиҳа тугаллангунга кадар *рўй* берадиган миқдор ва баҳо ўзгаришларини, масалан, етказиб бериш, қурилиш ишларини тугаллаш муддатларидаги ўзгаришларни ҳисобга олмайди. Бу ўзгаришлар кўзда тутилмаган харажатлар қўшимча сметасида ҳисобга олинади. Ҳар икки сметани ўз ичига олган харажатларнинг тўлиқ сметаси лойиҳанинг якуний қийматини энг аниқ баҳолайди. Қўшимча смета лойиҳа характерига боғлиқ ва лойиҳанинг ҳар бир асосий компоненти учун алоҳида тузилади.

Физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгариши. Сотиб олинадиган ускуналар сони ва турида, бажариладиган ишлар ҳажми ёки лойиҳани амалга ошириш усулларида бўладиган ўзгаришлар туфайли лойиҳа харажатларининг ўзгариши физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгариши заҳирасида акс этади. Бундай ўзгаришлар миқдори ва характерини доим ҳам олдиндан кўриб бўлмайди. Табиий ҳодисалар, сел, бўрон, қурғоқчилик, ер қимирлашлари кўзда тутилмаган шундай ҳодисаларга мисол бўла олади ва уларда ҳеч қайси лойиҳа тўлиқ химояланмаган.

Бу ўзгаришларни акс эттирувчи заҳиралар турли лойиҳаларда турлича бўлади (масалан, фуқаро - муҳандислик иншоотлари учун материал ва хом ашё етказиб бериш ҳолларига нисбатан юқорироқ).

Кўзда тутилмаган бундай харажатлар заҳираларининг Жаҳон банки томонидан қабул қилинган даражалари қуйидагича:

•лойиҳаларда доимий фойдаланиладиган ускуна турлари учун ёки асфальт ётқизиш каби енгил аниқланмайдиган иш турлари учун 5%;

•такрорланиб турувчи ва олдиндан кўрса бўладиган ноаниқлик омилларига эга бўлган умумий фуқаро қурилиши учун 10%, масалан, бинолар, электр узатиш линиялари, трубопроводлар, текис ерда йўл ётқизиш ишлари учун;

•қайта ишлаш корхоналари, ноқулай бино ва муҳандислик иншоотлари, кичик суғориш ва дренаж ҳамда туғонлар қурилиши учун 15%.

Агар физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгариши заҳиралари суммаси 15-20% дан ошиб кетса, лойиҳа режасини такомиллаштириш ҳамда (лойиҳа бўйича шартномалар тузилгунга қадар) ноаниқликларни камайтириш учун вазиятни жойнинг ўзида қўшимча ўрганиш зарур.

Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари. Баҳонинг кўзда тутилмаган ўзгариши билан боғлиқ тузатишлар асосий смета тузилганидан сўнг лойиҳанинг алоҳида компонентлари учун баҳолар ўзгариши туфайли лойиҳа қийматининг мумкин бўлган ўзгаришини акс эттиради. Бундай кўзда тутилмаган харажатлар валюта курси ўзгаришини ҳисобга олиш учун миллий ва хорижий валюталарда алоҳида-алоҳида ҳисобланади. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари лойиҳанинг молиялаштиришга бўлган эҳтиёжини таҳлил этишда фойдаланилсада, лойиҳа мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун ўтказиладиган иқтисодий ва молиявий таҳлилда қўлланилмайди, чунки бундай таҳлиллар барқарор баҳоларга асосланади. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришларининг вазиятга мос келувчи даражасини аниқлаш учун икки омилни кўриб чиқиш зарур:

1. Лойиҳани амалга ошириш муддатларида мамлакат ичида ва жаҳонда кутилаётган инфляция даражалари.

2. Умумий инфляция тенденцияларидан алоҳида турдаги ишлар ва хизматларга бўлган ички ва ташқи баҳолар фарқининг кутилаётган даражаси (масалан, йирик лойиҳанинг маҳаллий ресурслар баҳосига потенциал таъсири туфайли маҳаллий қурилиш саноатида талаб ва таклиф нисбатининг ўзгариши оқибатида.

Агар лойиҳа бўйича тузилган шартномаларда бажарилган ишлар ёки ускуналар баҳосини индексация қилишнинг маълум усуллари келишиб олинган бўлса, бундай ҳолат заҳира миқдорини аниқлашда ҳисобга олиниши керак. Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари заҳираси

ҳар бир йил учун ҳисобланиб, лойиҳани амал қилиш муддати бўйича қўшиб чиқилади.

17.3. Лойиҳани амалга ошириш таҳлили

Лойиҳанинг техник жиҳатларини ишлаб чиқиш ҳеч бўлмаганда лойиҳани амалга оширишнинг ким, нимани ва қачон бажарилиши кўрсатиб ўтилган дастлабки режасини тузишни ўз ичига олиши керак. Бундай фаолият баъзида тармоқли таҳлил ёки критик йўл услубида таҳлил деб юритилади. Охирги атама дастурларни баҳолаш ва изоҳлаш услуби каби мураккаб тизимларни ўз ичига олади. Бу тизимлар бир тадбир бошланишидан олдин тугалланиши керак бўлган ёки белгиланган муддатда тугалланмай қолиши бутун лойиҳа бўйича ишларнинг кечикишига олиб келиши мумкин бўлган тадбирларни аниқлашга мўлжалланган. Бу тизимлар йирик фуқаро иншоотларини ўз ичига олган лойиҳаларни режалаштиришнинг самарали воситаси бўлсада, бошқа лойиҳалар учун тадбирлар кетма-кетлигини белгиловчи ва изоҳлар билан тўлдирилган оддий календарь режалари ҳам етарли ҳисобланади. Ҳар иккала ҳолда ҳам ўз вақтида бажарилиши лойиҳани амалга оширишга таъсир кўрсатувчи тадбирларни аниқлаш ва уларни тугаллашга етарли вақтни таъминлаши керак. Бу тадбирларни етарли даражада режалаштирмаслик оқибатида лойиҳани режалаштириш муддатлари чўзилиб кетиши мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар графиги реал, яъни ташкилот ва шахсларнинг имкониятлари даражасига асосланган бўлиши шарт. Ҳаддан ортиқ оптимистик графиклардан фойдаланиш салбий натижаларга, оператив режалаштиришнинг издан чиқиши, ишлар режадан орқада қолганда турли ташкилотлар ўртасида келишмовчиликларга олиб келади. Бундан ташқари ишлар графиги нореал тузилганда иқтисодий ва молиявий таҳлилда нотўғри хулосаларга келишга сабаб бўлади.

«Лойиҳаларни жойлаштириш ва амалга ошириш» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Лойиҳаларни жойлаштириш
- Даромад мезони
- Ҳаражатлар сметаси
- Жахон банки томонидан қабул қилинган қўшимча ҳаражат меъёрлари
- Кўзда тутилмаган баҳо ўзгаришлари
- Лойиҳани амалга ошириш ишлар графиги

18-МАВЗУ. ЛОЙИҲАЛАРНИ ЭКОЛОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ, МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Экологик таҳлилнинг моҳияти
2. Экологик таҳлилнинг вазифаси
3. Экология бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш

18.1. Экологик таҳлилнинг моҳияти

Ҳозирги давр фан-техника тараққиётининг жадаллиги ва инсоннинг табиатга таъсири кучайганлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда микро ва макро кўламда тузилаётган лойиҳалардан ҳар бирининг экологик мувозанатга таъсири мустақил экологик экспертлар томонидан баҳоланиши шарт. Агар тижорат лойиҳалари экологик мувозанатга салбий таъсир этса, бундай лойиҳалар молиялаштирилмайди. Шу билан бирга давлат томонидан экологияни яхшилашга қаратилган нотижорат лойиҳалари ишлаб чиқилади. Бундай лойиҳаларнинг асосий мақсади фойда олиш эмас, балки экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Халқаро нодавлат ташкилотлари, мисол учун, ЭКОСАН каби ташкилотлар маълум грант лойиҳаларини амалга оширади. Умуман олганда, экологик лойиҳалар грантлар, давлат бюджети ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Инвестиция лойиҳалар ҳам экологик таҳлилдан ўтказилиши талаб этилади. Агар лойиҳада экологик вазиятга (сувга, ҳавога, ўсимлик дунёсига ва бошқаларга) таъсир этувчи цех ёки асбоб-ускуналар бўлса, уларнинг экологияга таъсирини йўқотиш учун қўшимча лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилади. Масалан, оддий транспорт воситаларини кўпайтириш янги трассалар қуришни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида ландшафтнинг ўзгариши, аҳоли оқимининг ошишига олиб келади. Айрим ҳолларда шу жойнинг анъаналарига салбий таъсир кўрсатади.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши атроф-муҳит ҳавоси зарарли чиқиндилар билан ифлосланишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда бу салбий натижаларни самара натижалари билан таққослаш ва бу нисбатни чуқур таҳлил қилиш зарур.

2. Экологик таҳлилнинг вазифаси

Экологик таҳлилнинг асосий вазифаси лойиҳа натижасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал зарарни олдиндан белгилаш ва унинг таъсирини юмшатиш ёки батамом тугатиш йўлларини топишдир. Бу жараён лойиҳада кўзда тутилган натижаларга салбий таъсир кўрсатиши керак эмас. Ташқи муҳит «табиий капитал бўлиб», у иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради. Нотўғри режалаштирилган лойиҳалар эса унинг бузилишига, миллий капиталнинг емирилишига олиб келиши мумкин.

Экологик бошқаришнинг вазифаси аҳолининг табиий таъсирларга бўлган талаби билан атроф-муҳитнинг шу талабни қондира олиш имкониятлари орасидаги мувозанатни (балансни) топишдан иборат. Лойиҳаларни амалга ошириш «экологик сиғим» потенциалини камайтириши керак эмас. Лойиҳаларни амалга оширишдан олдин уларнинг атроф-муҳитга муҳим таъсирларини белгилаш, лойиҳалар таъсири асосида муҳит бузилиб кетгандан кейин уни ўз ҳолига келтиришдан афзалроқдир.

Шунинг учун ҳар қандай лойиҳанинг экосистемага келтирадиган салбий оқибатларини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Агар лойиҳа экосистемага меъёрдан юқори салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, уни янгидан кўриб чиқиш, шундан кейин ҳам вазият ўзгармаса, ундан воз кечиш зарур. Экосистема битта давлат ҳудудидаги муаммо эмас, балки унинг ўзгариши бутун ер шарига таъсир кўрсатади (масалан, Орол муаммоси). Шунинг учун экосистемани таҳлил қилинганда бир мамлакат манфаатларидангина келиб чиқиш керак эмас.

3. Экология бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларини кўзлаш лойиҳа- смета харажатларида ўз аксини топади. Иқтисодий ривожланиш муаммоларини инсонлар томонидан илмий ўрганиш кучайиши билан, лойиҳаларнинг экосистемага таъсирини жуда бўлмаганда минимал хавфсизлик меъёри даражасига тушириш имкони пайдо бўлади. Бу меъёрларга инсон саломатлигига бўлган хавф даражаси, атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқариш меъёрлари ва бошқалар мисол бўлади. Лойихалар экосистемани

муҳофаза қилиш бўйича чет эл мамлакатлари билан тузилган шартномалар бузилишига олиб келиши керак эмас.

Айрим ҳолларда лойиҳа таъсирида экологик ҳолат салбий томонга қараб ўзгариши ва бунга рухсат берилиши ҳам мумкин. Масалан, аҳоли жойлашган жой яқинига темир йўл қуриш лойиҳалаштирилса ва бу лойиҳа амалга ошса, шовқин кўпаяди ҳамда бу аҳоли яшаш тарзига салбий таъсир этиши мумкин. Лойиҳада бу салбий таъсирни бартараф қилиш йўллари бўлиши керак. Бунинг учун аҳолини бошқа жойга кўчириш (бу эса жуда қийин, чунки одамлар ўзлари ўрганиб қолган жойлардан, яхшироқ шароит яратиб берилишига қарамасдан, кўчишга розилик бермасликлари мумкин) ёки шовқинни камайтирадиган, яхшиси, умуман йўқотадиган мосламаларни уйларга ўрнатиш керак. Бу, албатта, қўшимча харажатларга олиб келади. Ундан ташқари айрим вақтларда аҳолини компенсация бериш йўли билан ҳам рози қилиш мумкин. Масалан, электростанция қуриш лойиҳаси амалга ошса, компания эгалари атрофда яшовчи аҳолига электроэнергияни текинга беришни ўз бўйнига олади.

Айрим ҳолларда лойиҳаларни амалга оширишда вужудга келтириладиган экологик хавфни бартараф қилиш жуда осон, айрим ҳолларда эса жуда мураккаб кечади. 1970 йилдан бошлаб, Жаҳон банки ҳамма инвестиция лойиҳаларининг экосистемага салбий таъсирини таҳлил қила бошлади. 1971-1980 йиллар ичида 1342 лойиҳани таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, улардан 845 таси ёки 63%и экологик жиҳатдан бехатар лойиҳалар, 365 таси ёки 27%и экологик муаммоларни енгил ҳал қилса бўладиган лойиҳалар экан. 22 лойиҳа бўйича лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш тавсия этилди ва 110 та лойиҳа экосистемага жуда катта салбий таъсир кўрсатади, деган хулоса берилди. Бу лойиҳалар бўйича махсус маслаҳатчиларнинг маслаҳати зарур. Экологик таъсирни бартараф қилиш муаммоси инвестиция олди босқичида ҳал қилиниши керак, шунда бу жараёнга қилинадиган харажатлар энг кам миқдорда бўлади. Умуман, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш харажатларида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш харажатлари тахминан 5% ини ташкил этади. Жаҳон банкининг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўлими лойиҳаларнинг турли категориялари учун махсус қўлланма яратган бўлиб, у лойиҳа таҳлили билан шуғулланадиган мутахассислар учун тавсия этилади. Тажрибада энг кўп содир бўладиган ва атроф-муҳит учун катта зиён етказадиган омиллар

ҳавонинг бузилиши, сувга зарарли моддаларнинг оқизилиши ва бошқалар ҳисобланади. Умуман, экосистемага лойиҳаларнинг таъсири ҳар хил бўлади. Уларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

Экосистемага таъсирга кўра лойиҳаларнинг турланиши

<table>
<tr><td>Атроф-муҳитга таъсир тўлиқ таҳлил қилиниши зарур бўлган лойиҳалар</td><td>Атроф-муҳитга таъсирини қисман баҳолаш зарур бўлган лойиҳалар</td><td>Атроф-муҳитга таъсири баҳоланиши шарт бўлмаган лойиҳалар</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Платиналар, сув ҳавзалари, ўрмон билан боғлиқ лойиҳалар, катта саноат қурилиши, ирригация, зах кетказиш ишлари, сув тошқинига қарши тадбирлар, ерларни тозалаш, минералларни қазиб олиш, портлар қуриш, ер милиорацияси, аҳолини бошқа жойга кўчириш, дарё ҳавзасини ўзгартириш, иссиқлик ва ГЭСлар ва улардан фойдаланиш, химикатлардан фойдаланиш, зарарли чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳалари</td><td rowspan="2">АСМ тармоқларини, кичик корхоналарни, электроэнергияни узатиш тизимлари, кичик ирригация объектлари, қайтадан вужудга келадиган энергиядан фойдаланиш қурилмалари, қишлоқ хўжалигини электрлаштириш, туризм, қишлоқ аҳолисини сув билан таъминлаш, дарё оқимини тартибга соли шва ҳоказо лойиҳалар</td><td>Аҳоли ресурслари лойиҳалари. Техник ёрдам лойиҳалари</td></tr>
</table>

«Лойиҳаларни экологик таҳлил қилишнинг аҳамияти, моҳияти ва вазифалари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Экологик таҳлил
- Экосан ташкилоти
- Экологик бошқариш
- Экология бўйича лойиҳа смета ҳужжатлари
- Экологик хавф

19-МАВЗУ. ЛОЙИҲАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ, МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Режа:

1. Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари
2. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари
3. Лойиҳа ва маҳаллий маданият талаблари

1. Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари

Ҳар қандай лойиҳа самарали амалга оширилиши учун ижтимоий таҳлилнинг аҳамияти катта. Лойиҳанинг таклиф этилаётган у ёки бу варианти аҳолининг мақсадли гуруҳи манфаати талабларига жавоб бериши ёки бермаслигини аниқлаш ижтимоий таҳлилнинг вазифаси ҳисобланади. Ижтимоий таҳлил лойиҳа ва у йўналтирилган ижтимоий гуруҳнинг ўзаро мувофиқ келишини яхшилаш бўйича тадбирларни таклиф этади. Шунингдек, ижтимоий таҳлил аҳоли томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳамда жамоатчилик фикри ва қарашларидаги ўзгаришларни рағбатлантириш йўли билан лойиҳа мақсадларига эришишни таъминлайдиган лойиҳа стратегиясини белгилайди.

Ижтимоий таҳлил қилинмаган лойиҳа мазмунига уни ишлаб чиқарувчиларнинг маданий қарашлари лойиҳа мўлжалланган кишиларнинг маданий қарашларига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатади. Ижтимоий таҳлил лойиҳа таҳлилининг бошқа турлари билан бирга ўтказилиши керак. Лойиҳа таҳлилининг бошқа турлари сингари ижтимоий таҳлил ҳам индентификация босқичида бошланиб, лойиҳа даврининг кейинги ҳар бир босқичида давом этиши керак.

Ижтимоий таҳлил тўрт асосий соҳага эътиборни жамлайди. Булар:

1.Лойиҳага таъсир кўрсатадиган аҳолининг ижтимоий-маданий тавсифи, миқдорий тавсифи ва ижтимоий тузилмаси бўйича таҳлил.

2.Лойиҳа амал қиладиган ҳудуддаги аҳоли томонидан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари, шу жумладан, оилалар, уй хўжаликлари тузилмаси, ишчи кучининг мавжудлилиги,

ерга эгалик қилиш шакллари, ресурслардан фойдаланиш имконияти ва улардан фойдаланишни тартибга солиш масалалари таҳлили.

3.Лойиҳанинг маҳаллий маданият нуқтаи назаридан талабга жавоб бериши, хусусий лойиҳанинг мавжуд ижтимоий меъёрларга мослашувчанлиги, кишиларнинг қарашларида, ўз эҳтиёжларини англашларида зарур ўзгаришлар ясашга қобиллиги.

4.Лойиҳадан уни амалга оширувчи ташкилот ҳамда маҳаллий аҳоли манфаатдорлигини таъминлаш стратегияси. Бундан мақсад аҳоли ва ташкилотларнинг лойиҳанинг барча босқичларида узлуксиз иштирокини таъминлашдир.

19.2. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари

Ижтимоий таҳлилнинг биринчи босқичи лойиҳа йўналтирилган аҳоли гуруҳи, унинг миқдори ва таркибини аниқлашдан иборат.

Лойиҳа йўналтирилган аҳолининг турмуш тарзи кўпинча уни ишлаб чиқувчи кишиларнинг турмуш тарзидан фарқ қилади. Шу туфайли режалаштириш жараёнларига маҳаллий аҳоли жалб этилмаса, лойиҳа маҳаллий шароитга мос келмаслиги мумкин. Маҳаллий шароитларни билмаслик, бу тўғрида бир гуруҳ шахслар, хусусан, йўлбошчиларнинг интервью йўли билан олинган фикрига кўра иш юритиш аҳоли кўпчилик табақалари қарашларининг эътиборидан четда қолишига олиб келади.

Шаҳар ҳамда қишлоқ жойларидаги оилавий хўжаликлар таркиби тўғрисида тўғри тасаввурга эга бўлиш ҳам катта куч талаб этади. Шаҳар жойлари учун мўлжалланган айрим лойиҳаларда бу ерларда оила аъзолари қишлоқ жойларида муҳим роль ўйновчи ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидан бутунлай алоқасини узган деб қаралган. Аслида кам таъминланган шаҳар оиласи тез ўзгариб турувчи ижтимоий коалиция ҳисобланади. Иқтисодий ва сиёсий шароитлар ўзгариши таъсирида бу оила болалари бир уй хўжалигидан бошқасига ўтиб турадилар, бошқа аъзолари эса бойроқ қариндошлариникига кўчиб ўтадилар. Бундай ўзгаришлар оила аъзолари сонининг ўзгариб туришига мослаша оладиган уй-жой майдонини талаб этади.

Кўпчилик шаҳар оилалари ўз даромадларининг каттагина қисмини қариндошларидан ёрдам тариқасида оладилар. Шундай йўл билан ижтимоий ҳимоя тизими яратилади ва минимал зарур истеъмол

даражаси таъминлаб турилади. Уй-жой қурилиши лойиҳалаштирилганда бу жиҳатлар эътиборга олиниши керак. Агар лойиҳа аҳолини кўчиришни кўзда тутса, уларнинг ижтимоий маданияти ва демографик хусусиятларини эътиборга олиши зарур. Мажбурий кўчириш ўзига хос ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. У ожизлик, бегоналик туйғуларини туғдиради ҳамда ижтимоий бирдамлик ва гуруҳ ишлаб чиқариш потенциали пасайишига олиб келади.

Кўчириш дастурлари уй-жой билан таъминлаш, товон пули тўлаш, ишга жойлаштириш тадбирлари билан бир қаторда, кишиларга уларнинг турмуш даражалари яхшиланишини кафолатлаши керак.

Кўп ҳолларда лойиҳа таъсир кўрсатадиган аҳоли (айниқса, қишлоқ жойларида) ресурслар ва мавжуд чекловларни ҳисобга олган ҳолда уюшган бўладилар. Бунда мулк ҳуқуқи ва ер ҳамда сувдан фойдаланиш ҳуқуқлари муҳим аҳамиятга эга. Уюшмаларнинг бошқа бир ташкилий элементи ресурсларни биргаликда ва индивидуал бошқариш усуллари, капиталга эга бўлиш характери, ишчи кучини мавсумий таклиф этиш, меҳнат тақсимоти, рағбатлантириш тизими, маҳаллий ишлаб чиқариш уюшмаларининг типлари, савдо ва ҳукумат муассасалари билан ўзаро муносабатлар ҳисобланади. Бир қанча камчиликларга эга бўлишига қарамасдан бу ташкилий элементларни доимо ҳисобга олиб бориш керак, чунки улар лойиҳа тузиш учун асос бўлади.

19.3. Лойиҳа ва маҳаллий маданият талаблари

Кўп сонли аҳолига таъсир этувчи лойиҳалар муваффақиятли бўлиши учун уларнинг кўпчилиги лойиҳа мақсадини тушинишлари ва уни қўллаб-қувватлашлари керак. Шу туфайли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида маҳаллий қадриятлар тизимини, урф-одатлар, анъаналар, аниқланган эҳтиёжлар ва мақсадларни ҳисобга олиш зарур.

Миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан самарали бўлган лойиҳалар мақсади маҳаллий аҳоли учун тушунарсиз ёки улар фикрига кўра, аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Оқибатда лойиҳалар маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмайди. Ижтимоий таҳлил маҳаллий шароитларга асосланган ҳолда лойиҳа вазифалари ва умумий мақсадларни маҳаллий аҳолининг индивидуал мақсадлари билан боғлаш йўлларини кўрсатиб беради.

Оилани режалаштириш масаласида ҳам маҳаллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари лойиҳа мақсадига ёки умумий мақсадларга эришишга таъсир кўрсатади. Лойиҳа натижалари одамларнинг лойиҳа ва ундан келадиган фойда ўртасидаги боғлиқликни қанчалик тушунишига алоқадор бўлган яна бир соҳа соғлиқни сақлаш соҳасидир.

«Лойиҳаларни ижтимоий таҳлил қилишнинг аҳамияти, моҳияти ва таркибий қисмлари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Ижтимоий таҳлил
- Аҳолининг ижтимоий-маданий хусусиятлари
- Аҳолининг демографик хусусиятлари
- Лойиҳа ва маҳаллий маданият

20-МАВЗУ. ЛОЙИҲАЛАРДАН ИЖТИМОИЙ МАНФААТДОРЛИК ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш
2. Лойиҳалардан фойдаланишда Хотин-қизларнинг ўрни
3. Ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласи

20.1. Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш

Лойиҳа муваффақиятининг яна бир шартидан мақсад гуруҳнинг лойиҳада манфаатдорлигини, уни қўллаб қувватлаш ва иштирокини таъминлашдир. Бу, лойиҳани самарали эксплуатация қилиш гаровидир. Кишилар ўзгаришлар қилиш учун таваккалчиликка боришлари ва лойиҳа мақсадларига эришишлари учун сарфлаган куч-ғайратлари ўзини оқлашига ишонч ҳосил қилишлари керак. Лойиҳада иштирок этиш барча босқичларда ва шаклларда бўлиши мумкин:

1.Инвестицияларни танлаш ва режалаштириш борасида маслаҳат.

2.Ишчи кучи билан иштирок этиш.

3.Моддий ва пул ресурслари билан иштирок этиш.

4. Лойиҳа бажарилишини кузатиб бориш ва ҳоказо.

Маҳаллий аҳолининг лойиҳада иштирок этиши лойиҳа раҳбарларига жами харажатларни ўзгартирмаган ҳолда кўпроқ сонли аҳолига лойиҳадан манфаат етказиш имконини беради. Карор қабул қилингунга қадар маҳаллий аҳолидан маслаҳат олиш лойиҳаларга кўрсатиладиган қаршиликни минималлаштириш, ундан келадиган манфаатни кўпайтириш, хизмат муддатини узайтириш имконини яратади. Масалан, фермерлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари учун бу ишлаб чиқариш технологиялари бозорларининг ҳолати, лойиҳанинг мумкин бўлган экологик оқибатлари тўғрисида муҳим ахборот манбаи ҳисобланадилар. Сув иншоотлари қуриш ва қишлоқ хўжалигига тегишли бошқа лойиҳаларда бу ахборотлар жуда муҳим роль ўйнайди.

Маҳаллий аҳолининг лойиҳада иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш стратегияси муваффақияти аҳолининг уюшмаларга бирлаша олиш қобилиятига боғлиқ. Бу уюшмалар орқали улар ўз манфаатларини аниқлайдилар ва ҳимоя қиладилар. Ташкилий ва техник имкониятлар тажриба орттириш билан кенгайтириб борилади. Аммо лойиҳани эксплуатация қилиш бошлангунга қадар маҳаллий аҳолини ўқитиб, бу

жараёнларга тайёрлаш кўпроқ самара беради (УзДэуАвто лойиҳасида бўлгани каби).

Маҳаллий институционал тизимларни яратиш учун вақт талаб қилиниши сабаби кўп лойиҳаларда илгарида мавжуд бўлган ташкилотларга таянилади. Аммо бу ташкилотларга янги вазифалар юклатилганда улар олдиндан бажариб келган вазифаларни кескин эмас, балки аста-секин кенгайтириб бориши керак.

Мавжуд маҳаллий ташкилотлардан фойдаланиш ўз афзалликларига эга бўлсада, бу янги ташкилотлар муваффақиятсиз ишлашини англатмайди. Янги ташкилотлар фаолиятининг муваффақияти бошқа омиллар қаторида янги гуруҳ мавжуд эҳтиёжларни лозим даражада қондира олишига, ходимларнинг тайёргарлиги даражасига, муддатларнинг реаллигига ҳам боғлиқ.

20.2. Лойиҳалардан фойдаланишда хотин-қизларнинг ўрни

Кўпинча лойиҳалар муҳокама этилаётганда бутун дунёда хотин-қизлар аҳолининг ярмидан кўпчилигини ташкил этиши эътибордан четда қолади. Лойиҳаларда иштирок этиш ва улардан манфаат кўришда, жинслар ўртасида фарқ борлиги, аёлларнинг иқтисодий манфаатлари лойиҳаларда ҳисобга олиниши шарт, чунки бу лойиҳа муваффақияти гаровларидан биридир. Кўпроқ аёллар меҳнатига таянадиган енгил саноат корхоналари лойиҳаларида бу алоҳида аҳамият касб этади. Аёллар дунё буйича қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг 50%дан 80%гача қисмини ташкил этади. Оилаларда қишлоқ хўжалигида банд аёллар сони эркакларникидан кўп. Улар иш кунининг узоқлиги эркакларники билан бир хил.

Оиладаги ишларнинг катта қисми улар зиммасида. Шу сабабли қиз болалар таълими учун қилинган сарфлар энг яхши капитал қўйилма бўлиши мумкин. Чунки аёллар маълумотининг яхшиланиши соғлиқни сақлаш, овқатланиш, болалар соғлиғи яхшиланиши, болалар ўлимининг, туғилиш суръатларнинг пасайишига олиб келади. Ривожлантириш жараёнларида аёллар иштирокини кенгайтириш учун лойиҳани ишлаб чиқувчилар аҳоли ўртасида аёлларнинг лойиҳада иштирок этишига ҳамда ундан манфаат кўришига маданий, ҳуқуқий, жисмоний, молиявий тўсиқлар бор-йўқпигини аниқлашлари керак. Бундай тадқиқотлар ўтказишда мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фарқ эътиборга олиниши лозим.

20.3. Ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласи

Ижтимоий муаммолар лойиҳа даврининг турли босқичларида юзага чиқади. Лойиҳа нафақат салбий оқибатларнинг олдини олиш учун, шунингдек, ижтимоий ўзгаришларни бошлаш мақсадида кишилар куч-ғайратларини сафарбар этиши учун ҳам аҳоли урф-одатлари, анъаналарига мосланган бўлиши керак. Кўпгина ижтимоий муаммоларни аниқлаб, моҳиятига етишнинг ўзиёқ уларнинг лойиҳага салбий таъсирини кескин камайтириш имконини беради.

Профессионал тайёргарлик ва ижтимоий таҳлил тажрибаси потенциал ижтимоий муаммоларни аниқлаш учун ўта зарур. Шу сабабли лойиҳа таҳлилида социолог, антрополог каби мутахассислар иштирокини таъминлаш керак. Турли қишлоқ хўжалиги муассасаларининг чорвачилик бўлимларида чорва билан шуғулланувчи мутахассислар бўлгани ҳолда чорвани етиштириш (чорвадорлар) билан шуғулланувчи мутахассисларнинг йўқлиги кўпгина мамлакатларда чорвачилик лойиҳалари самарадорлигининг пастлиги сабабларидан биридир.

Лойиҳани самарали ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қуйидан маҳаллий аҳоли иштироки ва юқоридан ҳукумат томонидан раҳбарлик қилинишини талаб этади. Муваффақиятли ва иқтисодий самарали лойиҳалар кишиларни ўзларининг бир ёки бир неча мақсадларига эришиш йўлида сафарбар этади ва уларни ўз кучларига таянишга ўргатади. Ривожлантириш лойиҳаларида кўпинча бир-бирига зид келувчи ва ўзаро боғланган бу икки шарт бир вақтда бажарилиши керак. Ижтимоий таҳлил улар ўртасида муҳим боғловчи бўғин сифатида хизмат қилади.

Ижтимоий таҳлил бошқа лойиҳалар тажрибасига, мутахассислар тажрибаси ва малакасига таянган ҳолда кишиларнинг эҳтимол бўлган хатти-ҳаракатларини объектив баҳолаш орқали лойиҳаларни ишлаб чиқишни такомиллаштириш ва амалга оширишга ёрдам беради.

«Лойиҳалардан ижтимоий манфаатдорлик» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Лойиҳалардан манфаатдорлик
- Инвестицияларни танлаш
- Ишчи кучи билан иштирок этиш
- Моддий ва пул ресурслари билан иштирок этиш
- Лойиҳаларда хотин-қизлар роли
- Мутахасислар малакаси

21-МАВЗУ. ЛОЙИҲАЛАРНИ ИНСТИТУТЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Институтционал таҳлилнинг моҳияти ва мақсадлари
2. Институтционал таҳлил тузулмаси
3. Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизлик

1. Институционал таҳлилнинг моҳияти ва мақсадлари

Институционал таҳлил лойиҳа устида бажариладиган ишларнинг энг муҳимларидан бирига айланди. Инвестиция лойиҳалари натижалари кўп жиҳатдан ташкилий тузилма сифатига ҳам боғлиқ. Лойиҳани амалга оширувчи ташкилотларни ўрганиш уларнинг бошқарув имкониятлари, шунингдек, марказий ҳокимиятнинг лойиҳа учун мутасадди бўлган ташкилотларга ёрдам беришга қанчалик тайёр эканликларини баҳолашга имкон беради. Яхши шаклланмаган, такомиллашмаган бошқарув тузилмасига, малакали мутахассислар, ахборот тизимлари ва ҳоказоларга эга бўлмаган ташкилотлар зиммасига лойиҳаларни амалга оширишни топшириш ёки улар таклиф этган лойиҳаларни молиялаштириш муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин (ёки ҳеч бўлмаганда қўшимча харажатларни келтириб чиқаради).

Институционал таҳлил лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва эксплутация қилишга, шунингдек, мавжуд ташкилотларни мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар билан тўлдиришга кўмак бериши лозим. Кучли институтларни ташкил этиш лойиҳага кўра, фойдаланиладиган миллий ҳамда халқаро ресурсларни муҳофаза қилган ҳолда лойиҳаларни самарали амалга ошириш имконини беради. Инвестиция лойиҳалари институционал таҳлили (ИТ) дан мақсад лойиҳа амалга оширилаётган макондаги ташкилий, хуқуқий, сиёсий ва маъмурий вазият (муҳит) га баҳо бериш ҳамда лойиҳага жалб этилган ташкилотларнинг имкониятларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари борасида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тавсиялар қуйидаги масалаларни қамраб олади:

а) менежмент услублари ва усуллари, шу жумладан, мониторинг ва баҳолаш;

б) ташкилий тузилма, ундаги ўзгаришлар;

в) режалаштириш, шу жумладан, инвестицияларни жойлаштиришни режалаштириш;

г) ходимлар таркибини тўлдириш, ўқитиш, малакасини ошириш;

д) молиявий фаолият, шу жумладан, молиявий фаолиятни бошқариш, сметалар тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва тафтиш;

е) лойиҳаларнинг моддий-техник таъминоти;

ж) эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш тизимлари;

з) ташкилотлараро мувофиқлаштириш;

и) алоҳида секторларга нисбатан сиёсат масалалари.


Бу вазифалар нафақат лойиҳаларни амалга ошираётган ва эксплуатация қилаётган ташкилотлар, шунингдек, лойиҳа муваффақиятига таъсир кўрсатувчи ҳукумат ва тармоқ тузилмаларига, яъни вазирликлар, идоралар, банклар, тадқиқот муассасаларига ҳам тегишли.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда институционал таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири эски давлат ташкилотларини бозор иқтисодиётидаги бошқачароқ вазифаларни бажаришга мослашган янги ташкилотлар, агентликлар ва корхоналарга айлантиришни режалаштиришдан иборат. Бу муаммонинг нақадар муҳимлиги бир қатор мамлакатларда оммавий хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чоғида яққол намоён бўлди. Бунга Ўзбекистонда жаҳон банкининг пахтачилик индустриясини такомиллаштириш бўйича лойиҳаси мисол бўла олади.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда лойиҳада иштирок этаётган совхозлар ва колхозлар хусусийлаштирилиб, очиқ тўрдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Колхоз ва совхозларнинг мулклари қийматига тенг миқдорда акциялар чиқарилди ва улар эркин сотилиши ва олиниши учун республика фонд биржасига жойлаштирилди. Бундан асосий мақсад колхоз ва совхозларни хусусийлаштириш, ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш ва хусусий секторни ривожлантиришга таъсир кўрсатиш бўлган эди. Шу вазифаларни ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Пахтачилик лойиҳасини амалга ошириш агентлиги ташкил этилди. Унинг бошқарув тузилмаси қуйидага чизмада соддлаштирилган ҳолда келтирилган:

Иқтисодиётни қайта қуриш шароитида лойиҳага мутасадди бўлган ташкилотлар учун "мулкчилик" концепцияси ўта муҳим ҳисобланади. Лойиҳани амалга оширувчи ташкилотлар унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги учун масъулиятни ўз

зиммаларига олгандагина ижобий натижага эришилади. Мулк ҳуқуқи мутасадди ташкилотлар менежерлари лойиҳа мақсадларини англашлари ва бу мақсадларга эришиш учун зарур қарор қабул қилиш ваколатига эга эканликларини англатади. Бундай вазиятда уларда ҳам шахсий манфаатдорлик, ҳам лойиҳага раҳбарлик қилиш имконияти мавжуд бўлади. Институционал таҳлилнинг каттагина қисми "мулкчилик" омили лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга қанчалик таъсир этишини аниқлашга қаратилган.



2. Институционал таҳлил тузилмаси

Инвестиция лойиҳаларини институционал таҳлил учун конкрет шароитларга тезда мослаштирса бўладиган стандарт ечимлар ёки моделлар деярли йўқ. Институтларни ривожлантириш узоқ давом этувчи экспериментлар ва адаптация (мослашув) жараёнларидан иборат. Бу жараёнлар эса кўпинча сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг салбий ўзгаришлари туфайли муваффақиятсизликка учрайди.

Умуман олганда, институционал таҳлилга қуйидаги вазифаларни бажариш киради:

- лойиҳа амалга ошириладиган институционал шарт-шароитларни (ташкилотлар, меъёрий ҳужжатлар ва сиёсий омилларни) аниқлаш ва тасвирлаб бериш;
- лойиҳада иштирок этувчи ташкилотларнинг моддий ва меҳнат ресурслари, техник малакаси, ташкилий тузилмаси, бошқарув ва маъмурий имкониятлари, молиявий аҳволи нуқтаи назаридан кучли ва заиф томонларини баҳолаш;
- қонунлар, сиёсат ва йўриқномалар ўзгаришининг лойиҳани амалга ошириш ва экплуатация қилишга (айниқса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иш ҳақи, баҳолар, субсидиялар, ташқи савдо, валюта курси ва ҳоказоларга) эҳтимол бўлган таъсирини баҳолаш;
- лойиҳада қатнашувчи ташкилотларнинг заиф жиҳатларини бартараф қилишнинг муқобил йўлларини ҳамда қонунлар, сиёсат ва йўриқномаларнинг лойиҳага кўрсатиши мумкин бўлган потенциал салбий таъсирига қарши чора-тадбирларни илгари
  суриш (тегишли такомиллаштириш ишлари лойиҳа амалга оширилаётган ва эксплуатация қилинаётган вақтда ҳамда бундан
  олдин лойиҳа бўйича иш графигига кўра амалга оширилади);
- тавсия қилинаётган ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш учун керак бўлиши мумкин бўлган техник ёрдам бўйича таклифларни илгари суриш ҳамда зарур ишларни ўтказиш графигини ишлаб чиқиш.

3. Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизлик

Лойиҳаларни амалга оширишдан кейинги босқичга доим ҳам етарлича эътибор берилавермайди. Кўпинча бу ҳолат қарор қабул қилувчи шахсларнинг асосий эътибори инвестициялаш босқичига жамлангани ҳолда, эксплуатация ва жорий хизмат масалалари эътибордан четда қолишида намоён бўлади. Бунинг оқибатида лойиҳадан олинаётган даромад камаяди, асосий фондлар қисқариб кетади ҳамда ташкилий тузилма ривожланишида жиддий молиявий ва бошқарув муаммолари келиб чиқади. Лойиҳани амалга

оширишдан манфаатдор бир қанча ташкилотлар ва шахсларни санаб ўтиш мумкин. Масалан, хорижий инвесторлар, сиёсатчилар, компаниялар ва касаба уюшмалари. Лекин лойиҳа тугалланиши биланоқ уни самарали эксплуатация қилиш учун зарур бўлган ресурслар билан таъминлаш ҳамда маъмурий бошқарув тизими томонидан етарлича эътибор бериш борасида муаммолар пайдо бўлади.

Лойиҳани эксплуатация қилиш босқичига эътиборсизликнинг кўринишларидан бири техник хизмат кўрсатиш харажатлари ва ундан келадиган даромадларга кам аҳамият берилишидир. Бу соҳага етарли эътибор берилиши лойиҳадан кутилаётган самарани янада оширади. Лойиҳани эксплуатация қилиш босқичига эътиборсизлик оқибатларидан бири қайтарилиб турувчи инвестиция харажатлари етарли даражада таҳлил қилинмаслигидир. Бунинг устига, бу харажатларни қоплаш манбалари зарур даражада режалаштирилмайди.

Зарурий институтларни ташкил этиш (айниқса, ривожлантириш лойиҳалари билан боғлиқ ҳолалрда) уч гуруҳ омиллар таъсирида мураккаблашади. Булар:

а) ноқулай сиёсий шарт-шароиталрнинг салбий таъсири;

б) лойиҳа олдига қўйилагн мақсадларнинг мураккаблиги;

в) лойиҳанинг инвестициядан кейинги босқичига эътиборсизлик.

Шу туфайли институционал муаммоларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда ечиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш учун (бу борада умумий моделлар, андозалар йўқлигини ҳам эътиборга ҳолда) санаб ўтилган омилларни эътиборга олиш зарур.

«Лойиҳаларни институтционал таҳлил қилишнинг моҳияти ва вазифалари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Институтционал таҳлил
- Тавсияда қамраб олинадиган масалалар
- Мулкчилик концепцияси
- Институтитционал таҳлил тузилмаси
- Лойиҳада қатнашувчи ташкилотлар

22-МАВЗУ. ИНСТИТУТЦИОНАЛ ТАҲЛИЛНИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Режа:

1. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги муаммолар таҳлили
2. Сиёсий омиллар таъсири таҳлили
3. Мувофиқлаштириш ва бошқарув омиллар таъсири таҳлили

1. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги доимий муаммолар

Иқтисодиётни қайта қуриш жараёнида икки муҳим институционал муаммо кузатилади. Биринчидан, бу мавжуд ҳукумат муассасаларини ислоҳ қилиш зарурати, иккинчидан, эски тузумда мавжуд бўлмаган янги институтларни ташкил этиш. Масалан, собиқ Совет Иттифоқи республикаларида банк тизими, биржалар ва бошқа бир қатор институтлар мавжуд эмас эди. Иқтисодий ислоҳотлар, шубҳасиз, ишсизлик ва бошқа ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусий сектор ва бандликнинг бошқа муқобил соҳалари ишга тушгунига қадар эса анча узилиш юзага келади. Шу туфайли ўтиш даври иқтисодиётида институционал ислоҳотлар ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш билан бирга бормаса, амалга ошириб бўлмайдиган вазифага айланади.

Институционал муаммоларни характерлаш учун кўпинча зарур ечимларни топишга ҳалақит берувчи юзаки атамалар қўлланилади. Масалан, қийинчиликка учраган лойиҳа ҳақида, унинг "раҳбарлари заиф" дейилса, лойиҳа муваффақиятини «лойиҳанинг ҳаракатчан менежери" билан боғлашади. Молиявий фаолиятни назорат қилишда юзага келган қийинчиликларни эса кўпинча бухгалтерияда персонал компьютерларнинг йўқлиги билан изоҳлашади, ходимлар ва маъмуриятнинг қониқарсиз иши эса, ходимларда етарли малака йўқ, деб осонгина изоҳлаб қўйилади.

Аммо бу кўриниб турган камчиликларни тузатиш бўйича таклиф қилинган қарорлар кўпинча навбатдаги муаммолар қатламини аниқлашнинг анча қиммат турадиган йўлидир. Албатта, яхши менежер керак. Лекин менежерлар аслида ишга лаёқатли бўлсалару бир-бирига зид талабларга дуч келишса ҳамда бу зиддиятли ечиш ваколатига эга бўлмаса менежерларни ўзгартиришдек кўп вақт талаб қилувчи ва қиммат турувчи жараён ҳеч қандай ижобий натижа бермайди. Шу сингари ҳақиқий муаммо

бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш эмас, балки аниқ ахборотнинг келиб туриши бўлса, компьютер ўрнатиш билан масала ечилиб қолмайди.

Кўпгина давлатларда вазирликлардаги бюджет ҳисоб-китобларида персонал компьютерларни қўллаш нафақат ахборотларни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ва тезлигини ошириш туфайли, шунингдек, вазирликлар раҳбарларига ахборот тизимини ўзини ўзгартириш имконини бергани учун ҳам муваффақиятли бўлди. Натижада ҳисоботларни топшириш тартиби соддалашди ва шу қадар тезлашдики, топшириш муддатлари ҳафта ва ойлар ўрнига кунларгача қисқардиҳамда турли хилдаги ва ҳажмдаги харажатлар оқибатини анча аниқроқ баҳолаш тизимини ўрнатишга эришилди.

Худди шунингдек, айрим ҳолларда ходимлар малакасининг етишмаслиги улар қониқарсиз ишлашининг вазифаларини белгилаш ва стимуллар тизимида аниқлик етишмаслиги, хизматда кўтарилиш имкониятлари чекланганлиги каби омилларга нисбатан иккита даражали сабаби бўлиши мумкин. Бу омилларда ўзгариш ясамасдан туриб, ходимларни ўқитиш борасидаги чора-тадбирлар кутилган натижани бермайди.

Қисқача қилиб айтганда, одатда, лойиҳаларни амалга ошираётганда пайдо бўладиган кўпргина институционал муаммолар жуда чуқур сабабларга эга. Бу сабабларни аниқламасдан туриб эса узоқ муддатли қарорлар қабул қилиш қийин. Санаб ўтилган қийинчиликлардан кўпини ҳал этиш ўнлаб йилалрни талаб қилиши мумкин. Чунки улар чуқур иқтисодий, техник, ижтимоий ва маданий чекланишларни акс эттиради. Янги институтлар ўз жамиятида илдиз отиши ва ўз маданий муҳитига мослашиши керак. Техник ва бошқарув лаёқати сиёсатни самарали режалаштириш, ишларни дастурлаш, молия ва кадрларни бошқариш ва ҳозирги замон ташкилотининг бошқа муҳим вазифаларини бажаришни таъминлаши учун аста-секин яхшиланиб бориши керак.

2. Сиёсий омиллар таъсири таҳлили

Барча ривожлантириш лойиҳалари у хоҳ давлат секторида, хоҳ хусусий секторда бўлсин, ҳукумат макроиқтисодий сиёсатининг ҳамда бу сиёсатни ўзида мужассамлаштирган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар кучли таъсири остида бўлади. Агар ташкилий тузилмалар ўз куч ва ресурсларини сиёсий қарорларининг салбий таъсирига

қарши курашга сарфлашга мажбур бўлсалар, бу тузилмалар узоқ истиқболга муваффақият билан ишлай олмайдилар. Ҳукумат сиёсати лойиҳа амалга оширилаётган шарт-шароитларни (жиддий суръатда) бузиб кўрсатса, институционал муаммолар сони ортиб кетади. Асосланмаган валюта алмашув курси ёки савдо сиёсати нафақат лойиҳа бўйича олинадиган даромадлар даражасига таъсир кўрсатади, шунингдек, эҳтиёт қисмларни қидириб топиш, экспорт-импорт операциялари йўлидаги бюрократик тўсиқларни енгиш кабиларга ортиқча куч сарфлашга сабаб бўлади. Давлат баҳо ва солиқ сиёсати бозор сигналларини бўзиб кўрсатиб, менежерларнинг адашишига олиб келиши мумкин.

Айниқса, давлат баҳо ва бюджет сиёсатининг лойиҳанинг иқтисодий ва молиявий фаолиятига таъсир катта. Шунингдек, бунинг таъсирида лойиҳа менежерлари ҳамда ходимлар фаолиятини баҳолаш мумкин бўлмай қолди. Чунки ташкилотнинг қониқарсиз ишига доимо яхши ишлашга ҳалақит бераётган бераётган сиёсий вазиятни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Давлат томонидан тартибга солиш, назорат қилиш ва бевосита аралашувнинг мураккаб тизими мавжудлиги таъсирида сиёсий вазиятнинг салбий таъсири янада чуқурлашиши мумкин.

Мақсадлар мураккаблиги кўпчилик истеъмолчилар ва манфаат кўрувчилар талабини ифода этувчи йирик, ижтимоий йўналтирилган ривожлантириш лойиҳаларида кўп ҳолларда лойиҳа мақсади ва унга эришиш воситаларини белгилаш қийин бўлади. Бунга тариқасида таълим дастури ва минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга инвестиция сарфлари лойиҳаларини таққослашимиз мумкин. Маълумотли ва ўзгарувчан шароитларга тез мослашувчан кишиларни тайёрлаш вазифасини маълум миқдордаги ўғит ишлаб чиқариш вазифасига кўра баҳолаш қийин. Ўқитиш дастурида мақсадга эришиш усуллари ҳам анча мураккаб ва ноаниқдир.

Айрим лойиҳаларда мақсадлар аниқ-равшан бўлсада, улар шунчалик кўпки, уларнинг ҳаммасига бир текис эришишни таъминлаб бўлмайди. Масалан, қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий хизматларни кенгайтириш, маданий анъаналарни ўзгартириш каби мақсадларга дуч келди.

Ижтимоий йўналтирилган лойиҳалар кўп сонли аҳоли билан иш кўрадики, лойиҳа агентлиш уларга доим ҳам бевосита таъсир

кўрсата олмайди (электростанция директори ўз ходимларига таъсир кўрсатишига ўхшаб).

Лойиҳани ўраб турган муҳитга нисбатан уни бошқаришнинг уч жиҳатига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур:

1.Стандарт ва экспериментал лойиҳалардан фойдаланиш.

2.Ишларни мувофиқлаштириш услублари.

3.Бошқарув назоратини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар.

Инфратузилмалар, коммунал иншоотлар ва йирик саноат корхоналари қуриш лойиҳалари ташкилий жиҳатдан бирмунча афзалликка эгалар. Яъни улар учун зарур ташкилий тадбирлар ва технологиялар, стандарт ечимлар мавжуд. Кўпчилик лойиҳалар учун эса стандарт ечимлар, технологияларни қўллаб бўлмайди. Бундай шароитда мослаштириш қобилияти ташкилий тузилманинг муваффақият гарови бўлиши мумкин. Мослаштирув иши бюрократик муассасалар учун айниқса қийин кечади. Бунга уларнинг режали харажатлар ҳақида доимий ҳисобот беришга мажбурликлари ва ҳар қандай хавфдан қочишлари сабабки, бу ҳол уларни консерватив қилиб қўяди. Айрим ҳолларда лойиҳани амалга оширувчи ташкилотга мураккаб институционал ва моддий-техник талаблар қўйиладиган битта йирик лойиҳадан кўра, ўрнатилган график бўйича бир нечта экспериментал лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

Экспериментал лойиҳаларга муқобил вариант - кичик дастурларни субпудратчи ташкилотларга топширишдир. Бунда бош пудратчи бундай дастурларни молиялаштириш, техник ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олади.

3. Мувофиқлаштириш ва бошқарув омиллар таъсири таҳлили

Йирик лойиҳаларга хос бўлган ташкилий муаммоларни ҳал этишнинг яна бир йўли лойиҳанинг бош мақсадига эришиш учун қайси фаолият турлари асосий эканлигини аниқлаб, чекланган ташкилий ресурсларни шу фаолиятга жамлаш ҳамда иккинчи даражали вазифаларни кейинроққа қолдиришдир. Шундай ёндашувни лойиҳа бўйича ишларни мувофиқлаштиришга нисбатан ҳам қўллаш мумкин, чунки кўп сонли ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўп вақт талаб этади ва керакли натижа бермаслиги мумкин. Мувофиқлаштиришни инкор этиб бўлмайдиган

шароитларда турли ижрочилар вазифалари аниқ-равшан белгиланиши керак. Иккинчи даражали ресурсларни назорат этувчилар фаолиятини мувофиқлаштирувчи комитет тузгандан кўра, уларни кичик ишчи гуруҳларга бирлаштириш мувофиқлаштиришнинг самаралироқ механизми бўлиши мумкин.

Бошқарув назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари лойиҳа натижаларини баҳолашдага қийинчиликларни лойиҳа фаолиятининг мумкин қадар кичикроқ, назорат ва бошқарув осон бўлган вазифаларга бўлиш йўли билан камайтириш мумкин. Таълим ва ижтимоий масалалар бўйича лойиҳаларда молия фаолиятини бошқаришга катта эътибор берилади. Молиявий оқимларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш эса бу лойиҳалардаги ноаниқликларни камайтирган ва уларни бошқаришни яхшилаган, молиявий тартибни мустаҳкамлаган бўлар эди. Шунингдек, замонавий бошқарув ахборот тизимини яратиш имкониятини берадики, бу, ўз навбатида, лойиҳани самарали бошқаришнинг асосий унсуридир. Патент бериш ёки коммунал хизмат кўрсатиш бўйича хусусий корхоналар билан контракт тузиш услублари бошқарув назоратини такомиллаштириш усули сифатида кейинги йилларда алоҳида эътибор жалб этаяпти. Турли сабабларга кўра, ҳукумат идоралари билан шартнома асосида ишловчи хусусий корхоналар томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш транспорт, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда хизмат сифатини оширишга, харажатлар қисқартирилишига олиб келади.

«Институционал таҳлилда таъсир қилувчи омиллар» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Институтционал муаммолар
- Раҳбарлари заиф
- Персонал компьютер
- Янги институтлар
- Ҳукумат сиёсати
- Давлат баҳо сиёсати
- Давлат бюджети сиёсати
- Лойиҳа мақсади
- Стандарт лойиҳалар
- Экспериментал лойиҳалар

23-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

Режа:

1. Молиявий таҳлилнинг моҳияти
2. Молиявий рентабеллик таҳлили
3. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили

1. Молиявий таҳлилнинг моҳияти ва турлари

Лойиҳани молиявий таҳлил қилиш бир неча кўринишга эга бўлиб, лойиҳа турига қараб, икки ёки ундан кўпроқ турдаги молиявий таҳлил амалга оширилиши мумкин. Молиявий таҳлил қуйидаги турларни ўз ичига олади:

1.Молиявий рентабеллилик таҳлили.

2.Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили.

3.Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили.

4.Харажатларнинг қопланиши таҳлили.

Молиявий таҳлилнинг санаб ўтилган турлари қайси вазифаларга эга бўлиши, лойиҳанинг молиявий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги у қайси нуқтаи назардан туриб кўриб чиқилаётганлигига боғлиқ.

Молиявий таҳлилнинг ҳар хил турлари лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини, лойиҳа иштирокчилари учун рағбатларни, молиявий режаларнинг асосланганлигини, молиявий бошқарувнинг лаёқатлилиги даражасини ҳамда лойиҳани амалга ошириш натижасида кутилаётган фойда даражасини баҳолаш учун қўлланилади.

У ёки бу турдаги таҳлилни ўтказиш зарурати лойиҳанинг мураккаблик даражасига, унинг хусусий сектордаги ёки давлат лойиҳаси эканлилигига ҳамда иқтисодиётнинг қайси тармоғига тааллуқлигига боғлиқ.

Буни қуйидаги жадвалда кўрамиз:

Молиявий тахлилда даромад ва харажатларни ҳисоблашда:

•фақат алоҳида бозор баҳолари қўлланилади;

•капитал харажатлар лойиҳанинг бутун хизмат даврига тақсимлаб чиқилади (амортизация);

Молиявий таҳлил турлари

Таҳлил тури	Молиявий рентабеллик таҳлили	Молия-лаштиришга эҳтиёж таҳлили	Лойиҳани экс-плуатация қи-лувчи ташки-лотнинг моли-явий таҳлили	Харажатларнинг қопланиши таҳлили
Таҳлил мақсади	Лойиҳага қўйилган капитал маблағлар самарадорлигини аниқлаш	Лойиҳани амалга ошириш учун маблағ билан таъминлашни режалаштириш	Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий аҳволи ва бошқарув сифатини аниқлаш	Давлат лойиҳаларида фойдаланувчилардан тўшадиган тўловлар ҳисобига харажатлар қопланишини баҳолаш
Лойиҳа таҳлили қайси позициядан туриб амалга оширилади	Лойиҳа позициясидан туриб	Ҳукумат лойиҳадан фойдаланувчилар ва ундан манфаат кўрувчилар позициясидан туриб	Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилот позициясидан туриб	Ҳукумат, лойиҳадан фойдаланувчилар, ундан манфаат кўрувчилар ҳамда лойиҳани бошқариш позициясидан туриб
Фойдаланиладиган молиявий ҳисоботлар тизими	Дисконтланган пул тушумлари ва чиқимлари оқими ҳисоботи	Молиявий режа	Фойда ва зарарлар ҳисоботи. Пул маблағлари тушумлари ва чиқимлари оқими ҳисоботи, баланс ҳисоботи	Харажаталрни қоплаш кўрсаткичлари, тўлов ҳажми ёки фойдаланувчилардан олинадиган солиқ ҳажми

Мезонлар	Ички фойда меъёри. Соф келтирилган қиймат	Қарзларни ва улар бўйича фоизларни тўлаш учун қилинган харажаталрни қоплаш даражаси	Самарадорлик меъёри, молиявий кўрсаткичлар	Тўлов ҳажми ва таркиби
Қайси объектга нисбатан қўлланилади	Хусусий сектордаги лойиҳаларга, давлат секторидаги тижорат лойиҳаларига нисбатан	Ҳамма лойиҳаларга нисбатан	Фирмаларга ва давлат лойиҳаларига нисбатан	Давлат секторидаги таълим, соғлиқни сақлаш, сув таъми-ноти, транспорт ка-би хизмат кўрсатиш-га йўналтирилган лойиҳаларга нисбатан

•солиқлар ва турли гуруҳлар ўртасидаги бир томонлама тўловлар ҳисобга олинади;

•хусусий дисконт ставкаси қўлланилади.

2. Молиявий рентабеллилик таҳлили

Молиявий рентабеллилик таҳлилининг мақсади лойиҳанинг ҳаёт даври давомида инвестициялардан келадиган самарани баҳолашдан иборат. Бу таҳлилни баъзида лойиҳанинг молиявий мақсадга мувофиқлиги таҳлили деб ҳам юритилади. Бу таҳлилни ўтказишнинг услубий асослари иккинчи ва учинчи мавзуларда кўриб чиқилган. Шу асосга таянилган ҳолда рентабеллилик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

Бу таҳлил лойиҳадаги пул тушумлари ва чиқимлари оқимига асосланган ҳолда ўтказилади. Бунда эътибор лойиҳани амалга оширувчи ташкилотларга (уларнинг молиявий ҳолатига) эмас, балки лойиҳанинг ўзига қаратилади. Молиявий рентабеллилик таҳлили товарлар ва хизматлар савдосини амалга оширувчи лойиҳалар учун ўта муҳим, лекин коммунал хизмат кўрсатувчи ва давлатдан қисман дотация олиб ишловчи ташкилотлар учун унча ҳам муҳим эмас.

Харажатларни қоплаш таҳлили рентабеллилик таҳлилининг деярли худди ўзи бўлиб, давлат харажатлари фойдаланувчилар тўловлари ва солиқлар ҳисобига қопланадиган лойиҳалар учун қўлланилади.

Молиявий рентабеллилик таҳлилида харажатлар ва даромадлар қўйилган мақсаддан келиб чиқиб аниқланади. Харажатларни фирма ёки ижрочи ташкилотнинг фойдасини камайтирувчи молиявий оқимлар ташкил этса, даромадларни фойда ёки даромадни кўпайтирувчи молиявий оқимлар ташкил этади.

Харажатлар ва даромадлар оқимларини лойиҳалаштириш учун ишлаб чиқариш фаолиятининг техник даражасини белгилаб олиш, инвестициялардан кўзда тутилган техник ресурсларнинг лойиҳага кириш ва чиқишдаги оқимини, лойиҳаларнинг бозор ва маъмурий ўрнатиладиган баҳоларда ҳисобланган натижаларини аниқлаб олиш талаб этилади.

Тушумлар оқими маҳсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) ҳажмини уларнинг харид баҳоларига, харажатлар оқими эса ишлаб чиқаришда фойдаланилган моддий ресурслар ва хизматлар миқдорини уларни сотиб олиш баҳосига кўпайтириб топилади. Бундай баҳолаш лойиҳанинг бутун яшаш даврига, ҳар бир йил учун ўтказилади.

Лойиҳа учун зарур ресурслар ва ундан кутилаётган натижаларни баҳолашда биринчидан, ички ва ташқи бозорда яқинда бўлиб ўтган битимларда қўлланилган амалдаги баҳолар асосида реал бозор баҳоларини; иккинчидан, келгусидаги баҳоларни прогноз қилиш лозим.

Одатда, иқтисодий ва молиявий таҳлилни ўтказишда инфляция таъсиридан тозаланган доимий баҳолар, шунингдек, инфляция таъсиридан тозаланган дисконт коэффициенти қўлланилади.

Лойиҳа бўйича ишлаб чиқарилган товар (кўрсатилган хизмат)лар учун тушган барча тўловлар, дебиторлик қарзлари, субсидиялар ва бошқа даромадлар (ижара ҳақи ва бошқалар) лойиҳа бўйича тушумларга киритилади ва унинг умумий самарасини кўрсатади.

Харажатлар ўз ичига эксплуатация ва капитал харажатларини олади. Эксплуатация харажатларига иш ҳақи, материал, ёқилғи харажатлари, ижара ҳақи тўловлари, коммунал тўловлар, умумий ва маъмурий харажатлар, солиқлар, жорий таъмирлаш харажатлари, ҳали тўланмаган, аммо ҳисобга олинган кредиторлик қарзлари ва бошқалар киради. Капитал харажатларга эса инвестициялар, лойиҳа

фондларини алиштириш, модернизация қилиш ва капитал таъмирлаш харажатлари киради.

Пул оқимлари баҳолаб бўлингандан сўнг рентабеллилик кўрсаткичлари калькуляция қилинади, лойиҳалаштирилаётган тушумлар ва харажатлар дисконтланади ва иловада келтирилган кўрсаткичлар ҳисобланади. Молиявий эҳтиёжни таҳлил қилишда лойиҳани амалга оширишга кетадиган айланма маблағлар алоҳида валютада ҳамда сўмда ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида айланма маблағларни валютада шакллантириш айниқса катта амалий аҳамиятга эга. Агар лойиҳада айланма маблағлар валютада тўғри режалаштирилмаса, лойиҳа муаммога дуч келади. Мисол учун, лойиҳа маҳсулотининг ингредиентлари импорт қилинса, уни сотиб олиш учун валюта кўринишидаги айланма маблағлар етарли бўлиши керак. Шунда маҳсулот ингредиентларни сотиб олишда муаммога дуч келинмайди. Баъзи лойиҳаларда айланма маблағлар сўмда етарли бўлса-да, валютада етарли бўлмагани учун корхоналар ингредиентларни импорт қила олмайди. Натижада ишлаб чиқариш тўхтаб қолади.

3. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили

Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили лойиҳани инвестициялаш ва уни эксплуатация қилиш учун керак бўлган барча молиявий эҳтиёжларни прогноз қилишни ўз ичига олади.

Бу эса зарур ресурслар келиб тушишини таъминлайдиган молиявий режа тузиш имконини беради. Молиявий режани тайёрлашда хорижий кредиторлар талабларини бажаришни енгиллаштириш учун хорижий валютага бўлган эҳтиёж алоҳида кўрсатилади.

Молиявий режада, шунингдек, молиялаштиришнинг маҳаллий манбалари, лойиҳа учун масъул бўлган ташкилотнинг *ўз* маблағлари ва фондлари, давлат ва тижорат ташкилотларидан олиниши мумкин бўлган қарзлар ҳам эътиборга олинади.

Молиявий режада лойиҳани эксплуатация қилиш даври харажатлари ўз аксини топмаса, эксплуатация қилиш, жорий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун фондлар йўқлиги туфайли лойиҳа ускуналари эскириб, тезда яроқсиз ҳолга келиб қолади.

Молиявий режа лойиҳадан манфаат кўрувчиларнинг у таклиф этаётган маҳсулотни сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олиши зарур.

Молиявий режа жорий баҳоларда тузилиши ҳамда йиллар бўйича лойиҳанинг бутун амал қилиш даврига қуйидагиларни кўрсатиши керак:

•мўлжалланаётган капитал маблағлар ва эксплуатация харажатлари (шу жумладан, баҳо ва физик кўрсаткичларнинг кўзда тутилмаган ўзгаришлари ҳисобга олиб киритилган тузатишлар);

•лойиҳа маҳсулотини сотиш ва бошқа манбалардан келадиган даромад;

•қарзларни, инвестицияларни ва лойиҳанинг бошқа эҳтиёжларини қоплашнинг бошқа манбаалари.

Лойиҳани молиялаштиришда корхонанинг ўз маблағлари қанча кўп бўлса, унинг инвестор томонидан баҳоланиши шунча енгил бўлади.

«Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлил қилишнинг моҳияти ва турлари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Инвестиция лойиҳасининг молиявий таҳлили
- Молиявий таҳлил турлари
- Инвестициядан манфаатдор томонлар
- Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлил қилишнинг зарурлиги
- Молиявий рентабеллик таҳлили
- Ҳаражатлар
- Даромадлар
- пул оқимлари
- молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили

24-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

Режа:

1. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили
2. Лойиҳаларнинг молиявий таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар
3. Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усули

1. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили

Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотни молиявий таҳлилга учта молиявий ҳисоботни тайёрлаш, таҳлил этиш ва прогноз қилиш киради:

•даромадлар(фойда ва зарарлар) ҳисоботи;

•пул маблағлари тушумлари ва чиқимлари ҳисоботи;


•баланс ҳисоботи.

Бу ҳисоботлар лойиҳанинг бутун амалда бўладиган даври ёки ҳеч бўлмаганда уни эксплуатация қилишнинг дастлабки бир неча йилига тузилади.

Кўрсатилган молиявий ҳисоботларни прогноз қилиш уларнинг барча компонентларини чуқур таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг умумий қабул қилинган қоидаларини билишни талаб этади. Шу туфайли бу ишни тажрибали бухгалтер аудиторларга ёки молиявий таҳлилчига топшириш керак.

Фойда ва зарарлар ҳисобаш корхонанинг маълум даврдаги (чорак, йил) ишлаб чиқариш фаолиятидан олган даромадларини шу даврдаги қилинган ва даромад олиш билан боғлиқ бўлган харажатлари ўртасидаги нисбатни кўрсатади. Бу ҳисобот жорий хўжалик фаолияти самарадорлиш, лойиҳанинг ўз капиталини ошириш заҳираларини баҳолаш учун зарур. Бу шаклнинг яна бир вазифаси турли солиқ тўловлари ва дивидендлар миқдорини аниқлашдан иборат.

Корхонанинг молиявий ҳисоб тизими маълумотлари



Бу ҳисоботлар қуйидагиларга тақдим қилинади:
1. Ички гуруҳ:
таъсисчилар;
бошқарувчилар;
ички аудиторлар.
2. Ташқи гуруҳ:
инвесторлар;
касаба уюшмалари;
солиқ инспекцияси;
кредиторлар;
жамоат ташкилотлари;
ташқи аудиторлар.
Қуйида ушбу ҳисоботларнинг халқаро стандларга мос келувчи намуналарини келтирамиз(рақамлар шартли):

Баланс 2003 йил 31 декабрь	
Воситалар	
Айланма воситалар	
Пул воситалари	1449
Бозордаги қимматбаҳо қоғозлар	246
Дебитор ҳисоблари (соф)	9944
Товар материал воситалари	10623
Пули тўланган харажатлар	389
Жами айланма маблағлар	22651
Асосий воситалар	
Бино, иншоат, асбоб-ускуналар	26946
Жами амортизация йиғиндиси	-13534
Бино, иншоат, асбоб-ускуналар (соф)	13412
Инвестиция	1110
Баланс 2003 йил 31 декабрь	
Воситалар	
Айланма воситалар	
Патент ва савдо белгиси	403
Гудвил	663

Жами воситалар	38239
Капитал ва мажбуриятлар	
Қисқа муддатли мажбуриятлар	
Кредиторлар ҳисоблари	5602
Банкга ссуда тўлаш	1000
Жами мажбуриятлар	876
Кутилаётган солиқ тўловлари	1541
Узоқ муддатли қарзнинг жорий қисми	500
Қисқа муддатли мажбурияталрнинг жами	9519
Узоқ муддатли мажбуриятлар	
Узоқ муддатли қарзнинг қолдиғи	2000
Фойда солиғининг кечиктирилган қисми	824
Жами мажбуриятлар	12343
Капитал	
Оддий акциялар	1000
Бошқа тўланган ҳиссадорлик капитали	11256
Жами тўланган ҳиссадорлик капитали	12256
Тақсимланмаган фойда	13640
Жами капитал	25896
Жами мажбуриятлар ва капитал	38239

ФОЙДА ҲИСОБОТИ	
Товарларни сотишдан тушум	2200000
Сотилган товарларнинг таннархи	1300000
Умумий фойда	900000
Бошқарув ва сотиш харажаталри	420000
Амортизация харажаталри	150000
Солиқ ва кредит тўловларидан олдинги фойда	330000
Кредит қарз фоизлари тўловлари	90000
Солиқ тўлашдан олдинги фойда	240000
Солиқ тўлови	80000
Соф фойда	160000
Имтиёзли акциялар дивидентлари	10000
Тақсимланмаган фойда	150000
Муомаладаги акциялар сони	120000
Ҳар дона акцияга фойда	1,25

Юқоридаги молиявий ҳисоботлардан фойдаланиб, корхонанинг молиявий соғломлиги ҳақида хулоса қилинади. Молиявий таҳлилнинг биринчи босқичи ана шу ҳисоботлардан келиб чиқади.

Пул маблағлари тушуми ва харажати ҳисоботи ҳисобот даврида пул маблағларини бошқаришни характерлайди ва ҳисобот йилида ташкилотнинг пул тушумлари ва чиқимларини ҳисоблаш учун хизмат қилади. Баъзида бу ҳисобот ликвидлиликнинг ҳаракати ҳисоботи, пул маблағлари ҳаракати ҳисоботи деб ҳам юритилади.

Пул маблағлари ҳаракати ҳисоботи

	Режалаштириш интервали тартиб рақами			
	1	**2**	**…**	**n**
1. Ўз капиталининг кўпайиши				
2. Қарздорликнинг кўпайиши				
3. Жорий пассивларнинг кўпайиши				
4. Сотишдан олинган тушум				
5. Бошқа даромадлар				
Жами тушум				
1. Доимий активларнинг кўпайиши				
2. Жорий активларнинг кўпайиши				
3. Операцион харажатлар				
4. Кредитлар учун тўловлар				
5. Солиқлар				
6. Дивидендлар				
Жами чиқимлар				
Пул маблағлари баланси				
Пул маблағлари баланси ўсиб бориш тартибида				

Бундай ҳисоботни тайёрланиш зарурати шу билан изоҳланадики, фойда ва зарарлар, пул маблағларининг шу давридаги ҳаракати тўлиқ ҳисоботида акс эттирилмайди.

Баланс ҳисоботи бошқа ҳисоботлардан фарқли равишда корхонанинг маълум бир давр учун эмас, балки аниқ санадаги ҳолатини акс эттиради.

Баланс ҳисоботи ёки анъанавий бухгалтерия ҳисоботи маълум санада корхона ихтиёрида нималар борлиги ва унинг манбаларини кўрсатиб боради.

Лойиҳа амалиётида умумлаштирилган кўринишдаги балансдан фойдаланилади.

Кўрсатиб ўтилган ҳисобот шаклларидан фойдаланган ҳолда зарур молиявий коэффициентлар ҳисобланади ва йиллар бўйича бу коэффициентлар ўзгариши таҳлил қилиниб, муаммо ва заҳиралар аниқланади:

Молиявий баҳолаш коэффициентлари

Кўрсаткичлар номи	**Ҳисоблаш формуласи**
Молиявий ҳолатни баҳолаш	
1. Умумий (жорий) ликвидлилик коэффициенти	ЖА/ЖП
2. Шу муддатдаги ликвидлилик коэффициенти	ЛА/ЖП
3. Критик баҳолаш коэффициенти	(НП+ДҚ)/ҚММ
4. Умумий тўлов қобилияти коэффициенти	ҚМ/УА
Инвестициялардан фойдаланишни баҳолаш	
5. Активларнинг айланувчанлиги коэффициенти	Сотишдан тушум /УА
6. Доимий капиталнинг айланувчанлиги коэффициенти	Сотишдан тушум/ДК
7. Акциядорлик капитали айланувчанлиги коэффициенти	Сотишдан тушум/АК
8. Айланма капиталнинг айланувчанлиги коэффициенти	Сотишдан тушум/Айланма капитал
Рентабеллилик кўрсаткичлари	
9. Умумий активлар рентабеллилиги	(СФ+Ф)/УА
10. Доимий капиталнинг рентабеллилиги	(СФ+Ф)/ДК
11. Акциядорлик капитали рентабеллилиги	СФ/АК
12. Сотиш рентабеллилиги	СФ/Сотишдан тушум
13. Ўз капитали рентабеллилиги	СФ/(АК+ТФ)
14. Капиталнинг даромадлилиги	(СФ+Ф)/Ўз капиталининг узоқ муддатли қарзлар

Бу ерда: А-юқори ликвидли активлар;
ЖП-жорий пассивлар;
ЖА-жорий активлар;
ТФ-тақсимланмаган фойда;
ЛА-ликвидли активлар;
Ф- кредит(қарз) учун фоиз;
УА-умумий активлар;
НП-нақд пуллар;
ДҚ-дебиторлик қарзлари;
ҚММ-қисқа муддатли мажбуриятлар;
ДК-доимий капитал; :
АК -акциядорлик капитали;
СФ- соф фойда;
М-қарз мажбуриятлар.

2. Лойиҳаларнинг молиявий таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар

Корхонанинг фаолиятини, унинг иқтисодий мазмуни бўйича тақсимланса, асосан қуйидагиларга бўлинади:

* ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолияти;
* молиявий фаолияти;
* инвестиция фаолияти;
* тижорат (маркетинг) фаолияти.

Ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятлари бор. Шу туфайли иқтисодий таҳлил соҳаси ҳам турлича номланади. Масалан, молиявий фаолият билан шуғулланадиган таҳлил молиявий таҳлил, тижорат билан шуғулланадиган таҳлил маркетинг таҳлили, инвестиция билан шуғулланадиган таҳлил лойиҳа таҳлили каби йўналишларга эга.

Мазкур порагрифда эса бир фаолиятни иккинчи соҳани ўрганадиган таҳлил усуллари билан ўрганиш кўзда тутилмоқда. Бунда инвестициянинг ҳолатини молиявий таҳлил кўрсаткичлари билан баҳолаш усуллари ҳақида гап боради.

Таъкидланганидек, инвестиция янгидан ташкил бўладиган корхонага ва фаолият кўрсатаётган корхонага қўйилиши мумкин. Фаолият кўрсатаётган корхонага инвестиция қўйиш учун инвесторлар унинг молиявий - хўжалик фаолиятини ўрганиши, у ҳақда тегишли тасаввурга эга бўлиши лозим. Бу учун улар

инвестиция қўйиладиган корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар орқали таҳлил қилиб чиқишлари лозим бўлади.

Бу учун одатдагидек, молиявий таҳлилда қўлланиладиган молиявий коэффициентлардан фойдаланилади. Инвестиция лойиҳасини таҳлил қилиш учун молиявий таҳлилнинг барча коэффицентлари эмас, балки уларнинг айрим кўрсаткичларидангина фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар гуруҳига қуйидагиларни киритиш мумкин:

* корхонанинг ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлари;
* корхонанинг иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлари;
* корхонанинг тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлари;
* корхонанинг рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлари.

Ушбу кўрсаткичлар гуруҳини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

2.1. Корхонанинг ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Мазкур кўрсаткичлар тизимига қўйидагилар киради:

* умумий ликвидлик коэффициенти;
* оралиқ ликвидлик коэффициенти;
* мутлоқ ликвидлик коэффициенти;
* товар ва моддий ишлаб чиқариш захиралари ликвидлилиги.

Умумий ликвидлик коэффициенти (Кул) корхонанинг айланма маблағлари қисқа муддатли мажбуриятларни қай даражада қоплай олишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун корхонанинг барча айланма маблағларини (Ам) қисқа муддатли мажбуриятларга (Қмм) бўлинади, яъни

$$\text{Кул} = \frac{\text{Ам}}{\text{Кмм}}; \qquad (1)$$

Келгуси кўрсаткичларни ҳам аниқлаганда чалкашмаслик учун айланма маблағларга (Ам) нималар киришини кўриб чиқиш лозим. Унга:

* товар ва моддий захиралар ($Ам_1$);
* пул маблағлари ($Ам_2$);
* тез сотиладиган қимматбаҳо қоғозлар ($Ам_3$);

* дебитор қарзлар ($Ам_4$)

У ҳолда 1 формулани кенгайтириб ёзилса қуйидаги 2 - формула вужудга келади:

$$Кул = \frac{Ам_1 + Ам_2 + Ам_3 + Ам_4}{Кмм}; \quad (2)$$

Қисқа муддатли мажбуриятларга қуйидагилар киради:

* қисқа муддатли кредитлар ($Кмм_1$);
* заёмлар ($Кмм_2$);
* кредитор қарзлар ($Кмм_3$).

Агар Кул = 1 бўлса корхонанинг айланма маблағлари барча қисқа муддатли мажбуриятларга тенг эканлигидан далолат беради. Агар Кул < 1 бўлса корхона ўз мажбуриятларини тўлашга қодир эмаслигини, агар Кул > 1 бўлса тўловга қодир эканлигини кўрсатади.

Кўпгина адабиётларда Кул-нинг энг кам миқдори ва энг юқори даражада 2 бўлса яхши деб таъкидланади. Агар Кул > 2, яъни энг юқори даражадан кўп бўлса ҳам корхона ўз маблағини тўғри ва самарали жойлаштираолмаган деган хулоса чиқариш учун асос бўлади.

Оралиқ ликвидлик коэффициенти (Кол) айланма маблағларнинг тезроқ сотиладиган қисми билан қисқа муддатли мажбуриятларни қай даражада қоплай олишини ифодалайди.

Уни аниқлаш учун айланма маблағларнинг товар ва моддий захиралардан ташқари қисмини ($Ам_2$, $Ам_3$, $Ам_4$) қисқа муддатли мажбуриятларга (Кмм) бўлинади. Бу қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$Кол = \frac{Ам_2 + Ам_3 + Ам_4}{Кмм}; \quad (3)$$

Ушбу кўрсаткич корхонанинг товари ва моддий захираларисиз айланма маблағлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларининг қанча қисмини қоплай олиш қобилиятига эга эканлигини ифодалайди. Агар ушбу кўрсаткичнинг миқдори 0,75 га тенг бўлса, бу корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларининг 75 % ни тез ликвид бўладиган пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлари ва дебитор қарзлари ҳисобидан қоплаши мумкинлигини кўрсатади.

Мутлоқ ликвидлик коэффициенти (Кмл) ҳам корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларининг қанча қисмини пул маблағлари ва қимматли қоғозлар билан қопланиши мумкинлигини кўрсатади.

Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун айланма маблағларнинг зудлик билан тўланадиган қисми ($Ам_2$, $Ам_3$) қисқа муддатли мажбуриятлар сўммасига (Кмм) бўлинади, яъни:

$$Кмл = \frac{Ам_2 + Ам_3}{Кмм}; \quad (4)$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори қанча кўп бўлса шунча яхши. Агар Кмл = 0,55 бўлса бу қисқа муддатли мажбуриятларнинг ярмидан кўпини зудлик билан ликвид бўладиган маблағлар эвазига қоплаш мумкинлигини кўрсатади.

Товар ва моддий ишлаб чиқариш захиралари ликвидлилигини ифодаловчи коэффициент ($Ктм_3$) корхонанинг товар моддий захиралари тез ликвид бўладиган айланма маблағларга нисбатан қандай аҳволда эканлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун товар ва бошқа моддий захиралар ($Ам_2$, $Ам_3$, $Ам_4$) бўлинади, яъни

$$Ктм_3 = \frac{Ам_1}{Ам_2 + Ам_3 + Ам_4}; \quad (5)$$

Агар ушбу кўрсаткичларнинг (коэффициентнинг) миқдори 0,75 га тенг бўлса, у корхонанинг товар ва бошқа моддий захиралари айланма маблағларнинг тез ликвид бўладиган қисмига нисбатан 75 % ни ташкил қилишини кўрсатади. Агар $Ктм_3 = 1$ бўлса айланма маблағларнинг тенг ярми товар ва бошқа моддий захиралардан иборат эканлигини ифодалайди. Агар $Ктм_3 < 1$ бўлса корхонанинг тез ликвид бўладиган айланма маблағлари товар ва бошқа моддий захираларга нисбатан кўплигидан далолат беради. Агар $Ктм_3 > 1$ бўлса айланма маблағларнинг асосий қисми товар ва бошқа моддий захиралардан иборат эканлигини кўрсатади. Бозор муносабатлари шароитида бу кўрсаткич катта эътиборни талаб қилади, чунки товар ва бошқа моддий бойликлар бозоргир бўлмаслиги, узоқ вақтдан буён сотилмасдан ётганлиги, туриб қолган товарларга айланганлиги бўлиши мумкин. Шу туфайли ушбу коэффициентлар корхонанинг ликвидлиги тўғрисида маълум хулоса чиқариш учун асос бўлади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар корхона ликвидлилиги нима деган саволга жавоб бериш учун асос бўлади.

Корхона ликвидлилиги деганда унинг маълум бир муддатда (одатда ҳисобот тузулган вақтда ёки ёпиладиган вақтда) қисқа

муддатли мажбуриятларини айланма маблағларининг турли қисми билан тўлашга қодирлик даражаси тушунилади.

Бозор муносабатлари корхоналарда тўлашга қодирлик даражасини сақлаб туришни тақозо қилади. Ўз вақтида тўланмаган маблағ тўлайдиган корхона учун ўта зарарли, чунки уни қачондир албатта тўлайди, унинг устига яна жарима ҳам тўлашга мажбур бўлади. У ўзи билан бирга ҳамкор корхоналар фаолиятининг ҳам салбий натижалар билан ишлашига сабабчи бўлади, чунки уларга тўланадиган пулни ўзида сақлаб туради ёки бошқа мақсадлар учун ишлатиб қўйган бўлади.

Тўланган жарима ўз вақтида тўланиши керак бўлган маблағнинг «хизматини» қопламайди. Агар 500,0 минг сўм 3 ойга кечиктирилса 100,0 минг сўм жарима тўлаш мумкин. Лекин, 500,0 минг сўм ўша корхона учун 100,0 минг сўм эмас 300,0 ёки 400,0 минг сўм даромад келтириши мумкин эди.

2.2. Корхона иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлар шу даражада кўпки, улар корхона хўжалик фаолиятининг аксарият қисмини қамраб олади. Бу ҳақда муаллиф томонидан батафсил ёритилган адабиётлар чоп қилинган. Мазкур поарагрифда инвестиция лойиҳасининг молиявий таҳлилида қўлланиладиган корхона иш фаоллигини ифодалайдиган айрим кўрсаткичларгагина тўхталинади.

Корхона иш фаоллигини ифодаловчи ушбу соҳа билан боғлиқ кўрсаткичлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

* активлар самарадорлигини ифодаловчи коэффициент (Кас);
* ўз маблағлари самарадорлигини ифодаловчи коэффициент (Кўм);
* дебитор қарзларнинг айланувчанлик коэффициенти (Кда);
* дебитор қарзларнинг айланувчанлик муддати, кунларда (Кдк);
* товар ва моддий захираларнинг айланувчанлик коэффициенти (Кза);
* товар ва моддий захираларнинг айланувчанлик муддати, кунларда (Кзк).

Кўриниб турибдики, мазкур кўрсаткичлар тизимига асосан актив ва бошқа моддий бойликларнинг айланувчанлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар киритилган. Чунки корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятининг инвестиция билан боғлиқ соҳасига айнан шу

кўрсаткичлар дахлдордир. Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиб инвестор корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятида маблағлар айланиши, унинг даражаси, моддий маблағларнинг ўрта ҳисобда қанча муддатда пулга айланиши мумкинлиги каби жиҳатлар тўғрисида ҳулоса қилади. Шу туфайли корхона иш фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таркибини фақат шу гуруҳ кўрсаткичлар билан чегараланиши етарли деб ўйлаймиз.

Ҳар бир кўрсаткичнинг тавсифини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Активлар самарадорлигини ифодаловчи коэффициент (Кас) яъни активларнинг айланувчанлигини мартада ифодалайдиган мазкур кўрсаткични аниқлаш учун барча сотилган маҳсулотлар ҳажмини (Q) корхона активларининг ўртача йиллик қийматига (Б) бўлинади, яъни

$$Кас = \frac{Q}{Б};$$

Мазкур коэффициент ўта муҳим кўрсаткич бўлиб, у қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади:

* активларнинг ҳар бир сўмига бир йилда қанча сотилган маҳсулот тўғри келганлиги;
* активларнинг самарадорлик даражаси қандай эканлиги;
* активларга қўйилган инвестициянинг бир йилда неча марта айланиши мумкинлиги.

Агар ушбу кўрсаткич бир қанча корхоналар ўртасида солиштирилса қайсида юқори бўлса шу корхонага бемалол инвестиция қўйиш мумкин деган хулоса қилса бўлади. Активларнинг айланувчанлиги қанча тез бўлса у мазкур корхона маҳсулотининг бозоргирлигидан, тез сотилаётганлигидан далолат беради. Бундай корхоналарнинг молиявий-хўжалик аҳволи одатда яхши бўлади.

Ўз маблағлари самарадорлигини ифодаловчи коэффициент (Кўм)ни бошқача қилиб ўз маблағларининг айланувчанлик тезлиги (мартада) ҳам дейиш мумкин. Ушбу кўрсаткич инвестор учун ўта муҳим, чунки инвестициянинг ҳажми бевосита ўз маблағларида ифодаланса, уларнинг самарадорлиги шу коэффициент миқдори билан аниқланади.

Мазкур кўрсаткични аниқлашда сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмини (Q) ўз маблағларининг ўртача йиллик қийматига (Ўм) бўлинади, яъни:

$$Кас = \frac{Q}{Ўм};$$

Ушбу кўрсаткич ҳажмининг ошиб бориши ижобий ҳолат. Аммо тўғри хулосага келиш учун

* ўз маблағлари ўсиш суръатини сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг ўсиш суръати билан солиштириш лозим;
* ўз маблағлари ўсиш суръатини четдан жалб қилинган маблағлар ўсиш суръати билан ҳам солиштиришга тўғри келади;
* маблағлар манбалари таркибида ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлар ҳиссасини ҳам аниқлаш керак.

Маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ўсиш суръатининг ўз маблағларига нисбатан тез ўсиши унинг самарадорлигидан далолат беради. Агар ўз маблағлари ўсиш суръатига нисбатан четдан жалб қилинган маблағлар ўсиш суръати юқори бўлса мазкур корхона хўжалик фаолиятига четдан кредит ресурсларини ва бошқа маблағларни кўпроқ жалб қилаётганлигини кўрсатади. Бу хулосани янада ойдинлаштириш учун эса уларнинг таркибий ўзгаришлари ҳам аниқланади.

Агар мазкур коэффициентнинг миқдори камайиб борса у ўз маблағларининг самарадорлик пасаяётганлигидан, унинг айланиш тезлиги сусаяётганлигидан далолат беради. Бу ҳолда инвестор ўз маблағини қўйишга таваккал қилиши қийинроқ бўлади. Шу туфайли, мазкур ҳолатда, корхона раҳбарияти:

* ўз маблағининг самарадорлигини ошириш учун нималар қилиш лозимлигини;
* ўз маблағларидан қай ҳолатда фойдаланиш мумкинлигини;
* сотилган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришнинг қандай йўллари борлигини;
* ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағларнинг таркибий тузилишини ҳам яхшилаш каби йўлларини аниқлаб олишлари лозим.

Пировардида шундай йўл топиш керакки, ўз маблағлари юқори самара бериш билан бирга кўзда тутилган фойда ҳажмига эришишни таъминласин. Шундагина мазкур кўрсаткич инвестор

учун жозибали туюлади ва инвестиция қўйиши учун бир қарорга келишга асос бўлади.

Дебитор қарзларнинг айланувчанлик коэффициенти (Кда) инвестиция лойиҳасини амалга оширишда аниқланади ва таҳлил қилинади. Аммо бу кўрсаткичга жуда усталик билан ёндошиш лозим. Зеро дебитор қарзлар бизнинг маблағимиз бўлгани билан, ҳали улар бошқа шахслар қўлида. Шу туфайли дебиторлар ҳақида гап кетганда, албатта уларнинг таркибини иккига бўлиб ўрганиш, яъни умумий дебитор қарзлар билан биргаликда уларнинг қанчаси муддати ўтиб кетган дебиторларга тўғри келишини аниқлаш лозим.

Мазкур коэффициенти ҳисоблаш учун сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмини (Q) дебитор қарзларнинг ўртача йиллик қийматига (Д) бўлиш кифоя. Бу қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\text{Кда} = \frac{Q}{Д};$$

Мазкур кўрсаткичнинг ҳажми ошиб борса яхши. Агар у 10 га тенг бўлса, дебитор қарзларга қўйилган маблағ бир йилда 10 марта айланганлигидан далолат беради. Қанча тез айланса шунча яхши. Шунингдек, бу кўрсаткичнинг иккинчи жиҳати, дебитор қарзларга қўйилган бир сўм маблағ шу йил давомида қанча самара бераётганлигини ҳам ифодалайди. Мазкур ҳолатда 1 сўм дебитор қарзлардаги маблағимизга 10 сўм сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми тўғри келганлигини ифодалайди.

Дебитор қарзларнинг айланувчанлик муддати (Кдк)ни ифодаловчи коэффициентни икки йўл билан аниқлаш мумкин.

$$1.\ \text{Кдк} = \frac{360}{\text{Кда}} \qquad 2.\ \text{Кдк} = \frac{Д \cdot 360}{Q}$$

Икки ҳолатда ҳам бир хил натижани беради. Ушбу кўрсаткич ҳажмининг кўпайиши дебитор қарзларга қўйилган маблағларнинг айланиш муддатининг ўзайганлигидан далолат беради. Албатта бу ҳолатни ижобий баҳолаб бўлмайди. Шу жиҳатдан ушбу кўрсаткичнинг ҳажми қанча камайиб борса корхона учун шунча яхши, чунки у дебитор қарзларга қўйилган маблағнинг айланиш тезлиги жадаллашганлигидан далолат беради.

Товар ва моддий захираларнинг айланувчанлик коэффициенти (Кза) бир йўла бирқанча хулоса қилиш имконини беради. Ушбу кўрсаткич ҳажмига қараб:

* товар ва моддий захираларга қўйилган маблағларнинг таҳлил қилинаётган даврда неча марта айланганлигини;
* ушбу маблағлар самарадорлиги қандай ҳолатда эканлигини;
* сотилган маҳсулот (иш, хизмат)нинг сотилишининг жадаллигини;
* айланма маблағларнинг ликвид қисмининг кўпаяётганлиги эвазига корхонада тўлов қобилиятининг яхшиланаётганлигини;
* товар ва моддий захиралар ҳажмининг сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмига нисбатан жадал ёки тез ўсаётганлиги кабиларни билиш мумкин.

Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмини (Q) товар ва бошқа моддий заҳираларнинг ўртача йиллик қийматига (Тз) бўлинади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Кзс = \frac{Q}{Тз};$$

Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми қанча юқори бўлса ўшанча яхши. У мазкур соҳага қўйилган маблағларнинг тез айланаётганлигидан далолат беради.

Товар ва моддий захираларнинг айланувчанлик муддати, кунларда (Кзк). Ушбу кўрсаткични аниқлашда ҳам иккита усулдан фойдаланиш мумкин:

$$1.\ Кзк = \frac{360}{Кзс} \qquad 2.\ Кзк = \frac{Тз \cdot 360}{Q}$$

Ушбу кўрсаткич ҳажми товар ва бошқа моддий захиралардаги маблағларнинг бир айланишига неча кун талаб қилишини ифода этади. Масалан, мазкур кўрсаткичнинг миқдори 57 кун деб аниқланади. Бу рақам ушбу соҳага қўйилган маблағларнинг бир айланиши учун 57 кун талаб қилишини кўрсатади.

Ушбу кўрсаткични аниқлаб ва таҳлил қилиб:
* товар ва захираларга қўйилган маблағларнинг неча кунда бир марта айланиши;
* агар ушбу кўрсаткич ҳажми ошса товар ва бошқа моддий захираларнинг ўсиш суръати маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг ўсиш суръатига нисбатан ошаётганлиги кабилар тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Бу кўрсаткичлар ҳолати инвесторларни жалб қилиш учун асос бўлади. Чунки иқтисодий кўрсаткичлар инвесторлар учун жозибали бўлиши керак. Бу эса ўз-ўзидан амалга ошмайди. Буни амалга ошириш тажриба, тадбиркорлик ва ташаббус билан ишлашни тақозо қилади.

2.3. Корхоналар тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар

Ушбу кўрсаткичлар тизими корхонанинг тўлов қобилиятини ифодалайди. Агар корхонанинг ликвидлилиги унинг маълум муддатга тўловга қодирлигини белгиласа, мазкур кўрсаткичлар маълум даврда тўлаш қобилиятига эгами ёки эга эмаслигини билдиради. Корхона ликвидлигини аниқлашда унинг айланма маблағлари инобатга олинса, тўлов қобилиятини белгилашда асосий ўринда ўз маблағлари туради. Шу жиҳатдан мазкур кўрсаткичлар инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга. Корхонанинг тўлов қобилияти яхши бўлса кредиторлар ҳам бефарарх бўлмайди. Улар мазкур корхона билан бемалол иқтисодий муносабатларини ўрнатиши мумкин.

Умуман олганда корхона тўлов қобилиятининг яхши бўлиши унинг инвестицион жозибадорлигини оширади, ҳамкорларни жалб қилади ва пировардида хўжалик фаолиятининг самарадорлиги янада ошади.

Корхона тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ҳам иқтисодий таҳлилда асосий кўрсаткичлар гуруҳига киради. Бу ҳақда муаллифнинг бирқанча ишлари чоп этилган. Мазкур порагрифда инвестиция лойиҳасини молиявий жиҳатдан таҳлил қилишда қўлланиладиган айрим кўрсаткичларнинг аниқланиш йўллари ва нимани ифодалаши, яъни тавсифи кўриб чиқилади.

Корхона тўлов қобилиятини ифодаловчи бевоита инвестиция лойиҳасини таҳлил қилиш билан боғлиқ кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

* ўзлик коэффициенти (Кў);
* ўз маблағининг ҳукумронлик коэффициенти (Кўх);
* барча маблағларнинг қарамлик коэффициенти (Кбқ);
* ўз маблағларининг қарамлик коэффициенти (Кўқ);
* ўз маблағининг капиталлашганлик даражаси коэффициенти (Ккд);

* четдан жалб қилинган маблағларнинг қимматлилик коэффициенти (Кчқ).

Ўзлик коэффициенти (Кў) мулкдорнинг, яъни инвесторнинг манфаатини ифода қилади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ўз маблағларини (Ўм) барча мулкнинг миқдорига (Б) бўлиш кифоя.

$$Кў = \frac{Ўм}{Б};$$

Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми:

* ўз маблағларининг барча мулкдаги ҳиссасининг қанчалигини;
* агар ушбу коэффициент миқдорининг ўзгариши солиштирилса ва у ошган бўлса ўз маблағлари ўсиш суръатининг барча маблағлар ўсиш суръатига нисбатан юқорилиги;
* корхона молиявий салоҳиятида ижобий ўзгаришлар содир бўлаётганлиги каби хулосаларни чиқариш учун асос бўлади.

Ўз маблағларининг ҳукумронлик коэффициенти (Кўҳ) инвесторлар учун муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ўз маблағининг ҳукумронлиги деганда корхона хўжалик фаолиятининг асосий қисмини ўз маблағлари ҳисобидан таъминланиши тушунилади. Бу учун ўз маблағларининг ҳиссаси четдан жалб қилинган маблағларга нисбатан 1,5 баробардан кам бўлмаслиги керак. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун корхонанинг ўз маблағларини (Ўм) четдан жалб қилинган маблағларга (Чжм) бўлинади, яъни:

$$Кўҳ = \frac{Ўм}{Чжм};$$

Одатда ушбу кўрсаткичнинг миқдори ўрта ҳисобда 1,5 бўлса меъёр даражасида деб қаралади. Ушбу кўрсаткичлар орқали

* корхонанинг ўз маблағлари четдан жалб қилинган маблағларга нисбатан қанча кўплиги (камлиги)ни;
* корхона Ўм.нинг Чжм.га нисбатан ўзгариш суръатини;
* корхона молиявий салоҳиятидаги таркибий ўзгаришларни;
* корхона Ўм.нинг ҳукумронлик даражаси қандайлиги каби ҳолатлар аниқланади.

Иқтисодиётни эркинлаштирши жараёнида ҳар бир корхонанинг масъулияти ҳам ошиб боради. Бу шароитда корхоналар

четдан жалб қилинган маблағларга қарам бўлмасликлари керак. Бу эса ҳар бир корхона фаолиятини имкон қадар ўз маблағлари ҳисобидан таъминлашни тақозо қилади. Шу жиҳатдан ўз маблағлари ҳукумрон бўлишини таъминлаш лозим.

Барча маблағларнинг қарамлик коэффициенти (Кбқ) четдан жалб қилинган маблағларни (Чжм) корхонанинг барча маблағларига (Б) нисбати билан аниқланади. Бу учун қуйидаги формула қўлланилади:

$$Кбқ = \frac{Чжм}{Б};$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори аксарият ҳолларда 0,4 бўлса меъёр даражасида ҳисобланади. Мазкур коэффициент миқдори ва ўзгариши :

* четдан жалб қилинган маблағларнинг умумий маблағлардаги ҳиссасини;
* четдан жалб қилинган маблағлар ва умумий маблағлар ўсиш суръатларининг ўзгарганлигини (ошганлиги ёки камайганлигини);
* молиявий салоҳиятнинг таркибий тузилишида содир бўлаётган ўзгаришларни аниқлаш имконини беради.

Корхонанинг четдан жалб қилинган маблағлари миқдори ҳозирги пайтда умумий маблағлар таркибида 40 % дан ошмаслиги лозим. Агар бундан балан бўлса корхонанинг четдан жалб қилинган маблағларга, яъни кредиторларга қарамлиги ошиб боради. Корхонанинг қарамлиги қанча баланд бўлса унинг тўлов қобилияти шунча паст бўлади. Бу қолатга иқтисодий эркинлик шароитида йўл қўйиб бўлмайди.

Ўз маблағларининг қарамлик коэффициенти (Кўқ)ни аниқлаш ҳам юқоридаги Кбқ кўрсаткич сингари аниқланади, яъни четдан жалб қилинган маблағлар (Чжм) сўммасини ўз маблағлари сўммаси (Ўм)га бўлинади:

$$\mathbf{Кўқ = \frac{Чжм}{Ўм};}$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ўрта ҳисобда 0,80-0,66 коэффициентга тенг бўлса яхши. Умуман олганда четдан жалб қилинган маблағлар улуши ўз маблағларининг учдан биридан (1/3)

ошмаслиги керак. Акс ҳолда корхона кредиторларга қарам бўлиб қолади. Бунга ҳозирги шароитда йўл қўйиб бўлмайди.

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори :

* молиявий салоҳиятдаги таркибий тузилишни;
* ўз маблағларининг қарамлик даражасини;
* шу икки кўрсаткичнинг ўзгариш суръатининг ҳолатини;
* корхонанинг кредиторларга қарамлик даражаси каби ҳолатларни аниқлаш имконини беради.

Ушбу кўрсаткич ҳам корхонага инвестиция қўйиш жозибадорлигини белгилайдиган кўрсаткичлар сирасига киради.

Ўз маблағларининг капиталлашганлик даражасини ифодаловчи коэффициент (Ккд) асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлар сўммасини (Ав) ўз маблағлари сўммасига (Ўм) бўлиш йўли билан аниқланади. Бу учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$Ккд = \frac{Ав}{Ўм};$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори асосида:

* ўз маблағларининг қанча қисми кўчмас мулкни ташкил қилиши;
* ўз маблағларининг оборотдан ташқари активлар билан таъминланиш даражаси қандайлиги;
* уларнинг динамикасини аниқлаб шу иккала кўрсаткичнинг ўзгариш суръати қандай даражада эканлиги;
* агар ушбу коэффициент миқдори камайиб борса ўз маблағларининг кўпайиши оборотдан ташқари активларга нисбатан жадаллигини ва ўз навбатида ўз маблағларининг оборот активларига кўпроқ иштирок этиши каби ҳолатлар тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори албатта 1 дон кам бўлиши лозим (Ккд < 1), чунки бу ҳолда ўз маблағларининг бир қисми айланма маблағларда ҳам иштирок этиш имконини беради. Акс ҳолда айланма маблағлар тўлиқ кредиторларга қарам бўлиб қолиши мумкин.Бу ҳозирги бозор муносабатлари шароитида анча хатарли. Шу туфайли бундай ҳолатга имкон қадар йўл қўймаслик лозим.

Четдан жалб қилинган маблағларнинг қимматлилик коэффициенти (Кчқ) инвестиция қўйиладиган вақтда давлатнинг кредит сиёсати қандай аҳволда, банклар билан бўладиган ҳолат қандай вазиятда эканлигидан далолат беради.

Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун банк ва бошқа кредит берган ташкилотларга тўланган фоиз сўммасини (Фоиз) четдан жалб қилинган маблағлар (Чжм) сўммасига бўлиш лозим, яъни:

$$Кчқ = \frac{Фоиз}{Чжм};$$

Мазкур кўрсаткичнинг миқдори асосида:

* бир сўм четдан жалб қилинган маблағларга қанча фоиз (харажат) тўғри келишини;
* четдан жалб қилинган маблағларнинг улар учун тўлайдиган фоизга тўғри келишини;
* четдан жалб қилинган маблағларнинг корхона учун қанчалик қимматга тушиши тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Ҳамиша таҳлил қилиб кўриш лозимки четдан жалб қилган маблағлар корхона учун қанча самара беради. Албатта, бу борада тегишли ҳисоб-китоблар қилингандагина тегишли хулосага келиш мумкин.

2.4. Корхона рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткич

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхона рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам талайгина. Унинг қайсиларини қачон қўллаш бевосита таҳлилнинг мақсадидан келиб чиқади.

Инвестиция лойиҳасини таҳлил қилишда рентабеллик кўрсаткичларидан қуйидагиларни олиш мумкин:

* умумий активлар рентабеллиги (Куар);
* ўз маблағлари рентабеллиги (Кўр);
* асосий ва айланма маблағлар рентабеллиги (Камр).

Рентабеллик кўрсаткичлари, одатда корхонанинг самарадорлигини ифодалаш билан бирга инвестициянинг жозибадорлигини ҳам келтириб чиқаради. Инвестор, энг аввало, фойда олишни кўзда тутади. Унинг бу мақсади маълум даражада рентабеллик кўрсаткичнинг ҳажмида ўз ифодасини топади. Мазкур

кўрсаткичлар миқдори қанча юқори бўлса корхона учун ҳам, инвестор учун ҳам шунча яхши бўлиб ҳисобланади. Аммо уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга, хўжалик фаолиятининг у ёки бу жиҳатини ифода этади.

Умумий активлар рентабеллиги коэффициенти (Кур) фойда сўммасини (Ф) активларнинг умумий ўртача йиллик қийматига (Б) бўлиш йўли билан аниқланади, яъни:

$$Кур = \frac{Ф}{Б};$$

Ушбу кўрсаткич 1 сўм активларнинг бир йил давомида қанча фойда келтирганлигини ифодалайди. Унинг миқдори қанча юқори бўлса корхона ва инвестор учун шунча яхши. Аммо шуни инобатга олиш лозимки, биз фойда кўрсаткичини алоҳида аниқ ҳолда (ялпи фойда, соф фойда, солиқ тўлангунча фойда ва ҳ.к.) бермадик. Таҳлилнинг мақсадига қараб қайси соҳада фойданинг қайси кўрсаткичи муҳимлигини инобатга олган ҳолда унинг аниқ туридан фойдаланиш мумкин.

Умуман олганда, рентабеллик кўрсаткичлари уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари муаллиф томонидан қатор адабиётларда ёритилган. Бу ерда фақат уларнинг айримларигагина тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Ўз маблағлари рентабеллиги коэффициенти (Кўр) бевосита инвесторлар манфаатини номоён қиладиган кўрсаткичлардан биридир. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун фойда сўммасини (Ф) ўз маблағларининг ўртача йиллик қийматига (Ўм) бўлиш кифоя. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$Кўр = \frac{Ф}{Ўм};$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори:

* бир сўм ўз маблағлари (инвестиция қиймати) бир йил давомида қанча фойда келтиришини;
* ўз маблағлари (инвестиция қиймати) неча йилда ўзининг қийматини тўлиқ қоплай олишини;
* уларнинг динамикасини, яъни фойда ёки ўз маблағларининг жадал ўсаётганлиги каби хулосаларни қилиш учун асос бўлади.

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори қанча баланд бўлса корхона ва инвесторлар учун шунча яхши. Шу туфайли унинг доимий ўсиб боришини, ҳеч бўлмаганда камайишга йўл қўймаслигини таъминлаш лозим. Шундагина корхона инвестициясининг жозибадорлигини, унинг иқтисодий самарадорлигини оширишга мувоффақ бўлади.

Асосий ва айланма маблағлар рентабеллиги коэффициенти (Камр) фойда сўммасини (Ф) асосий ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига (Ав, Ам) бўлиш йўли билан аниқланади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$Камр = \frac{Ф}{Ав + Ам};$$

Аксарият ҳолда инвестиция асосий ва айланма маблағларга қўйилади. Уларнинг ишлатилиши корхонага ҳам, инвесторга ҳам фойда келтиради. Уларнинг келтирадиган фойдаси инвестор манфаатини ифодалайди. Шу туфайли инвестиция лойиҳасини таҳлил қилганда мазкур энг анъанавий кўрсаткичдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ушбу кўрсаткични баҳолаб ва солиштириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

* бир сўм асосий ва айланма маблағларга қанча фойда тўғри келганлиги тўғрисида;
* асосий ва айланма маблағларнинг самарадорлиги ҳақида;
* агар уларнинг динамикаси аниқланса шу учта кўрсаткичдан қайсилари жадал ўсаётганлиги тўғрисида ва ҳ.к.

Юқорида молиявий коэффициентларнинг аниқланиш йўллари ва мазмуни кўриб чиқишди. Ушбу коэффициентларнинг моҳияти шу таъкидланганлар билан чекланмайди, чунки уларни мазкур ишда инвестиция лойиҳасини амалга оширишда корхонанинг инвестиция жозибадорлигини кўтариш ва инвесторнинг манфаатини ифодалаш нуқтаи назаридан қараб чиқилди.

Ушбу коэффициентларнинг бир қанча ютуқлари билан бирга ўзларига яраша айрим камчиликлари ҳам мавжудки, уларни таҳлил жараёнида албатта инобатга олиш лозим. Чунки лойиҳа таҳлилида асосан бўладиган келгуси жараёнлар ўрганилади. Аммо мазкур коэффициентларни бўлғуси жараёнлар учун аниқлаш қийин. Шу туфайли, лойиҳа таҳлили нуқтаи назаридан, мазкур молиявий

коэффициентларнинг қуйидаги камчиликларини инобатга олиш лозим:

* коэффициентлар ҳақиқий маълумотларга, яъни ҳисоботда ифода этилган маълумотларга асосан ҳисобланади. Бу уларни солиштиришда баъзи қийинчиликларни туғдириши мумкин;
* коэффициентлар ўтган даврни ифодалайди. Бу эса аниқланган камчиликларни бартараф қилиш имконини бермайди. Бу камчиликларни фақат келгусида инобатга олиш лозим, холос;
* коэффициентлар инфляция даражасини инобатга олмайди;
* уларнинг йўналиши турли бўлганлиги бир хил хулоса чиқаришни қийинлаштиради;
* уларнинг миқдори жуда кичик рақамларда ифодаланади. Бу катта иқтисод учун ҳеч аҳамиятсиздек туюлиши мумкин;
* коэффициентларни ҳисоблаш учун турли ҳисоботлардан фойдаланишни, қўшимча таҳлилий жадваллар тузишни тақозо қилади ва ҳ.к.

Аммо бу камчиликлар корхона молиявий хўжалик фаолиятини, инвестициянинг ҳолатини, инвестиция жозибадорлигини баҳолашга салбий таъсир қилмайди. Шу туфайли ушбу коэффицентлар билан ишлаганда уларга тўғри ва одилона ёндошиш лозим бўлади. Зеро таҳлилчининг хулосаси корхонани бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Қачонки ахборотлар тўғри бўлса, тўғри хулоса чиқарилади. Тўғри хулоса корхонани одилона бошқариш имконини беради. Ҳамиша САҲТХОБ томойили амал қилади (С-софлик, Аҳ-ахборотлар ҳаққонийлиги, Тх - тўғри хулоса, ОБ-одилона бошқарув).

3. Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усули

Лойиҳани биринчи ҳисобда ҳисоб-китоблар билан самарадорлигини ҳисоблашда содда фойда ҳисоботи моделидан фойдаланишимиз мумкин.

Фойда ҳисоботи моделидан фойдаланиб, лойиҳанинг оддий усулда самарадорлигини аниқлаш

Кўрсаткичлар	Халқаро стандарт бўйича	Маҳаллий стандарт бўйича
Товар сотилишидан тушум	100$	60$
Сотилган товарларнинг таннархи	40$	40$
Умумий фойда (3=1-2)	60$	20$
Бошқарув харажатлари Маркетинг харажаталри Бошқа харажатлар	15$	15$
Солиқ ва кредит фоизини тўлашдан олдинги фойда (7=3-4-5-6)	45$	5$

Бу жадвалдан кўриниб турибдики лойиҳанинг фойдалилик даражаси солиқ ва кредит фоизини тўлашдан олдинги фойда кўрсаткичида кўринади. Кўп ҳолларда тижорат банклари лойиҳанинг самарадорлик даражасини ҳамда кредитни қайтариб бериш қувватини аниқлашда бу кўрсаткич 30% дан юқори бўлишини хоҳлайди. Бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, кредитни қайтариш коэффициенти шунча юқори деб тушунилади. Шу билан биргаликда умумий фойда кўрсаткичининг коэффициенти ҳам 50% дан юқори бўлса, мақсадга мувофиқ деб тушинилади. Ўзбекистондаги тижорат банклари лойиҳа харажатларининг камида 25%и мижозлар тамонидан қопланишини талаб этади. Агар мижозлар 30-35 ва ундан кўп фоизда лойиҳани молиялаштирса, унда лойиҳалар тижорат банклари тамонидан янада енгилроқ молиялаштирилиши мумкин.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу лойиҳада халқаро стандарт бўйича кутилаётган соф фойда 60%ни, солиқ ва кредит тўлашдан олдинги фойда 45% ни ташкил этади. Демак, бу лойиҳани биринчи содда усул билан таҳлил қилганимизда унга ижобий баҳо беришимиз мумкин. Жадвалдан яна қўйидаги хулосага келиш мумкин: лойиҳадаги солиқ ва кредит фоизини тўлашдан олдинги фойда 45% ни ташкил этгани учун корхона умумий тушумнинг 45% гача миқдорида инвестиция олиш мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, агар корхонанинг умумий тушумлари бир млн.доллар миқдорда кутилаётган бўлса, корхонага максимум 450 минг доллар миқдорда кредит бериши мумкин. Бунда тижорат банкининг кредитлаш коэффициенти умумий фойдага нисбатан 1:0,5

қилиб белгиланган. Шуни айтиш керакки, ривожланган мамлакатларда бу коэффициент 1:1, 1:3,1:4, ва ҳоказо қилиб белгиланган. Амалиётда кредит олиш ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам осон эмас. Шунинг учун ғарб мамлакатларида шундай муҳит мавжуд: инвестицияни олиш инвестиция керак бўлмаган компаниялар учун осон, чунки уларнинг активлари ва соф фойдаси юқори, банклар учун эса уларнинг кафолати етарли, аммо уларнинг кредитга зарурати йўқ. Ўрта ва кичик бизнес корхоналари учун тузилган лойиҳалар юқори миқдорда қўшилган қиймат яратса, уларнинг инвестиция олиш иконiятлари кўпаяди.

«Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими» мавзуси бўйича

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- лойиҳанинг молиявий таҳлилида қўлланиладиган ҳисоботлар тизими
- лойиҳанинг молиявий таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар
- умумий ликвидлик коэффиценти
- оралиқ ликвидлик коэффиценти
- мутлақ ликвидлик коэффиценти
- корхона ликвидлиги
- корхона тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар
- корхонанинг рентабеллигини ифодаловчи кўрсаткичлар
- лойиҳанинг молиявий самарадорлиги

25-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. Инвестиция лойиҳасини иқтисодий таҳлил қилишнинг моҳияти ва мақсади
2. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари. Лойиҳанинг мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаш
3. Инвестициянинг бозор ва муқобил баҳоси

1. Инвестиция лойиҳасини иқтисодий таҳлилнинг моҳияти ва мақсади

Лойиҳа Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг устувор йўналишларига ва иқтисодий хавфсизлигига жавоб бериши керак. Шунинг учун иқтисодий таҳлил инвестиция лойиҳасини умумжамият манфаати нуқтаи назаридан ўрганади. Иқтисодий таҳлил лойиҳаларга кенгроқ ёндашиб, даромад ва харажатларни баҳолашда молиявий таҳлилдан фарқ қилади. Умуман, бу таҳлилда даромадлар-харажатлар оқимини баҳолашда молиявий таҳлилга қараганда икки катта ўзгаришга йўл қўйилади.

Биринчидан, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқарувчилар олган субсидиялар солиқ тўловчиларнинг йўқотишлари билан қопланиб кетса, айрим шахслардан тушадиган тўловлар умуммиллий даражада ресурслар миқдорини ўзгартирмайди. Иккинчидан, бир лойиҳани амалга ошириш иккинчи бир лойиҳа учун ресурслар миқдори камайишига олиб келиши мумкин. Мисол учун, Самарқанд вилоятида 15000 тонна помидор етиштирилади. Европа технологиясида қайта ишланган памидор томат пастаси, агар 220 кг.лик ассептек қопларга қадоқланса ва Европанинг ISO-9001 сертификати билан кафолатланса, лойиҳа валюта келтирувчи лойиҳага айланади.

Агар шундай завод мавжуд бўлсаю, унинг талаби 12000 тонна помидорни қайта ишлашга мўлжалланган бўлса, демак, кейинги лойиҳага фақат 3000 тонна помидор қоляпти. Қўшимча заҳиралар билан яна 5000 тонна памидор етиштирилса ҳам иккинчи турдош корхонанинг лойиҳасига хом ашё тақчил бўлади. Бу ҳолда иккинчи лойиҳа ўзи билан бир хил бўлган биринчи лойиҳага конфликтли

лойиҳа деб баҳоланиши мумкин. Бундан хулоса шуки, биринчи лойиҳанинг амалга оширилиши иккинчи лойиҳани молиялаштиришни самарасиз қилиб қўяди. Бу ҳолда умумжамият нуқтаи назаридан иқтисодий даромад молиявий даромаддан паст бўлади ва буни лойиҳа бўйича иш бошлашдан олдин ҳисобга олиш зарур. Молиявий таҳлилда фойдали деб баҳоланган лойиҳа ўзининг салбий экологик ёки ижтимоий оқибатлари туфайли иқтисодий таҳлилда фойдасиз деб баҳоланиши мумкин.

Лойиҳанинг экологик жиҳатлари билан боғлиқ иқтисодий харажатлар ҳисобга олинганда кўп ҳолларда у самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Лойиҳанинг экологияга салбий таъсирини олдини олиш учун тозалаш иншоотлари қуришга тўғри келади. Бу ҳолда инвестиция харажатлари кўпаяди ва лойиҳанинг самарадорлиги пасаяди. Натижада лойиҳа самарасиз деб ҳисобланиши мумкин. Молиявий таҳлил ва иқтисодий таҳлил ўртасидаги фарқларни қуйидагича келтириш мумкин:

1. Молиявий таҳлилда даромад ва харажатларга нисбатан алоҳидаа бозор баҳолари қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилда муқобил ижтимоий қийматлар (даромадлар ва харажатларга нисбатан яширин баҳолар, экологик даромад ва харажатлар, фойдалинилмаётган ёки тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш омиллари) қўлланилади.

2. Молиявий таҳлилда капитал харажатлар лойиҳа хизмат муддатига тақсимлаб чиқилади (амортизация).

Иқтисодий таҳлилда эса капитал харажатлар фойдаланиш (ишлатилиш) йилидаги бир маротабалик харажат суммаси сифатида ҳисобга олинади.

3.Молиявий таҳлилда солиқлар ва турли гуруҳлар ўртасидаги бошқа бир томонлама тўловлар ҳисобга олинади. Иқтисодий таҳлилда эса бу тўловлар ва солиқлар жамият ичидаги трансферт тўловлари бўлгани учун ҳисобга олинмайди.

4.Молиявий таҳлилда дисконтнинг хусусий ставкаси қўлланилади.

Иқтисодий таҳлилда лойиҳалар бўйича даромадлар ва харажатлар оқимларини даромад даражаларига кўра гуруҳлар бўйича ўрганилади.

Умуман олганда, иқтисодий таҳлил лойиҳанинг ҳомийларига ҳам, бошқаларга ҳам таъсирини ўрганган ҳолда у жамият учун қанчалик фойдали эканлигини, уни амалга ошириш учун жамият

нуқтаи назаридан ресурс ажратиш қанчалик мақсадга мувофиқлигини текширади.

Даромадлар ва харажатларни иқтисодий таҳлил қилиш ресурслардан самаралироқ фойдаланиш мақсадида иқтисодий танлаш муаммосини қулай ва тушунарли изоҳлаш усулидир. Ҳар бир мамлакат у ёки бу маҳсулотни кўп ишлаб чиқара олади. Лекин бир йўла ҳамма маҳсулотни кўп ишлаб чиқариб бўлмайди. Шу сабабли ресурслардан фойдаланишнинг турли вариантларидан бирини танлашга тўғри келади. Минимал харажатлар билан максимал натижаларга эришишни таъминлайдиган қилиб инвестициялашга эришган мамлакатгина ўз ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлай олади.

Иқтисодий таҳлил мақсади лойиҳа билан боғлиқ барча самараларни кўриб чиқиш учун умумий асос яратишдир. Бунга:

1. Бозор битимларинидан ўз аксини топадиган иқтисодий ўзгарувчиларни аниқлаш (масалан, уй баҳоси у жойлашган худуд сифатини тарнспорт, мактаб кабиларнинг яқинлигини, уй-жой архитектурасининг урф бўлган утрини, хоналар сонини акс эттиради);

2. Лойиҳанинг турли белгиларини баҳолашга аҳоли муносабатини аниқлаш учун лойиҳанинг фойдали томонларини характерловчи кўрсаткичларга пулда ифодаланмайдиган қийматалрни киритиш;

3. Лойиҳаларни бевосита ўлчанадиган бошқа харажаталри ҳамда натижаларини таққослаш имконини берувчи чизмаларни ишлаб чиқиш йўли билан эришилади.

Булар асосида лойиҳадан олинадиган манфаат унга сарфланган харажатдан ошиш-ошмаслиги тўғрисида мураккаб қарорга келинади. Бунда манфаат (даромад) ва харажаталр ягона ўлчов бирлигида ифодаланади.

Лойиҳани қабул қилиш, лойиҳа бўйича истеъмол қилинадиган ресурслардан фойдаланиш борасидаги муқобил вариантлардан ҳеч бири мамлакат олдида турган вазифалар нуқтаи назаридан бундан юқорироқ натижа бермаслигини англатади.

Иқтисодий таҳлил, яъни даромадлар ва харажаталрни таҳлил қилиш усуллари 3-бобда акс эттирилган. Бунда NPV, PI, IRR, CC, PP, ROI каби кўрсаткичлари ҳисобланади.

2. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари. Лойиҳанинг мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаш

Даромадлар ва харажатларнинг таҳлили қуйидаги тадбирларни ўтказишдан иборат:

1. Лойиҳа мақсадларини аниқлаш ва бош мақсаднинг иқтисодий мазмуни, оқибатларини англаш;

2. Лойиҳани баҳолаш чизмасини ва босқичларини аниқлаш;

3. Лойиҳа натижалари бўйича талабни прогноз қилиш;

4. Даромад ва харажатларнинг иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

5. Рентабеллилик кўрсаткичларини баҳолаш;

Таъсирчанлик ва таваккал хавфи (қалтислик) даражасини таҳлил қилиш.

Лойиҳа мақсадлари уни молиялаштирувчи ташкилотнинг оператив вазифаларини акс эттиради. Масалан, транспорт соҳаси бўйича лойиҳа мақсади транспорт қатнови самарадорлигини таъминлаш, саноат лойиҳасининг мақсади эса маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўлиши мумкин.

Муқобил вариантларни кўриб чиқиш лойиҳани тайёрлаш ва ишлаб чиқишнинг муҳим қисми ҳисобланади. Техник, муқобил вариантлар (яъни, ёқилғи учун ё кўмир ёки газни қўллаш, темир йўлни узайтириш ёки янги автомобил шоссесини қуриш)ни бир-бири билан таққослаш ва энг муқобилини танлаб олиш керак. Агар ҳамма вариантлар миқдор ва сифат жиҳатдан бир хил натижа берса, ҳам инвестиция, ҳам эксплуатация харажатларини ҳисобга олганда энг кам харажат талаб этиладиган лойиҳа танланади.

Иқтисодий таҳлил чизмаси турлича бўлиши мумкин. Бундай лойиҳа мақсадларига салбий таъсир этувчи ҳамма нарса харажатларга, ижобий таъсир этувчи ҳамма нарса даромадалрга киритилади.

Лойиҳа таҳлили даромад ва харажатларни ресурслардан фойдаланишнинг бошқа вариантлари бўйича эришилиши мумкин бўлган даромад ва харажатлар билан қиёслайди. Кўпинча лойиҳасиз ва лойиҳа билан деган чизма қўлланилади.

Масалан, цемент заводи қурилиши бўйича лойиҳа бор бўлса, инвесторлар бошқа лойиҳаларга сармоя қўйиш имкониятидан маҳрум бўлади. Аммо цемент ишлаб чиқаришнинг кўпайиши натижасида унинг нархи тушиб кетиши, харидорлар учун цементга

камроқ пул тўлаш, айрим харидорлар учун эса бошқа қурилиш материаллари ўрнига цемент ишлатиш имкониятини пайдо қилиши мумкин.

Лойиҳа билан ва лойиҳасиз вазиятларни солиштириш лойиҳани амалга ошириш натижасида олинадиган қўшимча ва ўсган даромадалрни ҳисоблашнинг асосий услубидир. Лойиҳасиз вазиятларни истиқболга баҳолашда харажатларнинг тахмин қилинаётган ўсуви ёки даромадларнинг пасайишига нисбатан реакцияни ҳисобга олишк ерак. Бу лойиҳани амалга ошириш юзага келтирадиган ўзгаришларни тўлиқ акс эттириш имконини беради.

Лойиҳа натижаларига талабни таҳлил ва прогноз қилиш киритиладиган ресурслар ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот бозорларини таҳлил қилишни ўз ичига олади ҳамда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни билишни, лойиҳага тааллуқли ресурслар ва маҳсулотлар маркетинги ҳақида маълумотга эга бўлишни талаб этади.

3. Инвестициянинг бозор ва муқобил баҳоси

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари шароитида молиявий таҳлил билан иқтисодий таҳлил ўртасида топовут уларда қўлланиладиган боҳода намоён бўлади. **Молиявий таҳлилда асосан товарни олиш ва сотишда, хўжалик юритувчи субъект нуқтаи назаридан қаралади ва бозор баҳосидан фойдаланилади. Иқтисодий таҳлилда эса бу жараён,** жамият нуқтаи назаридан қаралиб, **муқобил баҳода ифодаланади.**

Маҳсулотнинг (иш хизматнинг) **бозор баҳоси** деганда унинг сотилиши ва сотиб олинишида қўлланиладиган (тўланадиган) баҳоси тушунилади.

Маҳсулотнинг (иш, хизматнинг) **муқобил баҳоси** деганда жамиятга келтириладиган фойдаси ёки зарарини ўзида акс эттирган солиқлар билан қўшиб ҳисобланган баҳо тушунилади.

Бирорта маҳсулот (иш, хизмат) корхона учун, масалан, унинг молиявий қиймати 400 сўм баҳоланиши мумкин. Бу корхона учун молиявий жаҳатдан фойдали бўлиб, маълум муддат давомида, ўзгармасдан қолиши табиий. Аммо давлат унга акциз, қўшилган қиймат каби солиқларни қўшган ҳолда сотилишини ташкил қилади. У ҳолда корхонанинг молиявий баҳоси ўзгармаган ҳолда унинг сотилиш (муқобил) баҳоси ўзгариб туради. Агар мазкур товарга акциз 100 сўм бўлса у 500 сўмга (400+100) сотилади, агар унинг

миқдори 200 сўмга кўтарилса мазкур товарнинг қиймати 600 сўмга (400+200) етади ва ҳ.к.

Бу ҳолатни шартли равишда давлат учун «фойдали» жамият учун эса «зарарли» деб қабул қилиш мумкин. Чунки акциз, қўшилган қиймат каби солиқлар давлатнинг бюджетига бориб тушади. Улар эса жамият аъзолари, аҳоли томонидан товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш пайтида тўланади. Шу туфайли бу биринчи босқичда давлат учун «фойдали» жамият учун «зарарли» бўлиб кўринади. Аммо давлат ушбу маблағларни жамият эҳтиёжини қондиришга, яъни уларни электр қуввати, газ, сув кабилар билан таъминлашга, йўл қурилишига, социал ҳимояга, таълимни ривожлантириш, жамият тинчлигини таъминлаш кабиларга сарфлайди. Бир қарашда «тўланган» солиқлар жамият учун «зарарли» туюлсада пировардида фойдали эканлигига ишончимиз комил бўлади.

Бу ҳолат бевосита маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг бозор ва муқобил баҳолари орқали намоён бўлади. Иқтисодий таҳлилда инвестиция лойиҳаларига бозор баҳоси билан биргаликда ана шу муқобил баҳони қўллаган ҳолда ҳам ёндошилади. Кўриниб турибдики, инвестиция лойиҳасини фақат хўжалик юритувчи субъект ёки мулкдор (инвестор) нуқтаи назаридан қараб уни молиявий жиҳатдан таҳлил қилиш билан чегараланиб қолиш етарли эмас экан. Уни жамият нуқтаи назаридан ҳам баҳолаб иқтисодий таҳлил қилиш объектив ҳаётий зарурат эканлигига амин бўлдик.

Шуни эътироф этиш керакки инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилишда, албатта, уларни молиявий ва иқтисодий таҳлил қилиш лозим. Зеро, фақат хўжалик юритувчи субъект манфаатини кўзлаб жамият юритувчи субъект манфаатини инобатга олмаслик мумкин эмас. Бозор муносабатлари шароитида манфаатлар уйғунлиги таъминланган тақдирдагина мўлжалдаги иқтисодий тараққиётга эришиш, кўзланган самарадорликни қўлга киритиш мумкин.

Инвестицияни баҳолашда унинг бошланғич ва келгуси қиймати ҳам қўлланилади.

Инвестициянинг бошланғич қиймати (баҳоси) деган\да у қўйилган пайтдаги пулдаги ҳажми тушунилади.

Инвестициянинг келгуси қиймати деганда мазкур маблағларнинг фоизини инобатга олган ҳолда дисконтлаштириш

коэффициентини қўллаб аниқланган унинг маълум вақтдан кейинги қиймати тушунилади.

Масалан, инвестор ўзининг 100,0 минг сўмлик маблағини 10 % лик фойда ставкаси билан 5 йилга инвестицияга қўйди. У шу йиллар давомида қуйидаги миқдорни ташкил қилади:

0 йил 100,0 х 1,0 = 100,0 минг сўм
1 йил 100,0 х 1,1 = 110,0
2 йил 110,0 х 1,1 = 121,0 минг сўм
3 йил 121,0 х 1,1 = 133,1 минг сўм
4 йил 133,1 х 1,1 = 146,4 минг сўм
5 йил 146,4 х 1,1 = 161,1 минг сўм

Агар уни қисқартирилган ҳолда оладиган бўлсак у қуйидагича аниқланади:

$100,0 \text{ х } (1 + 0,1)^5 = 100,0 \text{ х } 1,1 \text{ х } 1,1 \text{ х } 1,1 \text{ х } 1,1 \text{ х } 1,1 =$
$= 161,1$ минг сўм

Бу ерда инвестициянинг бошланғич қиймати 100,0 минг сўмни ташкил қилса, унинг 5 йилдан кейинги келгуси қиймати 161,1 минг сўмга тенг эканлигини кўрамиз.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкин, яъни мулкдор, 100,0 минг сўмлик маблағини 10 % лик ставка билан инвестицияга қўйсау беш йилдан кейин 161,1 сўм керак бўлса у шу йил 10 % лик фойда ставкаси билан 100,0 минг сўм инвестицияга маблағ қўйса етарли экан.

«Инвестиция лойиҳасини иқтисодий таҳлил қилишнинг моҳияти ва вазифалари» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Инвестиция лойиҳасини иқтисодий таҳлил қилишнинг моҳияти
- Лойиҳа мақсадлари
- Лойиҳаларни иқтисодий таҳлил қилишнинг вазифалари
- Инвестициянинг бозор баҳоси
- Инвестициянинг муқобил баҳоси
- Яширин баҳолар

26-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИДА МАНФААТЛАР ВА ХАРАЖАТЛАРНИ АНИҚЛАШ

Режа:

1. Инвестициянинг фоизи ва унинг капиталлашганлиги
2. Инвестиция ва ташқи савдо
3. Инвестиция лойиҳаси иқтисодий таҳлилида манфаатлар ва харажатларни ўлчаш услублари

1. Инвестициянинг фоизи ва унинг капиталлашганлиги

Инвестициянинг ўзига хос хусусияти шундаки, у қўйилдими, энг аввало, ундан кўзланган мақсад фойда олишдан иборат бўлади. Шу туфайли инвестор фойда олишни ўйлаб иш тутса, инвестиция олувчи, яъни тадбиркор уни ишлатиб инвестор кўзлаган фойдадан ҳам кўпроқ фойда олишни мақсад қилиб қўяди. Шу туфайли тадбиркор инвесторнинг фойдасини таъминлашни ва ўзи ҳам фойда олишни кўзлаб иш тутади.

Бу жараёнга жамият нуқтаи назаридан қарайдиган бўлса, бирор бир маблағни инвестицияга қўйиш жамият учун ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Фақат маблағ бир қўлдан (эгасидан) иккинчи қўлга (эгасига) ўтади. Жамият учун мазкур инвестиция фойдали бўлади қачонки шу инвестицияни ишлатиш эвазига бирор миқдорда фойда яратилса. Жамият учун яратилган фойданинг ҳаммаси унинг фойдаси ҳисобланади.

Жамият учун бу фойда кимга ва қанчадан тақсимланганлигининг «аҳамияти йўқ». Масалан, бир мулкдор иккинчи мулкдорга (тадбиркорга) 500,0 минг сўм инвестиция қўйди. Мулк биридан иккинчисининг ихтиёрига ўтди. Биринчисида маблағ инвестиция ҳажмида берилган муддатига камаяди, иккинчисида эса кўпаяди. Аммо жамият миқиёсида бу маблағнинг миқдори ўзгармаган ҳолда қолмоқда. Бироқ, тадбиркор шу инвестицияни ишлатиб 30,0 минг сўм фойда қилди. Унинг 10,0 минг сўмини инвесторга берди ва 20,0 минг сўмини ўз фойдасига айлантиради. Бу ерда инвесторнинг фойдаси 10,0 минг сўм, ўзиники эса 20,0 минг сўм. Жамият учун бу фойданинг миқдори 30,0 минг сўмни ташкил қилади.

Тадбиркор ҳар йили инвестициянинг фоизини ва маълум белгиланган вақтдан кейин унинг тўлиқ қийматини қайтаради. Бу ҳолда ҳам маблағ бир қўлдан иккинчисига ўтади. Бир фирма олган инвестициясини (қарзини) бутунлай қутилди. Аммо у шу инвестицияни ишлатиш эвазига эришган фойдага эга бўлди, иккинчиси эса қўйган инвестициясини маълум фойда билан қайтариб олишга мувоффақ бўлди. Бу ҳолда ҳам **Жамиятнинг фойдаси** шу инвестицияни ишлатиш йўли билан иккала субъектнинг (инвестор ва тадбиркорнинг) олган фойдасига тенг бўлади.

Кўриниб турибдики, жамиятнинг манфаати, инвестор ва тадбиркор манфаатининг йиғиндисига тенг экан. Шу туфайли жамият учун яратилган миллий даромаднинг умумий миқдори муҳим. Хўжалик юритувчи субъектлар учун эса шу миллий даромаднинг қайси қисмига эга бўлиши муҳим. Бу эса жамиятдан яратилган миллий даромадни одилона тақсимланиш механизмини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Инвестиция ва уни ишлатиш нуқтаи назаридан мулкдор (инвестор), тадбиркор ва жамият иборалари ишлатилмоқда. Булар ушбу мавзунинг таянч иборалари бўлиб қуйидагича талқин қилинади.

Мулкдор (инвестор) деганда инвестицияга қўйиш учун ортиқча маблағига эга бўлган ва шу маблағини бирор лойиҳага инвестицияга қўйган жисмоний ёки ҳуқуқуий шахс тушунилади.

Тадбиркор деганда шу инвестициядан фойдаланиш эвазига ўзи ва мулкдор (инвестор) учун маълум миқдорда фойда олишни кўзлаб фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Жамият деганда шу давлат худудида жойлашган барча аҳоли ва уни бошқариб турган давлат тушунилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур таянч иборалар ушбу мавзу нуқтаи назаридан қаралган ҳолда ёритилмоқда.

Инвестор ўз инвестициясидан келадиган маблағини фоиз сифатида ҳар йили олиши ҳам мумкин ва уни яна оборотга қўйиб капиталлаштириши ҳам мумкин. Масалан, инвестор 200,0 минг сўм инвестицияни 5 йилга 10 фоизлик фойда ставкаси билан қўйган бўлса ва барча фоизларни инвестицияга қўйиб уни капиталлаштирмоқчи бўлса, инвестициянинг миқдори йилдан-йилга ошиб борада.

Биринчи йилда 220,0 минг сўм (200,0 х 1,1) капиталлашган фоиз

20,0 минг сўм (220,0 - 200,0)
Иккинчи йилда 242,0 минг сўм (220,0 х 1,1) капиталлашган фоиз
220,0 минг сўм (242,0 - 220,0)
Учинчи йилда 266,2 минг сўм (242,0 х 1,1) капиталлашган фоиз
24,2 минг сўм (266,2 - 242,0)
Тўртинчи йилда 292,8 минг сўм (266,2 х 1,1) капиталлашган фоиз
266,0 минг сўм (242,8 - 266,2)
Бешинчи йилда 322,1 минг сўм (292,8 х 1,1) капиталлашган фоиз
29,3 минг сўм (322,1 - 229,8)

Бу ҳолда инвестициянинг бошланғич қиймати 200,0 минг сўмни, умумий охирги қиймати 322,1 минг сўмни, қўшимча капиталлашган қиймати 122,1 минг сўмни (322,1-200,0) ёки (20,) + 22,0 + 24,2 + 26,6 + 29,3) ташкил қилади. Бу эса мулкдорнинг шу 5 йил мобайнида инвестициясидан қилган фойдаси ҳисобланади. Агар инвестор шу инвестициядан фоизини ҳар йили олиб турганда эди, унинг фойдаси 100,0 минг сўмни (20,0 х 5) ташкил қилган бўлар эди, холос. У ўз фоизини капиталлаштириш эвазига яна 22,1 минг сўм (322,1 - 100,0- 200,0) қўшимча фойда олишга эришган. Бу фойда инвестиция фоизининг **капиталлашганлигидан олинган фойдаси** ҳисобланади.

Инвестиция двидендининг (фоизининг) **капиталлашганликдан олинган фойдаси** деганда двиденд (фоиз) сўммасини яна инвестицияга қўйиб унинг фақат шу қисмига ҳисобланган двиденд (фоиз) сўммаси тушунилади.

2. Инвестиция ва ташқи савдо

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг уни жаҳон таниди ва тан олди. Ўз навбатида Ўзбекистон ҳам жаҳонни таниди. Бу жараён савдо-сотиқ, инвестиция муносабатларига ҳам ижобий таъсир қилмоқда, Ўзбекистонга чет эл инвестицияси билан бирга илғор технология ҳам кириб келмоқда. Бу асосда жуда кўп қўшма корхоналар вужудга келди.

Ўзбекистон ҳамма соҳада жаҳон бозорига чиқди. Жаҳоннинг инвестиция, хом ашё, ахборот, истеъмол товарлари, ишлаб чиқариш воситалари, технология каби бозорларида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлмоқда. Ўзбекистонга жорий инвестициялар оқиб келмоқда. Аммо бу ўз-ўзидан содир бўладиган жараён эмас. Бунинг жуда кўп ижтимоий-иқтисодий омиллари бор. Ўзбекистонда ташқи

инвестерларни қўллаб-қувватлайдиган, уларнинг мулки ва фаолиятини кафолатлайдиган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар тизими яратилди. Иқтисодий ва сиёсий барқарорликка эришилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда ташқи инвесторлар учун тегишли шароит яратилганлигидан далолатдир.

Инвестициянинг ўз вақтида қопланишини таъминлаш, унинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири хорижий мамлакатлар билан ташқи савдони амалга оширишдан иборатдир. Ташқи савдонинг асосий кўрсаткичларидан бири ташқи савдо обороти бўлиб ҳисобланади.

Ташқи савдо обороти деганда мамлакатдан экспорт қилинган (чиқарилган) ва мамлакатга импорт қилинган (киритилган) товарларнинг умумий ҳажми тушунилади.

Лойиҳа таҳлилида инвестиция хорижий мамлакатлар билан боғлиқ бўлса унда «Ташқи савдо обороти товарлари» тушунчаси мавжуд. Уларга экспорт ва импорт қилиниши мумкин бўлган барча товарлар киради. Лекин жамият тараққиётининг маълум босқичларида ҳамма товарни мамлакатдан чиқаришга (экспорт қилишга) ва киритишга (импорт қилишга) рухсат бермаслиги мумкин. Аммо рухсат бермасада у ташқи савдо обороти товарларига киритилиши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ўзининг ички эҳтиёжларидан келиб чиқиб ун, ёғ, шакар, гуруч каби маҳсулотларни ташқарига чиқаришга рухсат этилмайди. Агар бу товарларни ўзимизда етарли даражада аҳоли истеъмолидан ортиқча ишлаб чиқаришга эришсак ташқи савдога, хусусан экспорт қилишга рухсат берилиши мумкин. Лекин ҳозир ушбу товарга экспорт қилиш рухсат этилмасада у ташқи савдо обороти товарлари таркибига киради.

Шуни инобатга олиш лозимки, айрим товарларга фақат бир томонлама рухсат этилган бўлиши мумкин. Масалан, ун маҳсулотига ҳаётий эҳтиёж сифатида импорт қилишга рухсат этилган, аммо уни экспорт қилиш чегараланган. Худди шундай ҳолат оқ ёғ, гуруч, шакар каби маҳсулотларга ҳам дахилдор. Бу тадбирлар, таъкидланганидек, тараққиётнинг маълум босқичларига тўғри келиши мумкин. Агар Ўзбекистон эркин савдо худудига айланса жуда кўп чеклашлар, тўсиқлар бўлмайди.

Баъзи товарлар (бойликлар) борки, улар **ташқи савдо обороти товарларига кирмайди.** Бундай товарларга уларни импорт ва экспорт қилиш имкони бўлмайдиган товарлар киради. Масалан,

мамлакатнинг ер ресурслари, фойдали қазилмалар олинадиган конлар, денгизлар, кўчмас мулк кабилар. Аммо булардан ташқи савдо оборотини амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Денгизда товарлар ташилади. Ерда тегишли савдо объектлари қурилиши мумкин, кўчмас мулкда унинг идораси (офиси) жойлашади ва ҳ.к. Бироқ уларни мамлакатдан ташқарига чиқариш ва ташқаридан киритиш имкони йўқ.

Аммо шундай товарлар борки, улар жаҳон бозорида бемалол оборотда бўлиши мумкин. Лекин шу мамлакат учун унинг импорти ва экспорти чегараланган. Масалан, бирорта товарни экспорт қилиш унинг нархи жаҳон бозорида қийматидан кам баҳоланадиган бўлса, мазкур мамлакат учун бундай товарни экспорт қилиш зарарли. Бундай товарлар экспорт қилинадиган товарлар рўйхатига киритилмайди. Аммо шундай товарлар ҳам борки, уларни импорт қилиш (мамлакатга келтириш) шу мамлакат ички бозоридаги нархдан жуда қиммат бўлса, бундай товарни импорт қилиб бўлмайди. Бу жуда қимматга тушади. Бундай ҳолат аҳолини камбағаллаштириб қўйиши мумкин. Шу туфайли ишлаб чиқаришга қўйиладиган инвестиция лойиҳаларини ана шу вазиятлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Инвестиция лойиҳаларини импорт ва экспорт операцияларини инобатга оладиган бўлса товар нархининг тенглигига (паритетига) аҳамият берилади. **Паритет** сўзи лотинчадан paritas сўзидан олинган бўлиб **тенглик** деган маънони англатади.

Баҳо паритети деганда турли мамлакат баҳосининг бир хил ўлчамга келтирилиши тушунилади. Масалан, миллий валюта сўмни Россия рубли билан тенглаштириш учун уларнинг ҳам олтиндаги эквиваленти билан ҳисоблаб олиш лозим. Ҳозир амалиётда улар 1 АҚШ долларига тенглаштириш орқали амалга оширилади. Ундан ташқари ЎзР Марказий банки ҳафтанинг ҳар душанба куни миллий валюта курсининг хорижий валютага нисбати аниқланиб эълон қилинади. Бунда сўмнинг Россия рублига нисбатан курси ҳам кўрсатилади.

Баҳо паритети хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан қўлланилади. Бунда йиллар ўтиши билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир бирлигига бошқа ноозиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиши тушунилади. Масалан, 1 кг. гўштнинг нархи 1995 йилда 100 сўм бўлган. Унга шу йили ҳар бир килоси 2 сўмдан 50 кг ўғит сотиб олган. Гўштнинг нархи 2000 йилда

900 сўмга кўтарилди. У бу йил ҳам шу пулга 50 кг. ўғит сотиб олиши мумкин бўлса баҳо паритети (тенглиги) таъминланади. Худди шундай ҳолат халқаро савдода ҳам қўлланилиши лозим. Шундагина баҳо поритети (тенглиги) таъминланади. Бу эса ҳалқаро савдода муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу кўрсаткичлар инвестиция лойиҳаларининг молиявий таҳлил қилишда ҳам, иқтисодий таҳлилда ўрганилади. Баҳо паритетига амал қилиш ички ва ташқи бозорда муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли бу муаммо ўзига хос муаммо. Унинг айрим ечимлари валюта курсини аниқлаш орқали ечилади.

3. Инвестиция лойиҳаси иқтисодий таҳлилида манфаатлар ва харажатларни ўлчаш услублари

Лойиҳадан олинадиган манфаат (фойда)ни доим ҳам тўлиқ миқдорий баҳолаш мумкин эмас. Масалан, лойиҳа натижасида йўл ҳаракати хавфсизлиги ёки тиббиёт хизмати яхшиланиши туфайли аҳоли соғлиғи яхшиланишини баҳолаш жуда қийин. Агар лойиҳа умумий фойдаланиш учун қулайлик яратса (тозалаш иншоотлари, жамоат марказлари), олинадиган манфаатни алоҳида истеъмолчининг тўлашга тайёрлиги тўғрисидаги маълумотга асосланиб баҳолаб бўлмайди. Ресурслар ҳудудий тақсимланишининг яхшиланиши, мамлакат ичидаги (миллий) интеграциянинг кучайиши каби лойиҳадан олинадиган бир қанча ўлчаб бўлмайдиган манфаатлар мамлакат ичида ресурсларни жойлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Олинадиган фойдани миқдорий ўлчаш мумкин бўлмаган ёки уларни сифат жиҳатдан қисмангина баҳолаш мумкин бўлган ҳолларда бошқача ёндашувлар қўлланилади. Бундай ёндашувлардан бирига лойиҳа натижасида унинг яроқлилигини таъминлайдиган фойда-манфаатлар минимумини олиш эҳтимолини таҳлил қилиш керак. Иккинчи ёндашув у ёки бу хизматни кўрсатиш учун бажарилиши шарт деб ҳисобланган, илгаридан ўрнатилган физик ёки қиймат меъёрларига асосланиш ҳисобланади (масалан, йўлга асфалт ётқизиш харажатлари 1 км.га Х сўмдан ортмаслиги керак, биринчи ёрдам кўрсатувчи пунктгача бўлган масофа У км. дан ошмаслиги зарур).

Ўлчаш муаммолари тармоқлар бўйича фарқ қилади. Масалан, таълим, соғлиқни сақлаш ва умумий овқатланиш соҳаларида

даромадга асосланган манфаат мезонлари яроқсиз бўлиб қолади, яъни улардан фойдаланиб бўлмайди.

Бу ҳолларда ёки энг кам харажатлар услубидан ёки техник кўринишдаги муаммолар учун (масалан, мактаб қуриш учун қулай меъёрларни аниқлашда) харажатлар самарадорлиги услубидан фойдаланиш мумкин.

Харажатлар самарадорлиги таҳлили бир неча муқобил вариантлардан қўйилган вазифа бажарилишини таъминлайдиган энг арзон лойиҳани танлаб олиш учун қўлланилади.

Баъзи ҳолларда манфаатлар фақат физик кўринишда бўлади ва шу сабабли уларни молиявий харажатлар билан таққослаб бўлмайди. Бундай ҳолларда юқоридаги услубларни қўллашдан бошқа имкон ҳам бўлмайди.

Харажатлар самарадорлиги таҳлили қўйилган вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўлини танлаш учун қўлланилади. Бу таҳлилга лойиҳага қилинадиган барча харажатларни тегишли яширин баҳолар асосида калькуляция қилиш ва уларнинг келтирилган қийматини топиш учун олинган харажатлар оқимини дисконтлаш киради.

Бу тадбир лойиҳани амалга оширишнинг барча вариантлари бўйича ўтказилади. Кўзда тутилган натижаларга энг кичик дисконтланган харажатлар билан ёки маҳсулот бирлигига энг кам харажатлар билан эришишни таъминлайдиган лойиҳа энг яхши ҳисобланади. Бу мезон барча лойиҳалар лойиҳа мақсадини сифат жиҳатларидан бир хилда қондиради, деган шартга асосланади. Агар лойиҳа бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатида фарқ бўлса, энг маъқул вариантни аниқлашда бу ҳол кўзда тутилмоғи лозим.

Истеъмол тежами

Кўпгина инвестиция лойиҳалари натижасида истеъмол товарлари ва хизматларининг баҳолари пасаяди. Чунки бундай лойиҳалар таъминотни яхшилайди ва товарлар тақчиллигига барҳам беради (масалан, йўлларнинг яхшиланиши йўл харажатларини пасайтиради). Баҳолар пасайишидан истеъмолчилар манфаат кўрадилар, чунки лойиҳани амалга ошириши натижасида тежалган ресурслардан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Истеъмол тежами — истеъмолчи товар ва хизмат учун тўлашга тайёр бўлган сумма - ҳақиқатдан сарфланган сумма. Истеъмол тежами қўшимча маҳсулот фақат унинг баҳоси пасайтирилган шароитда сотилгандагина пайдо бўлади. Бундай

вазият кўпроқ тартибга солинадиган бозорлар учун хос. Масалан, коммунал хизмат, электр таъминоти ва ҳоказо. Айрим ҳолларда пайдо бўлган истеъмол тежамини аниқлаш осон бўлсада, кўпинча буни (масалан, умумий электр тармоғига уланган завод учун ўз электростанциясидан олинган қиммат электр энергиясидан воз кечиши ҳисобига олган тежамни) ҳисоблаш анча қийин бўлади.

Амалиётда олинган истеъмол тежами эътиборга олинмайди ва лойиҳадан олинган манфаат (ҳисоблаш осон бўлган) истеъмолчилардан олинадиган тўловларга тенглаштирилади. Аммо истеъмол тежами иқтисодий манфаатнинг муҳим қисми бўлганлиги туфайли, уни ҳисобга олмаслик лойиҳадан олинадиган самарани анча кам қилиб кўрсатишга олиб келади.

Агар истеъмол тежамининг тақрибий миқдорини олишга ҳам имкон бўлмаса, лойиҳа вариантларини таққослаётганда бу ҳол эътиборда тутилиши керак. Айрим лойиҳаларни амалга ошириш натижасида «лойиҳасиз» ҳолатга нисбатан маҳсулот ҳажми шунчалик кўпаядики, у баҳоларнинг пасайишига олиб келади. Бундай ҳолларда пасайган баҳолардан фойдаланиш қўшимча маҳсулотдан келадиган иқтисодий манфаат етарлича баҳоланмаслигига сабаб бўлади (чунки истеъмолчилар у учун кўпроқ тўлашга тайёр эдилар). «Лойиҳасиз» ҳолатга нисбатан лойиҳа натижасида баҳолар пасайиши истеъмол тежамини оширади ва бу ҳол иқтисодий таҳлилда эътиборга олиниши лозим. Одатда, бу фикрлар товарлар ва хизматлар умумий таклифини кескин ўзгартиришга қодир бўлган жуда йирик лойиҳаларга нисбатан тегишли бўлгандагина аҳамиятга эга бўлади.

Ташқи самаралар

Лойиҳанинг лойиҳа доирасида харажатларга ҳам, манфаатларга ҳам кирмайдиган, шу туфайли молиявий ҳужжатларида акс этмайдиган натижалари ташқи самаралар, деб аталади. Аммо бундай самаралар жамиятнинг бошқа аъзоларига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатса ёки мамлакат олдида турган мақсадларга эришишга хизмат қилса, уларни иқтисодий таҳлилда ҳисобга олиш зарур.

Ташқи харажатларга мисол тариқасида тўғонлар қурилиши натижасида экин майдонларининг сув остида қолиши, атроф-муҳитнинг ифлослантирилиши, суғориш тизимининг аҳоли соғлигига ва балиқчилик хўжаликларига таъсирини, ташқи манфаатларга — ўқитиш жараёнида олинган билимларни келтириш мумкин.

Янги технологияларни қўллаш учун бир лойиҳа бўйича ускуналарни импорт қилиш иккинчи лойиҳа учун бу жараёнлар арзон ва осон кечишига олиб келиши мумкин. Бунга биринчи лойиҳада иштироқ этган мутахассисларни жалб этиш орқали эришилади. Ташқи манфаатларга, шунингдек, таълим даражаси ортиши натижасида туғилиш суръатларининг пасайишини, транспорт тизимининг ривожланиши натижасида ишчи кучи ҳаракатчанлигининг кучайишини ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Лойиҳаларнинг барча ташқи самараларини ҳисобга олиб ўлчаб бўлмайди, шу сабабли уларнинг энг муҳимларини ҳисобга олиш ҳамда ички самаралар қаторига киритишга ҳаракат қилиш зарур. Масалан, тўғон қурилиши ер ости сувлари сатҳи кўтарилишига олиб келса, лойиҳага дренажлар қуриш вазифасини ҳам киритиш зарур.

Айрим лойиҳаларнинг ташқи самараси таркибига халқаро самара ҳам киради. Масалан, экспортни оширишга қаратилган лойиҳа натижасида маҳсулот баҳоси жаҳон бозорида пасайиши мумкин. Бундан импорт қилувчилар манфаат кўрса, шу турдаги маҳсулотни экспорт қилувчи бошқа давлатлар зарар кўрадилар ва ҳоказо. Иқтисодий таҳлилда асосан мамлакат ичидаги манфаат ва харажатларгина кўриб чиқилади. Халқаро лойиҳаларда эса барча иштирокчи давлатларнинг фойда-зарарлари ҳисобга олиниши лозим.

«Инвестиция лойиҳасини иқтисодий таҳлилида баҳолар, манфаатлар ва харажатларни аниқлаш» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Инвестициянинг фоизи
- Инвестиция фоизининг капиталлашганлиги
- Мулкдор (инвестор)
- Тадбиркор
- Ташқи савдо обороти
- Баҳо паритети
- Чет эл валютасида муомала
- Валюта мукофоти

27-МАВЗУ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИДА ҚАЛТИСЛИК ТАҲЛИЛИ

Режа:

1. Таваккал хавфи тушунчаси
2. Инвестицияларда таваккал хавфи даражаси
3. Хавфларни аниқлаш усуллари
4. Лойиҳа таҳлилида қўлланиладиган хавфлар тизими ва уларнинг таснифи

1. Таваккал хавфи тушунчаси

Лойиҳа ҳали лойиҳа. Келажакда у улкан самарали натижа билан бирга жуда кўп хавф-хатарларга ҳам дуч келиши мумкин. Мулкдор ўз мулкини маълум лойиҳага инвестиция қўйишдан олдин содир бўлиши мумкин бўлган хатарни баҳолай олиши лозим. Бу эса лойиҳаларнинг хатарлилик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Энг авволо «Хатар» сўзининг нималигини билиш лозим. Хатар сўзига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да: «Бирор бахтсизликка, фалокатга олиб келиши мумкин бўлган шароит, хавф; таҳлика» (2 том таси, 319 бет) - деган таърифни берган. Бу албатта, ушбу сўзга берилган умумий тушунча, умумий изоҳ.

Агар хатар сўзини табиатга, сиёсатга, иқтисодга қўллаш лозим бўлса албатта, унинг мазмуни бироз ўзига хос ҳолда ўзгариши мумкин.

Иқтисодий хатарни бирор иқтисодий инқирозга, зарарли фаолиятга олиб келиши мумкин бўлган шароит, хавф деб тушунмоқ лозим. Агар ушбу тушунчадан келиб чиқадиган бўлсак, иқтисодий жараённи амалга оширишдан мақсад фойда олиш бўлса, унга зид тушунча келиб чиқади. Чунки иқтисодий фаолиятдан асосий мақсад фойда олишдан иборат. Аммо вазият ҳамиша шундай мақсадга эришиш имкониятини ҳам беравермайди. Ҳаётда, айниқса эркин иқтисодиётда жуда кўп хатарли вазиятлар бўлиши мумкин. Шу туфайли лойиҳага инфляция қўйишдан олдин хатарлилик даражасини баҳолаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ҳам турли хатарлар бўлиши

мумкин. Шу туфайли лойиҳанинг ҳам хатарлилик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Лойиҳанинг хатарлилиги деганда шу лойиҳани мувоффақият билан амалга ошириш жараёнида содир бўладиган турли хавфнинг пайдо бўлиши тушинилади.

Мулкдор турли хавфни билиб олиши учун хатар ва ноаниқликнинг фарқига бориши лозим. **Ноаниқлик** деганда лойиҳани амалга ошириш жараёнида таъсир қиладиган жуда кўп омилларни билмаслик, уларни баҳолай олмаслик тушинилади. Омиллар ижобий ва салбий таъсир қиладиган бўлиши мумкин. Биз омилларни олдиндан баҳолай олмасак жуда кўп ижобий омиллар ҳам бир четда қолиб кетиши мумкин. Шу туфайли лойиҳани таҳлил қилганда имкон қадар ноаниқликларга ўрин қолдирилмаслиги лозим.

Ноаниқликнинг сабабларидан бири мазкур хўжалик юритувчи субъект ёки лойиҳани амалга оширувчи масъул шахс барча омилларни баҳолаш қобилиятига эга бўлмаслиги, билим ва интеллектуал савияси мазкур ишни амалга оширишга етмаслиги мумкин. Албатта бундай кадрлар билимдон, ташаббускор кадрларга ўз ўринларини аста-секинлик билан бўшатиб берадилар. Бу жараён бозор иқтисодиётининг, эркин рақобатнинг талаби.

2. Инвестицияларда тавакkал хавфи даражаси

Инвестициялашда тавакkал хавфи деганда инвестиция даромадларининг кўзда тутилган миқдоридан камайиш ҳолати тушунилади. Даромадларнинг ўзгариши шкаласи қанчалик кенг бўлса, инвестициялашда тавакkал хавфи даражаси шунчалик юқори бўлади. Инвестициялашда тавакkал хавфи манбаалари бир-бири билан жуда боғлиқ бўлганлиги сабабли уларнинг қайси бири даромадга қанчалик таъсир этганлигини аниқлаш жуда мушкул. Инвестициялашда тавакkал хавфининг(кейинчалик хавф деб юритилади) асосий турлари: иш билан боғлиқ тавакkал хавфи, молиявий бозор тасодифи хавфлари, аҳолининг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ бўлган молиявий хавф, фоиз хавфи ва бошқалар ҳисобланади.

Иш билан боғлиқ тавакkал хавфи келаётган даромадларнинг ҳамма инвесторлар билан ҳисоб-китоб қилишга етиши кафотланганлигидир. Бундай ҳолатда жами даромад инвестиция

харажатларини қоплай олмайди. Албатта, давлат (айрим мамлакатларда) бундай ҳолатда харажатларнинг маълум бир қисмини ўз зиммасига олади. Асосан бу хавф бизнес билан боғлиқ бўлади. Молиявий хавф деганда ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлар компенсациялари натижасида келиб чиқадиган хавф тушунилади.

Инвестиция учун қанчалик кўп четдан карз жалб этилса, молиявий шунчалик хавф кўпаяди. Бу хавфнинг ошиши асосан корхоналар қарз берувчи инвесторлар ўз вақтида фоиз тўловлари тўлашга иложсизлиги оқибатидан келиб чиқади. Белгиланган, яъни вақти аниқ кўрсатилган қарзлар ёки қарз фоизлари лойиҳа ишга тушмасдан, даромад ҳали келмаган вақтдан бошлаб тўланиши керак. Корхоналарнинг бундай қарзларни тўлай олиш қобилияти йўқлиги молиявий хавфни туғдиради.

Аҳолини товарлар сотиб олиш қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ бўлган хавф асосан таклиф инфляцияси вақтида бўлади. Бу даврда пул-бирлигининг харид қобилияти пасаяди. Айрим қимматбаҳо қоғозлар белгиланган вақтда инвесторга фойда келтиришни кўзда тутганлиги учун айрим ҳолларда фоиз хавфига эга бўлади. Кўп ҳолларда қимматбаҳо қоғозларнинг курслари олдинги курсларга нисбатан ўзгариб туради. Натижада қимматбаҳо қоғозлар чиқарган компаниялар белгилаб қўйилган фоизларни бера олмайдилар. Бу жараён қимматбаҳо қоғозларнинг бозор баҳолари тез-тез ўзгариб туриши натижасида вужудга келади.

Ликвидлик хавфи корхоналарнинг акцияларни керакли вақтда кўзда тутилган суммага сотишга имконияти бўлмай қолишини англатади. Агар кеча 1000 долларга акция сотиб олган бўлсангиз, бугун уни 800 долларга сотасиз, бундай акция юқори ликвидли эмас.

Бозор хавфи деганда бу даромадларни қимматбаҳо қоғозлар курси ўзгариши эмас, балки иқтисодий-ижтимоий воқеалардан келиб чиқадиган хавф тушунчаларидир. Масалан, Яқин Шарқда уруш келиб чиқиш хавфи қурол-аслаҳа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган акциялар ҳамда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришга боғланган акциялар курсига таъсир этади. Тасодиф хавфи тўсатдан вужудга келадиган хавф бўлиб, инвестиция натижаларига жуда тез таъсир этади. Бунга иккита йирик компаниянинг бир-бирига қушилиши ва бошқалар мисол бўла олади.

Умуман, хавфларни баҳолашга уч хил йўналишда ёндашиш мумкин. Анъанавий ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартирадиган ёки

унинг тузилмасига салмоқли ўзгартириш киритадиган инвестицияларни жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни қабул қилишда айрим ҳолларда старт даврини мукаммал таҳлил қилмаслик натижасида яратиладиган маҳсулотга етарли харидор топа олмаслик ҳоллари вужудга келиши мумкин. Бунда, албатта, мукаммал вариантларни чуқур ўрганиш керак.

Ҳар хил муқобил вариантлар мавжуд бўлмаган ҳолларда олдиндан маълум тадбирларни амалга ошириш керакки, улар хавфни йўқотишга қаратилган бўлсин. Навбатдаги ёндашув асосан оддий лойиҳаларни ўз ичига олади. Бу лойиҳаларда маълум хавф мавжуд. Масалан, лойиҳани вужудга келтириш даврида ўртача кўрсаткичлардан фойдаланамиз, лекин кейинчалик бу кўрсаткичлардан маълум чекиниш вужудга келиши мумкин. Мана шу йўналишларни мисолда кўриб чиқамиз.

Лойиҳада темир-бетон заводи қуриш кўзда тутилган дейлик. Завод аҳоли яшайдиган микрорайонда бўлиб, у ердан автотрасса ўтиши кўзда тутилган. Завод қурилиши трассага яқин жойда бўлади. Завод қурилиши учун 5 млрд.сўм маблағ ажратилган. Бу завод ишлаб чиқарадиган маҳсулот ҳажми 2 млрд. билан 4 млрд.сўм орасида бўлади. Лойиҳанинг яшаш даври 5 йил, бу вақтдан сўнг завод сотиб юборилади. Заводнинг қолдиқ баҳоси автотрасса қурилиши даври билан боғлиқ бўлиб, 1 млрд. билан 3 млрд.сўм орасидадир. Агар завод қурилгандан кейинги биринчи йили автотрасса қурилиши ҳақида қарор қабул қилинмаса, унинг қолдиқ қиймати 3,5 млрд.сўм. Дисконтнинг қабул қилинган ставкаси 10% ва иккита вариантда маҳсулот сотиш ҳажми 0,5 млрд. ёки 1,5 млрд. сўм бўлади. Буни вариантлар бўйича аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\mathbf{NPV=[\Sigma NP_t / (1+k) + RV / (1+k)] - I}$$

Бу ерда: NP_t - соф фойда ва амортизация суммаси;

RV- қолдиқ қиймат.

Қўйилган масала бир неча вариантда ечилиши мумкин.

-йўл қурилишининг иккита варианти (1-қурилди, 0-қурилмади)

-маҳсулот ҳажмининг иккита варианти (2 млрд. сўм ва 4 млрд.сўм). Биринчисининг эҳтимоллиги 0,3, иккинчисиники эса 0,7.

-заводни сотишнинг икки варианти (1-биринчи йилдан кейин ёки 5-беш йилдан кейин). -

-5 йилдан сўнгги заводнинг тугатилиш баҳоси (1 млрд.сўм ва 3 млрд.сўм), эҳтимоллиги мос равишда 0,4 ва 0,6 ни ташкил

этади.

Агар айтайлик, шу вариантларни комбинация қилсак, 720 вариант вужудга келади. Йўл қурилишининг мавжуд ҳолдаги вариантларини 4 рақамли сонлар билан кодлаб чиқамиз. Коднинг ҳар бир позициясидаги рақам вариантнинг тавсифини билдиради. 1 рақами билан бошланувчи барча кодлар йўл қурилишини кўзда тутувчи вариантлардир. Маълум сабабларга кўра, 0 рақами билан бошланувчи биргина вариант мавжуд. Бу вариантга кўра, йўл қурилмайди ва завод бир йилдан сўнг сортилиши керак. Шу сабабларга кўра, қуйида йўл қурилиши билан боғлиқ беш вариант кўрсатилган:

1. 1210 - маҳсулот сотиш ҳажми 2 млрд.сўм - завод биринчи йилдан сўнг сотилади.
2. 1251 - маҳсулот сотиш ҳажми 2 млрд.сўм - завод 5 йилдан кейин сотилади, қолдиқ баҳоси 1 млрд.сўм.
3. 1253 - маҳсулот сотиш ҳажми 2 млрд.сўм - завод 5 йилда сўнг сотилади, қолдиқ баҳоси 3 млрд.сўм.
4. 1410 - маҳсулот сотиш ҳажми 4 млрд.сўм - завод биринчи йили сотиб юборилади.
5. 1451 - маҳсулот сотиш ҳажми 4 млрд.сўм - завод беш йилдан кейин сотилади, қолдиқ баҳоси 1 млрд.сўм.
6. 1453 - маҳсулот сотиш ҳажми 4 млрд.сўм - завод 5 йилдан кейин сотилади, қолдиқ баҳоси 3 млрд.сўм.

Ҳар бир вариантни баҳолаш учун соф жорий қиймат формуласидан фойдаланамиз.

1251 – вариант бўйича соф жорий қиймат ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	5-йил	Жами
1. Фойда	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	
2. Қолдиқ қиймати	-	-	-	-	1,0	
3. Дисконт коэффициенти	1,1	1,4	1,331	1,464	1,61	
4. Соф фойда	0,454	0,413	0,375	0,341	0,310	1,893
5. Келтирилган қолдиқ суммаси CI(1+0,10)					0,621	0,621
6. Келтирилган сумма						2,514
7. Соф жорий қиймат (6-қатор инвестициялар) 2,514-5=-2,486						-2,486

Шунга ўхшаш бошқа беш вариант учун ҳам соф келтирилган қиймат ҳисобланади.

Лойиҳани амалга ошириш вариантлари бўйича маълумотлар

Вариантлар коди	Соф жорий қиймат	Эҳтимоллик
1210	-1,364	0,3
1251	-2,486	0
1253	-1,245	0
1410	-0,454	0
1451	1,307	0,28
1453	2,546	0,42
0	0	1

Жадвалда кўрсатилган манфий вариантларнинг барчаси зарар кўриладиган вариантлардир. Дастлабки уч вариантнинг барчасида сотиш ҳажми 2 млрд. сўм. 141-вариантда эса сотиш ҳажми 4 млрд.сўм ва агар шу вақтгача йўл қурилиши тўғрисида қарор қабул қилинмаса, завод ишга тушгандан бир йил сўнг сотилади. Сотиш ҳажми 4 млрд.сўмдан ортгандан сўнггина лойиҳа самарали бўлади. 1451 ва 1453-вариантларни амалга оширилиш эҳтимоли юқоридаги жадвалда кўрсатилган ва қуйидагича:

1451 учун: 0,7 х 0,4=0,28;

1453 учун: 0,7х 0,6 =0,42 да.

Жадвалдаги маълумотлар ёрдамида, ушбу лойиҳага маблағ сарфлашда ҳисобга олиниши зарур бўлган барча вариантлар бўйича соф келтирилган қийматни топиш мумкин.

NPV=0,3 * (-1,364)+0,28* 1,307+0,42*2,546 =1,026

3. Хатарларни аниқлаш усуллари

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида жуда кўп кўзда тутилмаган хатарларнинг бўлиши табиий. Аммо бу хатарларни имкони борича олдиндан аниқлаб, уларни бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим.

Лойиҳа таҳлилида хатарларни аниқлашда бир қанча усуллардан фойдаланилади. Уларга қуйидагилар киради (1-чизма).



1-чизма. Лойиҳа таҳлилида қўлланиладиган хатарларни аниқлаш усуллари

Ушбу чизмада хатарни аниқлашда лойиҳа таҳлилида қўлланилиши мумкин бўлган айрим усуллар келтирилган. Қайси соҳанинг таҳлил қилинишига қараб хатарларни аниқлаш усули турли йўналишларда бўлиши мумкин. Уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

«Фикрлар ҳужуми» жуда кўп ҳолларда, хусусан, хатарни аниқлашда ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда ушбу гуруҳга кирувчи экспертлар таҳлил қилинаётган лойиҳани амалга ошириш жараёнида қандай хатарлар бўлиши мумкинлигини аниқлайдилар. Бу ҳақда олдин ҳар бир иштирокчи ўз фикрини шакллантиради, сўнгра уни «Фикрлар ҳужуми» гуруҳига кирувчи экспертлар ўртасида ёқлайди. Шундай қилиб бир лойиҳани амалга ошириш жараёнида бўлиши мумкин бўлган хатарлар тизими шаклланади. Айнан шу гуруҳ мазкур хатарларни бартараф қилиш, олдини олиш ва уларнинг содир бўлиши муқаррар бўлса ундан кўриладиган зарарларни қоплаш чора-тадбирларини ишлаб чиқадилар.

Экспертлар баҳоси ҳам хатарни аниқлашда «Фикрлар ҳужуми» гуруҳи қўллаган усулга ўхшайди. Аммо унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунда экспертлар масалага мантиқий ёндошиш билан бирга анкета тарқатиб уни умумлаштириш йўли билан ҳам хулосага келадилар.

Анкетага хатарни аниқлаш учун лозим бўлган бир қанча саволлар киритилади ва улар тегишли ходимларга тарқатилади. Мутахассислар ҳар бир қўйилган савол бўйича ўз фикрларини билдирадилар. Қўйилган саволларга тегишли жавоблар турли вариантларда келтирилган бўлиши мумкин. У ҳолда мутахассис ўзи

лозим топган жавобни мақуллаб ўз белгисини қўяди ва тегишли тартибда экспертларга қайтарилади. Экспертлар барча анкеталарни йиғиб олиб улар устида тадқиқот олиб боради ва лойиҳанинг хатарлилиги тўғрисида тегишли хулоса чиқаради.

Лойиҳанинг хатарлилигини белгилашда экспертларга жуда катта ҳуқуқ берилади ва ишонч билдирилади. Шу туфайли эксперт аъзолари жуда малакали, ўта тажрибали, холис ва ҳалол баҳолайдиган кишилар бўлишлари лозим.

Тажриба натижасини қўллаш ҳам лойиҳа таҳлилида хатарларни белгилашда кенг қўлланилади. Энг авволо тажриба нима деган саволга жавоб бериш мақсадга мувофиқдир.

Тажриба бу инсон ўз ҳаёти давомида жуда кўп хатоларга йўл қўйиб, уни тузатиш йўлларини ўрганиб қолганлиги ва энди шу хатоларга йўл қўймаслик чораларини кўриш, уни олдини олиш қобилиятига эга бўлганлиги билан изоҳланади. Шу жиҳатдан тажрибали киши дейилса одамнинг кўз ўнгига ҳаётда жуда кўп хатоликларни кўрган ва уни тузатиш йўлларини ҳам ўрганган киши гавдаланади. Хатарларни аниқлашда эса айнан шу соҳа бўйича тегишли тажрибага эга бўлган мутахассислардан фойдаланиш мумкин. Улар бўлғуси хатарлар ҳақида, уларни бартараф қилиш йўллари тўғрисида аниқ тавсиялар бериши мумикн.

Менежер тадқиқоти ҳам лойиҳани амалга оширишда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатарни аниқлаш имконини беради. Лойиҳани амалга оширишда менежерлар ҳам маълум тажрибага эга бўлади. Улар турли вазиятларни инобатга олган ҳолда содир бўлиши мумкин бўлган хатарни аниқлайди ва уни бартараф қилиш йўлини ишлаб чиқади. Аммо бунинг ижобий томони билан бирга салбий томони ҳам мавжуд, яъни ушбу ҳолатда кўпроқ субъективликка, ўзбошимчаликка йўл қўйилиши мумкин. Шу туфайли, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун инвестиция қарорини қабул қилишдан олдин уни атрофлича муҳокама қилиб, бошқа мутахассислар ҳам мукаммал ўрганиб ўз фикрларини билдириши ва жамоатчилик фикри ифода этилган қарор қабул қилиниши лозим.

Дисперция ва ўртача квадратик четланишлар статистика фанида қўлланиладиган асосий усуллардан бири. Улар лойиҳа таҳлилида хатарларни баҳолаш ва таҳлил қилишда ҳам қўлланилади. Бу усул хатарлар бирқанча бўлганда ёки битта хатарни бартараф қилишнинг кўп варианти ишлаб чиқилганда қўлланилиши мумкин.

Мазкур усулларга таянган маълумотлар таҳлил қилинадиган хулосанинг ҳақиқатга қанча яқин ёки узоқлигини кўрсатади. Бу усул айнан лойиҳани амалга оширишда ноаниқликларни бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш учун асосий ахборот билан таъминлаб беради.

Инвестициянинг қопланиш муддатини аниқлаш усули ҳам лойиҳанинг амал қилиш муддатидан келиб чиқади. Аммо кўзда тутилган муддатда фойда олиш миқдори ошиб борса ўз-ўзидан инвестициянинг қопланиш муддати қисқариб боради ва аксинча. Шу туфайли инвестициянинг жорий қийматини, унинг даромадлилик ва фойдалилик даражаларини ҳам бирга аниқлаб муфассал хулоса келиш лозим.

Албатта бу ҳолатда жуда кўп омиллар таъсирини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳозирги шароитда бугунги баҳо билан аниқланган инвестиция эртанги инфляция даражасини инобатга олмаса ўз қийматини миқдор жиҳатдан сақлаб қолсада мазмунан йўқотади. Шу туфайли бу жараёнларни (омилларни) ҳам инобатга олиш лозим. Мазкур масалалар «Лойиҳа таҳлилида дисконтлаштириш ва аннуитет усулларидан фойдаланиш» бобида батафсил ёритилада.

Хатарлилик устамасини қўллаш усули инвестициянинг умумий қийматини йўқотмаслик учун бўладиган хатарга олдиндан пул тўлаш демакдир. Масалан, инвестициянинг қиймати 100,0 минг сўм. Унинг қайси соҳага қўйишга қараб маълум фоизда устама белгилаш мумкин. Жумладан, ишлаб чиқариш учун 20 % устама қўйилса, инвестицияга яна 20,0 минг сўм қўшимча маблағ кўзда тутилиши лозим. Агар савдо соҳаси бўлса унга 40 % устама белгиласа яна қўшимча 40,0 минг сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилади. Бу ҳолда инвестицияни турли хатарлардан суғурталаш мақсадга мувофиқдир.

4. Лойиҳа таҳлилида қўлланиладиган хатарлар тизими ва уларнинг тавсифи

Лойиҳа таҳлилида жуда кўп хатарлар аниқланади ва уларни бартараф қилиш йўллари ишлаб чиқилади. Булар иқтисодий мазмуни ва улчаниши жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Молиявий фаолият билан боғлиқ хатарлар;
2. Маркетинг тадқиқоти билан боғлиқ хатарлар;

3. Техника ва технология билан боғлиқ хатарлар;
4. Лойиҳа иштирокчилари, уларнинг иқтисодий, молиявий аҳволи билан боғлиқ харатлар
5. Ҳуқуқий таъминот ва кафолот билан боғлиқ хатарлар;
6. Экологик вазият билан боғлиқ хатарлар;
7. Қурилиш билан боғлиқ хатарлар;
8. Ҳарбий - сиёсий вазият билан боғлиқ хатарлар;
9. Иқтисодий вазият ва ижтимоий аҳвол билан боғлиқ хатарлар;
10. Ўзига хос объектив вазиятлар билан боғлиқ хатарлар.

Хатарларнинг рўйхати ушбу келтирилганлар билан тугамайди. Булар йўл қўйилиши мумкин бўлган асосий хатарларнинг гуруҳларидир. Лойиҳа таҳлилининг вазифаси ушбу хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф қилиш ёки уларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Уларнинг айримларини шу йўналишда кўриб чиқамиз.

Молиявий фаолият ва таъминот билан боғлиқ хатарлар лойиҳани амалга оширишда асосий хатарлардан биридир. Чунки, ҳар қандай лойиҳани амалга ошириш учун энг авволо унинг молиявий таъминотини ҳал қилиш керак. Аммо бу масала жуда кўп ички ва ташқи омилларга боғлиқ.

Ташқи омилларга:

* мамлакатда ҳукум сураётган иқтисодий беқарорлик;
* инфляция, миллий валютанинг конвертацияси;
* бюджет тақчиллиги;
* корхоналар ўртасидаги тўлов интизомининг бўзилиши оқибатида содир бўлган дебитор ва кредитор қарзларнинг ҳаддан зиёд ортиб кетиши, айниқса уларнинг муддати ўтиб кетган қисмининг ортиб бориши;
* сиёсий вазиятнинг яхши эмаслиги;
* банк тизимидаги айрим тусиқ бўлувчи ҳолатлар;
* техника, технология, хом-ашё кабиларнинг нархи лойиҳада кўзда тутилганига нисбатан ортиб кетиши кабилар.

Ички омилларга:

* кадрлар тизимининг талаб даражасида шаклланмаганлиги - уларнинг молиявий саводининг етишмаслиги;
* бошқаришнинг энг илғор усулларидан фойдаланиш йўлларини билмаслиги

* инвестицияга мўлжалланган маблағнинг бошқа мақсадларга ишлатиб қўйилганлиги;
* шартномани яхши туза олмаганлиги;
* харажатларни кўпайтириб юбориб маҳсулотнинг (иш, хизмат) таннархини ошириб юборганлиги кабиларни киритиш мумкин.

Лойиҳани амалга оширишда ушбу хатарларнинг бўлиши мумкин. Навбатдаги вазифа уларнинг ҳар бирини баҳолаш лозим. Агар у ёки бу хатар содир бўлиб қолса у лойиҳада кўзда тутилган ишни амалга ошириш учун неча пулга ва қанча вақтга тушишини аниқлаш керак. Албатта, бу борадаги иш жуда осон иш эмас. Уни амалга ошириш йўллари қисман «Хатарларни аниқлаш усули» параграфида кўрсатиб ўтилган.

Лойиҳа таҳлилининг навбатдаги вазифаси шу аниқланган хатарларни бартараф қилиш ёки уларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Молиявий хатарларнинг ташқи омилларини бартараф қилиш учун албатта давлатнинг ислоҳатчи ролидан фойдаланиш ҳукумат олдига аниқ таклифларни бериш, суғурта тизимидан оқилона фойдаланиш лозим.

Ички хатарлар бевосита инвестиция соҳибларига, менежерларга кўпроқ боғлиқ. Буларни бартараф қилиш йўллари ҳам кадрларнинг билим савиясига, тажрибасига боғлиқ. Уларни бартараф қилиш учун:

* лойиҳани амалга оширишда уларнинг билим ва савияси етарли бўлмаса, албатта, тажрибали мутахассисларни жалб қилиш лозим. Уларга тўланган қисман маблағ хатар натижасида йўқотилган маблағнинг фақат бир қисминигина ташкил қилиши мумкин;
* хатарни суғурта қилиш;
* лойиҳани амалга оширувчи томонлар билан пухта ишланган шартнома тузиш, шартномада кўрсатилган шартларни бажариш, уларга қонун деб қараб ўзаро қонун диктатурасига буйсиниш кўникмасини ҳосил қилиш;
* инвестицияга мўлжалланган маблағ етишмай қолишининг олдини олиш учун кафолотли кредит олишни кўзда тутиб қўйиш;
* хатарларни келтириб чиқарувчи барча сабабларни ўрганиб бориш ва имкон қадар уларнинг олдини олиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Худди шундай ҳар бир гуруҳ хатарларнинг нимадан иборатлигини, пайдо бўлиш сабабларини, уларни баҳолаш ва бартараф қилиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим.

Маркетинг тадқиқоти билан боғлиқ хатарлар ҳам лойиҳа таҳлилида ўрганилиши лозим бўлган асосий хатарлардан биридир. Ушбу жараён билан боғлиқ бўлган хатарлар натижасида корхона маҳсулотининг ўз вақтида белгиланган қийматда сотилмаслигини, шунинг оқибатида олинган қарзларни ўз вақтида қайтараолмаслиги, мулкни белгиланган миқдорда кўпайтираолмаслиги, тегишли даромад (фойда) миқдорига эришаолмаслиги ҳоллари юзага келади.

Маркетинг тадқиқоти билан боғлиқ хатарларнинг пайдо бўлишига қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин.

* маҳсулотни сотадиган бозорни тўғри танлай олмаслиги;
* бозорни яхши ўрганиш имкони бўлмаганлиги;
* бозордиги бошқа иштирокчиларининг ишлаб чиқариш қувватини тўғри ҳисобга олмаслиги;
* маҳсулот сифатининг рақобатга бардош бериш даражасининг шубҳалиги;
* ўз вақтида бозорга маҳсулот чиқара олмаганлиги кабилар.

Мазкур омиллар натижасида корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти салбий натижалар билан тугаши мумкин. Чунки ишлаб чиқарилган маҳсулот, энг авволо, ўз харидорларини топиши лозим, яъни бозорга сотилиши керак. Агар маҳсулот ўз вақтида, белгиланган қийматда сотилмаса унда қўшимча хатарлар пайдо бўлади. Булар натижасида:

* корхонанинг тўлиқ қувват билан ишламаслиги;
* ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг омборларда сақланиб қолиши:
* оқибатда кўп маблағнинг оборотга иштирок этмаслиги;
* сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши кабилар рўй беради.

Шу туфайли маркетинг тадқиқоти билан боғлиқ фаолиятни тўлиқ амалга ошириб, содир бўлиши мумкин бўлган хатарларнинг олдини олиш лозим.

Техника ва технология билан боғлиқ хатарларнинг ҳам бир қанча сабаблари бор. Уларнинг мавжудлиги жуда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.Техника ва технология билан боғлиқ хатарларнинг содир бўлишига:

* техникани нотўғри танлаш;
* технология лойиҳасини нотўғри тузиш;
* технологияни ишлатаоладиган, шунга мос кадрларнинг етишмаслиги;

* техникани тузатиш бўйича кадрларнинг ва эҳтиёт қисмларининг мавжуд эмаслиги;
* илғор хорижий технологиянинг маҳаллий хом ашёга мослашмаганлиги натижасида хом ашё таъминотидаги узулишлар;
* лойиҳада кўзда тутилганга нисбатан техника, хом-ашё ва битловчи материаллар нархининг ошиб кетиши;
* иш ҳақига мўлжалланган ва бошқа харажатларнинг меъёрдан кўп сарф бўлиши;
* бошқаришда ўзбошимчаликка йўл қўйилиши;
* илғор техника ва технологияда ишлайдиган ходимларга моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмининг яхши йўлга қўйилмаганлиги кабилар сабаб бўлиши мумкин.

Шу туфайли техника ва технология билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш, уларни бутунлай бартараф қилиш учун мазкур соҳа бўйича мутахассислар етарли даражада малакали бўлишини тақозо қилади.

Лойиҳа иштирокчилари, уларнинг иқтисодий ва молиявий аҳволи билан боғлиқ хатарлар ҳам ҳамиша содир бўлиши мумкин бўлган хатарлардир. Эркин иқтисодиёт шароитида бугунги гуллаб-яшнаб турган корхона маълум вақтдан кейин объектив ва субъектив омиллар натижасида банкрот ҳолатига, иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Шу туфайли лойиҳа иштирокчилари ўртасида ўзаро ишонч билан бирга иқтисодий ва молиявий имконият ҳам таъминланган бўлиши лозим.

Акс ҳолда:
* кредитни ўз вақтида тўламаслик;
* дебитор ва кредитор қарзларнинг кўпайиб кетиши;
* ўз вақтида валюта конвертациясини амалга оширилмасдан валюта курси бўйича кўп маблағ тўланиши каби салбий ҳолатларнинг рўй бериши мумкин.

Буларнинг ҳаммаси умумий ишнинг самарадорлигини пасайтиришга, лойиҳани амалга оширишда кўзда тутилган мақсадга эришишнинг қийинлашишига олиб келади.

Ҳуқуқий таъминот ва кафолат билан боғлиқ хатарлар ҳам ўта муҳим хатарлардир. Одатда ҳамкорларга тенг ҳуқуқий имконият берилади. Бирининг ҳуқуқни бузиши иккинчисининг маънавий ва моддий манфаатига зид келиши мумкин. Шу туфайли ўзаро иқтисодий муносабатда, айниқса лойиҳани амалга оширишда

ҳуқуқий таъминот тўлиқ бўлиши лозим. Бу таъминот Ўзбекистон Республикасининг турли Қонунлари ва бошқа меъёрий хужжатларда ифода этилган. Лекин, айнан, шу лойиҳани бажаришда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли шартномалар билан расмийлаштирилган бўлиши лозим. Ҳуқуқий таъминотнинг асосида шартнома ётади.

Ҳуқуқий таъминот ва кафолат билан боғлиқ хатарларнинг пайдо бўлишига

* қонунларнинг етарли даражада мукаммал эмаслиги;
* шартноманинг ҳар томонлама мукаммал тузилмаганлиги;
* томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришда лоқайдлик ва масъулиятсизликка йўл қўйиши;
* ходимларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятининг етишмаслиги каби ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу хатарларни бартараф қилишнинг асосий йўлларидан бири ходимларда қонун билан ишлаш, қонунни билиш, уни тан олиш кўникмасини ўйғотиш лозим. Ўзаро иқтисодий муносабатда қонун диктатурасини ўрнатиш, уни тан олиш мувофақиятнинг асосий омилидир.

Экологик вазият билан боғлиқ хатарларни инобатга олмаслик мумкин эмас. Агар технология фақат совуқ жойда ишлашга мўлжалланган бўлса уни иссиқ пайтда ишлатиб бўлмайди ва аксинча. Ёки технологияни ишлатиш натижасида атроф-муҳит, хаво ифлосланадиган, ўсимлик, ҳайвонот ва инсон организмига салбий таъсир қиладиган бўлса мазкур лойиҳани (қурулмани) тўхтатишга ёки кўчиришга тўғри келади. Бу кўзда тутилмаган жуда кўп қўшимча сарф-харажатларни қилишга олиб келади.

Ҳар бир лойиҳани танлашда, хорижий илғор технологияни жалб қилишда албатта экологик вазиятни инобатга олиш лозим.

Экологик вазият билан боғлиқ хатарларга

* лойиҳани амалга оширадиган худуднинг экологик ҳолати (турли тўф онларнинг бўлиш хавфи, ўта совуқ ёки ўта иссиқ иқлимнинг кутилиши, ер қимирлаш хавфи туғиладиган худудлар, вулқонли ва сув тошқини рўй бериши мумкин бўлган ерлар кабилар);
* атроф муҳитнинг тозалиги ва тоза туриши лозим бўлган худудларнинг дахлсизлиги;
* аҳолининг, энг авволо лойиҳани амалга оширувчи мутахассисларнинг экологик саводхонлиги кабилар киради.

Ҳар қандай лойиҳани амалга оширишда унга икки томонлама ёндошмоқ лозим. Биринчидан, лойиҳада кўзда тутилган технология ўрнатиладиган шароитга, унинг технологик ҳолатига мос бўлишини талаб қилса, иккинчидан мазкур технология шу жойнинг экологиясини бузмаслиги керак. Шу талаблар таъминлансагина кўзда тутилган мақсадга эришиш мумкин.

Қурилиш билан боғлиқ хатарлар одатда икки гуруҳга бўлиб ўрганилади. Биринчиси ўурилганча бўлган хатарлар, иккинчиси эса қурилиб битгандан кейинги хатарлар.

Қуришгача бўлган хатарларга:

* қуришгача ўз вақтида тугатилиб ишга тушмаслиги;
* қурилиш материаллари нархининг лойиҳада кўзда тутилган миқдорига нисбатан қимматлашганлиги;
* турли тарифларнинг ошганлиги;
* оқибатда қурилишнинг ҳажмининг қимматлашиб кетганлиги туфайли мўлжалдаги инвестициянинг етмаслик ҳолатлари;
* қурилиш материаллари етказиб берувчи ҳамкорларнинг шартномани ўз вақтида бажармаслиги;
* олинган жиҳоз ва ускуналарнинг нуқсони борлиги;
* қурилишда малакали мутахассисларнинг етишмаслиги кабилар киради.

Лойиҳа бўйича қурилиб битган иншоат ва корхоналарда ҳам анча хатарли ҳолатлар бўлиши мумкин. Бу ҳолатларга қуйидагилар:

* керак талаб даражасида қурилмаганлиги;
* битган бинонинг сифати талаб даражасида эмаслиги;
* қурилган бинода маҳаллий иқлим ва экологиянинг эътиборга олинмаганлиги (иссиқни қайтармаслиги, шамолга чидамаслиги, ёмғирниинг девордан оқиши кабилар);
* барча комунал хизматларнинг инобатга олинмаганлиги;
* транспорт воситасининг келиб-кетиши, юкланиш ва туширишнинг ноқулайлиги кабилар киради.

Мазкур хатарларни бартараф қилиш мумкин. Бу учун мутахассислар ўз соҳасининг устаси, билимдони бўлмоғи лозим. Жуда кўп хатарлар лойиҳани тушунмаслик, унинг муҳимлигини писанд қилмаслик, етарли битим даражасига эга эмаслик оқибатида келиб чиқади. Шу туфайли эркин бозор иқтисодиёти ҳамма соҳада ўта билимдан зукко мутахассисларни қадрлайди ва уларга эҳтиёж сезади. Муълумот диплом билан эмас ҳақиқий билим билан баҳоланадиган давр келди.

Ҳарбий-сиёсий вазият билан боғлиқ хатарларни баҳолаш, уларни бартараф қилиш айниқса лойиҳага чет эл инвестициясини жалб қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки чет эллик инвестор сиёсий барқарор бўлмаган мамлакатга ўз мулкини шунчаки ташлаб кетгиси келмайди. У ҳар бир сўм қўйган инвестициясидан катта фойда олишни кўзда тутиб иш кўради. Кўзланган фойдага эса тинч ва осойишта мамлакатдагина эришиш мумкин.

Мазкур гуруҳ хатарларга:

* мамлакат жойлашган худуднинг (масалан Ўзбекистон учун Марказий Осиёнинг) тинчлиги;
* мамлакатда олиб борилаётган ҳарбий старатегик сиёсат;
* божхона сиёсати;
* солиқ сиёсати;
* миллий валютанинг ташқи ва ички конвертацияси;
* иқтисодий ва молиявий беқарорлик;
* қонунчилик сиёсати;
* бюджетнинг тахчиллиги;
* суғурта сиёсати;
* ижтимоий сиёсат;
* мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати;
* хом ашё, меҳнат ва бошқа моддий ресурсларга бой ва ночорлик кабилар билан боғлиқ хатарлар киради. Бу хатарларни бартараф қилиш асосан давлат зиммасидадир.

Иқтисодий вазият ва ижтимоий аҳвол билан боғлиқ хатарлар бевосита ҳарбий-сиёсий вазиятда пайдо бўладиган хатарларга боғлиқ. Бундай хатарлар жумласига яна:

* мамлакатдаги аҳолининг камбағаллик даражаси;
* мамлакат аҳолисининг саводхонлик даражаси;
* аҳолининг қонунни билиши, шу соҳа бўйича саводхонлиги ва маданияти;
* иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ёки беқарорлиги;
* нархнинг ўзгариши, инфляция даражаси;
* эҳтиёжга нисбатан иш ҳаққининг миқдори;
* иш кучининг баҳоси кабилар киради.

Ушбу гуруҳ хатарлари келтирилган рўйхат билан чекланиб қолмайди. Жамиятнинг янгиланиши,иқтисодий вазиятларни кескин ўзгартириб, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириб бормоқда. Шу аснода иқтисодиётнинг хатарлик ва хатарсизлик даражаси, унинг шакли ва мазмуни ҳам тез ўзгариб турмоқда. Шу туфайли

таҳлил пайтида аниқ лойиҳадан, аниқ худуд ва аниқ иқтисодий вазиятдан келиб чиқмоқ лозим.

Ўзига хос объектив вазият билан боғлиқ хатарларни ҳам баҳолаш, уларни ўрганиш ва олдини олиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим. Ўзига хос хатарлар одатда кам учрайдиган ходиса ва жараёнларда намоён бўлади. Масалан, атом электр станциясини қуриш ва ундан фойдаланишда рўй бериши мумкин бўлган хатарни олиш мумкин. Агар атом атмосферани булғайдиган бўлса бу инсониятга катта зарур. Бунинг зарурини иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчаш қийин ва ўта мушкулдир.

Бундай хатарлар таркибига:

* ҳалокатнинг рўй бериши;
* қаттиқ ер қимирлаши;
* сув тошқини;
* шамол таъсири кабилар кириши мумкин.

Ушбу хатарлар мазмун ва моҳияти жиҳатидан ўзига хос ва кутилмаганда рўй берадиган ва катта зарар келтирадиган хатарлардир. Уларнинг олдини олиш чоралари албатта кўрилмоқда. Аммо кўриладиган чоралар бошқа гуруҳдаги сингари хатарларни бартараф қилишга эмас, балки шундай хатар рўй берса сарф-харажатларни мумкин қадар камайтириш йўлларини ишлаб чиқишга қаратилмоғи лозим. Зеро мазкур ўзига хос хатарларнинг бўлиши мумкин. Аммо бу инсон идроки ва кучига буйсинмайдиган табиатда содир бўладиган жараёнлар билан боғлиқ хатарлардир.

Бу таҳлил қилган хатарлар лойиҳани амалга оширишда содир бўладиган хатарларнинг ҳаммаси эмас, албатта. Чунки аниқ лойиҳа, унинг соҳаси, жойланиш худудига қараб хатарларнинг ҳам сони, гуруҳи ўзгариши мумкин. Ушбу келтирилган хатарлар ўқувчини маълум мақсад сари йўналтиришга қаратилган.

«Инвестиция лойиҳаларида қалтислик таҳлили» мавзуси бўйича ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Қалтислик таҳлили тушунчаси
- Ликвидлик хавфи
- Бозор хавфи
- Экспертлар баҳоси
- Фикрлар ҳужуми
- Мулкдорлар ва уларнинг турли мақсадлари
- Дисперсия ва квадратик четланишлар

- Таваккал хавфини босқичма-босқич ўрганиш
- Лойиҳа таҳлилида қўлланиладиган қалтисликлар

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Инвестиция фаолияти тўғрисида» Солиқ тўловчининг журнали. № 2. 1999.
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Чет эллик инвесторлари хуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» Солиқ тўловчининг журнали. № 9. 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». Солиқлар ва божхона хабарлари, 2005 йил 18 апрел.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» - Т.: Ўзбекистон. 1995.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли». Ўзбекистон. 1992.
6. КаримовИ.А. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат»- Т.: Ўзбекистон. 1992.
7. КаримовИ.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари»- Т.: Ўзбекистон. 1997.
8. КаримовИ.А. «Келажак фақат жасур кишиларга берилган». Халқ сўзи, 17.02.1999.
9. КаримовИ.А. «Иқтисодиётни либерлаштириш ва чуқурлаштириш бизнинг бош вазифамиз». Халқ сўзи. 17.02.1999.
10. Абдукаримов И.Т. Молиявий хисоботни укиш ва тахлил килиш йуллари. - Т.: “Иктисодий ва хукук дунёси”. Нашр уйи, - 1998 ва 1999 йилларда чоп этилган I ва II чиқарилиши.
11. Абдиев А.А. Корхона иш фаоллиги таҳлили (Маъруза матни). – Самарқанд, СамКИ, 1998.
12. Вахобов А.В., Иброхимов А.Т., Ишонқулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. Т., «Шарқ», 2005.
13. Волков И.М., Грачева М.В. Провектный анализ: Учебник для вузов. – М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1998 – 423 бет.
14. Гулямов С.С. «Проектный анализ инвестиций» - Т.: ТГЭУ. 1997.
15. Ишмуҳаммедов А.Э., Ахмедов Д.К. «Лойиҳалар таҳлили ва бошқариш» Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 1998 – 59 бет.
16. Ишмухаммедов А.Э. ва бошқалар . «Лойиҳа таҳлили» (ўқув қўлланма) Т.: 2004. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти.
17. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари, - Шарқ, 1996.
18. Пардаев М.К.Инвестиция лойиҳасининг молиявий таҳлили. (Маъруза матни) Самарканд. СамКИ, 2000.
19. Пардаев М.К. Лойиҳа таҳлилининг мазмуни, предмети, метод ива усуллари (Маъруза матни материаллари). – Самарқанд, СамКИ, 1999. – 18 бет.
20. Пардаев М.К, Мухаммадиев М.Д. Корхоналар молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. (Маъруза матни). Самарқанд, СамКИ-2000.
21. Пардаев М.К, Шодиева Г.М. Лойиҳа таҳлилида оила мулки. (Маъруза матни). Самарканд, СамКИ, 1999 . -40 бет.
22. Пардаев М.К., Шодиева Г.М. Лойиҳа таҳлилида оила даромадини инфляция шароитида баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари. (Маъруза матни). Самарқанд, СамКИ-1999.
23. Пардаев М.К. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил килиш усуллари. (Маъруза матни). Самарқанд, СамКИ-1997. 20 бет.
24. Пардаев М.К. Пул оқимларини дисконтлаштириш ва аннуитетлар. (Маъруза матни). Самарқанд, СамКИ-2000. 22 бет.

25. Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». Нашр уйи. 1999 . 346 бет.
26. Пардаев М.К. Лойиҳа хатарлилигининг таҳлили. (Маъруза матни). Самарқанд, СамКИ-2000. 26 бет.
27. Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлилнинг предмети, метод ива унда қўлланиладиган усуллар. (Маъруза матни). Самарқанд, СамКИ-1999. 43 бет.
28. Пардаев М.К. Абдиев А.А. Лойиҳа таҳлилидан семинарлар ва масалалар тқплами. Самарканд, СамКИ. 2000. 19 бет.
29. Пардаев М.К. Бозор иктисодиёти шароитида корхонада фойда ва рентабеллик таҳлили. Самарканд. СамКИ. 1998.
30. Пардаев М.К. Молиявий таҳлил методологияси (ўқув қўлланма) – Самарканд СамКИ. 1997.
31. Пардаев М.К., Абдиев А.А. Лойиҳанинг иқтисодий таҳлили (Маъруза матни). Самарқанд, СамКИ-2000.
32. Пардаев М.К., Абдиев А.А. Лойиҳанинг турли жиҳатлари таҳлили. (Маъруза матни). Самарқанд, СамКИ-2000.
33. Пардаев М.К. Лойиҳа таҳлили . (Маъруза матни). Самарқанд, СамКИ-2001.
34.Пардаев М.Қ. ва бошқалар. «Бошқарув таҳлили» (ўқув қўлланма) Тошкент «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2005.
35.Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарқанд, «Зарафшон», 2001.
36.Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятии. Учебник., М., «Финансы», 2005.
37.Шагиясов Т. Теория экономического анализа. Учебное пособие. Т., ТМИ босмахонаси. – 2005.
38.Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. М., ИПО МП. – 2002.

МУНДАРИЖА

Кириш ……3
1-МАВЗУ. Лойиҳа таҳлилининг зарурияти, моҳияти ва вазифалари
1.1. Бозор иқтисодиётида лойиҳа таҳлилининг зарурияти……5
1.2. Лойиҳа таҳлилининг моҳияти ва аҳамияти……...8
1.3. Лойиҳа таҳлилининг вазифалари……11

2-МАВЗУ. Лойиҳа таҳлилининг предмети ва методи
2.1. Лойиҳа таҳлилининг предмети ва объекти…….13
2.2. Лойиҳа таҳлилининг методи…….15
2.3. Лойиҳа таҳлилида қўлланиладиган асосий услублар……16
2.4. Лойиҳа таҳлили фанининг бошқа фанлар билан алоқаси……..19

3-МАВЗУ. Инвестицияларнинг моҳияти турлари ва тузилиши
3.1. Инвестицияларнинг моҳияти……25
3.2. Инвестицияларнинг асосий турлари ва тузилиши…….26
3.3. Макроиқтисодий назарияда инвестицияларнинг талқини……28

4-МАВЗУ. Инвестиция сиёсатининг моҳияти ва йўналишлари
4.1. Инвестициялар таҳлилида асосланадиган асосий
иқтисодий концепциялар……32
4.2. Инвестиция сиёсатининг моҳияти……...35
4.3. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш
шакллари ва йўналишлари……..38

5-МАВЗУ. Корхонанинг мувофиқлик коэффициентлари таҳлили
5.1. Мувофиқлик (пропорционаллик) коэффициентини аниқлаш..42
5.2. Корхонанинг зарарсизлик (тенглик) нуқтасини аниқлаш…….43
5.3. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг
фойдалилиги таҳлили……44

6-МАВЗУ. Корхоналар фойдалилик кўрсаткичлари таҳлили
6.1. Корхона даромадлари таркиби…….49
6.2. Ўзгарувчи ва ўзгармас харажатларни аниқлаш……..50
6.3. Корхона бир қанча фаолият билан шуғулланганда
зарарсизлик нуқтасини аниқлаш усули……..51

7-МАВЗУ. Лойиҳа концепцияси таҳлили
7.1. Лойиҳанинг мазмуни ва моҳияти…….54
7.2. Лойиҳаларнинг турлари ва хусусиятлари……...55
7.3. Лойиҳа ҳаёт даврининг асосий босқичлари……55

**8-МАВЗУ. Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва
инвестиция лойиҳаси**
8.1. Лойиҳа таҳлили тузилмаси……..58
8.2. Давлатнинг иқтисодий фаолияти ва инвестициялар…….59

8.3.Лойиҳаларда бошқа иштирокчиларнинг
фаоллигини таъминлаш ……60

9-МАВЗУ. ЛОЙИҲАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БОСҚИЧЛАРИ
9.1. Лойиҳаларни тайёрлаш……62
9.2. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш босқичлари…….62
9.3. Инвестициянинг олди босқичи…….64

10-МАВЗУ. Лойиҳаларни шакллантириш ва инвесторларни топиш
10.1. Лойиҳаларни бирламчи тайёрлаш……..65
10.2. Лойиҳаларнинг охирги шаклланган вариантини тайёрлаш…67
10.3. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш…..70

11-МАВЗУ. Инвестиция лойиҳаларини молиявий иқтисодий баҳолашнинг моҳияти, роли ва усуллари
11.1. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий
баҳолашнинг роли……73
11.2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий
баҳоланишнинг усуллари……74

12-МАВЗУ. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда дисконтлаштириш усули
12.1. Дисконтлаш усулининг моҳияти……..76
12.2. Инвестиция лойиҳаларини молиявий-иқтисодий
баҳолашнинг пул тушумларини дисконтлашга
асосланган услублари……..…79
12.3. Инвестиция лойиҳаларини баҳоланишининг
содда услублари……..84

13-МАВЗУ. Инвестиция лойиҳаларини баҳолашда аннуитет усули
13.1. Аннуитетнинг келгуси қиймати…….89
13.2. Аннуитетнинг жорий қиймати……..91
13.3. Рента қиймати……93

14-МАВЗУ: инвестиция лойиҳалари рақобатбардошлиги ҳақида тушунча
14.1. Рақобатбардошликнинг мазмуни ва шакллари

ҳамда уни таъминлашнинг аҳамияти……96
14.2. Инвестициялар рақобатбардошлигининг ўзига хос хусусиятлари ва уни баҳолашда лойиҳа таҳлилининг вазифалари…….99
14.3. Инвестициялар рақобатбардошлигини таъминлашда иш ҳажми, сифат ва баҳо омилларининг ўзаро боғлиқлиги…..105

15-мавзу. Рақобатбардош инвестиция лойиҳалари таҳлили
15.1. Муқобил инвестициялар таҳлили……109
15.2. Инвестиция лойиҳаларининг амал қилиш муддатларидаги фарқлар таҳлили……..114
15.3. Инвестицияларнинг қопланиши бўйича ўзаро зиддиятли лойиҳалар таҳлили……116

16-МАВЗУ. Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари ва таркиби
16.1. Лойиҳаларни техник таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари……127
16.2. Лойиҳаларни техник таҳлил таркиби……..128
16.3. Лойиҳа компонентлари таҳлили……...130

17-МАВЗУ. Лойиҳаларни жойлаштириш ва амалга ошириш
17.1. Лойиҳаларни жойлаштириш таҳлили…….133
17.2. Лойиҳалардаги харажатлар таҳлили……134
17.3. Лойиҳани амалга ошириш таҳлили…….137

18-МАВЗУ. Лойиҳаларни экологик таҳлил қилишнинг аҳамияти, моҳияти ва вазифалари
18.1. Экологик таҳлилнинг моҳияти……139
18.2. Экологик таҳлилнинг вазифаси……140
18.3. Экология бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш……140

19-МАВЗУ. Лойиҳаларни ижтимоий таҳлил қилишнинг аҳамияти, моҳияти ва таркибий қисмлари
19.1. Ижтимоий таҳлилнинг моҳияти ва таркибий қисмлари……143
19.2. Аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик хусусиятлари…….144
19.3. Лойиҳа ва маҳаллий маданият талаблари……...145

20-МАВЗУ:Лойиҳалардан ижтимоий манфаатдорлик таҳлили
20.1. Лойиҳалардан манфаатдорликни таъминлаш……147
20.2. Лойиҳалардан фойдаланишда Хотин-қизларнинг ўрни……148
20.3. Ижтимоий таҳлилда мутахассислар масаласи……149

21-МАВЗУ. Лойиҳаларни институтционал таҳлил қилишнинг моҳияти ва вазифалари
21.1. Институтционал таҳлилнинг моҳияти ва мақсадлари……..151
21.2. Институтционал таҳлил тузулмаси…….154
21.3. Лойиҳаларнинг инвестициялардан кейинги босқичига эътиборсизлик……155

22-МАВЗУ. Институтционал таҳлилни таъсир қилувчи омиллар
22.1. Лойиҳа иштирокчилари фаолиятидаги муаммолар таҳлили.157
22.2. Сиёсий омиллар таъсири таҳлили……158
22.3. Мувофиқлаштириш ва бошқарув омиллар таъсири таҳлили…….160

23-МАВЗУ. Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлил қилишнинг моҳияти ва турлари
23.1. Молиявий таҳлилнинг моҳияти……162
23.2. Молиявий рентабеллик таҳлили……...164
23.3. Молиялаштиришга эҳтиёж таҳлили…….166

24-МАВЗУ. Инвестиция лойиҳасини молиявий таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими
24.1. Лойиҳани эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий таҳлили……..…….168
24.2. Лойиҳаларнинг молиявий таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар……173

24.3. Лойиҳанинг молиявий самарадорлигини фойда баланси ёрдамида аниқлашнинг оддий усули…..……190

25-МАВЗУ. Инвестиция лойиҳасини иқтисодий таҳлил қилишнинг моҳияти ва вазифалари
25.1. Инвестиция лойиҳасини иқтисодий таҳлил қилишнинг моҳияти ва мақсади…….192

25.2. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари. Лойиҳанинг
мақсадларини ва таҳлил чизмасини аниқлаш……195
25.3. Инвестициянинг бозор ва муқобил баҳоси……196

26-МАВЗУ. Инвестиция лойиҳасининг иқтисодий таҳлилида манфаатлар ва харажатларни аниқлаш
26.1. Инвестициянинг фоизи ва унинг капиталлашганлиги……...199
26.2. Инвестиция ва ташқи савдо……..201
26.3. Инвестиция лойиҳаси иқтисодий таҳлилида
манфаатлар ва харажатларни ўлчаш услублари……204

27-МАВЗУ. Инвестиция лойиҳаларида қалтислик таҳлили
27.1. Таваккал хавфи тушунчаси……...208
27.2. Инвестицияларда таваккал хавфи даражаси……...209
27.3. Хавфларни аниқлаш усуллари……213
27.4.Лойиҳа таҳлилида қўлланиладиган хавфлар
тизими ва уларнинг таснифи……217

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати……226

Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти
Институт босмахонаси,
Шохрух кўчаси, 60

Буюртма № 258
Ҳажми 14,5 б.т.
Адади 100 нусха